**КАРИМОВ ФАРХОД ЭРКИНОВИЧ**

# ЯҚИН ШАРҚДА ЭТНИК КУРДЛАР МУАММОСИ

*монография*

“LESSON PRESS” нашриёти

ТОШКЕНТ –2020

**УДК: 94(55+560+567+569.1)**
**ББК: 66.5(5курд)**

А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг Илмий кенгашида тасдиқланган

**Масъул муҳаррир:**

сиёсий фанлар доктори, профессор С.Т.Саидолимов

**Тақризчилар:**

сиёсий фанлар доктори, профессор Ш.И.Пахрутдинов

сиёсий фанлар доктори, доцент М.Муҳаммадсидиқов

**Каримов Ф.Э.** Яқин Шарқда этник курдлар муаммоси: Монография. – Т.: “LESSON PRESS” МЧЖ нашриёти; А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ, 2020. – 223 б.

*Ушбу монография ҳозирги замоннинг энг долзарб масалаларидан бўлган этносиёсий муаммолар ва минтақавий хавфсизлик масалаларига бағишланган. Монографияда Яқин Шарқ минтақасидаги этник гуруҳлар ва этник омилнинг минтақа давлатлари сиёсий тизимида тутган ўрни, уларнинг шаклланишига оид асосий назарий қарашлар ҳамда этник идентификация тушунчаси ва унинг турлича талқин қилиниши, этник муносабатларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири ўрганилади.*

*Шунингдек, тадқиқотда Яқин Шарқнинг минтақавий барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда Курдлар муаммоси, уларнинг минтақадаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки ҳамда минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатларда Курд омилининг аҳамияти, шу билан бирга, Яқин Шарқ давлатларининг ушбу масалаларга нисбатан муносабатлари, мазкур масалада ташқи куч омили ҳам кўриб чиқилган.*

ISBN: 978-9943-6963-2-7

© Фарход Каримов, 2020
© “LESSON PRESS” МЧЖ нашриёти, 2020
© А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ, 2020

## МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ ........................................................................................................ 4

1-БОБ. ЭТНИК МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ............................................................... 7

1-§. Этник муаммо: тушунча ва тамойиллар ............................................... 7

2-§. Этник муаммоларни ўрганишга оид назарий қараш ва концептуал ёндашувлар ................................................................................................ 25

3-§. Этник муаммоларни ҳал этишнинг тарихий-ҳуқуқий асослари ҳамда сиёсий механизмлари ........................................................................... 43

2-БОБ. ЯҚИН ШАРҚ МИНТАҚАСИДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ЭТНИК МУАММОЛАР ................................................ 64

1-§. Яқин Шарқ минтақаси давлатларидаги этно-сиёсий муаммоларнинг ўзига хос хусусиятлари ........................................................................ 64

2-§. Яқин Шарқда этник курдлар муаммосининг келиб чиқиш тарихи ва эволюцияси ................................................................................................ 87

3-§. Туркия, Эрон, Сурия ва Эрон давлатларидаги этник курдларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири .................................................. 108

3-БОБ. ЭТНИК КУРДЛАР МУАММОСИНИНГ ГЕОСИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ ВА МИНТАҚА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ ..................................... 135

1-§. Яқин Шарқдаги геосиёсий жараёнлар ва улар билан боғлиқ этносиёсий муаммолар .......................................................................................... 135

2-§. Минтақа геосиёсий жараёнлари контекстида курдлар муаммоси ........ 159

3-§. Курдлар муаммосини ҳал қилишда минтақа давлатларининг ҳамкорлиги ........................................................................................................ 183

ХУЛОСА ........................................................................................................ 206

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ...................................... 211

# СЎЗ БОШИ

Ўтган асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида жаҳонда юз берган сиёсий, иқтисодий-молиявий, ғоявий-мафкуравий жараёнлар халқаро муносабатларнинг жддий трансформациясига олиб келди ва давлатларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлари ўз таъсирини кўрсатди. Глобаллашув шароитида дунёнинг бир минтақасида содир бўлаётган турли сиёсий қарама-қаршиликлар, молиявий-иқтисодий инқироз ва қуролли тўқнашувлар эса бошқа ҳудудлар жуда тез тарқалди. Натижада миллий, этник, диний, ҳудудий, сиёсий ва ҳарбий аҳамият касб этган можароларнинг сони ортиб, минтақавий хавфсизлик ва барқаорликка таҳдидлар кучаймоқда.

Собиқ Совет Иттифоқининг парчаланишидан сўнг “Совуқ уруш” дея ном олган глобал таҳдид бартараф этилишига қарамай, бугунги кунда жаҳоннинг турли ҳудудларида локал аҳамият касб этган минтақавий можароларнинг сони ва турлари ҳамда кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Устига-устак замонавий халқаро муносабатлар тизимида кечаётган глобаллашув тенденцияси оқибатида мазкур хавф-хатарлар глобал аҳамият касб этиб бормоқда. Миллий чегараларнинг йўқолиши, давлатлар ҳамкорлигининг кучайиши ҳамда миграция жараёнлари борган сари ривожланиши ҳар бир давлат ҳамда минтақа учун долзарб масалага айланди. Зеро, бугунги кунда минтақавий можароларнинг келиб чиқиш сабаблари ва асосий омиллари орасида миллий-этник муносабатларнинг аҳамияти борган сари ортиб бормоқда. Европа қитъаси, Евроосиё минтақаси, жумладан, МДҲ давлатлари ҳамда Яқин Шарқ ва Африка минтақасида кечаётган бугунги қалтис геосиёсий вазиятда этник муносабатларнинг кескинлашуви, минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигига таъсирини ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Мазкур вазиятда этник муносабатлар баъзан этник-диний, баъзан эса этник-сиёсий ва этно-ҳудудий аҳамият касб этмоқда. Бу эса, Яқин Шарқ минтақаси давлатларидаги этносиёсий ва этноижтимоий

муносабатларни чуқур таҳлил этишни, этник муаммоларни тартибга солишнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларини ўрганишни талаб этаётган бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шундай муаммолардан бири ҳисобланган курдлар масаласи дунёдаги кўплаб ечимини топмаган мураккаб масалалардан ҳисобланади. Баъзи адабиётларда бу Яқин Шарқ можароси номини олган бўлса, баъзи адабиётларда моҳиятан жамиятлар ўртасидаги муаммо деб номланмоқда. Ушбу масала Яқин Шарқ давлатларининг этносиёсий муносабатларини тўғри йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эгадир. Курдлар муаммоси Араб–Исроил қарама-қаршилиги каби чуқур ўрганилмаган бўлса-да, Яқин Шарқдаги узоқ вақтдан бери ҳал этилмаган этник муаммо бўлиб қолмоқда.

Курдлар Яқин Шарқдаги қадимий халқ бўлиб, дунёдаги ўз мустақил давлатига эга бўлмаган, сон жиҳатдан энг катта миллат ҳисобланади. Яқин Шарқда курд муаммоси минтақа тараққиётини белгилашда ҳам, таназзулга учрашида ҳам ўта муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам мазкур муаммо дунё сиёсатшунос олимларининг тадқиқот объекти сифатида атрофлича ўрганилмоқда. Унинг ўзига хос хусусиятлари ва йўналишлари бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шубҳасиз, бу ҳудуддаги ҳар қандай ижтимоий-сиёсий жараён Яқин Шарқ давлатлари, айниқса, Туркия, Эрон, Ироқ ва Сурия давлатлари учун ўта муҳим масала ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, курд муаммоси минтақадаги сиёсий вазиятга таъсири ва минтақа давлатлари хавфсизлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этишини англатади.

Шу нуқтаи назардан, беқарорлик ўчоғи ҳисобланган Яқин Шарқдаги этносиёсий муаммоларни чуқур таҳлил этиш, минтақа давлатларидаги этносиёсий муносабатларни тартибга солишнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларини тадқиқ этиш масаласи ушбу монография мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Мазкур монография республика олий ўқув юртларида жаҳон сиёсати, конфликтология, халқаро муносабатлар каби фанлар бўйича таҳсил олаётган талабалар ва тадқиқотчилар ҳамда соҳа мутахассислари учун қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари, шунингдек,, унинг хулосалари этносиёсий муаммоларнинг минтақавий ва халқаро хавфсизликка таъсирини комплекс назарий тадқиқ этишда ҳамда Яқин Шарқ минтақасидаги мураккаб этносиёсий муносабатларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

**С.Т.Саидолимов сиёсий фанлар доктори, профессор**

# 1-БОБ. ЭТНИК МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

## 1-§. Этник муаммо: тушунча ва тамойиллар

Сўнги пайтларда дунё давлатларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида қарама-қаршилик ва кузатилаётган кескинликлар ўз навбатида, этник масалани янада долзарб даражага кўтармоқда. Бир тарафдан миграцион жараёнлар ортидан халқлар орасида дифференция ва интеграция жараёнлари кучайиб кетаётган бўлса, бошқа бир тарафдан миллатлар ўртасида ўзаро кескинлик ҳолатлари ҳам ортиб бормоқда. Бу нафақат демократик институтлар яхши ривожланмаган давлатларда, балки ривожланган давлатларда ҳам кузатилмоқда ва баъзи ҳолатларда улар можаро даражасига етмоқда.

Шу боис, этник муаммо тушунчаси ва унинг келиб чиқиш сабаблари, кўриниши ва тамойиллари алоҳида ва атрофлича кўриб чиқишни тақозо этади. Аввало шуни таъкидлаб ўтиш керакки, этник муаммо турли этник гуруҳларнинг ўзаро муносабатларидаги сиёсий, ижтимоий ёки ҳуқуқий мувозанатнинг бузилишидан келиб чиқади. Бу жараёнда, этник ўзликни англаш масаласи алоҳида ўрин тутади.

Маълумки, ўзликни англаш кунлик ҳаётда бир қанча қулайликлар яратади. Яъни, шахснинг ўзлигини билиши, нимани ўйлаши, нимани бажаришни билишини ва ҳ.з. Бошқаларнинг ким эканини билиш эса уларнинг ўй-хаёллари ва хатти-ҳаракатларини тахмин қилишни қулайлаштиради. Инсоннинг ким эканига оид билимлар инсонлар ўртасида ўзаро муносабатларни тартибга солишни. Ўз навбатида, жамият ҳам инсонларга шахсиятини (ўзлигини) танитади.[1] Масалан, бир кишининг “мен

[1] Hogg Michael A. and Vaughan Graham M., Social Psychology. Pearson 7 edit. London, 2013.

ўзбекман”, “мен ўзбекистонликман”, “мен врачман” дейиши, унинг кимлигини, қайси маданият ва маслак соҳиби эканини билдириши билан бирга, бир жамоага мансублигини ҳам билдиради. Шундай экан, шахс идентитети (ўзига хослиги) жамоавий кўринишдагина мавжуд бўла олади.

Жамоавий идентификацияни (ким эканини ва ўзига хослигини билиш, англашни) билдирувчи биринчи даражали белгилар: тил, дин, маданият, урф-одатлар, ватан, тарихий воқеалар ва кунлик жараёнлар ҳамда келажакка бўлган умидлар асосида шаклланади ва ривожланади. Тадқиқотчи Финний таъкидлаганидек, “Маълум бир вақтда шахснинг этник ўзига хослигини ифода этувчи элементлар билан боғлиқ компонентлар айни пайтда, шахснинг ўзининг идентификациялашувидир”.[1] Бу, айниқса, жамиятда камчиликни ташкил этувчи этносларда сезиларли бўлиб, улар жамоавий идентификациясини ҳимоя қилишда ҳиссиётга кўпроқ мойил бўлади. Чунки, уларда учун жамиятга оидлик ва фарқлилик тушунчалари жуда юқори ривожланган бўлади.

Этник хилма-хиллик ва мансублик масаласи бутун дунё давлатлари ва жамиятларга хос туйғудир. Лекин уларнинг ҳаммасида ҳам этник муаммо мавжуд эмас. Табиий савол туғилади: қайси ҳолатларда этник муаммо юзага келади? Албатта, ҳар бир давлат ва жамиятда этник муаммо келиб чиқишининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, географик ва бошқа турли-туман ўзига хос жиҳатлари борлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Шундай бўлса-да, бу борада, умумқабул қилинган назарий ва амалий ёндашувлар деярли этник муаммо мавжуд бўлган барча давлат ва жамиятлар учун мос келади.

Этник муаммо этник ўзига хосликни тўлдирувчи ёки билдирувчи омиллардан биридир. Шу боис, сиёсатшунослик ва социология фанларида этник муаммо этник ўзига хосликни ўрганиш тамойиллари билан боғлиқ

---

[1] Phinney, J. Ethnic identity in adolescents and adults: A review of research. Psychological Bulletin, № 108, 1990. – pp. 499–514.

ҳолда тадқиқ этилади.Бугунги кунда этник муаммони ўрганувчи учта асосий тамойил ва ёндашув шаклланган бўлиб, улардан биринчиси “бошланғич (primordialism) назарияси”. Бу назария этник боғлиқликларнинг табиий шаклланган ва тарихан (primordial) мавжудлигини илгари сурган ҳолда этник муаммони табиий ҳолат эканини қайд этади. Унга қарши бошқа икки назарий ёндашувлар “инструментал” (instrumentalism) ва “конструктив” (constructivism) назариялар эса ирқчилик бўйича баҳс юритган ҳолда, унинг табиий шаклланувчи хусусият эмаслигини, балки субъектлар таъсирида юзага келишини илгари суради. Қуйида бу назарияларга алоҳида ва атрофлича тўхталиб ўтамиз.

**1. Primordialism назарияси**

Праймордиал тушунчаси дастлаб фанга америкалик олим Эдуард Шиллс (Edward Shills) томонидан киритилган. У иккинчи жаҳон урушида асирга тушган аскарлар устида тадқиқот ўтказиб, аскарларнинг бир-бирига бўлган яқин муносабатларини, бир-бирини ҳимоя қилиш ҳолатларининг кузатуви натижасида улардаги праймордиал алоқаларини аниқлайди. Олим аскарлар орасида бир-бирига бўлган ҳис-туйғунинг кучли эканига урғу беради. Немис олими Дуркхайм (Durkheim) ўз пайтида жамиятдаги hard core ҳақида фикр юритган эди. Дуркхаймнинг фикрига кўра, модернизация жараёнлари механик бирдамлик ва жамоат структурасини йўқ қилган бўлса-да, жамиятнинг ядросини ташкил этувчи асосий элемент (hard core) мавжудлигини йўқота олмаган. Бу фикрлар кейинчалик Клиффорд Гирц (Clifford Geertz) томонидан такомиллаштирилди ва ривожлантирилди. Гирц этник гуруҳ ва миллатларнинг табиий шаклланиши ва ривожланишига эътибор бериб, этник ва миллий бирдамликнинг кучлилигига қараб, унинг ҳаёт фаолиятини очиб беришга ҳаракат қилади. Гирц: “Бир тилда сўзлашувчи давлатларнинг нега барқарор ва кўп тилларда гаплашувчи давлатларнинг нима учун беқарор экани аниқдир. Чунки, давлат умумий туйғу асосида барпо этилади. Бу туйғу иқтисодий можароларни ёки ижтимоий тенгсизлик

даражасини енгиб ўтиб, инсонларни кучли бир шаклда бир-бирига боғлайди. Мазкур туйғунинг мавжудлиги эса барқарор ва демократик давлатнинг асосидир”, деб таъкидлаб ўтганди.[1]

Праймордиализм ирқчилик ва миллатчиликнинг мавжудлигини қўллаб-қувватлаган ҳолда этник идентификацияни тарихий ва ижтимоий шарт-шароитлардан мустақил борлиқ эканини, иқтисодий ва институционал тартиблар бу борлиқни йўқ қила олмаслигини ва шахсларнинг сиёсий хатти-ҳаракатларида қабилавий боғлиқликларнинг муҳим роль ўйнашини илгари суради.[2] Бу назария иккига, яъни, этник гуруҳларни маданият, анъана, тил, дин, тарих каби ўзига хос унсурларни шакллантирган ва қон боғлиқликни биринчи даражали деб ҳисоблайдиган маданий (*культурал) қараш* ҳамда генетик ўзига хосликни олдинги қаторга чиқариб, этникчиликни жамоавий русурсларни қўлга киритиш рақобатида қариндошлик алоқаларига (*nepotizm*) аҳамият қаратадиган *социо-биологик қарашларга* бўлинади.

Праймордиалистларга кўра, этник гуруҳлар тарихан шаклланган жамоавий бирлашмалардир ва унинг мавжудлиги бошқа омиллар (иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, тарихий, географик ва бошқа) билан изоҳланмайди. Этник идентификациянинг бу каби редуктив изоҳланиши шахсларнинг биологик эҳтиёж ва имтиёзларга асосланган эволюцион назариянинг “ўз насабини давом эттириш” ва “ўзига яқинларни қўллаб-қувватлаш ва фаворитизм” тамойилларига асосланишини кўрсатади.[3] Шундай қилиб, этник гуруҳга тегишлилик ўзгармас бўлиб, авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.[4] Ўз навбатида, улар этник хилма-хиллик чуқур илдиз отган ва муросага бормайдиган мерос сифатида қабул қилинади[5] ва бу этник

---

[1] Geertz Clifford, The Interpretation of Cultures. New York: Basic Books, 1973. – P. 260.
[2] Geertz Clifford, Interpretation of Cultures. New York: Basic Books, 1973; Walker Connor, Ethno-nationalism. Princeton: Princeton University Press, 1994; Steven Grosby, “The verdict of history: The inexpungable tie of primordiality – a response to Eller and Coughlan”, Ethnic and Racial Studies, vol. 17, No2, 1994. - P. 164-171.
[3] Pierre van den Berghe, “Does race matter?”, Nations and Nationalism, vol. 1, No3, 1995. – pp. 359-368.
[4] Chandra K. (ed.) Constructivist Theories of Ethnic Conflict. Oxford: Oxford University Press, 2012.
[5] Esteban Joan, Laura Mayoral and Debraj Ray. “Ethnicity and Conflict: An Empirical Study”, American Economic Review, 102(4), 2012. – pp. 1310-1342.

можароларни ҳам этник гуруҳлар орасидаги “тарихий адоватлари” билан боғлиқ табиий ва муқаррар эканини илгари суради.[1]

Праймордиализм аксарият этник низолар миллатлар устидан ҳукмронлик қилиш, уларни ўз ерларидан қувиб чиқариш ва ҳатто уларнинг йўқ бўлиб кетиши хавфидан пайдо бўлишини илгари суради.[2] Бу содир этиладиган зўравонликларни қўзғатувчи ҳис-туйғуга боғлиқ провокатив ҳаракатлар натижасида кескин можаролар юзага келади. Руанда, Конго Демократик Республикаси ва Собиқ Югославияда содир бўлган, тасаввур қилиб бўлмайдиган зўрлаш, геноцид, оммавий кўчириш, калтаклаш ва ваҳшийларча ўлдириш ҳолатларини қўрқув, нафрат ва ташвиш ҳисси туфайли кучли ҳиссиётга асосланган эмоционал хатти-ҳаракатлар сифатида тавсифлаш мумкин.[3]

Шу боис, праймордиализм этник алоқаларни ўрганишдаги “ақлдан ташқари”да ва ўзининг “иррационал” қарашлари билан танқидга учрайди. Чунки, праймордиализм генетик жиҳатдан қўзғатилган ваҳший хатти-ҳаракатлар ғоясига таянади[4], умидсизлик манзарасини ва этник зиддиятларни “давом этадиган ва олдини олиб бўлмайдиган” жараён деб ҳисоблайди.[5]

Праймордиализм этник муаммолар келиб чиқишининг структуравий, иқтисодий ва сиёсий жараёнлар билан боғлиқлигини инкор қилади ҳамда этник жиҳатдан гетероген (хилма-хил) жамиятларда этник муаммоларнинг келиб чиқиши муқаррар эканини илгари суради. Албатта, бу ҳаддан ташқари бир ёқлама ёндашув ҳисобланади. Зеро, жуда кўплаб гетероген жамиятларда

---

[1] Weir Naomi, “Primordialism, Constructivism, Instrumentalism in Rwanda”, 2012. http://www.academia.edu/1526597/Primordialism_Constructivism_Instrumentalism_and_Rwanda

[2] Glazer Nathan, “Book Review Understanding Ethnic Conflict: Ethnic Groups in Conflict” Columbia Law Review, 86(2): 1986. – P. 429.

[3] Connor Walker, Ethnonationalism: The Quest for Understanding. Princeton, Princeton University, 1994; Bowman Glen, “Xenophobia, Fantasy and the Nation: The Logic of Ethnic Violence in Former Yugoslavia”, in Victoria Goddard, Josep R. Llobera and Chris Shore, (eds.) The Anthroplogy of Europe: Identity and Boundaries in Conflict. Washington, D.C.: Berg Publishers, 1994. – pp. 143-171.

[4] Campbell David, “Geopolitics and Visuality: Sighting the Darfur Conflict” Political Geography, 26(4), 2007. – P. 363.

[5] Laitin D. and Sunny R. G., “Armenia and Azerbaijan: Thinking a Way out of Karabakh” Middle East Policy, 7(1), 1999. – P. 153.

этник муаммоларнинг кузатилмаганини кўришимиз мумкин. Ҳолм ва Молутси ўз тадқиқотларида Ботсванадаги этник жиҳатдан хилма-хил жамиятда этник гуруҳларни ҳузур ҳаловатда яшаганини қайд этишган.[1] Ботсванадаги тинч этник муносабатларнинг асосларидан бири шундаки, мамлакат конституциясида этник гуруҳларнинг борлиги ва уларнинг ҳуқуқлари кафолатланганлигининг белгилаб қўйилганлигидадир. Бу жуда муҳим масала ҳисобланиб, Яқин Шарқ давлатларида курдлар муаммосининг келиб чиқиши бир жиҳатдан шу камчиликка йўл қўйилгани туфайли содир бўлаётганини таъкидлашимиз мумкин. Масалан, Туркия Республикаси конституциясининг 66-моддасида: "Туркия давлатига фуқаролик орқали боғланган ҳар бир киши туркдир", деб белгилаб қўйилган. [2] Бу, ўз навбатида, бошқа миллатларни, айниқса, кўпчиликни ташкил этадиган курдларнинг конституциявий жиҳатдан ҳақ-ҳуқуқлари йўқлигини билдиради. Бу ҳолат Ироқда 2003 йилгача, Сурия ва Эронда бугунги кунгача мавжудлиги курдларнинг ўзлигини сақлаб қолиш учун радикал ва экстремист йўлларга ўтиб кетишига қайсидир маънода сабабчи бўлмоқда.

Праймордиалистлар зўравонлик авж олиш вақтини ҳисобга олмайди. Масалан, низолар қачон содир бўлади? нега олдинроқ ёки кечроқ эмас? Дарфур можаросида араб-африка этнослари минтақадаги аввалги можаролар пайтида эмас, нима учун 2003 йилда ўзаро қарама-қаршиликка киришди? Генетика бўйича этник келиб чиқишига асосланган ушбу ғоя мазкур саволларга етарлича жавоб бермайди. Бироқ, ушбу камчиликларга қарамай, праймордиализм назарияси этник зиддиятларнинг ҳиссий ҳажмини тушунтиришда фойдали бўлиб, этник гуруҳларнинг эҳтиросга асосланган хатти-ҳаракатлари тўғрисида тассаввур беради. Миллатларнинг кучи унинг

---

[1] Holm J. D. and Molutsi P.P., "State-Society Relations in Botswana: Beginning Liberalization" in G. Hyden and M. Bratton (eds.) Governance and Politics in Africa Boulder and London: Lynne Rienner, 1992. – pp. 75-95.
[2] Türkiye Cumhuriyeti Anayasası 18/10/1982. https://www.mevzuat.gov.tr/MevzuatMetin/1.5.2709.pdf

эҳтирос ва садоқатни уйғотишга қодирлигидадир.[1] Акс ҳолда куч ишлатиладиган тўқнашувларга сабаб бўлади.

Умуман олганда, праймордиализм таълимотида этник муаммолар асосан икки маънода қўлланилади. Биринчидан, этник ўзига хослик бир биологик омил сифатида қабул қилинса[2], этник можаролар инсон табиатига хос экани эътироф этилади. Иккинчидан, этник ўзига хослик қариндошлик, оила, тил ва дин каби "ижтимоий омиллар"га урғу берилса[3], этник можаро фақат ушбу қадриятларга таҳдид бўлгандагина ўртага чиқади. Бу хилдаги праймордиалистик қарашларда этник можаролар этник гуруҳларнинг назоратидан ташқаридаги омиллардан келиб чиқадиган "этник туйғулар" билан боғлиқликда ўртага чиқиши таъкидланади.

Бу туйғулар фавқулодда эҳтиёжларга муносабат сифатида эмас, балки қондошлик ва тарихий хотиралар каби "бошланғич боғлари" кўриниши сифатида тушунилади. Бошқача айтганда, Праймордиал назарияга кўра, этник реакциялар бир этник гуруҳнинг нафратидан келиб чиқса-да, бунинг сабаблари биологик, тарихий, ўзгармайдиган ва мустаҳкам элементларнинг тўпламидир.

**2. Instrumentalism назарияси**

Инструментализм (воситачилик) назарияси Праймордиализмнинг ирқчилик ва миллатчилик фикрларига қарши ўртага чиқди. Ушбу назария этник тегишлиликни "инсон табиатига хос бўлмаган ва ўта қадрли эмас" деб

---

[1] Cornell S. and Hartman D., Ethnicity and Race: Making Identities in a Changing World. London: Pine Forge Press, 1998. – P. 151.

[2] Этник ўзига хосликни биологик жиҳатдан ўрганган олим Исаакнинг фикрича, этник идентификация инсонга тасодифий шаклда бирор оилада туғилишдан бошланади. Бу этник ўзига хосликнинг базавий омили бўлиши билан бирга, у ўзгармас ва қатъийдир. Чунки, унинг чиқиш нуқтасини инсон назорат қила олмайди. Бу физиологик ўзига хослиги (ранги, бўй-басти, кўзи, сочи ва ҳоказо) билан янада аниқ кўриниб ва ажралиб туради. Шунга кўра, инсон тилини, динини, маданиятини ўзгартириши, бошқа миллатни ва унинг тарихини севиши мумкин, аммо физиологиясини ўзгартиришда қўлидан кўп нарса келмайди. Батафсилроқ қаранг: Isaacs Harold R., Basic Group Identity: The Idols of the Tribe, in *Ethnicity Theory and Experience* ed. Nathan Glazer and Daniel Moynihan, Cambridge, Mass.: Harvard University Press, 1975. – pp. 29-52.

[3] Гирц этник ўзига хосликни тил, дин ва оила каби "ижтимоий омиллар" асосида шаклланишини илгари суради. Унга кўра, инсон ўзлаштирган тили, дини ва оиласи маданиятини ташувчиси ва ҳимоячисига айланади. Geertz Clifford, Primordial Sentiments and Civil Politics in the New States, in Geertz Clifford (ed.), Old Societies and New States, New York: Free Press of Glencoe, 1963. – P. 109.

билади.[1] Агар Праймордиализм этник тегишлиликни этник гуруҳларга боғлиқ бўлмаган табиий омиллар билан тасаввур қилса, интрументализм буни этник гуруҳларга алоқадор ўзгарувчан деб билади. Коэн Абнер этник тегишлиликни сиёсий ва иқтисодий воқеа, этник гуруҳларни эса “манфаат гуруҳлари”, деб изоҳлайди. У этник гуруҳларнинг белгилари бошланишида “сиёсий бўлмаган бирлашув ва фаолиятлар” бўлишига қарамай, кейинчалик иқтисодий ва сиёсий манфаатлар йўлида ижтимоий ҳаракатлари натижасида сиёсийлашгани ғоясини илгари суради.[2] Этник тегишлилик ёки этникчилик иқтисодий ва сиёсий кучнинг катта қисмини олишга интилаётган коалициялар учун стратегик асос сифатида қабул қилинади ва шунинг учун ресурсларни бир неча шахслар ўртасида чеклаш (чегаралаш) воситаси ҳисобланади.[3] Шу боис, этник можаролар ва фуқаролик урушлари этник “туйғулар”дан эмас, балки бирламчи махсулотларни қўлга киритиш мақсадларида юз беради.[4] Шундан келиб чиқиб, инструменталистлар этник можароларнинг асосий сабаби “эски адоватлар” эмас, балки “очкўзлик” эканини илгари суради.

Шундай қилиб, этник зиддиятлар сиёсий раҳбарларнинг (етакчиларнинг) сиёсий ва иқтисодий ютуқларга эришиш мақсадида этник зўравонликни қўзғаш ёки рағбатлантириш бўйича рационал қарорларга, қасддан қилинган манипуляция, шунингдек, ресурсларни иложи борича кўпроқ қўлга киритиш бўйича қабул қилган рационал қарорлари натижасида юзага келади.[5] Шунинг учун этник низолар маълум бир субъектларнинг куч ва хавфсизлик каби кенг

---

[1] Varshney Ashutosh, Ethnicity and Ethnic Conflict, 2009. – P. 282 http://ashutoshvarshney.net/wp-content/files_mf/varshneyethnicityandethnicconflict.pdf

[2] Cohen Abner, Introduction: The Lesson of Ethnicity, in Cohen Abner (ed.), Urban Ethnicity, London: Tavistock Publications, 1974. – pp. xiv-xvii.

[3] Collier Paul, Greed and Grievance in Civil War. March 13, 2002. / https://www.csae.ox.ac.uk/materials/papers/2002-01text.pdf

[4] Collier P., 2002. Ibid.

[5] Chandra K., Why Ethnic Parties Succeed: Patronage and Ethnic Head Counts in India. UK: Cambridge University Press, 2004.

тарқалган манфаатларига хизмат қилувчи (праймордиалистлар илгари сурганидек, табиий эмас) рационал фаолиятларнинг натижасидир.

Ушбу назария этник муаммоларда жамиятдаги элиталар манипуляциясининг ролини тушунтириш билан бирга, нима учун баъзи этник бўлинган жамиятлар зиддиятга бориши ёки низолашмасдан ҳамкорлик қилишни афзал кўриши ҳақида тушунча беради. Этник гуруҳларнинг бундай қарорга келиши уларнинг низодан фойда-зарарининг ҳисоб-китобига боғлиқ, агар ҳамкорликдан кутилганидек фойда бўлмайдиган бўлса, этник низонинг олдини олиш қийин бўлади.[1]

Шунингдек, инструментализм нима учун баъзи одамлар этник низоларда шахсан ўзлари иқрор бўлмасада кўпчиликка эргашиб иштирок этишини ҳам тушунтиради. Р.Ҳардиннинг фикрига кўра, этник сафарбарлик (мобилизациялашуви) мувофиқлаштириш ўйини бўлиб, бу жараёнда бошқаларнинг хатти-ҳаракатлари ва ҳамкорлигини кўриб ҳам этник низоларга қўшилиб кетиши ва бу борада ҳамкорлик қилиши мумкин.[2] Худди шундай, Коллир ва Ҳофлерларнинг таъкидлашича, исёнда қатнашиш учун сарфланадиган харажатлар кам ва талон-торожда ўз улушидан олинадиган фойда жуда катта бўлади.[3] Бу ҳам бир томондан низоларда иштирок этишда “туйғулари”дан эмас, оломоннинг орқасидан кетишни ва ўз навбатида, талон-торожлик орқали ўз нафсини кўзлаш биринчи даражали бўлади. Конго демократик республикаси кўпинча элиталарнинг манипуляцияси, давлат бошқарувнинг муваффақиятсизлиги ва минерал ресурслардан самарасиз фойдаланганлигининг натижаси сифатида тасвирланади.[4] Шунингдек, Қирғизистон жанубида 1990 ва 2010 йиллардаги (Ўш воқеалари) этник

---

[1] Walter Little, “Democratization in Latin America, 1980-95” in David Potter, David Goldblatt, et al. (eds) Democratization United States of America: Blackwell Publishers, 1997.
[2] Hardin R., One For All: The Logic of Group Conflict. Princeton: Princeton University Press, 1995.
[3] Collier P. and Hoeffler A., “On the Economic Causes of Civil War”. Oxford Economic Papers, 50(4), 1998. – pp. 563-573.
[4] Autesserre S., Dangerous tales: Dominant narratives on the Congo and their unintended consequences. African Affairs, Vol. 111, Issue 443, April 2012. – pp. 202–222.

низоларнинг келиб чиқишини давлат бошқарувининг заифлиги, сиёсий ҳокимият ва иқтисодий ресурслар учун кураш натижаси сифатида баҳолаш мумкин. Бу ҳақда Фабио Белафатти шундай ёзади: “Шуниси эътиборга лойиққи, деярли барча (Қирғизистондаги) этник низолар, шу жумладан, 2010 йилдаги низолар праймордиал, яъни, олдини олиб бўлмайдиган этник нафрат туфайли эмас, балки кам сонли ресурслар устидан кучли рақобат ёки маҳаллий сиёсатда этник озчиликларнинг ролидаги келишмовчиликлар туфайли юз берди. Аслида, одатда “этник зўриқиш” деб қараладиган нарса шунчаки давлат ўз фуқароларига хизмат ва ресурсларни етарлича тақдим эта олмаган шароитда этник шаклга эга бўлган гуруҳ рақобатидир”.[1] Ҳақиқатдан, Қирғизистон жанубидаги этник низолар қирғизларнинг у ерда яшовчи этник ўзбекларнинг мол-мулкига бўлган қарашларидан келиб чиққанини таъкидлаш билан бирга, ўша пайтда воқеаларни Россия Федерациясида бўлган ўзбек мигрантларининг қирғиз мигрантларига нисбатан этник нафратини қўзғашига ва оммавий муштлашувига сабаб бўлди. Шу боис, ҳар қандай давлатнинг этник масалалардаги сиёсати ўта ҳушёр ва прагматик бўлиши талаб этилади.

Инструменталистлар ҳам айнан шунга катта эътибор қаратишади. Уларнинг таъкилашича, давлат қурилиши ва реконструкциясида кўпинча элиталар “биз ва улар” айирмачилик синдиромини ўзларида намоён қилади. Бу, одатда, бир этник гуруҳни таҳқирлаш ёки қўрқитиш орқали бошқа бир этник гуруҳнинг садоқатини қозонишга бўлган элиталарнинг интилишидан келиб чиқади.[2] Хусусан, низоларда миллатчилик фикрлари мақсадларига ишонтириш учун тарихдаги шикоят ва душман миллат тушунчаларига иқтибослар бўлади.[3] Шу боис, инструменталистлар этник низолар баъзи

---

[1] Fabio Belafatti, Ethnic tensions in Central Asia: autochthonous and Russian minorities / http://www.geopolitika.lt/?artc=6569 (Маълумот олинган сана: 03.10.2019 й.)

[2] Босния ва Руанда мисолида кўриш учун: Weitsman Patricia A. “The Politics of Identity and Sexual Violence: A Review of Bosnia and Rwanda”. Human Rights Quarterly, 30(3), 2008. – pp. 561-578.

[3] Keen David, Complex Emergencies, Cambridge: Polity Press, 2010. – P. 81.

элиталар ва этник гуруҳлар учун сиёсий восита ва стратегиядан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблашади.

Албатта, инструменталистларнинг фикр-мулоҳазалари мантиқий бўлса-да, етарли эмас. Праймордиалистлар таъкидлаганидек, этник ҳиссиёт бўлмаса этник гуруҳларнинг оммавий иштирокини самарали сафарбар этиш осон иш эмас. Айнан, бу нарсани турли сиёсий кучлар ҳам жуда яхши билишади. Шундан келиб чиқиб, этник ўзига хослик билан боғлиқ ҳис-туйғулар сиёсий кучлар томонидан ишлаб чиқилмайди, балки уни билган ҳолда, ўз мақсадларига эришиш учун унга мурожаат қилишади.[1] Бу сиёсий кучларнинг манипуляция ва моддий фойдаларнинг орқасидан қувиши этник низонинг асосий сабабларидан бири эмаслиги маъносини билдирмайди. Аксинча, сиёсий кучларнинг рационал "қувват тежамкорлиги" стратегиясининг бу мураккаб феноменни бартараф этишга етарли эмаслигини билдиради.[2]

Умуман олганда, инструменталистлар этник низолар этник ўзига хосликни қонунийлаштириши ва ҳаракатга келтириши натижасида юзага келишини илгари сурар экан, бунда этник гуруҳларнинг сиёсий ва иқтисодий манфаатлари таҳликада бўлганда ёки "очкўзликлиги"дан пайдо бўлишини ҳимоя қилади. Чунки, уларнинг фикрига кўра, жамиятда турли этник ва ирқлар, фарқли инсон гуруҳлари иш, бошпана, сиёсий куч ва ижтимоий статус каби нисбатан кам бўлган ресурслар учун бир-бирлари билан рақобат остидалар. Сиёсий ва иқтисодий ресурсларнинг адолатсиз бўлиниши ва табақалашувнинг ортиб кетиши низоларнинг асосий сабабидир. Шу боис, этник ўзига хослик ресурслар устидан рақобатлашишни қонунийлаштириш учун қўлланилади ва шу сабабли ҳалигача восита мақомидадир.

---

[1] Ruane Joseph and Todd Jennifer, "The Roots of Intense Ethnic Conflict May Not infact be Ethnic: Categories, Communities and Path Dependence". European Journal of Sociology, 45(2), 2004. – pp. 1-22.
[2] Fearon James D. "Rationalist Explanations for War". International Organization, 49(3), 1995. – pp. 379-414.

**3. Constructivism назарияси**

XX асрнинг иккинчи ярмидан адабиёт, санъат ва фалсафа соҳасида ўртага чиққан структуравий ёндашув доирасида антропология, социология, сиёсатшунослик ва тарих каби фанларда конструктивизм (иншочилик) назарияси шаклланди. Бу назария бошқа фан соҳалари каби этнология соҳасига ҳам чуқур кириб борди ва ўз ёндашувларини илгари сурди. Конструктивистлар фикрига кўра, этник гуруҳлар бир қатор ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнлар таъсирида ўзгарувчанлик хусусиятига эга бўлади. Шу сабабли бу назария вакиллари этник ўзига хосликни ўзгармаслигини илгари сурган праймордиалист ёндашувига шубҳа билан қарайдилар. Конструктивизм ёндашувини ёқловчилар икки асосий далил таянади: а) Инсонлар бир эмас, турли этник идентификацияга эгадирлар; б) индентификация баъзи сабабларга кўра ўзгариши ва фарқли кўринишга эга бўлиши мумкин. Шахс идентификацияси ўзгараркан, шахсларни танитадиган этник гуруҳлар ва этник демографи ҳам ўзгаради.[1]

Конструктивизм назарияси этник идентификацияни турли йўллар билан, шу жумладан, истило, мустамлака ёки имиграция каби жараёнлар таъсирида шаклланиши мумкин бўлган ижтимоий қурилиш ва ўзгарувчан идентификация сифатида қабул қилади.[2] Уларнинг фикрича, ҳар бир жамиятнинг сиёсий ишбилармонларининг манипуляция қила оладиган тарихан қурилган уста бўлиниш тарихи мавжуддир.[3] Шундан келиб чиқиб, конструктивистлар этник ва миллат масалаларини хаёл маҳсулидан бошқа нарса эмас деб билади. Масалан, Самуэл Хантингтоннинг “Маданиятлар тўқнашуви”, Франсис Фукуяманинг “Тарихнинг тугаши” асарларида этник жиҳатдан изоҳланувчи жамиятлар ҳақида сўз юритилади. Бу борада, айниқса,

---

[1] Chandra Kanchan, “Cummulative Findings in the Study of Ethnic Politics”, APSA-CP, 12(1), 2001. – P. 7.

[2] Wimmer Andreas, “The Making and Unmaking of Ethnic Boundaries: A Multi-level Process Theory”, American Journal of Sociology, 113(4), 2008.

[3] Brass P. R., The Production of Hindu-Muslim Violence in Contemporary India Seattle: University of Washington Press Brass, 2003.

Андерсон миллатларни “Хаёлий жамиятлар” деб номлайди. Унга кўра, миллат деган бир нарса йўқ, балки у модерн даврнинг билим маҳсулидир.[1]

Конструктивистлар индентификацияни ижтимоий тоифа деб қабул қилади ва аъзолик қоидалари, хусусиятлар ёки муайян ҳолатларда кутилган хатти-ҳаракатлар билан ажралиб туришини билдиради. Уларнинг таъкидлашича, бу ижтимоий тоифалар табиий, муқаррар ва ўзгармас эмас. Чунки, бунда ген эмас, балки бирор этник гуруҳга оид бўлган шахсларнинг ижтимоий мунозаралари ички мантиғи идентификацияни шакллантиради.[2]

Конструктивистлар сиёсий ва ижтимоий назорат учун мустамлака ва пост-мустамлака ҳукмрон сиёсий кучларини идентификациясининг тарихий қурилиши ва сақланишига эътибор қаратади. Этник рақобатни қўзғаш ва қўллаб-қувватлашда конструктивистлар учун тил, тарих, рамзлар ва маданиятнинг аҳамияти катта. Шу боис, этник тегишлилик мослашувчан, субъектив ва миллатлараро ўзаро таъсирлар натижасида ўзгаради. Унинг мақсади аниқ мақсадлар учун ижтимоий фарқлиликни кучайтириш ва маҳаллийлаштиришдир. Этник зиддият аниқ тарихий жараёнларнинг ҳосиласидир ва тарихий омиллар этник гуруҳлар орасидаги муносабатларга таъсир қилиб, вақт давомида шаклланган этник идентификациянинг сиёсийлашуви этник низоларга замин яратади.[3] Жумладан, Ҳиндистон-Покистон ўртасидаги Кашмир муаммоси, Озарбайжон ва Арманистон ўртасидаги Тоғли Қорабоғ можароси, Грузиядаги Жанубий Осетия ва Абхазия, бугунги Украинадаги Донбасс ва бошқа шу каби давлатлараро, давлатларнинг ички можаролари айнан конструктивизм ёндашувига мисол бўла олади. Бундай можаролар кўпинча мустамлакачилик сиёсатининг

---

[1] Anderson Benedict, Imagined Communities Reflections on the Origin and Spread of Nationalism. London: Verso, 2006.

[2] Ferejohn John, “Rationality and Interpretation: Parliamentary Elections in Early Stuart England” in K. Renwick Monroe (ed.) The Economic Approach to Politics: A Critical Reassessment of the Theory of Rational Action New York: Harper Collins, 1991. – P. 285.

[3] Weir Naomi, “Primordialism, Constructivism, Instrumentalism in Rwanda”, 2012. http://www.academia.edu/1526597/Primordialism_Constructivism_Instrumentalism_and_Rwanda

қолдиқлари бўлиб, кўплаб давлатларда хусусан собиқ Совет Иттифоқининг ҳам нафақат этник сиёсати, балки давлат қурилишидаги табиий бўлмаган ҳудудий дифференциал сиёсати бугунги кундаги кўплаб этник ва давлатлараро можароларнинг илдизи ҳисобланади. Бу муаммоларда икки қарама-қарши ёндашув бор. Биринчиси, этник гуруҳларнинг ҳудудларга нисбатан тарихий даъвогарлик ҳуқуқи бўлиб, ҳудудлар авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтиши кераклигини илгари суради.[1] Иккинчиси, давлатларнинг ҳудудий яхлитлигини этник идентификацияси билан эмас, сиёсий харитадаги мавжуд де-юре чегаралар билан таъминлаш керак, деб билади. Бу ҳақда Стюарт Кауфман шундай дейди: "Этник можароларда қўлланиладиган энг таҳликали белгилар, тарихда йўқ бўлиб кетган, аммо юз бериши мумкин бўлган аниқ бир ҳудуд устидаги сиёсий ҳокимиятини ҳақли қиладиган афсоналар ва келажакда геноцидни уюштириши мумкин бўлган қўрқувларни юзага чиқарадиган ўтмишдаги ваҳшийлик ҳақидаги афсоналардир".[2] Тадқиқотчи Моника Тофтнинг таъкидлашича, этник урушларнинг асосий ҳал қилувчи омили давлат ва сепаратистик айирмачи этник гуруҳларнинг ҳудудга нисбатан даъволарининг бор-йўқлигига боғлиқ.[3]

Этник гуруҳлар ўзига хос хусусиятга эга бўлса-да, уларда дўстлик ҳис-туйғулари яхши ривожланган бўлади. Чунки этник гуруҳлар доимий дўстона манфаатлар ва индентификациялар яратишга мойил бўлади. Булар тарихий воқеалар, маданий ёдгорликлар, қадриятлар, эътиқодлар, дин, тил ва ягона ҳудуд (ватан) туйғулари бўлиши мумкин. Масалан, Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалаба бугунги МДҲ давлатлари халқларининг

---

[1] Astourian Stephan H. "In Search of the Forefathers: National Identity and the Historiography and Politics of Armenian and Azerbaijani Ethnogenesis" in D. V. Schwartz and R. Panossian (ed.) Nationalism and History: The Politics of Nation Building in Post-Soviet Armenia, Azebaijan and Georgia University of Toronto: Centre for Russian and East European Studies, 1994. – P. 73.
[2] Kaufman Stuart J., Modern Hatreds: The Symbolic Politics of Ethnic War Ithaca, NY: Cornell University Press, 2001. – P. 6.
[3] Toft Monica D., The Geography of Ethnic Violence: Identity, Interests, and the Indivisibility of Territory Princeton: Princeton University Press, 2003.

кўпчилиги учун ҳамдўстлик (бирлаштирувчи) ҳис туйғуси бўлиб ҳисобланади.

Умуман олганда, конструктивистлар миллат, маданият ва этник гуруҳлар каби тушунчаларни модерн даврнинг эссенциал руҳига жуда яқин тушунчалар деб билади. Шу боис, этник идентификация Праймордиалистлар таъкидлаганидек, узоқ илдизга эга эмас, балки модернизм ва постмодернизм ижтимоий билимларининг маҳсулидир. Шу нуқтаи назардан, этник ўзига хосликнинг шаклланиши ва мустаҳкамланишини таъминлайдиган тўрт омил мавжудлигини илгари суради: 1. Этник ўзига хослик оммавий саводхонликнинг ошиши билан мустаҳкамланади. 2. Этник ўзига хосликлар бошқа этник гуруҳлар билан зиддиятли тўқнашувда кучаяди. 3. Муҳожир бўлмаган жамиятларнинг этник ўзига хослиги муҳожирлашган жамиятларга қараганда барқарор бўлади. 4. Этник ўзига хосликлар камдан кам бўлса-да, янги идентификацияларни ўзлаштиради. Бу охирги ҳаракат кўпинча мўътадиллашувга қаратилади ва мақсади тинчликни қўллаб-кувватлашдан иборатдир.[1]

Юқоридагиларни таҳлилидан маълум бўлдики, этник ўзига хослик жамиятда саводхонликни юксалиши билан мутаҳкамланади. Зеро, саводли инсон саводсиз инсонга нисбатан этник идентификация жараёнида мустақил фикрига эга бўлган қатъиятли шахс бўлади. Шунинг учун ҳам, саводли ва билимли инсонлар этник ўзига хосликни шакллантиришда асосий ролни ўйнайди. Иккинчидан, этник зиддиятлар этносларнинг хотирасидаги миллатчилик туйғуларини ҳаракатга келтиради ва уни кучайтиради. Уларни биргаликда курашга ва омма манфаати учун фидокорликка даъват этади. Ва ниҳоят, эзилган халқларни ҳимоялаш ва қутқаришда ғолибликни қўлга киритиш ва уларда кучли бир бирлик туйғусини шакллантиради.[2]

---

[1] Van Evera Stephen, “Primordialism Lives!”, APSA-CP: Newsletter of the Organized Section in Comparative Politics of the American Political Science Association, Vol. 12, No.1, 2001. – P. 20.
[2] Van Evera Stephen, ўша жойда.

Учинчидан, замонавий даврда миграцион жараёнлар этник ўзига хосликка ҳар томонлама таъсир этмоқда. Имиграция жараёнларида кам иштирок этаётган этник гуруҳларда ўзига хослик нисбатан кучлидир. Чунки имиграция жараёнларида фаол иштирок этаётган жамиятларда бошқа этник гуруҳларнинг тили, маданияти ва анъаналарига ассимиляция бўлиши тез-тез учраб туради. Тўртинчидан, этник индентификация вақт ўтиши билан маълум бир даражад мўътадиллашиши мумкин. Масалан, немис миллатчилигини 1945 йилдан бери ўзининг радикал ва гегомоник сифатини йўқотиб, мўхтадиллашди. Немислар бир пайтлар қўшниларини таҳликада ушлаб, паст эътиборда кўрарди ва улар устидан ҳукмрон бўлиш ғоясини илгари сурарди. Бугун бу қарашларининг ўрнига ҳукмронликни тарғиб қилмайдиган илмли (мўътадил) тарафларини шакллантириб, умумевропа қадриятлари ва идентификациясини ривожлантирмоқда.[1]

Хулоса қилиб айтганда, конструктивизм назариясининг кучли тарафи этник можароларнинг дастлабки (праймордиал) сабаблари билан бирга, бевосита таъсир қилувчи, субъектларнинг ролини, тарихий жараёнлар ва атроф-муҳит омилларини макро даражада ўрганишга ҳаракат қилади. Бу назария тор доирали этник низоларни ўрганишда самарасиз бўлса-да, этник низоларни комплекс ўрганиш ва ечимини топишда муҳим роль ўйнайди.

Бундан ташқари, этник зиддиятларни ўрганишда конструктивизм назарияси таркибига кирувчи (баъзиларнинг фикрича, алоҳида) институционал ёндашув ҳам мавжуд бўлиб, этник можароларнинг ўртага чиқиши институтларнинг кучига боғлиқ деб билади. Бу ерда куч давлатнинг институционал структурасининг қанчалик демократик характерда эканини белгиловчи сифатли бир кучни ифода этаётганини таъкидлашимиз керак. Шунинг учун, институционал ёндашувнинг асосини давлат институтларининг сиёсий аъзолик, вакиллик ва ресурсларни тақсимлаш

---

[1] Van Evera Stephen, “Primordialism Lives!”, APSA-CP: Newsletter of the Organized Section in Comparative Politics of the American Political Science Association, Vol. 12, No.1, 2001. – P. 21.

масалалари ташкил этади.[1] Давлат институтлари турли этник гуруҳларнинг сиёсий ва иқтисодий тизимга интеграция қилганидан кейин, тартибсиз ва демократик бўлмаган сиёсатлардан келиб чиқадиган этник низолар фаолияти камаяди. Аксинча, этник гуруҳлар интеграциялашмаган институтларда этник низоларнинг юзага чиқиш имкониятларини оширади.[2] Тадқиқотчи Ральф Премдас этник зиддиятларнинг сабабларини институционал омил билан қараган ҳолда, мустамлака даврининг нуқсонли муассасалари этник низоларга йўл очганини таҳлил қилади. Унга кўра, мустамлака институтлари тарафидан этник унсурларни сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг марказига жойлаштириши этник гуруҳлар орасидаги рақобат ортишига ва ўзаро ишончнинг йўқолишига олиб келган. Премдас бутун мустамлака бошқарувининг мотивациясини иқтисодий мақсадларга эришиш йўлида иркчи бўлганини илгари сурмоқда.[3]

Институционал ёндашув ҳокимиятнинг бўлиниши, этник гуруҳларнинг сиёсий иштироки, эркин ҳаракати, вакиллик органлари фаолияти, ҳукуматнинг ҳисобдорлиги кабибир қатор  омиллар этник низоларнинг келиб чиқишишда ёки уларни олдини олишда муҳим роль ўйнашини таъкидлайди.

Хулоса қилганда, этник муаммолар ҳозирги даврда энг кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган масалалардан ҳисобланади. Сабаби этник муаммо деярли барча ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқарув муаммоларининг таркибига кириб кетган. Юқорида биз этник муаммоларни ўрганишда кенг қўлланиладиган уч асосий назарий ёндашувларини кўриб чиқдик.

---

[1] Crawford Beverley, The Causes of Cultural Conflict: Assessing the Evidence, in Crawford, Beverley; Lipschutz, Ronnie D. (eds.), The Myth of Ethnic Conflict: Politics, Economics and Cultural Violence, Berkeley: University of California Press, 1998. – P. 517.

[2] Blagoevic Bojana, Ethnic Conflict and Post-Conflict Development Peacebulilding in Ethnically Divided Societies, PhD. Dissertation, The State Universit of New Jersey: U.S.A., 2004. – P. 55.

[3] Premdas Ralph, Introduction: The Anatomy of Ethnic Conflict: Domination Versus Reconciliation, in Premdas, Ralph (ed.), The Enigma of Ethnicity: Race in the Caribbean and the World, Newtown: Paria, 1993. – pp. 8-9.

Биринчиси праймордиализм назарияси бўлиб, бу назария этник зиддиятларни табиат қонунияти сифатида баҳолайди. Бу, машҳур инглиз олими Томас Гоббснинг “инсон-инсоннинг бўриси” тамойилидан келиб чиқадиган “битмас-туганмас” можаролар ва улар орасидаги рақобатни англатувчи омилларни билдиради. Праймордиализм бу – рақобатбардош дунёда этник ўзига хослик масаласи ўз наслини давом эттириш учун доимий бахс ва мунозара марказида бўлиб қолади, деган асосий хулосани илгари суради.

Иккинчи назари – инструментализ. Унга кўра, инсон табиати ваҳшийлик руҳидан эмас, балки фойда кўришлик ва очкўзликдан таркиб топади. Очкўз ва ўз манфаатларини кўзлаган ижтимоий-сиёсий гуруҳлар учун қўл остидаги этник гуруҳлар бир воситадир. Яна бир инглиз олими Адам Смитт илгари сурган инсон рационал ва фойдали бир мавжудод деган фикридан келиб чиқиб, этник гуруҳлар ҳар қандай можарога киришда ўз фойдаларини ўйлайди. Бунда этник гуруҳнинг етакчилари асосий ролни ўйнайди ва оломон эса уларнинг қўлида қурол вазифасини бажаради.

Учинчи назария бу – ёндашув конструктивизм бўлиб, у этник щзликни англашни асосан ижтимоий омил билан боғлиқ деб билади. Этник ўзига хослик гендан келувчи муқаррар ва ўзгармас эмас, балки бир неча сабабларга кўра (урушлар, мустамлака, глобаллашув, интеграциялашув, миграция ва ҳоказо) ўзгарувчан ҳисобланади. Кўринадики, этник ўзига хослик модерн давр билимининг ижодидир. Конструктивизмнинг бир кўриниши бўлган институционализм эса этник муаммоларнинг келиб чиқишини давлат институтларининг қанчалик соғлом ва демократик, ресурсларнинг тенг ва адолатли тақсимоти амалга оширилиши билан боғлайдилар.

Умуман олганда, этник муаммо ўта қалтис бўлиб, чуқур билим талаб этадиган мавзу. Глобаллашув шароитида этник идентификацияга таъсир омилларининг кучайган, медия асрида ижтимоий тармоқларда миллатчилик ва ирқчиликни тарғиб қилувчи провакацион ҳаракатлар кўпайган бир даврда

этник масалалар бўйича пухта ишланган стратегия ва дастурларга эга бўлиши, бу масалада илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳар бир давлат ва жамият олдидаги устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

## 2-§. Этник муаммоларни ўрганишга оид назарий қараш ва концептуал ёндашувлар

Биз тадқиқотимизнинг биринчи параграфида этник муаммо, унинг келиб чиқиши ва унга таъсир этувчми омиллар ва шарт-шароитлар ҳақида тўъталиб ўтдик. Бу борада назарий ёндошувлар ва уларнинг ўзига хос қарашларини таҳлил қилдик.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, этник муаммолар ҳозирги даврда энг мураккаб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу параграфда эса этник муаммоларнинг ечими, уларни бартараф этиш юзасидан мавжуд моделлар, назарий қарашлар ва концептуал ёндашувларни кўриб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Аввало, этник масаланинг миллат тушунчаси билан ўзаро боғлиқлиги ҳамда унинг фарқли жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтиш зарур. Этник ўзига хослик миллийликнинг асосларидан бири ҳисобланади. Энтони Смитнинг қарашларига кўра, этник ўзига хослик миллатнинг бошланиши ва миллий давлатнинг асосини ташкил этади.[1] Шунга кўра, айтиш жоизки, дунёда ягона-этник (mono-ethnic) давлатлар, бир нечта этник гуруҳлардан ташкил топган (multi-ethnic) давлатлар, бирор бир этник гуруҳларга асосланмаган (non-ethnic) давлатлар мавжуддир.

Миллий давлатда этнос ва миллат орасида қандай алоқадорлик мавжуд? Этник сўзи юнонча *“ethnos”* сўзидан олинган бўлиб, паган ёки кофир маъноларини билдирган. Дастлаб, бу сўз Рим империясида христиан

---

[1] Smith Anthony D., The Ethnic Origins of Nations. Wiley-Blackwell, 1991.

бўлмаган халқларга нисбатан ишлатилган. Аммо XIX аср ўрталарига келиб “ирқ” ва “алоҳида бир халқ” маъносида қўлланила бошлади.[1] Бугунги кунда эса этник сўзи асосан “камчилик муаммоси” ва “ирқлар муносабати” маъносида ишлатилади. Этникчилик кўпинча эзилган ёки камситилган озчиликни ташкил этувчи гуруҳларга қарата қўлланилмоқда ва уларни ўз миллий-давлатини ташкил этган миллатлардан айириш мақсадида ишлатилмоқда. Яъни, бир этник гуруҳ ўз давлатини ташкил этиб миллат номини олмоқда, у давлатда яшовчи бошқа этник гуруҳлар эса этник озчилик ёки диаспора номида қолмоқда.[2] Аслида, кўпчиликни ташкил этувчи доминат гуруҳлар озчиликлардан нисбатан оз “этник” маънога эга бўлмаса-да, гегемон (ҳукмрон) этник бирликлар ўзларининг ижтимоий ва маданий тушунча ва афсоналарини “табиий” ҳолга айлантирганидан сўнг “этниклиги” кўринмай қолди.[3] Ҳукмрон этник гуруҳлар барча этносларни бирлаштирувчи миллийликнинг тарғиботчиси ва ҳимоячисига айланди.

Давлатнинг хавфсизлиги ва барқарорлиги бир жиҳатдан этнослараро муносабатларнинг яхши йўлга қўйилганлигига боғлиқ бўлса-да, узоқ ва барқарор яшаши ҳукмрон этник гуруҳга кўпроқ масъулият юклайди. Ҳолбуки, миллат ва давлат орасида жуда катта фарқ мавжуд бўлиб, давлатнинг функцияси барчани ирқи, дини ва эътиқодидан қатъи назар тенг ва адолатли бошқаришдир. Бу ерда асосий масала миллий давлатларга тегишли. Сабаби ҳукмрон этник гуруҳ ўзининг миллийлигини акс эттирувчи тили, дини, маданияти ва урф-одатлари сақланиб қолишини хоҳлайди ва бу табиий ҳолат бўлиб, онг остида шаклланган жараёндир. Бугунги кунда

---

[1] Eriksen T. H., Ethnicity and Nationalism: Anthropological Perspectives. London: Pluto Press. Second edit. 2002. – P. 15-25.

[2] Бу барча давлатларга тўғри келмаслигини таъкидлаб ўтиш лозим. Баъзи давлатларда этник сўзини ўрнига миллат сўзи ишлатилади. Масалан, *Ўзбекистонда яшовчи миллатлар* кўринишида. Қиёслаш мақсадида Туркияни оладиган бўлсак, турклардан бошқа халқлар масалан, курдлар, лазлар *миллат* сифатида қаралмайди, балки улар *этник гуруҳ* деб аталади.

[3] Yuval-Davis N., Gender and Nation. London: Sage Publications, 1997. – P. 92

дунёдаги давлатларнинг деярли барчаси қайсидир маънода лингвистик давлатлар экани ҳам бежиз эмас.

Миллатлар ва этник гуруҳлар орасидаги иерархик муносабатларда уларга бериладиган алоҳида устунлик ҳамда имкониятлардан фойдаланишни хоҳлайдиган этносларнинг миллатга айланиш истаги устуворлик қилади. Мустақиллик ва алоҳида ажралиб чиқиш каби мақсадлари бўлмаган этник гуруҳлар ҳам тезда миллат сифатида шаклланишга киришади. Хусусан, бу этник гуруҳлар етакчиларининг ресурсларни тўлиқ назорат қилиш хохлаши, мустақилликни қўлга киритиш нияти бўлмасада, миллат бўлиш йўлида ҳаракатга ундайди. Бу ҳолат, "этник жамият аъзоларини, жамиятни оддий халқ маданияти ва жамоавий қадриятлар хазинаси, аниқ иқтисодий муаммолар ва ўзига тегишли ресурслар билан ҳудудга боғлиқ бир бирлик сифатида тушунишга мажбур қилади".[1] Ўзини ўзи таъминлаш мақсади иқтисодий манбаларни назорат қилишга ундайди ва бу ҳам этник гуруҳларни миллат бўлишга мажбур қилади. Шу сабабли, миллийлик орзуси ва миллат бўлиш ҳаракати бўлмаган жамиятларда ҳам этник масаланинг сиёсийлашувидан қочиб бўлмайди. Қолаверса, этник гуруҳлар камдан кам ҳолда ассимилация бўлишга мойилдир. Лекин ягона ва қардош қадриятлар(масалан, ватан, ер, она тупроқ, турли маросимлар)ни ташиши ва ҳимоя қилиши мумкин. Этник ўзига хосликни сақлаб қолишда биринчи навбатда тил ва дин асосий роль ўйнайди. Чунки тил ва дин ҳам ўзликни англаш, ҳам маданият рамзидир. Тилнинг кучли аргумент экани ҳақида Тер-Минасова шундай ёзади: "Кўп жиҳатдан айнан тил, маданият, мафкура, қадриятлар тизими, ҳаёт тарзи ва одамлар ўртасидаги муносабатларда катта кучни ўзида акс эттириб, инсониятда бир-бирига бўлган агрессияни

[1] Smith Anthony D., The Ethnic Origins of Nations. Wiley-Blackwell, – 1991. – P. 200-205.

ривожлантиришда аниқ роль ўйнайди ва миллатлараро, маданиятлараро можаролар келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади”.[1]

Шу ўринда муҳим бир нарсани айтиб ўтиш керакки, ҳар қандай тил давлат ҳимоясида давлат ва миллат тилига айланиши мумкин. Агар давлат ҳимояси заиф бўлса ва эътиборсизлик билан ёндашилса, ҳар қайси давлат ва миллат тили емирилишга учраши мумкин. Давлат тилининг интиҳоси миллий давлат тушунчасини ҳам заифлаштиради. Бу ҳолатда, жонли ва қайноқ бўлиб турган у ёки бу этник гуруҳларнинг тиллари ёки шевалари марказий тил сифатида ўртага чиқади. Бу жамиятнинг бузилиши ва этник гуруҳлар ҳамда миллатлараро муносабатларнинг кескинлашувига олиб келиши мумкин. Шу боис, бугуни ва келажагини ўйлаган ҳар қайси жамият миллат тилини нафақат мамлакатда, балки унинг ташқарисида ҳам ҳимоя қилиш, ривожлантириш ва тарғиб қилишга мойил ва мажбурдир.

Тилни ҳимоя қилиш, айниқса, мустамлакачиликни бошидан ўтказган давлатлар учун жуда мураккаб кечади. Мисол учун кўплаб Африка давлатлари ҳануз ягона миллий тил шакллантирилмаган. Нигерияда 200 га яқин маҳаллий тил бор. Кўпчилик Африка давлатлари аҳолиси қабилавий тилларини сақлаб қолиб мулоқот тили сифатида бир-бири билан инглиз, француз тилларидан фойдаланишади. Бу, бир томондан, муаммоли ҳолат бўлиб кўринмаса-да, бошқа тарафдан, миллатнинг шаклланиши, жипслашишини қийинлаштириб, этник, қабила ва кланлар ўртасида охири йўқ можарога етаклайди. Бунга Суданнинг иккига бўлиниши, Эфиопиядан Эритреянинг ажралиб чиқиши, Сомалидан Сомалиланднинг ажралиб чиқишга урунишлари, Руанда, Конго ва Угандадаги этник можаролар ҳамда бошқа кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Клиффорд Гирц ҳам бу ҳолатлардан келиб чиқиб бир тилда гаплашувчи давлатларда барқарорлик, турли тилларда гаплашувчи давлатларда эса зиддиятлар кўп бўлишини

---

[1] Тер-Минасова С.Г. Язык и национальная безопасность (современный аспект проблемы) // Ценности и смыслы. № 6(9). – М., 2010. – С.31.

ёзганди.[1] Шу боис, давлатнинг асосий вазифаларидан бири миллий тилни (расмий стандарт тилни) расмий даражага чиқариш, ҳимоялаш, ривожлантириш ва тарғиб қилишдан иборатдир.

Албатта, баъзи олимлар “этник муаммо” сўзини (шунингдек, “этник можаро”, “этник куч ишлатиш” каби сўзларни) ишлатишга қарши чиқади. Улар этник ўхшашликни ҳар қандай белгиси билан аниқланадиган бир ёки бир нечта гуруҳлар иштирокидаги сиёсий ёки ижтимоий можаро сифатида қарайди. Улар олиб борган эмпирик тадқиқотларида кўпинча этник можаро деб аталувчи муаммолар аслида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий мотивлардан келиб чиққанини таъкидлайди.[2] Шундай бўлса-да, этник ўзига хосликларига таяниб можарога кирган этник сепаратистик ҳаракатларнинг якуний мақсадлари ўз миллий давлатини қуриш экани аниқдир.[3]

Бугунги кунда дунёдаги бир қанча давлатларда миллий-давлат ҳудудий яхлитлигини таҳдид остига тушириб, алоҳида миллат эканини иддао этаётган айирмачи-сепаратистик этник ҳаракатлар мавжуд. Бунинг муаммоли тарафи шундаки, бир нечта давлатларда этник (сепаратистик) ҳаракатлар террор ташкилотлари сифатида қабул қилинса, баъзи давлатлар этникчиликка асосланган ҳаракатларни террор ташкилоти деб қарамайди. Масалан, Испания баскларнинг Баск юрти ва эркинлиги (ЕТА) ташкилотини, Буюк Британия ирландларнинг Ирландия республика армияси (IRA) ташкилотини, Туркия курдларнинг Курд ишчи партияси (PKK) ташкилотини, Шри-Ланка тамилларнинг Тамил Қоплонлари ташкилотини, Исроил фаластинликларнинг ХАМАС ташкилотини, Саудия Арабистони Ямандаги ҳусийларнинг ташкилотларини террористик ташкилот деб билса-да, лекин дунёдаги

---

[1] Geertz Clifford, The Interpretation of Cultures. New York: Basic Books, 1973. – P. 260.

[2] Crawford B. & Lipschutz R., The Myth of ‘Ethnic Conflict’: Politics, Economics, and ‘Cultural’ Violence, University of California International and Area Studies Digital Collection, Research Series, Vol 98, 1998; J Mueller, ‘The banality of “ethnic war”, International Security, 25 (1), 2000, pp 43–72; Bruce Gilley, Against the concept of ethnic conflict, FEATURE REVIEW, Third World Quarterly, Vol. 25, No. 6, 2004, pp. 1155–1166.

[3] Kenneth McRoberts, “Canada and the Multinational State”, Canadian Journal of Political Science, Vol. XXXIV, No. 4, 2001. – P. 687.

саноқли давлатлар юқоридаги ташкилотларни террор ташкилотлар қаторига киритади. Бунда қайси ҳолатларда этник айирмачи ҳаракатлар террористик ташкилотлар қаторидан жой олиши масаласи жуда баҳс-мунозаралидир.

Тадқиқотимиз доирасида бунга Суриядаги можаролар пайтида ИШИДга қарши курашиш учун ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида Сурияниң шимолида яшовчи курдлар – YPG (Халқни ҳимоя қилиш бирлиги), PYD (Демократик бирлик партияси) каби ташкилотлар атрофида бирлашиб кучли бир этник ҳаракатни бошлашга муваффақ бўлганини мисол қилиб келтириш мумкин. Туркия ушбу ташкилотларни Курд ишчи партиясининг (PKK) Суриядаги “қўллари” сифатида террор ташкилоти деб эълон қилди. Аммо Туркиядан бошқа ҳеч бир давлат уни террор ташкилоти деб тан олмади. Ҳатто АҚШ, Россия, ЕИ давлатлари ушбу ташкилотлар билан тўғридан-тўғри муносабатга киришди.[1] Бошқа тарафдан, Туркия ўзининг Қуролли кучлари (TSK) ёрдамида асосан сириялик туркманлардан ташкил топган Сурия Миллий Армиясини (SMO) ташкил қилди.[2] Бу ташкилот дастлаб Башар Асадга қарши мухолифат шаклида тузилган бўлса, кейинчалик мақсадлари курдларнинг YPG-PYD ташкилотига қарши курашга айланди. Асад ҳукумати SMOни сепаратистик террор ташкилоти деб атади, лекин YPG-PYD ташкилотларини террор ташкилоти деб тан олмади. Кўринишидан ҳар икки ташкилот этникчиликка асосланган ташкилот. Албатта, бу ташкилотлар ташқи давлатларнинг (акторларнинг) катта ёрдамисиз муваффақиятли фаолият кўрсатишини тасаввур қилиш қийин. Лекин ушбу ташкилотларни этникчиликка асосланганини ҳисобга олганда қайси ҳолатларда этник ўзига хослигини, этник хавфсизлиги ва ҳаётини сақлаб қолишдаги ҳаракатлар сифатида баҳолаш мумкин ва қайси ҳолатларда террорчи–сепаратистик ташкилотлар деб номлаш мумкинлиги масаласи очиқ

[1] Suriye’nin kuzeyinde hangi güçler bulunuyor? PYD, YPG, SDG ve Milli Ordu nedir? // https://tr.euronews.com/2019/10/16/suriye-nin-kuzeyinde-hangi-gucler-bulunuyor-pyd-ypg-sdg-ve-milli-ordu-nedir / 16/10/2019

[2] Ўша манба.

қолмоқда. Ҳар қандай кўринишдаги ҳаракат, этникчиликка асосланган бўлса ҳам террор ташкилоти сифатида баҳоланса (бунда нечта давлат томонидан тан олиниши ҳам муҳим), унда ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқ қолмайди. Акс ҳолда улар ҳуқуқий жиҳатдан "ўз тақдирини ўзи белгилаш" принципларидан фойдаланаётганини илгари суриши мумкин.

Этник сепаратистик ҳаракатлар одатда герилла уруши, исёнкорлик, қўпорувчилик, гаровга олиш, қўрқитиш ва таҳдид қилиш усулларидан фойдаланади ва бу террор ташкилотларининг ҳам одатий тактик фаолиятига ўхшаб кетади. Террор ташкилотларининг қабул қилган ғояси ва мақсадларини бир тўхтамга келтирсак, радикал сўл, диний-фундаменталист, ирқчи ва этник сепаратистик кўринишларга эга бўлади.[1] Этник сепаратизмнинг террор ташкилотларидан ажратиб турувчи асосий ўзига хослиги "миллий озодлик" учун ҳаракат қилишидир. Шундай қилиб, этник жиҳатдан фарқли эканини иддоа қилиб, яшаб турган юртидан ажралиб чиқиш ва алоҳида давлат қуриш учун (одатда этник гуруҳ етакчилари томонидан) тарғиботлар орқали этник гуруҳларнинг мобилизациялашувини ташкил қилади ва уларни ҳаракатга келтиради.

Бугунги кунда бундай этник муаммоларни бартараф этиш ва умуман этник низоларнинг олдини олиш, унинг пайдо бўлмаслиги учун кўплаб назарий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Этник муаммоларни бартараф этиш имкониятлари ҳақида гап кетганда мавжуд назарий қарашларни алоҳида қўллаш етарли бўлмайди. Масалан, примордиализмга кўра, этник низолар табиатан мавжуд бўлиб, барқарор ва ўзгармасдир деганда қарама-қаршилик пайдо бўлади. "Агар ягона сабаб этник илдиз бўлса ва бу этникчилик ўзгармайдиган бўлса, инсон табиати ва

[1] Тадқиқотчи Давид Рапопорт 19 аср охиридан бугунги кунгача бўлган даврдаги террор ташкилотларининг турларини идеологик мотивациялари жиҳатидан ажратиб, уларни: анархистик (1880-1900 йиллар), антиколониал (1920-1960 йиллар), янги сўл (1960-2000 йиллар) ва диний/этник (1979 йилдан...) даврларга ажратади. Батафсил маълумот учун: Rapoport D., "The Four Wave of Modern Terrorism", in Audrey K. Cronin and James M. Ludes, Attacking Terrorism: Elements of A Grand Strategy. Georgetown University Press, Washington DC, 2004. – P. 54.

тарихни ўзгаришидан бошқа этник низоларни олдини олиш ва бартараф этиш учун кам имконият мавжуд ёки умуман иложсиздир.”[1] Бунга қарама-қарши ўлароқ, Муффнинг сўзлари билан айтганда, “инсоний ҳолатимиздан қочишга кучимиз етмаса-да, этник низоларни олдини олишга қаратилган ишлар, сўзлар ва институтлар яратишга кучимиз етади.”[2]

Праймордиализмнинг этник муаммоларни бартараф этишдаги муҳим роли шундаки, бу назария этник муаммонинг кучли ва вайронкорлигини ҳис қилиш, ҳар қандай этник муаммо қай даражада ваҳший тусга кириб кетишини кўриш ва билиш имконини беради. Масалан, Руанда ва Боснияда аёлларни оммавий зўрлаш ҳолатлари инсон табиатида бор ваҳшийликни кўрсатиши билан бирга, аёллари ва болалари зўрланганини кўрган ва билган эркакларни ҳеч қайси йўл билан тинчликка чақириш имкони ва йўли йўқлигини, бу фақат қадимда бўлганидек, “қонга қон” ва “жонга жон” урушидан қочиб бўлмаслигини кўрсатади, холос. Шу боис, сиёсий арбоблар, олимлар, конфликтологлар бу даражада вахшийликларга бормаслик ва олдиндан этник низоларни бартараф этиш чораларини кўришга чорлайди.

Этник низоларнинг ечими саъй-ҳаракатлар, амалий ишлар ва институционал ёндашувлар орқали ҳал бўлишини эътиборга олсак, ечим икки йўл билан, яъни, инструментализм ва конструктивизм (институционализм) назариялари воситасида амалга ошади.

Биринчиси, интрументализм назарияси тарафдорлари сиёсий ҳокимиятнинг алмашинуви янги келган сиёсий етакчининг сўзлари ва амалий ҳаракатлари билан этник низолар ечими топилишини илгари суради. Албатта, бу таклифни этник низоларнинг доимий ечими сифатида қабул қилиб бўлмайди. Чунки эски режимнинг ўзгариши билан ким давлатни бошқариши масаласи диққат-эътиборда бўлади. Руандадаги ҳолат шуни

---

[1] Blagoevic Bojana, Ethnic Conflict and Post-Conflict Development Peacebuilding in Ethnically Divided Societies. PhD. Dissertation, The State University of New Jersey: U.S.A., 2004. – P. 50.
[2] Mouffe Chantal, On the Political. London; New York: Routledge, 2005. – P. 130.

кўрсатмоқда. Руанда ватанпарвар фронти (RPF) минтақада этник зўравонликка барҳам бериш умидлари билан диктатор Хабьяманга қарши курашда ғалаба қозонди. Шундай бўлса-да, RPF режими мамлакатда зўравонликни давом эттириб, “иккинчи геноцид”ни амалга оширгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу йўналишда тадқиқот ўтказган Пруниернинг таъкидлашича, RPF геноцидни ташкил этиш орқали мутлоқ ҳокимиятга қараб ҳаракат қилишда қўрқинчли жиноятларни амалга оширган.[1] Тадқиқотчи Кин эса RPF ҳукуматни тузишда тутси этник гуруҳига адолатсиз бир шаклда ҳукумат ва ҳарбий лавозимларни берганини ёзади.[2]

Шундай бўлса-да, фақат Руанда мисоли билан масалани асослаш нотўғри ва бир ёқлама иш бўлади. Чунки инструментализм назарияси хулоса ва таклифлари доирасида кўплаб этник низоларнинг олди олингани ва бартараф этилгани бизга маълум. Хусусан, Россияда президентликка В.В.Путиннинг келиши билан Чеченистон муаммосининг ҳал бўлиши, Индонезияда Индонезия учун демократик кураш партияси вакили Мегавати Сукарнопутри ҳокият тепасига келиши билан (жумладан, ҳозирги президент Джоко Видодо ҳам) этник муаммоларни сиёсий консенсус йўли билан ҳал қилиши каби ва бошқа бир нечта мисолларни келтириш мумкин.

Бундан ташқари, инструментализм этник низоларни колонизация даврининг мероси сифатида ҳам қарайди. “Бўлиб ташла ва ҳукумронлик қил” стратегияси аввал бўлганидек, бугунги куннинг ҳам стратегияси эканини таъкидлашимиз мумкин. Жуда кўп давлат ва минтақаларда хусусан Мьянма, Кашмир, Кавказ, Шарқий Европа, Марказий Осиё, Яқин Шарқ ва Африка минтақаларида мустамлакачиликдан мерос бўлиб қолган этник-ҳудудий муаммолар борки, ташқи кучларнинг геосиёсий ва ғайриинсоний сиёсатларида муҳим восита бўлиб қолмоқда. Шу боис, бундай муаммоларни

---

[1] Prunier Gerard, From Genocide to Continental War: The ‘Congolese’ Conflict and the Crisis of Contemporary Africa. London: Hurst Publishers, 2009. – pp. 11-13.
[2] Keen David, Complex Emergencies, Cambridge: Polity Press, 2010. – P. 79.

икки давлат ва минтақа давлатлари прагматик ва ўзаро ҳурмат асосида тез ва адолатли ечимини топиши турли негатив оқибатлардан эртароқ қутилишга имкон беради.

Қолаверса, инструментализм этник низолар элиталарнинг манфаатларига хизмат қилиши, уларнинг манипуляциясидан келиб чиқишини таъкидлайди. Бу манипуляция этник гуруҳнинг бошқа аъзоларини ҳам манфаатларига тўғри келгунча таъсир кучига эга бўлади. Бу ҳақда Нигериялик тадқиқотчи олим Дауда Абубакар шундай ёзади: “Этник гуруҳлар элитларнинг қарашлари жамият манфаатларига яқин бўлгандагина манипуляцияга мойил бўлади. Этникчилик этник гуруҳлар сиёсий ва иқтисодий жараёнлардан айри тутилгани ва уларнинг ҳаёти таҳликада турганини ҳис қилган пайтда жиддий кўринишда кучаяди ва сиёсий манипуляцияга мойил бўлади.”[1] Абубакар Нигериядаги этник озчиликларнинг маргиналлашуви оқибатларининг қандай шаклланаётганини мамлакатдаги иқтисодий қайта қуриш натижасида жамиятда ишсизлик, қашшоқлик ва умидсизликнинг ортиб бораётгани мисолида кўрсатиб ўтади.[2]

Ҳақиқатдан ҳам қашшоқлик ва ишсизлик ҳар қандай можаронинг ўт олишини таъминлайди. Фуқаролар уруши, этник низолар бундай шароитда асосий ўринда туради. Тадқиқотчилар Жеймс Фирон ва Давид Лайтин аҳоли жон бошига тушадиган ЯИМнинг катта-кичиклигига қараб фуқаролар урушининг юз бериш эҳтимолларини ўрганиб чиққан.[3] Улар 127 та можароларни ўрганиб, фуқаролик урушлари этник хилма-хилликдан эмас, балки аҳоли даромадларининг пастлигидан келиб чиққанлигини таъкидлашади.[4] Уларнинг фикрича, аҳоли жон бошига ЯИМ (1995 йил ҳолатига кўра) 3000 АҚШ долларидан кўп тушадиган давлатларда фуқаролар

---

[1] Dauda Abubakar, “Ethnic Identity, Democratization, and the Future of the African State: Lessons from Nigeria”. African Issues 29, 2001. – P. 32.
[2] Ўша манба 34 бет.
[3] Fearon James D. and David D. Laitin. “Explaining Interethnic Cooperation.” The American Political Science Review 90, No. 4, December 1996. – pp. 715-735
[4] Ўша манба.

урушига зарурат деярли мавжуд бўлмайди. Лекин, 90 фоиз бир хил (однород) этносга эга бўлган давлатларда ЯИМ аҳоли жон бошига 500 АҚШ долларидан кам бўлса фуқаролар урушининг бўлиш имконияти 30 фоизни ташкил этади.[1]

Албатта, даромаднинг камлиги инсонларни турли ташвиш ва жиноятларга йўллашга ташвиқ қилса-да, бу мутлақо ёки 30 фоиз бўлса-да, фуқаролар урушини бўлишини билдирмайди. Баъзи миллатлар жуда ҳам тинчликпарвар ва этник айирмачилик қилмайди. Баъзи мамлакатларда аҳоли даромади паст бўлса-да демократик институтларнинг мавжудлиги, суд-ҳуқуқ органларининг адолатли ва тўғри ишлаши нафақат муаммоларнинг олдини олади, балки тараққиётни таъминлайди. Шу боис навбатдаги кўриб чиқадиган ишимиз этник низоларни бартараф этиш ва олдини олишдаги иккинчи ёндашув конструктивизм ва институционализмдир.

Этник низолар ечимини топишга доир муқобил назария конструктивизм/институционализм назарияси ҳисобланади. Демократик бошқарув конструктивизм/институционализм учун муҳим аҳамиятга эга. Аммо, Благоевич таъкидлаганидек, давлатни демократизациялаштириш жараёнида турли низолар келиб чиқишини[2] ҳам эътиборга олиш лозим.

Институционал ечим икки жараён билан бирга ёки алоҳида иш олиб бориши мумкин: институтлар бир этник гуруҳнинг бошқаси олдида ижтимоий ва маданий шаклланган қўрқувини кетказиш учун кўпроқ сиёсий вакиллик танлаши мумкин. Бу, қўрқувдаги этник гуруҳнинг жамоавий ўзига хослиги ва маданиятини сақлаб қолишга, жамоавий манфаатлари ва фаровонлиги ошишига, этник гуруҳлар орасида ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилиши ва гуруҳ етакчиларига этник белгиларидан қатъи назар сиёсий мақсадларига эришиш учун уларга аниқ тузулмаларни тақдим

[1] Ўша манба.
[2] Blagoevic Bojana, Ethnic Conflict and Post-Conflict Development Peacebuilding in Ethnically Divided Societies. PhD. Dissertation, The State University of New Jersey: U.S.A., 2004. – P. 59.

қилишни рағбатлантириш ёки этник гуруҳга автоном бериш орқали амалга ошиши мумкин. Бундай институтлар ва ҳаракатлар, одатда, этник гуруҳлар ўртасидаги босимни пасайтириб туради. Чунки институтлар сиёсий элита ва гуруҳларнинг биргаликдаги жамоавий ишлашини таъминлайди.[1]

Этник низолар даражаси пасайтиришнинг яна бир йўли бу турли этник гуруҳларнинг мамлакат сиёсий ҳаётда сайловлар воситасида иштирокини таъминлаш ҳисобланади. Сайлов тизими, сайловларда иштирок этиш имкониятлари, умуман сайловларнинг демократик кўринишда тенг, эркин ва адолатли ўтказилиши этник низоларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Баъзи тадқиқотчилар этник сиёсий партияларнинг ташкил этилиши этник низолар ечими ёки олдини олишда муҳим роль ўйнашини ёзади.[2] Лекин баъзи тадқиқотчилар, айниқса, демократлашаётган, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан нисбатан қолоқ ва ривожланаётган давлатларда бу тескари таъсир кўрсатиши ва этник низоларни баттар кучайтириб юборишидан огоҳлантиради.[3] Тадқиқотчи Розель бундай таваккалчиликдан қочиш учун баъзан этник гуруҳларнинг “сиёсий, маъмурий ёки иқтисодий ҳақ-ҳуқуқлар” талаб қилишини рад этиш муқобил қарор бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.[4] Лекин бунда ўта эҳтиёткорлик талаб қилинади. Сабаби этник гуруҳлар ўзларини изоляцияга тушган ва турли ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум бўлган ҳолатга тушиб қолганини ҳис қилиши мумкин. Бундай ҳолатда этник низо ўртага чиқишига бир мисол тадқиқотимиз доирасида Туркиядаги курдларни (кейинги параграфда батафсил тўхталамиз) олишимиз мумкин. Жумладан, Туркиядаги курдлар яқин яқингача сиёсий ҳаётда жуда пассив эди. Албатта бунда давлатнинг босими кучли эди.

---

[1] Hong Jae Woo, Power-Sharing Solutions on Ethnic Conflicts: A comparative analysis of institutional effects on ethnic politics. The Korean Journal of International Relations, Vol. 45, No 5, 2005. – P. 10.

[2] Lijphart Arend ва унинг шогирдлари.

[3] Prazauskas Algis, Ethnic Conflicts in the Context of Democratizing Political Systems: Theses, Theory and Society 20(5), 1991. – P. 582.

[4] Rosel Jakob, Nationalism and Ethnicity: Ethnic Nationalism and the Regulation of Ethnic Conflict, in Turton David (ed.), War and Ethnicity: Global Connections and Local Violence. San Francesco: Boydell Press, 2002. – pp. 158-159.

Ҳукуматга 2001 йил Адолат ва Тараққиёт партияси (AKP) келиши билан унинг етакчиси Режеп Таййиб Эрдоган (бугунги кунда мамлакат президенти) Туркиядаги барча этник гуруҳларнинг манфаатлари сиёсий даражада таъминланиши кераклигини кўтариб чиқди. Курдлар билан биргаликда лазларнинг мавжудлигини тан олиш кераклигини бир неча бор тилга олди. Натижада 2012 йил 12 октябрда Халқларнинг демократик партияси (HDP) тузилар экан,[1] партия етакчилари курдлар ва ўз навбатида, аъзоларининг ҳам асосини курдлар ташкил этди. Уларнинг миллат вакиллари (депутатлари) мажлисларда курд тилида гапира бошлади. Кейинчалик, Туркия жанубий-шарқида Курдистон автономини ташкил этиш чақириқлари билан чиқди ва у минтақада курд тилининг расмий тил сифатида белгиланишини талаб қила бошлади. 2016 йил 15 июлда Туркияда давлат тўнтаришга урунишдан кейин вазият ўзгарди. Мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. ХДПнинг етакчиси Салахиддин Демирташ ҳибсга олинди. Натижада курдлар ўзларини яна ижтимоий-сиёсий ҳаётдан чекланган ва ажратилган ҳолда ҳис қила бошлади. Диярбакир, Мардин, Ван каби курдлар кўпчиликни ташкил этадиган вилоятларда курдларнинг эътирозлари, норозилик чиқишлари кўпая бошлади.

Шу боис этник масалада жуда эътиборли ва эҳтиёткор бўлиши фойдадан ҳоли эмас. Тадқиқотчи Ралф Дарендорф этник низолар фақат ватандошлик статуси маданий фарқлиликни ҳимоя қиладиган ўлчовда сақланиб қолса, фуқаролик ҳақ-ҳуқуқлари кенгайганда, чуқур илдиз отган ижтимоий тузилмалар тугатилгандагина пасайишини илгари суради.[2] Ҳар бир гуруҳ у ёки бу даражада сиёсий, ижтимоий, маданий, диний муассасаларда ўз вакилига эга бўлса низога сабаб бўладиган бирор имконият қолмайди.[3]

---

[1] Партия фаолияти тўғрисида маълумот учун: Vahap Coşkun, Halklarin Demokratik Partisi (HDP). SETA, Mayis 2015. SAYI: 124.
[2] Ralf Dahrendorf, Sıvremenniyat Sotsialen Konflikt, Tsentır za İzsledvane na Demokratsiyata, Sofiya, 1993. – P.214
[3] Welsh David, “Domestic Politics and Ethnic Conflict”, Ethnic Conflict and International Security, Michael E. Brown (Ed.), Princeton University Press, Princeton, New Jersey, 1993. – P.56.

Умуман олганда, тегишли институтларнинг режалаштириш ва бошқариш йўллари муаммоли минтақаларда этник бирдамликни сақлаш тинч яшашнинг калити ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам институтлар этник низоларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди. Институтларнинг вазифаси инсон хулқ-атворини, хатти-ҳаракатини йўналтиради ва чегаралайди, раҳбарликни таъминлайди, рағбатлантиради ва имкониятлар яратади. Сиёсий муҳандислик ҳам айнан ушбу масалалар устида иш юритади.

Қиёсий институционализм вакилларидан бўлмиш Аренд Лифхарт бир қанча муассасаларда ҳокимиятлар бўлинишига эътибор қаратади. Олим консенсус демократиясини яратиш ҳақида гапириб, унинг турли унсурларини кўрсатиб ўтади. Олимнинг фикрига кўра, пропорционал вакиллик, буюк коалициялар тузиш, қарши вето тизими, кўп партиявийлик тизими, манфаатдор гуруҳларнинг борлиги ва федерал ёки номарказлаштирилган бошқарув воситалари билан этник низоларнинг олдини олган бўлади ва можароларнинг ечимини таъминлайди ҳамда можародан кейинги даврда истиқболли, тинчлик муҳитини яратган бўлади.[1]

Этник плюрализм ва демократиянинг бир ерда бўлиши масаласида доим салбий тушунча бўлишига қарамай, демократик принциплар ва институтлар нафақат хоҳиш балки этник можаролар ечимида ягона умид сифатида ҳам қаралади.[2] Чунки демократик сиёсатнинг асосий қоидаси ва механизмлари халқни ва ҳатто этник озчиликни “давлат ишларига” кўпроқ киришини таъминлайди.[3] Демократия ва демократиялашув “кўп жиҳатдан ... фарқли гуруҳларни жамиятнинг сиёсий ҳаётига босқичма-босқич киритиш ва уларни тан олиш масаласидир”.[4] Этник озчилик ўзларини манфаат гуруҳларига,

---

[1] Lijphart Arend. Patterns of Democracy: Government Forms and Performance in Thirty-Six Countries. New Haven: Yale University Press, 1999.
[2] Hong Jae Woo, Power-Sharing Solutions on Ethnic Conflicts: A comparative analysis of institutional effects on ethnic politics. The Korean Journal of International Relations, Vol. 45, No 5, 2005. – P. 11.
[3] Timothy Sisk, Power Sharing and International Mediation in Ethnic Conflicts, (New York: Carnegie Corporation, 1996). Манба: Hong Jae Woo, ўша жойда.
[4] John Dryzek “Political Inclusion and Dynamism of Democratization,” American Political Science Review. 90:2 (1996), p.486.

сиёсий партиялар ва бошқа маҳаллий ташкилотларга боғлиқлигини ортириши мумкин. Бу ташкилотлар орқали этник гуруҳлар сайлов пайтида ўз номзодларини илгари суриши, сиёсатни ривожлантириш ва амалга оширишда лоббилик қилиши, зўравонликка қўл урмасдан ҳукумат вакиллари билан муҳокама қилиши, гуруҳга етакчилик учун ҳукумат вакилларини қабул қилиши ва бошқа ишларни амалга ошириши мумкин. Бу ишлар этник низоларнинг олдини олиши билан бирга, демократиянинг ҳам ишлашини таъминлайди.

Лекин барча демократик жамиятларда бу ишларнинг амалга оширилишига шубҳа билан қаралади. Бир қанча тадқиқотларда плюралистик демократия ҳар доим ҳам этникчиликка мос келмаслиги таъкидланмоқда. Бунинг ўрнига, институтларнинг куч бўлинишига аҳамият қаратилган бошқа бир демократиянинг муҳим эканини илгари сурилади.[1]

Шулардан бирида этник низоларнинг олдини олиш ёки бартараф этиш учун давлат бошқарувининг федератив тарздаги бошқарувга ўтиши ҳақида бир қанча таклифлар ишлаб чиқилган. Унга кўра, охирги пайтларда можароларнинг характери ўзгарди, буни этник, диний ва тиллар хилма-хиллигига асосланган фуқаролик урушлари ва низоларнинг тарқалиши тасдиқлайди. Бу “янги турдаги” низоларни ҳал қилишда этно-маданий вазиятларни бошқариш учун янги воситалар ишлаб чиқаришни тақозо этади. Федерализм этник озчиликнинг ҳам, кўпчиликнинг ҳам интилиш ва талабларини қондира оладиган ана шундай воситалардан биридир. Чунки федерализм озчилик гуруҳларга ўзларининг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий шароитлари устидан назорат қилиш ҳуқуқини бериш билан бирга, давлат худудий яхлитлигини сақлаб қолади.[2]

---

[1] Hong Jae Woo, Power-Sharing Solutions on Ethnic Conflicts: A comparative analysis of institutional effects on ethnic politics. The Korean Journal of International Relations, Vol. 45, No 5, 2005. – P. 11.
[2] Paul Anderson and Soeren Keil, Federalism: A Tool For Conflict Resolution? March, 2017 // https://www.researchgate.net/publication/317013058_Federalism_A_Tool_for_Conflict_Resolution

Нэнси Бермео федерализмнинг “тинчлик сақловчи” хусусиятлари ҳақида ёзади. Унинг фикрига кўра, федерализм низоларни изоляция қилиб туради, этник озчилик гуруҳларни тинч йўл билан мослаштиради ва этно-маданий зиддиятларга демократик тарзда жавоб беради. Бундай демократик институтлар мавжуд бўлмаган тақдирда, муқобил ўлароқ ё геноцид ёки этник тозалаш, ёки ажралиш, бўлиниш ёки можарони давом эттириш бўлиб, бу вариант этник зиддиятларни фақат ёмонлаштиради.[1] Тадқиқотчи Ханнум эса федерализм кўп миллатли давлатларда этник сепаратизмни йўқота олмаса-да, давлатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолади, деб таъкидлайди.[2]

Тадқиқотчилар кўплаб этник низоларга эга давлатлар (масалан, Босния ва Герцеговина 1995 йилда, Эфиопия 1995 йилда, Ироқ 2005 йилда, Непал 2015 йилда) федератив бошқарувга ўтганини таъкидлаш билан бирга барча, федератив бошқарувга ўтган давлатларда этник муаммолар ечим топмаганини таъкидлаб ўтади.[3] Бунга сабаб қилиб, низо ва зиддиятлардан кейинги қайта қуришда ўртага чиқадиган муаммолар демократик бошқарувни тўлиқ ўрната олмаслиги, бошқарувнинг клан ва қабилаларнинг қўл остига ўтиб қолиши ва бошқа масалаларни келтириб ўтади.

Этник муаммонинг ечими сифатида федерализм билан биргаликда, айрим ҳолатларда этник гуруҳларга автоном бериш таклиф қилинади. Бу Испания ва Буюк Британияда бўлгани каби этник зиддиятларни нисбатан юмшатишга хизмат қилишини билдиради. Бу ҳам хусусий ҳолларда этник муаммонинг ечими бўлиши мумкин. Чунки, бугунги кунда юқорида ҳам кўрсатиб ўтганимиздек, Испанияда басклар, Буюк Британияда ирландларнинг кучли сепаратистик ҳаракатлари мавжуддир. Қолаверса, Ироқда ҳам курдларга автоном бошқарув ҳуқуқи берилган бўлса-да,

---

[1] Bermeo N. “The Import of Institutions”, Journal of Democracy, No13 (2), 2002. – pp. 96-110.
[2] Hannum H., “Territorial Autonomy: Permanent Solution or Step towards Secession?” 2004. Манба: Paul Anderson and Soeren Keil, юқоридаги манба.
[3] Paul Anderson and Soeren Keil, Federalism: A Tool for conflict resolution? March, 2017 // https://www.researchgate.net/publication/317013058_Federalism_A_Tool_for_Conflict_Resolution

мамлакатда этник муаммо ва зиддиятлар ҳануз давом этмоқда. Бунинг бошқа бир сабаби, автономнинг ҳуқуқий тушунчаси ва амалиётда қўлланилиши борасида ягона фикр ва ёндашувнинг мавжуд эмаслиги бўлмоқда. Барча давлатларда автоном бошқарув ўзига хос кўринишда олиб борилади ва юритилади. Тадқиқотимиз доирасида биргина мисол келтирадиган бўлсак, Исроил билан Миср ўртасида АҚШ воситачилигида Кемп-Девид шартномаси имзоланаётган пайтда (1978 йил) 1948 йилдан буён давом этаётган можарони ҳал қилиш учун Иордан дарёси Ғарбий қирғоқлари ва Ғазо секторида фаластинликлар учун автоном ҳуқуқи берилиши илгари сурилади. Қабул қилинган қарорда автономни Исроил кунлик ҳаётда оддий масалаларда қарор олиш ҳуқуқига эга автоном сифатида қабул қилган бўлса, Миср тўлиқ бошқарувга эга салкам мустақил кўрнишдаги автоном сифатида қабул қилади.[1] Шу боис, тадқиқотчи Томас Бенедиктер автономиянинг фарқли кўринишга эга тўрт тоифасини санаб ўтади.[2]

Умуман олганда, федерал ва автоном масалалари бошқарув билан боғлиқ. Шу боис, федерал ва автоном бўлмаса ҳам бошқарувни кучли ва адолатли йўлга қўйиш билан ҳам этник масалаларни ижобий ҳал қилиш мумкин.

Этник масалаларда барқарорликни таъминлаш давлат бошқарувининг кучлилиги ва аҳолининг савиясига ҳам бевосита боғлиқдир. Аҳолининг саводхонлиги, ёзиш ва ўқиш даражаларининг юқорилиги этник ва миллатлараро тотувлик ва жамият тараққиётнинг кафолатидир. Аҳоли саводхонлиги паст жамиятларда одамларнинг қўпол муомалада бўлиши ёки турли диний ва иркчилик даъватларига осонликча эргашиши кўп кузатилган. Жамиятда бошқарувнинг тўғри йўлга қўйилиши, бюрократик ташкилотларнинг самарали фаолияти, жамиятни янгиланишга олиб борувчи

---

[1] Louis B. Sohn, “The Concept of Autonomy in International Law and the Practice of the United Nations”, Israel Law Review, Vol.15, 1980. – P. 189.

[2] Benedikter Thomas, The World's Modern Autonomy Systems: Concepts and Experiences of Regional Territorial Autonomy, EURAC Research, Bolzano, 2009. – P. 15.

кескин стратегия ва режалардан иложи борича ҳоли бўлиш ҳам кўп жиҳатдан этник масалаларда барқарорликни сақлаб туришда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, жамиятда секулярлашув билан диний радикаллашув ўртасида баланс бўлиши керак. Юргенсмейер “кўплаб замонавий жамиятларда диний радикализмнинг ортиши аҳолининг қолган қатлами томонидан секуляризмнинг кучайишига паралел сифатда юз бермоқда”, деб таъкидлайди.[1] Ҳақиқатдан ҳам ҳаддан ташқари секулярлашув диний қатламнинг радикаллашувига олиб келиши мумкин. Ёки ҳаддан ташқари диний босимнинг ортиши секулярлашув тарафдорларининг эътироз ва норозиликларининг кучайишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, Туркияда секуляризмнинг ортиши фонида диний консерваторларнинг нафақат сиёсийлашуви, балки ҳокимиятга келиши ва натижада селкуляр қатламнинг кўплаб норозиликларининг юзага чиқишини таъминлаётган бўлса, Эронда диний бошқарув остида ўзини эзилган ва сиқилган деб ҳис қилаётган миллатларнинг сони кундан кунга ортиб бораётганини, умуман олганда Туркияда ҳам, Эронда ҳам секуляр қатлам билан консерватив қатлам ўртасида бўлиниш ва қутблашишнинг кучайиб бораётганини кузатиш мумкин. Шу боис ҳам сиёсий бошқарув диний, ирқий ва этник масалаларда стратегик ва тактик ишларни ижобий тарафга йўналтириб бориши керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, этник хилма-хиллик бор жойда ҳар доим этник зиддиятлар хавфи мавжуд бўлади. Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўлдики, Этник низоларни ҳал қилишнинг ягона ва универсал назарий ёки амалий ёндашуви ишлаб чиқилмаган. Шундай бўлса-да, этник низоларни ҳал қилиш борасида олиб борилган тадқиқотларнинг барчасида бу муаммоларни ҳал этиш кўп жиҳатдан бошқарув ва демократик институтларнинг мавжудлигига боғлиқ эканлиги борасида ҳақида фикрлар билдирилган. Бошқарувнинг демократик шаклланиши, уларнинг

---

[1] Juergensmeyer Mark, Global Rebellion: Religious Challenges to the Secular State. University of California Press, Berkeley, 2008.

ҳокимиятлар бўлиниши принципи асосида ишлаши, том маънода суд тизимининг мустақиллиги, ўз эркинлиги, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларининг кафолатлангани каби бир қатор демократик институтларнинг яхши йўлга қўйилгани, ресурслардан шаффоф ва тенг тақсимланган ҳолда фойдаланиш каби унсурлар нафақат этник муаммо ва зиддиятларни бартараф этиш, балки жамиятнинг тараққиётга эришиш, ижтимоий интеграциянинг жадаллашишига мустаҳкам замин яратади.

## 3-§. Этник муаммоларни ҳал этишнинг тарихий-ҳуқуқий асослари ҳамда сиёсий механизмлари

Этник муаммолар бугунги кунда кўплаб давлатлар учун жиддий муаммо бўлиб сиёсий муҳандисликнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Масалан, XX асрнинг иккинчи ярмида (1950-2005 йиллар орасида) содир бўлган можаролардан этник зиддиятларни ўз ичига олган низолар Осиёда 30 та, Шимолий Африкада 22 та, Шарқий Европада 10 та ва Лотин Америкасида 2 та бўлиб ўтган. Бу давр ичида 25 миллиондан зиёд инсонлар бошқа ҳудудларга кўчишга мажбур бўлди.[1] БМТга аъзо давлатларнинг фақат 12 таси ягона этник бирликдан ташкил топган жамият ҳисобланса[2], қолганлари эса этник хилма-хиллик асосида қурилган жамиятлардан иборат. Мазкур ҳолатнинг ўзи ҳам ушбу масалани доимо долзарб аҳамият касб этишидан далолат.

Муаммонинг долзарблиги дунёдаги кўплаб инсонлар этник озчиликни ташкил этувчи гуруҳларга аъзо экани бўлиб, кўпларининг ҳаёти таҳликали ҳолатда. Тадқиқотчи Гуррнинг маълумотларига кўра, дунёда 1994 йилда 292 этник гуруҳга мансуб 989 миллион инсон ё камситилиш ҳолатларига дучор

---

[1] Salhi Amiry, Management of ethnic conflicts in Iran. Strategic center, Tehran. 2005. Манба: Hossien Mohammadzadeh, The causes of ethnic conflict in Multi-ethnic societies. WSN 42, 2016. – pp. 156-166.

[2] Hossien Mohammadzadeh, ўша манба.

бўлган ёки моддий бойликларининг таҳдидига қарши ҳимояланишга мажбур бўлган.[1]

Маълумки, этник масала “совуқ уруш”нинг тугаши билан янада кескин тус олди. Сабаби, “совуқ уруш” даврида икки асосий тизим социализм ва капитализм дунё сиёсати ва халқаро муносабатлар тартибини белгилаш билан бирга, давлатларнинг ички сиёсатини ҳам шакллантиришга ўз таъсирини ўтказган. Тадқиқотчи К.Пикни маълумотларига кўра, “совуқ уруши”дан кейин бўлиб ўтган 96 та конфликтдан 91 таси айнан этник можаро бўлган. Бу можароларда 20 миллиондан зиёд инсонлар ҳаётдан кўз юмган.[2] Бу урушларнинг энг фожеалиси эса собиқ Югославия ва Руандадаги этник можаролардир.

Шунинг учун, этник муаммоларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, этник муносабатларни тўғри тартибга солишнинг тарихий-ҳуқуқий асослари ва унинг сиёсий механизмларини ўрганиш, уларни давр талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб бориш кун тартибидаги муҳим ва ўта долзарб вазифалардан бирига айланди.

Тарихий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, этник муносабатларни тартибга солиш ўрта асрларда ва ундан олдинги даврларда ҳам ҳукмрон этник гуруҳнинг манфаатлари асосида ўрнатилган тартиб-қоидаларга мувофиқ амалга оширилган. Кўп ҳолатларда ҳукмрон этник гуруҳ қарам этник гуруҳлардан бож олиш эвазига унинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаган. Бунда этник ёки диний кўпчилик томонидан этник ёки диний озчиликка нисбатан қарам гуруҳ сифатида қаралиб, кўпчилик ҳуқуқларининг устуворлиги таъминланган.[3] Ўрта аср мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий ва фалсафий қарашларида жамиятни давлатда ҳукмрон бўлган этник

---

[1] Gurr T. R., Moore W. H., Ethno political Rebellion: A Cross-Sectional Analysis of the 1980s with Risk Assessments for the 1990s, American Journal of Political Science, 1997.
[2] Peck C., Substantial Peace, The role of the UN and Regional Organization in preventing conflict. Rowman & Littlefield publisher. 1998. – P. 25-29.
[3] Каримов Ф. Э. Яқин Шарқдаги этносиёсий муаммолар ва минтақавий хавфсизлик масалалари: Монография. – Т., 2016. – Б. 59.

гуруҳнинг хоҳиш-истаклари билан бошқариш лозимлиги тўғрисидаги фикр ва қарашлар кўплаб учрайди. Хусусан, инглиз сиёсий мутафаккирлари Т.Гоббс ва Ж.Локк "жамият шартномаси" кўпчиликнинг хоҳишига бўйсундирилиши кераклигини таъкидлайди. Уларнинг фикрича, кўпчиликнинг рухсатисиз ҳукумат тузилмайди.[1] Инсонлар эркинлиги ва тенглиги тарафдори бўлган француз мутафаккири Ж.Руссо ҳам "озчиликни ҳимоя қилишга ҳеч қандай ҳожат йўқ",[2] деб ёзган эди. Ўрта асрларда этник муносабатлар ҳукмрон халқнинг истаклари асосида қурилган бўлса-да, кейинчалик этник гуруҳлар тенглигига доир баъзи фикр ва қарашлар юзага кела бошлади. Хусусан, XIX асрдан бошлаб этник озчиликка ёки қарам этносга нисбатан ижобий ёндашувлар, яъни уларни қўллаб-қувватлашга доир фикрлар билдирила бошланди. Америкалик сиёсатшунос Жон К.Калхун ва немис мутафаккири Георг Елленик ана шундай ёндашув тарафдорлари бўлди. Жумладан, Ж.К.Калхун кўпчиликнинг хоҳиш-истаги асосидаги демократик бошқарувни қоралаган ва камчилик бошқарувини маъқуллаган. У "ҳар бир халқ ўз манфаатларига зид келадиган ҳар қандай қарорга қатъий норозилик келтириш ҳуқуқига эга" деб билган.[3] Г.Елленик эса жамиятда кўпчилик ва камчилик ўртасида тенглик бўлиши керак, деб таъкидлаган. Унинг фикрича, "давлатда тартиб ва тинчлик бўлиши учун ҳамда кўпчиликнинг бошқарувига нисбатан таҳдид пайдо бўлмаслиги учун камчилик манфаатларини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш керак".[4] Г.Елленик Европа давлатларининг этник озчилик бўйича юридик тартиботини ҳам таҳлил қилиб чиққан. Унинг фикрига кўра, ўша даврларда Англия, Венгрия, Италия ва Испанияда "этник озчиликни ҳимоя қилишга

---

[1] Қаранг: Гоббс Т. Сочинения. В 2 т. М., Мысль, 1989-1991, Т. 2. - С. 224., Локк Д. Два трактата о правлении. –М., Мысль, 1985-1988. Т. 3. - С. 337.
[2] Қаранг: Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре, или Принципы политического права //Об общественном договоре. Трактаты. - М., 1998. - С. 210-211.
[3] The works of John C. Calhoun. New York, 1863. См. цит. источ. Графский В.Г. Политические и правовые учения в США в XVIII-XIX вв. // История политических и правовых учений. - М., 1997. - С. 393-395.
[4] См. цит. источ. Юрьев С.С. Социальная дифференциация: большинство, меньшинство, этнос. Обзор политико-правовых взглядов со времен античности до XX века. - М., 1998. – С. 42-48.

қаратилган ҳеч қандай восита мавжуд бўлмаган", Франция ва Португалияда эса бундай ҳимоя "етарли даражада эмас" деб қаралган.[1] Европанинг бошқа давлатларида, хусусан, Голландия, Бельгия, Норвегия, Болқон мамлакатларида этник озчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари тегишли ҳужжатларда аниқ ва тушунарли баён қилинган бўлса, Швейцарияда Конституцияга нафақат кўпчилик, балки озчилик ҳам ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга бўлганини таъкидлаб ўтган. Еллeникнинг ёзишича, Германияда этник озчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида уларга қабул қилинаётган қарорларга нисбатан "вето" қўллаш ҳуқуқи ҳам берилган.[2]

Умуман олганда, XIX асрдан бошлаб этник ва диний озчиликларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари Европа давлатларида фаол муҳокама қилина бошлаган. Дастлаб, этник озчилик ҳуқуқлари икки томонлама, яъни озчилик ва озчиликнинг "ҳомий" давлати ўртасидаги шартномаларда мустаҳкамланган ва ривожланган. Камчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи инсон ҳуқуқлари тизимининг ривожланиш тенденциясида ижобий натижаларга эришди. Бу жараён кўпинча кучли давлат ёки "ҳомий" давлатнинг кучсиз давлат ички ишларига аралашуви ва унга нисбатан босим ўтказиш йўли билан амалга оширилган. Биринчи жаҳон урушидан кейин ва ҳатто иккинчи жаҳон урушигача Европа давлатлари ўзининг геосиёсий манфаатлари нуқтаи назаридан этник ва диний озчиликларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлига ўтган.[3]

Биринчи жаҳон урушидан сўнг этник озчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш универсал аҳамият касб эта бошлади. Бу Миллатлар Лигасининг ташкил этилиши билан боғлиқ бўлди. Урушнинг якуни билан шундай вазият юзага келганки, унда ғолиб чиққан давлатлар ўз хоҳиш-истакларидан келиб

---

[1] Еллинек Г. Общее учение о государстве // Антология мирово политической мысли. В 5 т. - М.,1997, Т. 1. - С. 821.
[2] Еллинек Г. ўша жойда.
[3] Каримов Ф. Э. Яқин Шарқдаги этносиёсий муаммолар ва минтақавий хавфсизлик масалалари: Монография. – Т., 2016. – Б. 61.

чиқиб, мағлуб давлатларда яшаётган этник озчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилган. Шунингдек, ўз хоҳишлари асосида этник-ҳудудий бўлинишларни амалга оширган. Ўша пайтда илк маротаба “self-determination” яъни, миллатлар “ўз тақдирини ўзи белгилаши” масаласи қизғин муҳокамаларда сабаб бўлди.

Миллатлар Лигаси этник озчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида Польша, Югославия, Чехословакия, Греция, Руминия, Венгрия, Австрия, Болгария, Туркия ва бошқа давлатлар билан халқаро мажбуриятларни имзолади.[1] Чор Россияси Биринчи жаҳон урушида мағлубиятга учрагач, унинг таркибидаги “халқларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи”нинг берилишини эълон қилган бўлса-да, бу ерда фуқаролик уруши тугаганидан сўнг (РСФСР ташкил топиши билан) урушдаги ғолиб давлатлар билан этник озчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги шартномани имзоламади, давлатда пайдо бўлган реинтеграцияга барҳам берди ва Совет Иттифоқи ҳудудида этно-территориал бўлинишни амалга оширди.[2]

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши ва ундан кейинги даврда халқаро миқёсда турли халқлар, қабилалар ва динлараро ирқий, миллий можароларнинг фожиали тус олиши бу борада халқаро ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқилишига сабаб бўлди. Хусусан, 1945 йилда ташкил этилган БМТ “халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш”ни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Шунингдек, “инсон ҳуқуқларига ҳурмат ва ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар барча учун эркинлик ва тенгликни ривожлантириш ва кенгайтириш”[3] бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишни белгилаб қўйди.

---

[1] Манба: Управление этническим многообразием и межэтническими отношениями / Учебное пособие/ Под общей редакцией профессора Акматалиева А.А. – Бишкек, 2012. – С. 58.
[2] Каримов Ф.Э. Яқин Шарқдаги этносиёсий муаммолар ва минтақавий хавфсизлик масалалари: Монография. – Т., 2016. – Б. 62.
[3] Статья 1, Устав ООН // http://www.un.org/ru/documents/charter/chapter1.shtml.

Биринчи жаҳон урушидан кейин ташкил этилган Миллатлар Лигаси ва Иккинчи жаҳон урушидан кейин тузилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти айнан миллатлар тенглиги ва ҳамкорлигини таъминлаш ишларини амалга ошириш учун ташкил этилган. Ҳар икки ташкилотнинг номланиши ўзида "миллат" тушунчасини қамраб олгани ҳам этник масалани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни англатар эди. Бу билан XX аср инсоният тарихида "миллат"нинг ўзлигини англаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асри эканини кўрсатди.[1]

Агар дунёнинг этнографик харитасига қарайдиган бўлсак, инсоният бир неча минглаб этник жамиятларни (миллатлар, халқлар, қабилалар, этник гуруҳлар ва бошқалар) ўзида мужассамлаштирган ғоят мураккаб этник тизимга эга эканини кўришимиз мумкин. Дунё бўйича ҳозир тахминан 3-5 минг атрофида этник гуруҳлар (миллат ва элатлар) мавжуд бўлиб, уларнинг 90 фоизи кўп миллатли давлатларда истиқомат қилмоқда.[2] Уларнинг ранг-баранг маданияти инсониятнинг беқиёс бойлиги ҳисобланади. Бироқ, ҳозирги кунда БМТда 200 атрофида давлатларнинг мавжудлиги кўплаб этник гуруҳларнинг давлат даражасидаги ташкилот доирасида ҳуқуқлари кафолатланмаганини ҳам билдирмоқда.

Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, шу пайтга қадар миллатлараро тотувлик ва этник муносабатларни тўғри тартибга солишга қаратилган бир қанча келишув ва шартномалар қабул қилинди. Хусусан, Барча кўринишдаги ирқий камситишларни йўқ қилиш ҳақидаги халқаро конвенция (1965 й.), Сиёсий ва фуқаровий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 й.), Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 й.), Аёлларга нисбатан барча турдаги камситишларни йўқ

---

[1] Каримов Ф.Э. Яқин Шарқдаги этносиёсий муаммолар ва минтақавий хавфсизлик масалалари: Монография. – Т., 2016. – Б. 62.

[2] *Медведева М.А.* Этнополитический конфликт как фактор угрозы международной безопасности. Философия XX века: школы и концепции. Научная конференция к 60-летию философского факультета СПбГУ, 21 ноября 2000 г. Санкт- Петербург, 2001. – С. 156.

қилиш тўғрисидаги конвенция (1979 й.) ва унга Факультатив протокол (1999 й.), ЮНЕСКОнинг 1960 йилда қабул қилган Таълим соҳасидаги камситишларга қарши конвенцияси, Европа Кенгашининг Миллий камчиликни ҳимоя қилиш тўғрисидаги битими (1994 й.) ва бошқа бир қатор конвенция ва битимларни мисол сифатида келтириш мумкин. Мазкур халқаро ҳуқуқ нормаларининг яратилиши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада юқори даражага кўтаришга хизмат қилди.

"Совуқ уруш"нинг тугаши билан собиқ Совет Иттифоқи давлатлари ҳамда бошқа минтақаларда кўплаб этник можаролар юзага келди. Этнослар ўртасидаги можароларнинг кучайиши халқаро ҳамжамиятни жамоа асосда этник ва диний озчиликларнинг ҳуқуқларини бевосита ҳимоя қилишга қаратилган ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш, этник озчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир янгича ёндашувларни ишлаб чиқишга мажбур қилди. Бу эса, ўз навбатида, этник озчиликлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги босқичи бошланишига катта туртки берди. 1991 йил Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши (ЕХҲК) экспертларининг йиғилишида миллий озчилик масаласи бўйича махсус маъруза тайёрланди. 1992 йилда эса БМТ Бош Ассамблеясида "Миллий ёки этник, дини ва тили бўйича камчиликка тегишли шахс ҳуқуқлари тўғрисида"ги декларация қабул қилинди. ЕХҲК (кейинчалик ЕХҲТ) доирасида кам сонли миллатлар масалалари ишлари бўйича Олий комиссар лавозими жорий этилиб, унга мазкур йўналиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Ушбу лавозим ташкил этилганидан сўнг, мазкур институт томонидан "олдиндан огоҳлантириш" (early action) ва томонларнинг манфаатдорлигига келишилган пайтда "тезкор ҳаракат"ни қабул қилиш механизми ишлаб чиқилди. Албатта, бу ҳужжатларда белгиланган барча

чора-тадбирлар тавсиявий характерга эга ёки "*soft law*" (юмшоқ ҳуқуқ, яъни арбитраж йўллари билан ҳал қилинидаган) ҳисобланади.[1]

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2007 йилда 22 йил давомида ишлаб чиқиш жараёнида бўлган "Туб халқлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги декларация қабул қилинди. Бироқ, ушбу Декларация бўйича овоз беришда уни 114 та давлат ёқлаганига қарамай, АҚШ, Канада, Австралия ва Янги Зеландия каби давлатлар қарши овоз берди, 11 та давлат, хусусан, Россия, Украина, Озарбайжон, Грузия каби мамлакатлар бетараф бўлди.[2] Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, дунёдаги кўплаб мамлакатлар этник озчиликларнинг ҳуқуқларини тор доирада ҳимоя қилиш, яъни умумэътироф этилган инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва бу масала бўйича камситишларни йўқ қилиш, уларнинг ҳуқуқларини бошқа фуқаролар ҳуқуқлари билан тенглаштириш имкониятларини яратишга тайёр, лекин, кам сонли миллатлар ҳуқуқларини коллектив ҳимоя қилиш соҳасида алоҳида шароитларни яратиш, зиммасига аниқ мажбуриятларни юклайдиган махсус шартномаларни қабул қилишни хоҳламади. Бу ерда асосий муаммо шундаки, этник ёки миллат деган тушунчанинг детерминист яъни, ўзгармас бир тушунча эмаслигидан келиб чиқмоқда. Бошқача қилиб айтганда, этникчилик ва миллат масаласи тарихий ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан ўзгариши ва бу халқаро ҳуқуқ доирасида уни кафолатланишига сабаб бўладиган бир асоснинг йўқлигида бўлиб қолмоқда.

Бу ҳақда изланишлар олиб борган тадқиқотчи Фернандо Р. Тесон ўз мақоласида шундай ёзади: Этник гуруҳларнинг ҳуқуқлари фақат гуруҳдан ташқаридаги фактлар ва ҳолатларда, масалан, давлатнинг зулмидан қутулиш зарурати пайдо бўлганда ёки тарихий номларини тасдиқлаш ва сақлаб қолишдаги ҳуқуқлари паймол бўлиш пайтида қўлланилиши керак. Унинг

---

[1] Қаранг: High Commissioner on National Minorities // http://www.osce.org/hcnm/43201 Иқтибос манбаси: Управление этническим многообразием и межэтническими отношениями /Учебное пособие/ Под общ. ред. Проф. Акматалиева А.А. – Бишкек, 2012. – С. 58.
[2] Акматалиева А.А. ўша жойда.

фикрича, халқаро ҳуқуқ этник гуруҳларнинг фақат ирқи, тили ёки маданий хусусиятлари мавжудлиги сабабли инсон ҳуқуқлари борасидаги ҳақ-ҳуқуқларини афзал кўрмаслиги керак.[1] Тесоннинг таъкидлашича, этнонационалист ҳуқуқларга даъво қилишлар икки сабабга кўра нотўғридир. Биринчидан, улар баъзи бир умумий этник хусусиятлар каби омилларга асосланган ҳолда ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқда. Иккинчидан, ҳуқуқан сиёсий ва этник чегаралар бир-бирига мос келиши кераклигини илгари сурмоқда. Олимнинг фикрича, иккала нуқтаи-назар ҳам ёлғондир, чунки халқнинг умумий тарихи борасидаги таърифлар тарихий инкор этиш муаммосига эътибор бермайди ва этник ўзига хослик сиёсий меъёрий принцип сифатида, эгалари ва садоқатсизлар ўртасидаги тафовутни келтириб чиқаради ва этник тозалашга йўл очади. Аслида эса, миллат олдиндан белгиланмаган.[2] Эрнест Геллнер кузатганидек, бир миллат тушунчаси сохтадир. Чунки, миллатчилик мафкураси миллатни яратади, тескариси эмас (*яъни, миллат миллатчиликни эмас, миллатчилик миллатни яратади*). Тиллар ва маданиятлар бирон бир сиёсий ҳаракатларни асослаш ва оқлаш учун танлов шаклида ижод қилинади ва қайта қурилади.[3] Албатта, бу фикрларга қарши фикрлар ва ёндашувлар ҳам мавжуд. Хусусан, Дональд Хоровиц, Липхарт, Кауфман каби тадқиқотчилар этник гуруҳлар бор экан, ўзига хос хусусиятларга эга экан, ўзини идентификациясини сақлаш учун ҳуқуқ ва имкониятлар таъминланиши керак. Бу ҳуқуқ институционал, демократик жараёнлар билан ҳокимиятдан жой ажратиш, федерация, автоном бошқарувлар бериш ва ҳоказолар билан амалга оширилади.[4]

---

[1] Fernando R. Teson, Ethnicity, Human Rights, & Self-Determination, in International Law and Ethnic Conflict, by David Wippman, Ithaca: Cornell University Press, 1998, pp. 86-111.
[2] Fernando R. Teson, ўша манба.
[3] Ernest Gellner, Nations and Nationalism (first edition 1983). Cornell University Press, 2008.
[4] Батафсил малумот учун: Horowitz Donald L., Ethnic Groups in Conflict. Berkeley, CA: University of California Press. 1985. – P. 588; Lijphart Arend, Democracy in Plural Societies. New Haven: Yale University Press, 1977; Kaufmann Chaim, “When All Else Fails” International Security (Fall), vol. 23, no. 2, 1998. – pp. 120-156.

Ўтган параграфларда кўриб чиққанимиздек, этник ва миллат масаласида, этник гуруҳларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ягона фикр ва ёндашув мавжуд эмас. Бу ердаги асосий ва муҳим сабаблардан бири этник низоларнинг келиб чиқиши ва кўринишига кўра бир-биридан фарқ қилишидир.

Этник миллатчиликнинг ортиши билан этник низолар ҳам ортиб бормоқда. Халқаро ҳуқуқ бўйича мутахассислар бу масалага эътибор қаратишида камдан кам этник гуруҳларнинг self determination (ўз тақдирини ўзи белгилаш) масаласига урғу беришади. Улар ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи деколонизация жараёнининг ҳуқуқий ва ахлоқий асоси эканини ва унинг постколониал қўлланилиши кам аҳамиятга эга эканини таъкидлайди. XXI асрга қадар (совуқ уруш тугаганигача) ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи мустамлакачилик, мусофир ҳолатида яшаган ва ирқчилик ҳукмронлиги остида қолган этник гуруҳлар учун берилган эди. Халқаро ҳуқуқшунослар бу принцип суверен давлатда баъзи ҳолатларда репрессияга учраса-да, ирқчилик ва диний айирмачиликни таъқиқлаган ҳукуматлар остидаги халқлар учун қўлланилмайди, деб ҳисоблайди.[1] Бу ҳақиқатга яқин бир ёндашув бўлиб, акс ҳолда ўз тақдирини ўзи белгилаш кўп миллатли давлатларда давлатнинг ҳудудий яхлитлигини, шунингдек, суверенитетини таҳдид остига тушириб қўйиши мумкин. Аммо замонавий дунёда ўз тақдирини ўзи белгилаш “ташқи” жиҳатдан (ташқи кучнинг ҳукмронлиги ва назоратидан мустақил) эмас, балки ўзининг “ички” жиҳати (демократик ўзини ўзи бошқариш) учун талаб қилинмоқда.[2] Албатта, баъзи тадқиқотчилар ворисликка олиб келадиган ўз тақдирини ўзи белгилашни ёқлаб чиққан бўлса-да, бу қонуний принцип сифатида тан олинмади. Шунга қарамай, “ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи ёки ҳуқуқий ғояси глобал онгга

---

[1] International Law & Ethnic Conflict By David Wippman, Ithaca: Cornell University Press, 1998. Reviewed By Satvinder S. Juss. Indiana Journal of Global Legal Studies, Vol. 6, 1998. – pp. 371-372.
[2] Thomas M. Franck, The Emerging Right to Democratic Governance. The American Journal of International Law, Vol. 86, No. 1. (Jan., 1992), pp. 46-91.

мустаҳкам ўрнашган” ва “бугунги кунда кўплаб туб маҳаллий этник гуруҳлар ва бошқа гуруҳлар статус-квонинг мавжуд ёки бўлиши мумкин бўлган зулмига қарши ўзини ўзи бошқариш концепциясини ишлатмоқда ёки талаб қилмоқда”.[1]

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, инсон ҳуқуқларига доир барча халқаро норматив ҳужжатларда этник озчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлатнинг ҳудудий яхлитлигига дахл қиладиган ёки мамлакатни этник принциплар асосида бўлиш тамойиллари кўрсатилмаган. Этник озчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фақат давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш кафолати билан амалга оширилиши мумкин.[2] Бироқ бунга ҳар доим ҳам амал қилинмаяпти. Масалан, Югославияда этник можаролар кучайган пайтда дастлаб ўз тақдирини ўзи белгилаш принципига қарши бўлган бўлса-да, бироз ўтиб 6 давлатга бўлиниб кетди ва Югославия номи ҳам харитадан йўқ бўлди. 1993 йил 24 май куни Эритрея Эфиопиядан мустақил бўлиб ажралиб чиқди. Индонезия таркибида бўлган Шарқий Тимор 2002 йил 20 майда БМТнинг ёрдамида мустақил давлат бўлиб чиқди ва йигирма биринчи асрда ташкил топган биринчи суверен давлат бўлди. Украина таркибида бўлган Қрим автоном республикаси давлатдаги тартибсизликлардан фойдаланган ҳолда, Россиянинг ёлланма ҳарбийлари ёрдамида 2014 йил 17 март куни ўзини мустақил давлат деб эълон қилди 18 март куни Россия Федерациясига кириш тўғрисидаги шартномани имзолади. Мазкур ҳолатлар этносиёсий жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, бу нафақат этник муаммоларнинг ўта қалтислигини, шунингдек, халқаро даражада умумқабул қилинган давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги борасидаги меъёрларнинг ҳам кези келганда бузилишини кўрсатади. Бу

---

[1] S. James Anaya, A Contemporary Definition of the International Norm of Self-determination, 3 Transnat'l L. & Contemp. Probs., 1993. – pp. 131-132.; Morton H. Halperin et al., Self-determination in the New World Order, 1992. – pp. 123-160.

[2] Каримов Ф.Э. Яқин Шарқдаги этносиёсий муаммолар ва минтақавий хавфсизлик масалалари: Монография. – Т., 2016. – Б. 65.

реалистик ёндашувнинг ҳали ҳануз ўз кучини йўқотмаганини билдиради.

Бу мамлакатда яшовчи этник гуруҳлар хавфли дегани эмас. Аксинча, уларни кўпинча ўзларининг сиёсий, геосиёсий мақсадларида восита қилиб ишлатувчилар (инструментализм ёндашуви) кўпдир. Ҳар қайси жамиятда яшовчи этник гуруҳлар бу ўша жамиятнинг шубҳасиз, энг катта бойлигидир. Шунингдек, дунёдаги деярли барча давлатларда этник айирмачилик, камситиш ва ирқчиликка қарши миллий қонунлари, конституцион ҳуқуқлари мавжуддир. Қолаверса, халқаро ҳуқуқ даражасида ҳам бу нарса кафолатланган.

Шундай бўлса-да, этник низоларнинг мавжудлиги ва долзарблигига қарамай, этник гуруҳларнинг манфаатлари ва ҳуқуқлари баъзи ҳолатларда халқаро ва миллий ҳуқуқ даражасида бузилишига гувоҳ бўлганмиз. Бунинг сабаби юқорида кўрсатиб ўтилганидек, этник ўзига хослик (идентификация) муқаррар бўлмаганлиги, этник низоларнинг турли-туман сабаблари ва халқаро ҳуқуқ (миллий ҳуқуқлар ҳам) доирасидаги либерал ва коммунитар тушунчаларнинг бир-бирига зид қарашлари[1] ҳисобланади.

Хусусан, либераллар этник бирдамликни жамиятлараро низоларнинг манбаси сифатида, яъни, фуқаролик миллатчилик (космополит, инклюзив, либерал, демократик идеал давлат) ва этник миллатчилик (тор доирали, эксклюзив, авторитар миллат) ўртасида низоларнинг бўлишига ишонмаганлар. Лекин Босния, Руанда, Шри-Ланка, Судан ва бошқа давлатларда бўлиб ўтган этник можаролар либералларнинг тушунчаси жиддий бир хужумга учрашига сабаб бўлди. Коммунитарлар либералларнинг асосий принципларини шубҳа остига олди. Чунки либераллар инсон қадр-қимматини тўлиқ ҳимоя қила олмади. Коммунитарларнинг фикрига кўра,

---

[1] Коммунитарлар – шахс ва жамият ўртасидаги боғлиқликга урғу бериб, шахснинг ўзига хослиги жамиятнинг маҳсулидир, деб эътироф этди. Бунга қарши либераллар – шахс мустақилдир ва шахс жамиятнинг атрибутларини шакллантиради. Яъни, жамият шахсни эмас, шахс жамиятнинг ўзига хосликларини, қадриятларини шакллантиради, деб билади.

либерал назариялар маданият ва гуруҳнинг аҳамиятини эътиборсиз қолдирганликлари сабабли этник келиб чиқиш ва жамоавий боғлиқликни шахс хусусиятларини шакллантиришдаги марказий ўрнини жуда кам даражада қабул қилмоқдалар Коммунитарларнинг фикрича, либерал назария шахс жамият ва маданиятни бир парчаси бўлиб турганда уни бутунлай автоном бир агент деб қараш жуда катта хатодир. Халқаро ҳуқуқдаги муаммо ҳам шу билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Тадқиқотчи Випман тўғри таъкидлаганидек, халқаро ҳуқуқнинг муаммоси бу антитетик доктриналарнинг орасидаги кескинликни ҳеч қачон ҳал қила олмаганидир. Олимнинг фикрича, либерал назарияларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларини яратишда таъсири кучли бўлган. Давлатнинг шаклланиши, гуруҳ даъволари ва шахснинг ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни тартибга соладиган ҳукумрон парадигмага айланган. Шу сабабли, халқаро ҳамжамият этно-миллий даъволарга принципиал ёки тўла мувофиқ келадиган сиёсий ва ҳуқуқий бир жавобга эга эмас. Сепаратистик баёнотлар тасодифий ва парчаланган халқаро реакцияларни келтириб чиқармоқда.

Жумладан, Хитойдаги уйғур муаммоси ва Мьянмадаги рохинжа муаммосини оладиган бўлсак, дунё ҳамжамияти бу борада аниқ позиция ва ҳуқуқий таъсир кучига эга эмас. Ҳар икки давлатда ҳам диний (мусулмон), ҳам этник (уйғур ва рохинжа) муаммоси бир хил акс эттирилади. Маълумотларга кўра, Хитойда (Шарқий Туркистон ёки Шинжон автоном республикаси – ШУАР) яшовчи уйғурлар 2009 йилги намойишларидан кейин қаттиқ таъқибга учрай бошлади ва уйғурларни Хитой ханлари билан ассимилияция қилиш жараёни кучайди.[1] ШУАР маъмурияти 2017 йилда “экстремизмни ифода этувчи” қонуни билан уйғур, ислом, араб маданияти ва тиллари таъсирини камайтириш, уйғурларни баъзи урф-одатлари, тўй ва

---

[1] Rayila M., The Pain of a Nation: The Invisibility of Uyghurs in China Proper. The Equal Rights Review, Vol. Six, 2011. // https://www.upr-info.org/followup/assessments/session17/china/China-BAI-annex.pdf (Маълумот олинган сана: 11.01.2020)

дафн маросимлари, ҳалол овқатланиш одатларига чекловлар кирита бошлаган, кўплаб жоме масжидлар қайта қуриш баҳонасида йўқ қилинган ёки том қисми гумбаз ўрнига хитойча анъанавий томлар ўрнатилган, мусулмонча исмлар бериш камайтирилган.[1] Миллиондан кўп мусулмонлар (асосан уйғурлар, қозоқлар ва бошқалар) "қайта тарбияланиш" лагерларида "қайта тарбияланмоқда", минтақа (ШУАР) бутунлай назоратда.[2] Хитой бу хатти-ҳаракатларини терроризм ва экстремизмнинг олдини олишга қаратилган ишлар деб оқламоқда. Аммо АҚШ президентлигига Д.Трампнинг келиши билан Хитойдаги уйғурлар масаласи жиддий танқид қилина бошланди. 2019 йил январда АҚШ Сенати ва Оқ уй "Уйғурларнинг инсон ҳуқуқлари сиёсати тўғрисида"ги қонунни (S. 178 and H.R. 649) қабул қилди.[3] Ушбу ҳужжат уйғурларнинг инсон ҳуқуқлари ҳолати ҳақида тўртта маъруза тайёрлаш ва Давлат департаментида (яъни, Ташқи ишлар вазирлиги) Шинжон бўйича махсус мувофиқлаштирувчи (координатор) ташкил этишни, АҚШ ҳуқуқ-тартибот идораларига Қўшма Штатларда уйғур диаспораси аъзоларини Хитой тазйиқларидан ҳимоя қилиш вазифаларини юклайди. Шунингдек, ҳужжат Давлат котибини Шинжондаги инсон ҳуқуқларининг бузилишида айбдор бўлган Хитой расмийларига нисбатан Глобал Магнитский Актига мувофиқ санкциялар (Р-сонининг 114-328-бандлари) киритишни кўриб чиқишни талаб қилади. Глобал Магнитский қонуни АҚШ президентига АҚШга киришни рад этиш ва АҚШда "халқаро миқёсда тан олинган инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бузиш" учун жавобгар бўлган чет элликларнинг мол-мулкини музлатиш ҳуқуқини беради.[4] 2019 йилги "Уйғурлар тўғрисиди"ги қонун (HR 1025) доирасида Хитойда туркий мусулмонларни қўллаб-қувватлашда халқаро тарғибот билан шуғулланишга

---

[1] Thomas Lum, Uyghurs in China. In Focus, June 18, 2019. // https://fas.org/sgp/crs/row/IF10281.pdf (Маълумот олинган сана: 10.01.2020).
[2] Thomas Lum ўша манба.
[3] Thomas Lum ўша манба.
[4] Thomas Lum ўша манба.

қаратилган “Озодлик Радиоси”нинг уйғур тилидаги дастурини жорий этиш ва Хитойда туркий мусулмонларни оммавий равишда кузатишга ва ушлаб туришга қаратилган АҚШ технологиялари экспортини чеклаш ишларини амалга оширди.[1]

АҚШнинг уйғурлар масаласидаги бундай қарорлар қабул қилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлса-да, бу борада саноқли давлатлар бу шаклда қарор қабул қилишга журъат эта олади. Баъзан бу Хитойнинг ички иши дейиш мумкин, аммо давлат ўз кучидан фойдаланиб, у ёки бу этник гуруҳни ўз дини, тили ва қадриятларини чекловчи қарорлар, қонунлар ва хатти-ҳаракатларни амалга ошириши мутлақо қабул қилиб бўлмайдиган ҳолат бўлиб, инсон ҳуқуқларининг бузилишини билдиради.

Бошқа бир мисол сифатида Мьянмани оладиган бўлсак, бу давлатнинг Араканда минтақасида рохинжа мусулмонлари яшайдилар. Маълумотларга кўра, улар 8-асрдан бошлаб у ерларга жойлашган бўлса-да, инглиз мустамлакачилиги даврида Бангладешдан Мьянмага (1989 йилгача Бирма деб юритилган) плантацияларда ишлаш учун жуда кўплаб мусулмонлар миграция қилинган. Баъзан этник ва диний кўринишдаги майда тўқнашувлар бўлиб турган бўлса-да, 1942 йил Иккинчи жаҳон уруши пайтида Япониянинг Бирмага хужуми пайтида этник ва диний қарама-қаршилик кучайиб кетади. Ракхайн буддистлари ва Рохинжа мусулмонлари ўртасида можаро чиқади. Японларга қарши британлар ўз армиясини қўллаб-кувватлаш мақсадида мусулмонлардан ёрдам сўрайди ва эвазига шимолий Араканни мусулмонларга миллий минтақаси сифатида ажратиб беришни ваъда қилади. Инглизлар билан биргаликда кўплаб мусулмонлар Бангладеш тарафдан Араканга ўтиб келади. Лекин инглизлар ваъдаси устидан чиқмайди.[2] Шу боис, Мьянма ҳукумати мустақил бўлгандан (1948 йил) кейин рохинжа

---

[1] Thomas Lum, Uyghurs in China. In Focus, June 18, 2019. // https://fas.org/sgp/crs/row/IF10281.pdf (Маълумот олинган сана: 10.01.2020).
[2] Human Rights Watch. Burma “II. Historical Background”, https://www.hrw.org/reports/2000/burma/burm005-01.htm (Маълумот олинган сана: 11.01.2020).

мусулмонларини ноқонуний иммигрантлар сифатида қабул қилиб, уларни барча ҳуқуқлардан ва фуқароликдан маҳрум қилади[1] ва бугунги кунгача улар давлат ишларида ишлаш, ҳарбий хизматни ўташ ва ҳоказо ҳуқуқлардан маҳрумдир.

1950 йилларда рохинжа мусулмонлари Покистондаги *мужжахид* гуруҳларидан ёрдам олган ҳолда сепаратистик ҳаракатларини кучайтиради. 1977 йилда генерал Не Вин (1962 йилда ҳокимиятни ҳарбий йўл билан қўлга олди) *Нагамин* (Қирол аждар) операциясини амалга оширади. Натижада, 200 000 дан ортиқ рохинжаликлар Бангладешга қочади. Бангладеш ҳукумати БМТ ёрдамида қочоқлар лагерини ташкил этсада, тез орада рохинжаликларнинг репатриациясини талаб қилади. БМТнинг Мьянмага қаттиқ босими натижасида қисман рохинжаликлар уйларига қайтади. Аммо 1991 ва 1992 йилларда Мьянма армиясининг зўрлаш, мажбурий меҳнат қилдириш ва диний таъқибларидан 250 000 рохинжалик яна Бангладешга қочади. БМТ Қочоқлар бўйича комиссиясининг саъй-ҳаракатлари билан 1997 йилгача 230 000 рохинжалик яна ўз уйига қайтарилади.[2]

Рохинжа мусулмонларининг фуқаролик ҳуқуқлари ўрнатилмаганлиги туфайли 2000 йилларда ва ундан кейин ҳам 2017 йилда яна катта низо юз берадии. Бу гал бутун халқаро ҳамжамият жиддий танқид билан чиқди. БМТ 2018 йил сентябрда бу ҳолатни геноцид деб эълон қилди. Мьянма армияси мусулмонларга қарши геноцид айблови билан Гаага судига ариза берилди.[3] БМТ маълумотлари бўйича, 2017 йилги низода 10 000 га яқин рохинжа мусулмонлари буддистлар кўпчилиги томонидан ўлдирилган. Шунингдек, 730 000 рохинжа мусулмонлари можаро туфайли Бангладешга қочишга

---

[1] Human Rights Watch. Burma “II. Historical Background”, https://www.hrw.org/reports/2000/burma/burm005-01.htm (Маълумот олинган сана: 11.01.2020).
[2] Human Rights Watch. Burma, ўша манба.
[3] Catesby Holmes, Myanmar charged with genocide of Rohingya Muslims: 5 essential reads. December 11, 2019. // http://theconversation.com/myanmar-charged-with-genocide-of-rohingya-muslims-5-essential-reads-128742

мажбур бўлган. Улар илгари қочган 300 000 рохинжаликларга бориб қўшилган.[1]

Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо 57 та давлат номидан Гамбия давлати Гаага судига Мьянма устидан ариза берди. Гамбия мамлакатнинг Геноцид тўғрисидаги Конвенцияга аъзо сифатида Халқаро судга ариза берган, жиноятларга тўғридан-тўғри алоқаси бўлмаган биринчи давлат бўлди. Гамбия адлия вазири Абубакар Тамбаду "мақсадимиз Мьянмани ўз халқи, рохинжаларга қарши олиб борган ҳаракатлари учун жавоб беришга мажбурлаш" деб баёнот берди.[2]

2019 йил 11 декабрда бўлиб ўтган Гаага судидаги эшитувда Мьянма номидан Аунг Сан Су Жи хоним иштирок этди. Аунг Сан Су Жи бир пайтлар (1991 йил) Мьянмадаги инсон ҳуқуқлари ва демократия муаммоларини кўтариб чиққани учун Нобель мукофотига сазовор бўлганди. 2016 йилги сайловларда унинг партияси ғалаба қозонди ва ўзи мамлакат Хавфсизлик Кенгашининг раиси бўлди. Амалда ҳокимият унинг қўл остида жамланди. Судда Аунг Сан Су Жи Мьянма ҳарбийларини ҳақиқатдан ҳам вазиятдан чиқиб кетганини айтиш билан бирга, бу геноцид эмаслигини ҳарбийларнинг операцияси террористик ва экстремистик гуруҳларга қарши олиб борилганлигини маълум қилди ва судьяларга бу "мамлакат ички иши" ва жиноят қилган ҳарбийларнинг жазоланишини ҳамда вазиятни тўғрилаш учун вақт беришини сўради.[3] Гамбия давлатини эса Мьянмадаги ички вазиятни билмасдан чалғитувчи ишларни олиб бораётганликда айблади.[4]

Мьянманинг де-факто давлат раҳбари Аунг Сан Су Жининг Гаага судига ўз давлатини "геноцид"даги айблашларини рад этиш учун келиб иштирок

---

[1] Catesby Holmes, Myanmar charged with genocide of Rohingya Muslims: 5 essential reads. December 11, 2019. // http://theconversation.com/myanmar-charged-with-genocide-of-rohingya-muslims-5-essential-reads-128742

[2] Myanmar: Hearings Begin in Genocide Case: International Court of Justice to Hear Gambia's Evidence of Threats to Rohingya. December 10, 2019 // https://www.hrw.org/news/2019/12/10/myanmar-hearings-begin-genocide-case

[3] Myanmar Rohingya: Suu Kyi accused of 'silence' in genocide trial. 12 December 2019. // https://www.bbc.com/news/world-asia-50763180

[4] Myanmar Rohingya: ўша манба.

этиши албатта, диққатга сазовор. Баъзилар қандай қилиб демократия ва инсон ҳуқуқлари бўйича Нобель мукофоти соврindори Су Жи бир пайтлар ўзи азият чеккан ҳарбийларни ҳимоя қилиб келди деган саволни беришса[1], баъзилар бунинг орқасида сиёсий ва геосиёсий ўйинлар ётганини ёзишмоқда.[2]

Шу ўринда геноцид масаласига қисқача тўхталсак. Шу пайтгача БМТ томонидан асосан икки ҳолат юзасидан Югославия ва Руандадаги этник низолар геноцид деб қабул қилинган. "Холокост" номини олган нацистлар Германияси томонидан яҳудийларни йўқ қилиш операцияси ҳам геноцид деб аталган. Туркиянинг 1915-1918 йилларда (у пайтда Усмонли давлати эди) арманларни йўқ қилиши ҳам баъзи давлатлар томонидан геноцид деб тан олинган.

Бутун инсоният 8-9 декабрь кунини "Геноцид жиноятларининг олдини олиш ва жазолаш тўғрисида"ги БМТ конвенциясини қабул қилинган кун сифатида нишонлайди. Геноцид сўзи – genos грекча халқ, ирқ, қабила маъносини билдириб, геноцид – одамларни қириб ташлаш маъносини англатади. Бу сўзнинг муаллифи Чор Россиясида туғилилиб, Польша ва Америкада яшаган яҳудий аёл Рафаэль Лемкин ҳисобланади.[3] Лемкин шундай савол беради ва ёзади: "Биласизми, Чингизхон даврида мўғуллар ўн миллион инсонларни ўлдирган. Одамлар шу даражада қўрқиб қолганки, Чингизхон эркаклар, аёллар ва болаларга ерга ёт деб буйруқ берса, улар ҳафталаб ерда қимирламай ётган. Биласизми? Чор Россиясининг тўдалар босқинчилиги даврида казаклар яҳудийларнинг қорнини ёриб, яҳудий қизлар турмушга чиқиш учун сеп қилиб олган ёстиқ патларини солишди. Инсоният

---

[1] Myanmar's Rohingya say 'world will judge' Suu Kyi's denial of genocide. https://www.theguardian.com/world/2019/dec/12/myanmars-rohingya-say-world-will-judge-suu-kyis-denial-of-genocide

[2] Arakan and Big Powers Geopolitical Games. 16/02/2017 // https://www.thestateless.com/2017/02/arakan-and-big-powers-geopolitical-games.html

[3] Как Рафаэль Лемкин убедил мир признать геноцид преступлением. 12/08/2018 // http://www.unic.ru/event/2018-12-08/v-mire/kak-rafael-lemkin-ubedil-mir-priznat-genotsid-prestupleniem

тарихи геноцидга тўла, лекин инсоният келажакда бу жиноятдан ҳимояланган бўлиши керак... Мен нацистлардан қочдим... Ота-онам Освенцим концлагерида ўлдирилди. Энди менда бундай жиноят учун ном бор – бу Геноцид”.[1]

Лемкиннинг саъй-ҳаракатлари билан 1948 йил БМТ томонидан Геноцид жиноятларининг олдини олиш ва бу учун жазолаш тўғрисидаги конвенция қабул қилинди. Конвенция 1951 йил кучга кирди. Бугунги кунда 149 та давлат ушбу халқаро ҳужжатни ратификация қилган.

Ушбу Конвенциянинг 2-моддасига[2] мувофиқ, геноцид деганда ҳар қандай миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳни бутунлай ёки қисман йўқ қилиш нияти билан қилинган қуйидаги ҳаракатлар тушунилади:

a) гуруҳ аъзоларининг ўлдирилиши;

b) гуруҳ аъзоларига жисмоний ва ақлий шикаст етказиш;

c) гуруҳ аъзоларини бутунлай ёки қисман жисмоний йўқ қилиш учун ўйлаб топилган яшаш шароитини яратиш;

d) бундай гуруҳ муҳитида бола туғилишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар;

e) болаларни зўрлик билан бир инсон гуруҳидан бошқасига ўтказиш.

Конвенцияга мувофиқ ушбу жиноятлар учун жавобгарлик Халқаро суд томонидан амалга оширилади. Бу борада Югославия ва Руандадаги геноцидлар учун тегишли ҳарбийлар, давлат раҳбарлари ва жиноятда иштирок этган ва бу жиноятни қўллаб-кувватлаган шахслар жавобгарликка тортилди. Кўпчилиги ўлимга ҳукм қилинди ёки узоқ муддатли қамоқ жазосига маҳкум қилинди.[3]

---

[1] Как Рафаэль Лемкин убедил мир признать геноцид преступлением. 12/08/2018 // http://www.unic.ru/event/2018-12-08/v-mire/kak-rafael-lemkin-ubedil-mir-priznat-genotsid-prestupleniem.

[2] Конвенция о предупреждении преступления геноцида и наказании за него // https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/genocide.shtml

[3] Юқоридаги икки давлатдаги низоларни бартараф этиш учун БМТ тинчликпарвар кучлари ва НАТО (тарихи давомида биринчи бўлиб) ушбу давлатларга кириб боради ва давлатлар устидан назорат ўрнатиб, сиёсий раҳбарлар ва ҳарбийлар Халқаро судга жавобгарлик учун олиб борилади.

Мьянмадаги ҳолат ҳам геноцид деб тан олинса, унинг раҳбарлари ва ҳарбийлар Халқаро судга олиб келиниши жуда қийин масала бўлса-да, ушбу давлат санкциялар остида қолиши, сиёсий статуси ва иқтисодиётига жиддий зарар бўлиши мумкин.[1] Қолаверса, геноцидликда айблов бу давлатнинг ҳаёт фаолиятида бир умрлик тамға бўлиб қолади.

Шу боис ҳам этник низоларнинг олдини олишда чуқур ўйданган сиёсий қарор ва сиёсий механизмлардан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қандай кичик низолар эскалацияси кучайишининг олдини олиш учун демократик чораларини кўриш мақсадга мувофиқ.

Этник низоларнинг олдини олишга қаратилган сиёсий механизмлардан унумли ва тўғри фойдаланишда, аввало, ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлаш ва унга қатъий амал қилиш темир қоида бўлиши керак. Этник низоларда консенсус жуда катта роль ўйнайди. Шунинг учун, ҳар қандай жазавага тушган этник гуруҳ билан тил топишиш муҳим. Бунда сиёсий ирода асосида демократик йўллар билан мулоқот ўрнатиш лозим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам у ёки бу этник гуруҳни йўқ қилишга қаратилган чораларни қўлламаслик керак. Акс ҳолда бу низони янада мураккаблаштиради.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, этник муаммолар демократик институтларнинг яхши йўлга қўйилиши билан тез ва осон ечим топади. Қаерда демократик институтлар заиф бўлса, бошқарувда айирмачилик, ирқчилик бўлса, шу ерда низоларнинг келиб чиқиши эҳтимоли юқори даражада бўлади. Албатта, жамиятда этник хилма-хиллик бор экан, низолардан ҳам тўлиқ қочиб қутилиб бўлмайди. Лекин бу у ёки бу этник гуруҳни йўқ қилишга олиб борадиган ахлоқ ва ҳуқуқ доирасидан ташқаридаги фаолиятга қўл уриш эвазига эмас. Одатда, бундай фаолиятга қўл уришлар (ҳар қанча буюк кўринмасин) келажагидан ҳаддан ташқари ташвиш ва хавотирга тушган заиф давлатлар томонидан амалга оширилади.

[1] Myanmar Rohingya: Suu Kyi accused of 'silence' in genocide trial. 12 December 2019. // https://www.bbc.com/news/world-asia-50763180

Яна бир муҳим масала, дунё ҳамжамияти ўз этник идентификацияси ва қадриятлари учун курашаётган инсонлар билан террорчи гуруҳлар орасидаги фарқни (юридик жиҳатдан) ажратиб, улар ўртасида аниқ чегараларни ўрнатиши лозим. Зеро, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун бирлашган этник гуруҳларни (террор актларини бажармаса) террорчи гуруҳ сифатида қабул қилиш этник муаммоларнинг ечими учун замин бўла олмайди.

# 2-БОБ. ЯҚИН ШАРҚ МИНТАҚАСИДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ЭТНИК МУАММОЛАР

## 1-§. Яқин Шарқ минтақаси давлатларидаги этно-сиёсий муаммоларнинг ўзига хос хусусиятлари

Тадқиқотимиз объекти Яқин Шарқ минтақасида этно-сиёсий муаммолар таснифи бўлса, унинг предметини минтақадаги  курдлар муаммоси ташкил этади. Яқин Шарқ давлатларидаги этно-сиёсий муаммоларнинг ўзига хослигини ўрганиш ўта муҳим аҳамият касб этишини инобатга олиб, мазкур илмий ишда этник муаммоларнинг структуравий интеграцияси ва дифференцияси ҳамда корреляцион (ўзаро алоқадорлик) муносабатларини тадқиқ этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Яқин Шарқ атамаси инглиз тилида “Middle East”, яъни, Ўрта Шарқ маъносида, рус тилида эса “Ближний Восток”, яъни Яқин Шарқ деб юритилади.  Яқин Шарқ атамаси ўзбек тилида рус тилидаги сўзнинг айнан таржимасидир. Аслида эса бизнинг аждодларимиз бу минтақани кўпроқ “Олд Осиё” деб номланганларини тарихий манбаларда учратиш мумкин. Middle East номининг келиб чиқиш тарихини ўрганган таниқли шарқшунос олим Бернард Луис ўз тадқиқотларида, бу ном дастлаб юнонлар ва римликлар томонидан қўлланилганини эътироф этган.[1] Олимнинг фикрича, Ўрта Шарқ (Middle East) деб номланишига сабаб қадимги юнон ва римликлар Узоқ Шарқ сифатида анъанавий рақиблари бўлган ўша пайтдаги Форс империяси ҳудудларига, Яқин Шарқ сифатида Анатолияга (ҳозирги Туркиянинг ғарбий ҳудудларини), Ўрта Шарқни эса ҳозирги Туркиянинг шарқий ҳудудларига (бугунги кундаги Ироқ, Сурия, Ливан, Иордания, Исроил, Фаластин ва Араб ярим оролларига кирувчи минтақа) нисбатан қўллашган. Кейинчалик, Узоқ

---

[1] Bernard Lewis, The Middle East: 2000 Years of History from the Rise of Christianity to the Present Day. Weidenfeld & Nicolson, 2001.

Шарқ ҳудуди форслар билан чегараланмагани, яъни Ҳиндистон ва Хитой каби давлатларнинг ҳам мавжуд экани аниқланган бўлса-да, инглиз тадқиқотларида бу минтақа айнан, Middle East номи билан сақланиб қолди.[1]

Минтақанинг Middle East деб номланишининг сабабларидан бири, бу Яқин Шарққа оид илмий тадқиқотларда Араб Мағриби давлатлари яъни, Марокаш, Жазоир, Тунис, Ливия, Миср ва Шимолий Африканинг баъзи давлатлари билан бирга Middle East таркибига Эрон, Афғонистон ва Покистон давлатларини ҳам қўшилиб ўрганилиши, шунингдек, Ўрта Шарқ давлатлари, яъни Марокашдан Хитой денгизигача жойлашган бугунги Жануби-Ғарбий Осиё давлатлари минтақасини тадқиқ этишни ўз ичига олганидадир. Бундай ҳолат инглизларнинг мустамлакачилик юришлари билан боғлиқ. Сабаби инглизлар ўз мустамлакаси бўлган Ҳиндистон билан Миср орасидаги ерларни Ўрта Шарқ деб номлаган. Баъзи ҳолатларда эса бу ерлар Буюк Британия, Ҳиндистонга кўра яқин бўлгани учун Яқин Шарқ деб ҳам аталган. Лекин Иккинчи жаҳон уруши даврида Мисрда “Британия Ўрта Шарқ Логистик Маркази” қурилиши билан  Middle East номи инглиз ёзувларида шундайлигича қолиб кетган. Шундай бўлса-да, Middle East ёки Яқин Шарқ деганда, бу минтақага қайси давлатлар киритилиши борасидаги илмий баҳс-мунозаралар ҳануз давом этмоқда.[2]

Биз ушбу тадқиқотимизда Яқин Шарқ таркибига Туркия, Сурия, Ливан, Иордания, Исроил, Ироқ, Эрон ва бошқа Араб давлатларини киритган ҳолда, минтақадаги этно-сиёсий муаммоларни ўрганиш ва шу асосда уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилдик.

2019 йилги маълумотларга кўра, Яқин Шарқ минтақаси айни пайтда, 350-360 миллион мусулмонлар (араблар, форслар, турклар, азарийлар,

---

[1] Bernard Lewis, The Middle East: 2000 Years of History from the Rise of Christianity to the Present Day. Weidenfeld & Nicolson, 2001.

[2] Маълумот учун қаранг: Zachary Lockman, Contending Visions of the Middle East: The History and Politics of Orientalism. Cambridge, New York: Cambridge University Press, 2004. Timothy Mitchell, “The Middle East in the Past and Future of Social Science,” in The Politics of Knowledge: Area Studies and the Disciplines, ed. David Szanton Berkeley: University of California Press, 2004.

курдлар ва бошқа), 60-70 миллион христианлар (арманлар, анатолиялик греклар, грузинлар, ассурлар, коптлар (қиптийлар), маронитлар ва бошқалар), 7 миллион яҳудийлар, 3 миллион друзлар, 2 миллион язидлар ва бошқа миллат вакиллари учун ватан ҳисобланади[1].

Минтақада этник хилма-хиллик билан бирга, диний ва конфессионал хилма-хиллик ҳам жуда юқори даражада. Тарихан олиб қараганда ҳам бу минтақа Осиё, Африка ва Европани бир-бирига боғловчи тижорат йўлларида жойлашган, яҳудий, христиан ва ислом динлари юзага келган, диний урушларнинг (салибчилар, фотиҳлар, яҳудийларнинг ватанига қайтиши каби) қайноқ манбаси ҳисобланган.

Ушбу ҳудудда савдо йўлларининг денгиз орқали юритилиши Америка қитъасининг кашф этилиши билан маълум бир муддат гиосиёсий жиҳатдан эътибордан четда қолди. Буни баъзи таҳлилчилар Усмонлилар давлатининг кучайиши билан минтақани ўз ичига олган, ушбу давлат рақобатга кириша оладиган куч топилмагани билан ҳам боғлайдилар. Бир қатор омиллар таъсирида Яқин Шарқ минтақаси Биринчи жаҳон урушига қадар нисбатан тинч, урушлардан холи ҳудуд бўлиб турди. Аммо, биринчи жаҳон уруши бошланиши билан минтақада нотинчлик бошланди. Ўтган асрнинг 50-йилларга келиб, бу минтақада жуда катта миқдорда нефть ва газ захираларининг топилиши билан ушбу ҳудуд яна қарама-қаршиликлар ва зиддиятлар марказига айланди.

Минтақанинг бугунги сиёсий харитаси авваламбор, биринчи жаҳон уруши натижалари асосида шаклланганини эътироф этиш зарур. Мазкур жараёнда жуда кўплаб омиллар қатори, этник ва диний масалалар деярли ҳисобга олинмаган ёки бўлмаса атайлаб (доимо бир муаммо чиқариб туриш учун) шундай қилинган. Ҳудуддаги тарихан шаклланган мазкур этник муносабатлар кўп жиҳатдан ташқи кучлар, яъни буюк давлатларнинг

---

[1]https://ru.wikipedia.org/wiki/

бевосита ёки билвосита таъсири доирасида янгидан жонланди. Яқин Шарқ минтақасида "янги" давлатларнинг юзага келиш жараёнида улар ўртасида ҳудудларнинг этник ареалларга мос келмаган равишда бўлиб олиниши минтақа аҳолисининг бир нечта давлат чегараларида этник кўпчилик ва озчилик таркибида шаклланишига олиб келди.[1]

Бугунги кунда Яқин Шарқдаги этно-сиёсий муаммолар ўзига хос мураккаб структуравий хусусиятга эга. Шундай мураккаб ва чалкаш структурага эга этно-сиёсий муаммоларни тизимлаштирган ҳолда уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- этник ва миллатлараро можаролар;
- диний ва конфессионал можаролар;
- идеологик ва етакчилик учун кураш ва қарама-қаршиликлар;
- ер, сув, ҳокимият ва бошқа ресурслар учун курашлар.

Санаб ўтилган муаммоларнинг таркиби чалкаш ва мураккаб бўлиб, минтақадаги ҳар бир давлатда улар ўзига хос характерга ҳам эгадир.

Яқин Шарқда этник ва миллатлараро можароларнинг келиб чиқиши шубҳасиз, миллий-давлатларнинг қурилиши ва миллатчилик ҳаракатларининг кучайиши билан боғлиқдир. Маълумки, 19 аср охирларига келиб маданий жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган минтақа халқларининг миллий ҳаракатлари кучайиб борди. Миллатчилик ҳаракатлари Ғарб давлатларининг миссионерлик ҳаракатлари натижасида фаоллашди. Сабаби Ғарбда 1791 йилги Француз инқилобидан сўнг миллатчилик ҳаракатига этник структура ва тили жиҳатдан фарқли бўлган халқларга мустақиллик ҳаракати сифатида қарала бошланганди. Бунинг оқибатида дастлаб Мисрда араб миллатчилиги, Усмонли давлатида ёш турклар миллий ҳаракати, арман ва курд миллатчилиги, Эронда форс миллатчилиги, курд, азарий ва

---

[1] Каримов Ф.Э. Яқин Шарқдаги этносиёсий муаммолар ва минтақавий хавфсизлик масалалари. – Т., 2016. – Б. 82.

белужийларнинг миллий ҳаракатлари, Араб ярим оролида турли араб қабилаларининг кўтарилишлари фаоллашди.

Албатта, ташқи сиёсий кучларнинг асосий мақсади Яқин Шарқдаги миллатларга мустақиллик бериш орқали Усмонлилар давлати ва Эронни заифлаштириш, шу билан минтақа давлатларини ўз мустамлакасига айлантиришдан иборат. Бу мақсад Биринчи жаҳон уруши билан амалга ошди. Яқин Шарқда бир нечта сунъий давлатлар вужудга келди.[1]

Биринчи жаҳон урушидан кейин Яқин Шарқда бюрократик анъанага эга давлатлар (Миср, Туркия, Эрон) билан бирга колониал (Сурия, Ливан, Иордания, Ироқ) давлатлар ҳамда "шаҳар" давлатлар (Қувайт, Қатар, Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирликлари) вужудга келди. Шунингдек, Саудия Арабистони, Уммон ва Яман каби диний-сиёсий авторитар давлатлар қайта шакллантирилди. Бу жараён этник омиллар деярли ҳисобга олинмаган ҳолда амалга оширилди. Натижада айнан этник муаммолар Яқин Шарқдаги энг чигал ва мураккаб муаммолардан бирига айланди.

Бугунги кунда минтақа давлатларидаги этник масалалар Туркияда курдлар, алавийлар, лазлар ва қисман эскидан қолган арманлар билан боғлиқ муаммоларда; Эронда курдлар, белужийлар, азарийлар ва араблар билан боғлиқ муаммоларда; Сурияда курдлар, туркманлар, друзлар ва сунний араблар; Ироқда курдлар, шиа араблари (бугунги кунга келиб сунний араблари), туркманлар муаммоларида; Ливанда христиан араблари, друзлар, арман ва бошқа миллатлар ва конфессиялар орасидаги муаммолар, Мисрда коптлар (қиптийлар); Жазоирда берберлар; Баҳрайнда шиа араблари; Яманда

---

[1] Масалан, Марказий Осиё мамлакатлари билан солиштирадиган бўлсак, ҳудудий чегаралашда жуда чалкаш ва сунъийликка йўл қўйилган бўлса-да, бу ердаги хонликлар ўрнида пайдо бўлган давлатлар маълум бир титул миллат устунлигида (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон каби) шакллантирилди. Аммо Яқин Шарқда бундай бўлмади. Туркия ва кейинчалик пайдо бўлган Исроилдан бошқа Яқин Шарқ давлатлари номи титул бир миллат номидан келиб чиқмайди. Хусусан, Сурия қадимда яшаган оссурлар номидан келиб чиқади. Ироқ ҳам Басра кўрфази ёнидаги бир жой номи. Миср, Иордан, Фаластин, Ливан номлари ҳам арабларга алоқадор бўлмаган эски бир номлардир. Араб яриморолидаги давлатларнинг кўпчилиги, масалан, Саудия Арабистони Ал-Сауд оиласининг номидан келиб чиқади. Баҳрайн номи арабчада "икки дарё" номидан келиб чиқади. Эрон эса "аряний" (орий) сўзидан келиб чиқади. Покистон ҳам форсчадан "пок ер" маъносини бериб, худди Эрон каби бирор бир титул миллатни акс эттирмайди.

ҳам шиа араблари билан боғлиқ жуда қалтис ва чалкаш масалаларда намоён бўлмоқда. Шунингдек, Араб–Исроил муаммоси туфайли (Фаластин-Исроил ёки мусулмон-яҳудий муаммоси) мавжуд ҳудуд ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб бугунги кунга қадар дунёнинг энг “қайноқ” минтақаси ҳисобланади. 1979 йил Эронда юз берган ислом революциясидан кейин минтақада етакчилик учун шиа-сунний зиддиятлари бошланганини инобатга олсак, масала янада мураккаб эканидан далолат беради.

Маълумки, Яқин Шарқдаги этник муаммоларнинг энг жиддий кўриниши бу курдлар масаласидир. Курдларнинг биринчи миллийлик характердаги исёни 1880 йилда Шайх Убайдуллох бошчилигида бўлиб ўтган. Усмонлилар ва Эрон ўртасидаги рақобат кетаётган бир пайтда Шайх Убайдуллоҳ бутун Эрон курдларини бирлаштириб Истанбулга қарши урушни режалаштирган. Курд этник шахсиятига ҳар қанча урғу берсада, Убайдуллох қўзғолони Курдистон мустақил давлатини ташкил этиш учун эмас, балки марказий ҳокимиятга қарши норозилик исёни сифатида баҳоланади. Чунки, Убайдуллоҳга қўшилган курдлар миллатчилик руҳиятида мустақиллик учун эмас, балки шайхга бўлган ҳурмат ва маҳаллий аҳолининг ўз диний қадриятларига содиқ қолиш нуқтаи назардан қўшилган.[1] Баъзи тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Шайх Убайдуллоҳ бошчилигидаги исён Чор Россияси томонидан Усмонлиларга қарши уюштирилган ва қўллаб-қувватланган қўзғолон бўлган.[2]

Биринчи жаҳон урушидан кейин, курдлар тўрт давлат (Туркия, Эрон, Ироқ ва Сурия) таркибида қолиб кетди. Туркиядаги курдлар 15-20 миллионлик сони билан бошқа давлатлардаги курдларнинг умумий сонидан ҳам кўпчиликни ташкил этади. Шундай бўлса-да, Туркия Республикаси ташкил этилганидан кейин мамлакатдаги этник курдлар

---

[1] W. Jwaideh, The Kurdish National Movement. Its Origins and Developments, Syracuse University Press, New York, 2006, pp. 75-101.
[2] Abdulhalük Çay, Her Yönüyle Kürt Dosyası, Ankara, 1993. – S. 464.

алоҳида бир миллат сифатида тан олинмади. Натижада Дерсимдаги курдларнинг заза қабиласи томонидан 1933 йилда қўзғолон уюштирилди. 1980 йилга келиб эса курдларнинг адолат ва тенглик тамойилларини ўзига сингдирган социалистик ҳаракат – Курдистон ишчи партияси (КИП Туркияда террорчи ташкилот сифатида рўйхатдан ўтказилган) тузилади. Бу ҳаракатнинг аъзолари, кейинчалик, 1990 йиллар бошида курдларнинг зич яшайдиган Диярбакир, Ван, Мардин ва бошқа шаҳарларида кўплаб исёнлар, норозиликлар, қўпорувчилик ҳаракатларини содир этдилар. Бу ташкилот аъзолари бугунги кунда ҳам тоғли ҳудудларда турли жангари ҳаракатларни уюштириб келмоқда.

Алавийлар шиа масҳабидан бўлгани учун сунний-алавий (ёки шиа) муаммоси Яқин Шарқ давлатлари учун умумий муаммо ҳисобланади. Бу муаммо Туркияда ҳам мавжуд бўлиб, унинг тарихи узоққа бориб тақалади. Муаммонинг энг жиддий кўриниши 1510-1520 йилларда кузатилган бўлиб, ўша пайтда Эрон шоҳи Исмоил даврида шиаликнинг расман давлат масҳаби деб эълон қилиниши оқибатида сунний бўлган Усмонлилар султони Сулаймон ўртасида юз берган жангларда (Чалдиран жанги) кўчманчи туркман алавийлари шоҳ Исмоилни қўллаб-қувватлаган. Жангда Усмонлилар ғалаба қозонган бўлса-да, алавийлар доим Эрон билан алоқаларни ўрнатиб турган. Шоҳ Исмоил ҳам алавийларга ўз ёрдамини аямаган. Натижада Сивас, Токат, Амасия ва Чўрум минтақаларида, кейинчалик, Анталия ва Румелли минтақаларида алавийларнинг Шахкулу ва Турҳалли Желал исёнлари бўлиб ўтади.[1]

Бундан кейин ҳам вақти-вақти билан алавийларнинг исён ва қўзғолонлари бўлиб турган. Туркия Республикаси эълон қилинган пайтда секуляр сиёсатнинг йўлга қўйилиши билан алавийларнинг ҳолати нисбатан яхшиланди. Аммо, 1960 йилларга келиб, Демократлар партияси дин

[1] İsmail Hakkı Uzunçarşılı, Osmanlı Tarihi, II. Cilt. – Ankara: Türk Tarih Kurumu Yayınları, 1998, s. 344.

масаласини кўтариб чиқиб, суннийлик анъаналарни ҳимоя қилиши, алавийларнинг ўтмишдаги тарихини қайта кўтариб сунний-алавий танглигини янада кучайтиради.[1] Бу алавийларнинг кўпчилигининг сўл қанот ғоя ва ҳаракатларига қўшилишига, 1960 йиллар охирига келиб эса Каҳрамон Мараш ва Чўрумда исёнлар юз беришига сабаб бўлади.

Туркияда миллий давлат шаклланишида титул миллат яратиш ҳаракатлари 1970 йилларда этник ва масҳаб ҳаракатлари билан фаоллаша бошлаганини ифода этган. Бруинессенга кўра, секулярлашиш ҳаракати алавийларга тенг ҳақларни таъминлади. Лекин суннийларнинг уларга нисбатан адовати йўқолмади ва 1970 йилларда бошлаган сиёсий қутблашиш ҳолати янада авж олди. Ўша даврнинг ўта сўл қанотдагилари алавийларнинг ўтмишдаги исёнларини коммунизм олди ҳаракатлари сифатида қараб, алавийларни ўз иттифоқчилари деб қабул қилган бўлса, ўта ўнг қанотдаги консервативлар суннийларни ўз тарафига оғдиришга ҳаракат қилди. Улар алавийларга нисбатан муносабатларини жиддийлаштириб, ушбу барча ривожланишлар миллий давлат идентификацияси ташқарисида қолган халқлар мавжудлигини ва этник, диний жиҳатдан титул бир миллат (турк) идеалидан узоқлашишини кўрсатганди.[2]

Дарҳақиқат, алавийлар орасида курдлар, туркманлар, араблар бўлишига қарамай, алавийлик баъзан этник ҳаракат сифатида ҳам кўрила бошланди. Кўпинча сўл қанотдаги ҳаракатлар Халқ демократик партияси (асосан курд миллатчилиги партияси) тарафдорлари сифатида қараладиган бўлди.

Туркиядаги бошқа халқлар, масалан, лаз ва черкезларнинг ҳам ассимилация (турклашуви) жараёни кучли бўлган бўлса-да, лазлар этник жиҳатдан ўзларини грузин миллатидан, черкезлар эса кавказ халқларидан эканини унутмаган. Туркиядаги яна бир этник муаммо – бу арманларнинг

---

[1] Haydar Gölbaşı, “Modernleşmeyi Engelleyen Arkaik Bir Çatışma Sorunu: Alevi-Sünni Çatışmasının Arka Planı” C.Ü. İktisadi ve İdari Bilimler Dergisi, Cilt 9, Sayı:1, 2008. S. 50-51.
[2] Martin Van Bruinessen, Kürtlük, Türklük, Alevilik-Etnik ve Dinsel Kimlik Mücadeleleri, çev. Hakan Yurdakul. İstanbul: İletisim Yayınları, 8. Baskı, 2009. – P. 119-121.

оммавий қирғини билан боғлиқ. 1912-1915 йилларда қадимдан арманлар яшайдиган ҳудудларда, жумладан, Эрзурум, Ван, Ағри ва бошқа ерларда арманларга нисбатан амалга оширилган геноцид натижасида ўз вақтида зич бўлиб яшаган арманлар у ерларни тарк этади. Бу муаммо бугунги кунда ҳам халқаро даражадаги масала бўлиб, Туркия ташқи сиёсатидаги энг оғриқли муаммолардан биридир.[1]

Этник муаммо нафақат Туркия, балки бутун Яқин Шарқ давлатларида бир-биридан қолишмайдиган жиддий муаммо саналади. Биринчи курд миллати номидан исён Шайх Убайдуллоҳ томонидан амалга оширилган бўлса-да[2], курдларнинг миллий давлат қуриш ҳаракати иккинчи жаҳон уруши якунида, аниқроғи, 1946 йилда Эроннинг шимолий-ғарбий қисмида Махабад республикасининг ташкил этилиши билан якунланган. Мазкур республика 11 ой яшаган бўлса-да, бу курдларнинг сиёсий мустақилликка бўлган биринчи қадами эди. Айнан, Махабад республикасини ташкил этиш ғояси курдларнинг алоҳида бир давлат қуриш йўлидаги бирлашувидан далолат эди. Бу борада тадқиқотчи Хошави Бабакр шундай ёзади: “Биринчи курд давлатчилиги Махабад курдларига нафақат давлатчиликдаги биринчи тажриба, у, шунингдек, айнан Махабад революцияси даврида биринчи иккита курд миллий партиялари: Эрон Курдистони демократик партияси ва Ироқ Курдистони демократик партиясининг ташкил топиши билан янада қадрлидир. Шундай қилиб, миллий ҳаракатлар биринчи марта замонавий асосларга мувофиқ бўлди”.[3] Эрондаги бу ҳаракатлар курдларнинг сиёсий партиялар, ташкилотлар тузиш ва у орқали ҳаракат қилишларида жуда ҳам катта тажриба бўлди.

---

[1] Маълумотларга кўра, 1,5 млн. арман асосан курд қишлоқларининг аҳолиси томонидан ўлдирилган.

[2] Бугунги кунгача аниқ ўрганилмаган бўлсада, бизнинг тахминимизча, курдлар номидан исён кўтариш ва умуман Буюк Курдистон ғояси Эронлик зиёли курдлар томонидан илгари сурилган бўлиши мумкин. Чунки Шайх Убайдуллоҳнинг Эрон курдлари билан бирлашиб Усмонлига қарши кураш фикри ҳам бекорга чиқмаган.

[3] Хошави Бабакр, Курдистан: перспективы курдской государственности, Курдский вопрос на рубеже тысячелетий (круглый стол 19.02.2004 г.) М., 2004. – С. 27.

Эрондаги энг жиддий этник муаммо – бу белужийлар муаммоси бўлиб, у ҳам этник, ҳам конфессионал муаммо ҳисобланади. Белужийлар сунний масҳабга мансуб бўлиб, курдлар каби форс тили оиласига кирувчи Эрон халқларидан бири ҳисобланади. Эрондаги белужийлар Покистон билан чегара бўлган Систан-Белужистон вилоятида истиқомат қилиб, уларнинг сони тахминан 1,5 миллионни ташкил этади. Бу вилоят Форс кўрфази билан Хормуз Бўғози орқали энергетика оқимини назорат қилиш имконини таъминлайдиган стратегик ҳудуд саналади. Белужийларнинг катта қисми Покистонда яшашади, улар мамлакат аҳолисининг 7-8 фоизини ташкил қилади. Покистоннинг ғарбий қисмида жойлашган ҳудуд номи ҳам Белужистондир.[1]

Покистонда истиқомат қиладиган белужийлар ҳудуди энергетика манбаларига бой бўлишга қарамай, яшаш шароити бошқа вилоятларга нисбатан жуда паст даражада бщлгани туфайли улар Эрон ва Покистон ҳукуматларидан норозидир.[2]

Белужийлар Покистонда автоном бошқарувга эга бўлишга интилаётган бўлса, Эронда мазҳаб фарқлилигидан азият чекмоқдалар. Шиа мазҳаби ҳукмдор бўлган Эронда сунний масҳабига эга бўлган белужийларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг тили ва маданияти ўртасидаги ўзаро фарқ уларни бир-биридан бегоналаштирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу бегоналашиш Гундуллах номи берилган ва сунний бўлган Эрондаги белужийларни алоҳида бир миллатга айланиш борасидаги ҳаракатни кучайтирмоқда.[3]

Эрондаги яна бир катта этник диаспора бу азарийлар ҳисобланиб, уларнинг сони тахминан 15-20 миллион кишини ташкил этади. Улар

---

[1] Muhammed Saleem Mazhar and others, "Balochistan: From Strategic Significance to US Involvement", Journal of Political Studies, Vol.: 19, 2012. – P. 113.
[2] Alok Bansal, "Factors Leading to Insurgency in Balochistan", Small Wars & Insurgencies, Vol.: 19, No: 2, 2008. – P. 185-189.
[3] Hakan Boz, "Belucistan, Orta Asya'nın Kürdistan'ı Mı?", 21. Yüzyıl Dergisi, No. 36, Aralık 2011. - S. 55.

мамлакатнинг шимолий-ғарбий қисмида, Озарбайжон вилоятларида истиқомат қилишади. Азарийлар шиа мазҳабидан бўлгани учун жиддий хавф туғдирмаса-да, туркчилик ва Туркия билан муносабатларининг яқинлиги учун баъзан жиддий этник масала сифатида қаралади. Шунга қарамай, азарийлар Эроннинг Озарбайжон билан ўзаро муносабатларида ўзига хос кўприк вазифасини ҳам бажаради.[1] Эронда азарийлардан ташқари туркманлар, қашқайлар, хуросонлик турклар, халачлар, сунгурлар, эбивердилар, қозоқ ва ўзбеклар каби туркий халқлар мавжуд[2] бўлиб, уларнинг сони аниқ кўрсатилмаган бўлса-да жами туркий халқларнинг сони 35 миллионгача етиши мумкин.[3] Бу мамлакат аҳолисининг 40 фоизини ташкил этади. Шоҳ даврида (Ризо шоҳ Паҳлавийлар) азарийлар бошқа туркий халқлар каби форслаштириш сиёсатидан жиддий азият чеккан. Сабаби, шоҳ ва унинг атрофидаги амалдорларнинг фикрича, Эрондаги халқлар мўғуллар даврида турклаштирилганди.[4] 1979 йилги Ислом революциясида азарийлар фаол иштирок этди. Баъзи азарийлар буни азарий дин одамларининг исёни эди деб ҳисоблашади. Чунки, Оятуллох Хойи, Оятуллох Ленкераний, Оятуллох Али Хомайний (ҳозирги амалдаги оятуллох) каби дин пешволарининг азарий миллатидан эканига иқтибос қилинади.[5] Революциядан кейин азарийлар билан бирга, бошқа туркий халқлар, курдлар, араблар ҳамда лурлар ҳам хақ-ҳуқуқларининг конституциявий ҳимояланишини, жумладан, мактабларда давлат тили билан бирга, ўз она тилларида ҳам таълим олишни, газета ва журналлар чоп этилишини, парламентда ўз вакилларига эга бўлиш талабларини илгари

---

[1] 1828 йил 10 февралда 16 йил давом этган Чор Россияси ва Эрон орасидаги уруш натижаси ўлароқ имзоланган Туркменчай шартномасига кўра Озарбайжон иккига бўлинди. Арас дарёсининг шимоли Чор Россиясига берилди, жануби эса ўша пайтдаги Эронни бошқарган туркий халқлардан бири Качар сулоласи таркибида қолганди.

[2] Blaga Rafael, İran Halkları El Kitabı. İstanbul, 1997. – S. 272.

[3] Bilgehan A. Gökdağ and M. Rıza Heyet, Iranian Turks' Identity Problem (İran Türklerinde Kimlik Meselesi). Bilig, Summer / 2004, No 30: 51-84.

[4] Bilgehan A. Gökdağ and M. Rıza Heyet ўша манба.

[5] Saraçli Murat, Minorities in Iran (İran'da Azinliklar). P. 15-16 // http://www.akademikortadogu.com/belge/ortadogu4%20makale/murat_saracli.pdf

сурдилар. Аммо амалда бу деярли қондирилмади. Шу боис, азарийлар ҳам бугунги кунда ўз тили ва маданиятини сақлаб қолиш борасида ташвишда эканини гоҳ-гоҳида эслатиб турадилар.

Эрондаги яна бир этник муаммо – бу муҳим этник озчиликни ташкил этган араблар масаласидир. Улар Эроннинг асосий жанубий-ғарбий қисмида, иқтисодий ва стратегик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этган Хузестон (Ал-Ахваз деб ҳам номланган) провинциясида истиқомат қилади. Эронлик араблар 2 миллиондан зиёдни ташкил этади.[1] Форслар каби Эрондаги араблар исломнинг шиа йўналиши вакилларидир. Шу боис, улар мазҳаб муаммосини туғдирмайди. 1925 йилгача Британиянинг қўл остидаги автоном ҳудуд ҳисобланган Ал-Ахваз, Эрон таркибига киритилгач, Хузестон деб номланди. Бу ҳудуд стратегик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этиб, Форс кўрфазига туташган, Ироқ ҳамда Қувайт билан чегарадош, нефть ва газ заҳираларига бой ҳудуд саналади. Ушбу ҳудуддаги араблар ҳозирги кунда форсийлаштирилмоқда. Уларнинг 40 фоизи бугунги кунда форс тилида гаплашади. Араб давлатлари етакчилари Эроннинг нефть ва газдан олаётган фойдасини хузестонлик араблар деярли кўрмаётганлигидан норози бўлишмоқда.[2]

Эронда бошқа этник озчиликлар, масалан лурлар, туркманлар ва бошқалар ҳам борки, улар масҳаб ва этник жиҳатдан тан олинмаслик каби ҳолатларга учраб туради.

Маълумки, Туркия, Эрон ва Исроилдан ташқари Яқин Шарқдаги қолган барча давлатлар Араб давлатлари ҳисобланади ва улар Араб Давлатлари Лигаси ташкилотининг аъзолари ҳисобланади. Ушбу Араб давлатларида этносиёсий муаммолар турли кўринишга эга бўлиб, жуда ҳам зиддиятли тус олган.

---

[1] Камраков А.А. Этноконфессиональные меньшинства в политическом процессе Большого Ближнего Востока: особенности институционального развития и диаспоральной деятельности. Дисс. к.п.н. Нижний Новгород, 2009. – С. 19.
[2] Ўша манбаа

Араб дунёсининг аҳолиси 236 миллиондан кўпроқ бўлиб, мутлоқ кўпчиликни ташкил қилувчи қисми (80 фоиз) бир хил физиологик хусусиятларга эга. Диний жиҳатдан улар мусулмон бўлиб, кўпчилиги суннийлар ҳисобланади. Маданий ҳамда лингвистик жиҳатдан улар араб тилида сўзлашади. Миллий келиб чиқиши нуқтаи назаридан, улар кўп асрлар мобайнида “Араблар Ватани” (Атлантик океанига туташ Марокашдан тортиб Араб Форс кўрфазидаги Бахрайнгача чўзилган) ҳудудларида яшаб келмоқда.[1]

Араб дунёсидаги этник хилма-хиллик 1990 йиллар бошларида қуйидаги кўринишда ўз аксини топади:[2]

| **Этник бўлиниш** | **Аҳолиси (миллион)** | **Фоизлар қийматида** | **Жойлашилган давлат** |
|---|---|---|---|
| 1. Кўпчилик араб тилида сўзловчи мусулмонлар (сунний) | 190.0 | 80.0 | Барча араб мамлактларида |
| 2. Лингвистик/маданий камчиликлар (араб бўлмаган) | 32.3 | 13.7 | Марокаш, Судан, Жазоир, Ироқ, Сурия |
| 3. Диний камчиликлар (мусулмон бўлмаган) | 17.9 | 7.6 | Судан, Миср, Ливан, Фаластин |
| 4. Ислом камчиликлари (сунний бўлмаган) | 20.8 | 8.8 | Ироқ, Ливан, Сурия, Бахрайн, Яман |
| 5. Этник озчиликлар (сем ит/хамитик(hamitic)/кавказ гуруҳларига оид бўлмаган) | 8.7 | 3.7 | Судан |

Юқоридаги жадвалда Араб давлатларидан асосан Сурия, Ироқ, Ливан, Яман ва Судан жуда ҳам чалкаш ва жиддий этносиёсий структурага эга эканини кўришимиз мумкин.

Араб давлатларининг этносиёсий структурасини янада аниқроқ қилиб кўриш учун қуйидаги жадвалга эътибор қаратамиз:[3]

---

[1] Каримов Ф.Э. Яқин Шарқдаги этносиёсий муаммолар ва минтақавий хавфсизлик масалалари. Т., 2016. – Б. 86.

[2] Манба: Saad Eddin Ibrahim Sects, Ethnicity, and Minority Groups in the Arab World (Араб тилида), Cairo, Ibn Khaldoun Center, 1994. – P. 86.

[3] Манбаа сифатида Saad Eddin Ibrahim Sects, Ethnicity, and Minority Groups in the Arab World (Cairo, Ibn Khaldoun Center, 1994) асари олинган бўлса-да, бугунги кунда давлатларнинг статистик маълумотлари ва яқинда ёзилган манбалар асосида қайта тузиб чиқилган ва тадқиқотчи Saad Eddin Ibrahim томонидан йўл қўйилган хатолар тўғрилаб ёзилган.

| **Камчилик гуруҳлар** | **Араб дунёсида умумий сони** | **Кўпчилик ни ташкил қилувчи дин** | **Этник келиб чиқиши** | **Келиб чиқиш давлати** | **Жойлашув давлати** |
|---|---|---|---|---|---|
| Курдлар | 7,000,000 | Мусулмон | Indo-European | Курдистон | Ироқ/Сурия |
| Арманлар | 1,000,000 | Христиан | Indo-European | Армения ва Туркия | Ливан/Сурия/ Ироқ/Миср |
| Орамийлар | 125,000 | Мусулмон | Hamitic/Semitic | Сурия/Ироқ/Ливан | Сурия/Ироқ/Ливан |
| Туркманлар | 550,000 | Мусулмон | Altai groups | Ўрта Осиё/ Туркия | Ироқ/Сурия |
| Турклар | 125,000 | Мусулмон | Altai groups | Туркия | Сурия/Ироқ |
| Эронийлар | 350,000 | Мусулмон | Indo-European | Эрон | Ироқ/Форс кўрфази |
| Ғарбий яҳудийлар | 3,500,000 | Яҳудий | Hamitic/Semitic | Европа ва иккита Америка | Фаластин/Исроил |
| Африка уруғлар | 5,500,000 | Паган | Africa | Жанубий Судан/Жанубий Марокаш, Жанубий Миср/Ғарбий | Жанубий Судан/Жанубий Марокаш |
| Нубийлар | 500,000 | Мусулмон | Hamitic/Semitic | Судан | Жанубий Миср/Ғарбий Судан |
| Берберлар | 15,000,000 | Мусулмон | Hamitic/Semitic | Марокаш/Жазоир/Тунис/ Ливия | Марокаш/Жазоир Тунис/Ливия |

Ушбу жадвалда, асосан Сурия, Ироқ, Ливан, Фаластин, Миср ва Суданда этник хилма-хиллик мураккаб кўринишга эга эканини кўришимиз мумкин. Бу бугунги кунда айнан ушбу давлатларда (Яманни ҳам қўшган ҳолда) этносиёсий муаммоларнинг жуда кескин ва муросасиз кўринишда эканини ва тизимли тўқнашувларга сабаб бўлаётгани бежиз эмаслигини ҳам билдиради.

Таъкидлаш жоизки, 1945 йилдан буён дунёда юзага келган барча ихтилофларнинг 25 фоизи Яқин Шарқдаги араб давлатларида содир бўлган. Бунда, айниқса, фуқаролар уруши энг таҳликали ва жиддий кўринишда бўлиб ўтган. Масалан, Ливандаги фуқаролик урушида (1975-1990 йй.) қурбонлар

сони 200 мингга яқин бўлган бўлса, Судандаги фуқаролик уруши (1956 йилдан ҳозиргача) 1 миллионга яқин инсонларнинг ҳаётига зомин бўлди.[1]

Этник можаролар ичида Ямандаги 1994 йилги фуқаролар уруши юқоридаги зиддиятларнинг энг фожиали кўриниши бўлди. Ихтилофларнинг мафкуравий ва минтақавий кўринишлари асосан масҳаб бўлинишлар билан боғлиқдир. Бунда хусусан, Шейфи суннийлари шунингдек, Зайди шиа фирқаларига мансуб бўлган Ғарб қабилавий элитасини кўрсатиб ўтиш мумкин. Яқин Шарқдаги ҳар бир қуролли ички ихтилофлар билан манипуляция қилиш, шунингдек, уларнинг тез тарқалувчанлик хусусияти албатта, давлатлараро можараларга ҳам сабаб бўлган муҳим жиҳатлигини қайд этиш лозим.[2]

Бугунги кунда минтақанинг энг зиддиятли давлатлари Сурия, Ливия, Ироқ ва Яман бўлиб қолмоқда. Бу давлатлардаги жараёнлар жуда кескин ва таҳликали бўлиб, нафақат минтақа, балки халқаро миқёсда тинчлик ва хавфсизликка раҳна солмоқда. Масаланинг жиддийлиги юқоридаги давлатларда бошланган фуқаролик урушлари натижасида давлатларнинг бир нечта бўлакларга бўлиниши ва халқаро кучларнинг у ёки бу гуруҳларни қўллаб-қувватлаши орқали вазиятнинг тобора жиддийлашиб бораётганлиги, натижасида минглаб, миллионлаб инсонлар азият чекмоқда.

Сурияда 2018 йилги маълумотларга кўра, мамлакат аҳолисининг сони 19,5 миллионни ташкил этиб, шундан аҳолининг 87 фоизини мусулмонлар (74 фоизи суннийлар, 13 фоизи (шиа) алавий, исмоилий), 10 фоизини христианлар, 3 фоизини друзлар ташкил этади. Этник таркибига кўра эса, аҳолининг 90,3 фоизи араблар, қолган 9,7 фоизи курдлар, арманлар, туркманлар ва бошқалардан иборат.[3]

---

[1] Saas Eddin Ibrahim. Sects, Ethnicity, and Minority Groups in the Arab World (in Arabic), Cairo: Ibn Khaldoun Center, 1994. – pp.15-18.

[2] Каримов Ф.Э. Яқин Шарқдаги этносиёсий муаммолар ва минтақавий хавфсизлик масалалари. Т., 2016. – Б. 85-86.

[3] Carla E. Humud and others, Armed Conflict in Syria: Overview and U.S. Response. Congressional Research Service, March 25, 2019. – P. 2.

Ҳозирги Сурия давлати французлар мандати остида 1920 йил ташкил топган. Сурия 1946 йил мустақиллик эълон қилганидан кейинги йигирма йил сиёсий беқарорлик шароитида яшади. Охирги давлат тўнтариши 1963 йил бўлиб ўтиб, БААС партияси Сурия устидан тўлиқ назоратни қўлга киритган. 1970 йилда БААС партияси раҳбарлигига генерал Ҳафиз Асад келганидан сўнг, ҳокимият қарийиб 30 йил давомида авторитар тузум орқали бошқарилди.[1] Ҳафиз Асад бу даврда давлат аппаратини турли жамоаларга тақсимлаб, ҳокимиятни ўзи ва оиласига тобелаштирди ҳамда ўз конфессиясига мансуб бўлган алавийларни ҳокимиятнинг муҳим бўғинларига тайинлади. Дастлаб, алавийларни давлат хавфсизлиги ва ҳарбий органлари устидан назорат ўрнатилишини, кейинчалик ҳукуматнинг юқори органларига ҳам айнан алавийлардан қўйилишини афзал кўрди.[2] Ваҳоланки, алавийлар мамлакатда бор йўғи 10 фоизнигина ташкил қилар эди.

Натижада Ҳафиз Асад президентлик ваколатини кенгайтириб, ҳукумат қарорларига вето қўллаш ҳуқуқигни ҳам қўлга киритди. Мамлакатда унинг даврида бирор маротаба кўппартиявийликка асосланган Президент сайловлари бўлиб ўтмади. 2000 йил вафот этганда алавий элитаси унинг ўғли Башар Асадни ҳокимиятга олиб келди. Башар Асад у пайтда, асосан Лондонда яшар ва шифокор бўлиб ишларди. Бу эса унинг давлат бошқаруви тизимидан анча йироқлиги ва тажрибасизлигидан далолат. Ушбу юқоридаги ҳолатларни қайси давлатда бўлмасин, бу давлатнинг мавжуд бўлиш масаласини жиддий хавф остига солади. 2011 йил “Араб баҳори” номи билан кенг кўламда амалга оширилган сиёсий тўлқинларда бу ўз исботини топди. Бошланган тартибсизлик ва хаос бузғунчи кучлар қўлида ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва геосиёсий воситага айланди.

---

[1] Ondřej Dočkal, Current Crisis in Syria. Model NATO, AMO Research Center, 2012. – P.2.
[2] Arnav Mariwala, The Syrian Civil War, Regime of Bashar Al-Assad. Stanford Model United Nations Conference 2014. – P. 6.

Икки Асад режимида суннийлар орасида норозилик муҳити кучли эди. Суннийлар орасида бир нечта юқори лавозимли шахслар ҳам бўлган бўлса-да, алавий озчиликка эга элита олдида суннийлар ўзларини иккинчи даражали ҳис этарди. Шу боис, Асад режимига дастлаб "Мусулмон Биродарлари" ташкилоти қарши чиқди. Кейинчалик, Ал-Қоида ва ИШИД (Ироқ ва Шом Ислом Давлати) террорчи ташкилотлари бу қаршилик ва норозиликларнинг етакчиларига айланди.[1] Бу ҳаракатлар Асад режимига қарши Саудия Арабистони ва бошқа давлатлар томонидан молиялаштирилиб, қўллаб-қувватланди. Суннийларнинг аксарияти Асад режимига қарши Сурия озодлик ҳаракати атрофида бирлашган бўлса, қолганлари ИШИДга қўшилди. Курдлар эса мамлакатдан ажралиб чиқиш учун кураш бошлаб юборди.[2] Ташқи кучлар у ёки бу гуруҳларнинг ҳомийсига айланди.

Сурияда 2011 йилда бошланган ва бугунги кунгача давом этаётган ички ихтилофлар натижасида мамлакат жуда катта сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий талофатлар кўрди. UNOCHAнинг 2018 йилги маълумотларига кўра, ҳозирда мамлакат аҳолисининг 13 миллиони ижтимоий кўмакка муҳтож. Шунингдек, 5,7 миллион аҳоли мамлакат ичида бошқа ерларга кўчиб ўтган. 5,6 миллион аҳоли эса қочоқларга айланган. Ишсизлик даражаси 50 фоизни, ўта қашшоқ яшайдиган аҳоли сони 69 фоизни ташкил этмоқда.[3]

Ироқдаги ҳолат ҳам Суриядаги вазиятдан катта фарқ қилмайди. Инглизлардан мустақил бўлган Ироқда 1979 йилгача бирин-кетин давлат тўнтаришлари бўлиб ўтди. 1963 йил араб миллатчилигига асосланган Араб Социалистик партияси – БААС Ироқ ҳокимиятини (Суриядаги каби) қўлга олди. 1979 йилгача партия ичида ҳокимият учун кураш давом этди. Шундан сўнг Саддам Ҳусайн ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб, бир партияли тизимга

---

[1] Arnav Mariwala, The Syrian Civil War, Regime of Bashar Al-Assad. Stanford Model United Nations Conference 2014. – P. 6-10.
[2] Ўша жойда.
[3] Иқтибос манбааси: Carla E. Humud and others, Armed Conflict in Syria: Overview and U.S. Response. Congressional Research Service, March 25, 2019. – P. 2.

эга давлатнинг Президенти бўлди. У ўз сиёсий рақибларини таъқиб қилиш, қийноққа солиш, қамаш ва ҳаттоки қатл қилиш йўли билан ҳокимиятдан четлаштирди. Ироқ ва Курдистонда инсон ҳуқуқларини тизимли равишда бузган Саддам Ҳусайн кейинчалик ўзи мансуб бўлган тикритлар оиласи аъзолари билан бутун ҳарбий ва хавфсизлик органларини ўз қўлига олишга муқаррар бўлди ва мамлакатда мутлоқ якка ҳокимиятни ўрнатди.[1] Саддам Ҳусайн ва унинг оиласи суннийлардан эди. Ваҳоланки, суннийлар Ироқда камчилик бўлиб, мамлакат аҳолисининг асосий қисми шиа мазҳабидан эди.[2] Бу ҳолат Сурияда шиа алавийларининг кўпчиликни ташкил қилган суннийлар устидан ҳукмронлигининг акси эди.

Саддам Ҳусайн 1979 йил Эронда ислом революцияси рўй берган пайтда чегара муаммосини баҳона қилиб ушбу мамлакатга бостириб киради. Маълумотларга кўра, 1988 йилгача давом этган давлатлараро уруш натижасида ҳар иккала томондан 1 миллиондан 2 миллионгача қурбонлар бўлган.[3] Саддам Ҳусайн 1988 йилда Ироқ шимолида курдларни йўқ қилишга қаратилган “Анфал” операциясини бошлайди. Курдлар яшайдиган ерларда (масалан, Киркукда) “араблаштириш” сиёсатини олиб боради. Ушбу операция давомида нафақат курдлар, балки, бошқа (масалан, туркманлар) этник гуруҳлар ҳам тизимли йўқ қилинади. Маълумотларга кўра, курдлар демографик кўпчиликни ташкил этадиган бир қанча ҳудудларда 182 000 дан зиёд курд аҳолиси йўқ қилинган,[4] уларнинг яна бир неча минги тоғли ва бошқа ҳудудларга кочиб кетган. Курдлар яшайдиган Халабжи туманида кимёвий қуролларни қўллаш оқибатида 5 мингга яқин курд ўлдирилгани маълумотларда қайд этилган.[5] Шунингдек, С.Ҳусайн тўсатдан 1990 йилнинг

---

[1] USDOS, Country Reports on Human Rights Practices for 2002 – Iraq, 31 March 2003. Ёки ушбу манбаа: HRW, Iraq and Iraqi Kurdistan – 2002 // https://www.hrw.org/legacy/wr2k2/mena4.html

[2] Ироқ аҳолиси 37,2 млн. бўлиб, 55 фоизи шиа, 18,5 фоизи сунний араблар ҳисобланади. Аҳолининг 21 фоизи курдлар, 2 фоизи туркманлар бўлиб, улар ҳам асосан сунний мазҳабдан. Жами суннийлар 42 фоиздир.

[3] Encyclopaedia Britannica, Iran-Iraq War, 15 September 2018 // https://www.britannica.com/event/Iran-Iraq-War

[4] HRW, Endless Torment: The 1991 Uprising in Iraq and its Aftermath, June 1992 // https://www.hrw.org/legacy/reports/1992/Iraq926.htm

[5] Ўша манбаа.

август ойида Қувайтга бостириб кириб, уни ишғол этади. Фақатгина БМТ бошчилигидаги халқаро кучларнинг саъй-ҳаракати билан Ироқ армияси ортга чекинди. С.Ҳусайн режими 2003 йилгача – АҚШ ҳарбий кучларининг Ироққа бошлаган хужумига қадар давом этди.

Албатта, кўплаб тадқиқотчилар, шу жумладан, давлат ва сиёсат арбоблари ҳамда Ироқнинг аксарият аҳолиси (курдлар ва Киркук туркманларидан ташқари) бугунги хаос ҳолатдан кўра, С.Ҳусайн раҳбарлик қилган давр яхши бўлгани, АҚШ кимёвий қуролларни баҳона қилиб, уруш очгани, натижада мамлакатнинг жар ёқасига келиб қолганини қайд этадилар. Бироқ Ироқдаги танглик ўтган асрнинг 50-йилларидан бери тизимли давом этиб келаётгани, С.Ҳусайн даврида этник ва конфессионал можаролар жуда жиддий ва аёвсиз кўринишга эга бўлгани, шунингдек, унинг сиёсати оқибатида кўплаб давлатлараро можаралар юз берганини ҳам инкор этиб бўлмайди.

АҚШ бошчилигидаги коалиция Ироққа кириб келганидан сўнг, курдлар мамлакат шимолида Курдистон автоном республикасини ташкил этишга эришди. Энг аҳамиятлиси, Ироқ ҳокимияти шиа мазҳабининг назоратига ўтди. Суннийлар ҳокимиятига барҳам берилди, шиаларнинг ҳокимиятдаги таъсири мустаҳкамланди. Бу минтақадаги суннийлар етакчилари бўлмиш Саудия Арабистони ва бошқа Араб давлатларининг Эрон–Ироқ–Сурия шиа учлигининг мустаҳкамланиши билан боғлиқ хавотирларини юзага келтирди. Натижада Ироқда сунний-шиа можароси бошланди.

2003 йилдан сўнг қуролланган исёнкор суннийлар ва сони ортиб бораётган шиа ҳарбийлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар давлатдаги асосий омил бўлиб, беқарорлик ўчоғига айланди. 2006-2007 йилларда Ал-Қоидага алоқадор сунний экстремистик кучлар Ироқда турли қўпорувчилик ва террорчилик фаолиятларини олиб борган бўлса, қуролланган шиа ҳарбийлари (уларнинг бир қисми Ироқ хавфсизлик кучларига тааллуқли эди) суннийларга нисбатан тез-тез хужум уюштириб, уларни таъқиб остига олди.

Бу даврда оддий ва тинч фуқароларга қилинган тажовуз ва хужумлар асосан мазҳаб фарқлилигидан келиб чиқди.[1]

АҚШ ва халқаро кучларнинг Ироққа кириши билан Ал-Қоида террорчилик ташкилотининг Ироқда бўлинмаси тузилди. Бу ташкилот Ансар Аль Ислом, Нақшбандий Армияси, Джейш Аль Махди "Ваъда қилинган кун бригадалари", Асаиб ахль аль Хак (ААХ), Катаиб Хезболла (КХ) каби бошқа гуруҳлар қатори бир-бирлари билан, аксарият ҳолларда тинч аҳоли ўртасида террорчилик ва партизанлик урушларини олиб борди. Бу террор ва фуқаролик урушлари асосан Ироқнинг Анбар, Салах-ад-Дин, Найнав ва Диял провинцияларида ўта жиддий кўринишда бўлиб турди.[2] Бу провинцияларда суннийларнинг ҳукуматга қарши жиддий норозиликлари бўлиб ўтди. Улар Боғдодда ҳам ҳукуматга қарши ўз норозиликларини кучайтирди. 2012 йилга келиб, Ироқдаги Ал-Қоида ва суннийларнинг бошқа экстремистик ташкилотлари бирлашиб, Ироқ Ислом Давлати (ИИД) ташкилотини тузади ва 2013 йилга келиб унинг номи Ироқ ва Шом Ислом Давлати (ИШИД)га ўзгартирилади. Ушбу террорчилик ташкилоти Ироқ ва Сурияда халифалик давлат тузиш ўз мақсади эканини эълон қилади.[3] Унга Абу-Бакир аль-Боғдодий раҳбарлик қилди. Шундан сўнг, ИШИД тарафдорлари ихтиёрий ва мажбурий тарзда ортиб борди. ИШИД кучлари мамлакатнинг Анбар провинциясидан бошлаб Ироқнинг бошқа провинцияларини, ҳатто, унинг йирик Мосул ва Киркук шаҳарларини ҳам қўлга киритди. Боғдод учун кураш авж олди. Суриянинг Идлиб ва бошқа кўплаб шаҳар ва қишлоқлар ҳам қўлга киритилди.[4]

Сўнгги маълумотларда, ИШИД жангарилариннинг 2019 йилга келиб Ироқда батамом йўқ қилингани ҳамда уларнинг Сурияда деярли қолмагани,

---

[1] USDOS, Country Reports on Human Rights Practices for 2007 – Iraq, 11 March 2008.
[2] Guardian (The), The Iraq legacy: the awakening, 21 March 2008.
[3] BBC News, Isis rebels declare 'Islamic state' in Iraq and Syria, 30 June 2014.
[4] Guardian (The), Obama: "We don't have a strategy yet" to combat Isis militants, 28 August 2014; US, CRS, The "Islamic State" Crisis and U.S. Policy, 22 October 2014.

курдлар қўлига аср тушганлиги таъкидланаётган бўлса-да, бу можароларнинг келиб чиқишининг асосий сабаб бўлган Сурия ва Ироқдаги этник ва диний конфессионал муаммо ҳали ўз ечимини топганича йўқ. Бугунги кунда Ироқда ҳам, Сурияда ҳам сунний-шиа можароси шунингдек, курдлар муаммоси очиқ қолаётган бўлиб, мазкур давлатларда турли этник ва диний, конфессионал можаролар, террорчилик ҳаракатларининг юз бериши, уларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ кўплаб хавф-хатарларга сақланиб қолмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Араб давлатларида нафақат диний-конфессионал муаммолар, балки, араб миллатчилик руҳияти ҳам ўта муҳим масалалардан ҳисобланади. Масалан, Сурияда Ҳафиз Асад, Ироқда Саддам Ҳусайн ҳукмронлиги даврида араб миллатчилиги масаласи устувор бўлди. Сириянинг Исроил билан можароларида барча суриялик араблар конфессияси ва динидан қатъи назар Ҳафиз Асадни қўллаб-қувватлаганди. Айни шу ҳолат туфайли Ироқ-Эрон урушида Ироқлик араблар шиа бўлса-да, Эронлик конфессиядошларига қарши мардонавор кураш олиб бордилар. Албатта, ироқлик шиалар орасида Эронга қочиб кетганлари ҳам бўлган, лекин умумий жиҳатдан олиб қараганда, давлатлараро уруш пайтларида Сурияда ҳам, Ироқда ҳам араб давлатчилик масалалари биринчи ўринга қўйилганди.

Бундан ташқари, Ливандан бошқа барча Араб давлатларининг конституцияси ва асосий қонунларида Ислом дини ва ҳуқуқига иқтибос келтириб ўтилса-да, конфессионал жиҳатини кўрсатмасдан Ислом бир бутун дин сифатида талқин қилинади.[1]

---

[1] Маълумот учун шуни айтиб ўтиш лозимки, Туниснинг 1959 йил қабул қилинган конституциясининг 1 моддасида: Тунис эркин, мустақил ва суверен давлатдир; дини Ислом, тили араб ва режими республикадир. Жазоир давлати конституциясининг 2-моддасига кўра: Ислом давлат динидир. Марокаш Қироллиги конституциясининг кириш қисмида Марокаш Қироллиги Ислом давлати экани ёзилган. Ливиянинг 1969 йил қабул қилинган конституциясига кўра, Ислом давлат дини, 1977 йилги конституциясида эса Қуръони Карим жамахария халқининг қонуни экани ёзилган. Миср конституциясининг 2-моддасига кўра, давлатнинг дини Ислом, расмий тили арабча бўлиб, Ислом шариатининг принциплари қонуннинг асосий манбасини ташкил этади. Сурия конституциясининг 3-моддасида президентнинг дини Ислом дини бўлиши шарт ва Ислом

Шундай бўлса-да, динни расмий жиҳатдан қонунлаштирган давлатлар дунёда 43 та бўлса, уларнинг кўпчилиги Яқин Шарқдаги Араб давлатлари ҳисобланади. Буни қуйидаги PEW тадқиқот марказининг маълумотларидан[1] ҳам кўришимиз мумкин:




Исломда умматга тегишлилик масаласи миллат ва миллатчиликни инкор қилиб келган. Шундай бўлса-да, миллат ва этник масалалар ҳамда улар билан

ҳуқуқи қонунларнинг асосий манбасидир. Иордания Қироллиги конституциясининг 2-моддасида Ислом давлат динидир ва расмий тили арабчадир. Яман конституциясининг 2-моддасига кўра, Ислом давлат динидир. Қувейт конституциясининг 2-моддасида ва Баҳрейн конституциясининг ҳам 2-моддасига кўра, Ислом давлат динидир. Қатар давлатининг 2003 йил қабул қилинган конституциясига кўра, Ислом давлат динидир. БАА конституциясининг 7-моддасига кўра, Ислом, бирликнинг расмий динидир. Ироқ конституциясининг 2-моддасига кўра, Ислом, демократия ва инсон ҳалқлари орасида алоқа ўрнатишга ҳаракат қилади. Шу боис, (1) Ислом принципларига; (2) Демократия принципларига; (3) Конституциянинг қабул қилган асосий ҳақ ва эркинликларига қарши қонун чиқарилмас. Лекин, биргина Саудия Арабистонида бироз мазҳабчиликка тегиб ўтилганини кўришимиз мумкин. Саудия Арабистони Қироллигининг асосий қонуни 2-моддасида, Саудия Арабистони суверен Ислом давлатидир, дини Исломдир, Қуръон-и Карим ва Пайғамбар суннати қонундир, деб ёзиб қўйилган.

[1] Pew Research Center, Many Countries Favor Specific Religions, Officially or Unofficially, OCTOBER 3, 2017. // https://www.pewforum.org/2017/10/03/many-countries-favor-specific-religions-officially-or-unofficially/

боғиқ муаммолар минтақада мавжудлиги кўплаб илмий ишлар ва амалиётда ўз исботини топган. Бироқ минтақадаги энг катта ва жиддий муаммо – бу, конфессионал муаммо экани, бу эса минтақада етакчиликка интилаётган давлатларнинг қўлида муайян сиёсий восита ёки бўлмаса идеологик қурол бўлиб хизмат қилаётганини инкор этиб бўлмайди. Бугунги кунда минтақадаги етакчиликка Саудия Арабистони–Миср–БАА иттифоқи (суннийлар) учлиги, унга қарши Эрон–Ироқ–Сурия иттифоқ (шиа) учлиги, минтақада ўз позициясини кучайтириш ва ҳақ иддио этаётган Туркия–Қатар иттифоқи иккилиги ўртасида қарама-қаршиликлар кучайиб бормоқда.

Шунингдек, минтақадаги ўтган асрнинг 50-йилларидан буён ўз ечимини топмаган ва топиши жуда мушкул бўлган Араб–Исроил можаросини ҳисобга оладиган бўлсак, Яқин Шарқ минтақасидаги этносиёсий муаммоларнинг жиддий эканини тасаввур қилиш қийин эмас. Бугунги кунда бу можаро сиёсий лексиконда Араб–Исроил можароси деб эмас, кўпроқ Фаластин–Исроил муаммоси деб айтилмоқда. Лекин охирги пайтларда Туркияда муҳофазакор АК партиянинг ҳокимиятга келиши билан ва Фаластиндаги Хезболлах ташкилотининг анъанавий дастакчиси, ҳомийси Эроннинг бу можарога жиддий ва кескин муносабатда бўлиши муаммонинг араблар доирасидан чиқиб, мусулмонлар доирасидаги муҳокама мавзуси ва марказига айланиб бораётганидан далолат бермоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Месопотамия ва Форс кўрфази тижорат йўли учун ҳар доим уруш бўлиб келгани тарихдан маълум. Жуда кўплаб Ғарб ва Шарқ империялари бу минтақада ўз таъсирига эга бўлиш, ҳукмронлик ўрнатиш учун кураш олиб борганлар. Усмонли давлати парчаланиб, бу ерлар империалистик давлатлар томонидан бўлиниб олинди. Сунъий чегаралар тортилиб мандатлари остидаги мустамлака давлатлар ташкил этилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин то 1990 йилларгача бу минтақа СССР–АҚШ қарама-қаршилигининг идеологик кўринишидаги социализм-капитализм кураши марказига айланди. Бу глобал можароларга этник-конфессионал

конфликтлар ва Араб–Исроил урушлари қўшилиб, бугунги кунда минтақада ўта мураккаб ва кескин этносиёсий вазият ҳукм сурмоқда.

## 2-§. Яқин Шарқда этник курдлар муаммосининг келиб чиқиш тарихи ва эволюцияси

Курдларнинг тарихи узоқ даврга бориб тақалса-да, уларнинг келиб чиқишига доир турли хил ёндашувлар, манбаа ва маълумотлар мавжуд. Бу табиий ҳолат бўлиб, барча миллатлар тарихи тўғрисида маълумотлар хилма-хиллиги учраб туради. Миллатларнинг келиб чиқишлари билан боғлиқ қарашларнинг тарихий воқеаларни баён қилишда бир миллат ёки давлат сиёсий манфаатларига асосланган ҳолда талқин қилиниши бизга яхши маълум. Ижтимоий тадқиқотлардаги асосий муаммо ва қийинчиликлар ҳам айнан соҳа олимларининг ўз илмий ишларида мавзуга мустақил (сиёсий мақсадларни кўзламаган ҳолда) равишда ёндаштшга бўлган ҳаракатидир.

Тарихий манбааларда курдларнинг илк яшаган жойи бўйича ягона қараш мавжуд бўлмаса-да, бир қанча маълумотларда уларнинг тарихий ватани сифатида Загрос тоғларининг марказий қисмлари қайд этилган.[1] Уларда ёзилишича, курдлар ўзларини “курд”, “заза”, “зазаки”, “курманж” деб атаганлар.

Тадқиқотчи Гунтер бу ҳудудларда курдлар миллоддан аввалги VI асрдан бошлаб яшаб келган деб таъкидлайди.[2] VII асрда Ислом динининг ёйилишига қадар Форс, Рим, Византия каби бир нечта империяларнинг ҳокимияти остида қолган курдлар бутун тарих бўйича аширатга (уруғ-аймоқчиликка) таянган, бўлинган маданий структурасини сақлаб келган.[3] Ундан кейинги

---

[1] Karen Culcasi. “Locating Kurdistan”, Borderlines and Borderlands, Alexander C. Diener, Joshua Hagen (ed.), Rowman & Littlefield. Lanham, 2010. – P. 108.
[2] Michael M. Gunter. “The Kurds Ascending”, New York: Palgrave Macmillan, 2008. – P. 3.
[3] Wadie Jwaideh. Kurdish National Movement: Its Origins and Development. Syracuse University Press, 2006. – P. 120.

даврларда Араб Халифалиги, Салжуқийлар, Хоразмшохлар, Мўғуллар, Темурийлар давлати остида, 1510 йилдан то Биринчи жаҳон урушигача Усмонийлар ва Эронда Сафавийлар, Кожарлар давлатига бўйсунган ҳолда яшаган курдлар ҳеч бир замон курд миллати ҳукмронлигини таъминловчи бирлашган давлатга асос солмаган. Бу ҳақда рус шарқшуноси М.С.Лазарев шундай деб ёзади: “Курд миллатининг тарихий ривожланишида этник сифатида бирлашувининг сиёсий шарт-шароити (асосан Сосонийлар даврининг охирида, тахминан мил. авв. VI асрда шаклланган) ва унинг миллатга айланиши курдларнинг маълум бир гуруҳларинг алоҳида (партикуляр) яшаш шарти муҳим ўрин тутган. Курдларнинг тарихий ватани ва уларнинг катта қисми доимий яшаган ерлари (Курдистон) доим ҳам этносиёсий эмас, асосан этно-ҳудудий масала сифатида қаралган. Курд этник гуруҳининг ҳукмронлигини таъминлаган давлат – Курдистон ҳеч қачон мавжуд бўлмаган”.[1]

Манбаларга кўра, Курдистон – ўлка, тарихий вилоят. Курдистоннинг асосий қисми Олд Осиё ва Эрон тоғликларида жойлашган. Курдистоннинг аниқ чегараси бўлмагани сабаб бу ном фақат этнографик маънода қўлланилади.

Шундай бўлса-да, курдларнинг қабилавий кўринишдаги кучли уруғ-аймоқчилик асосида бошқариладиган қабилавий давлатлари ёки амирликлари бўлган. Бу амирликлар, деб ёзади Майкл Эппель, қабилаларга ҳукмронлик қилиб, кучли бўлмаган қабилаларни ўз назорати остига олган ҳамда курд қабилавий сулолалари томонидан бошқарилган. Курд қабилаларининг дастлабки сулолалари Ҳасанвахидийлар (Hasanwiya) (959-1095), Бану Анназлар (Annazids) (990-1116), Шаддадид (951-1075) ва Бану Марван (Marwanid) (948-1083) бўлган.[2]

---

[1] Лазарев М.С. Внутрикурдские конфликты: происхождение и развитие. Сборник стат. (ответ. ред.) О.И.Жигалина, КУРДСКИЙ ВОПРОС В ЗАПАДНОЙ АЗИИ В НАЧАЛЕ XXI ВЕКА. М., 2006. – С. 25-26.

[2] Michael Eppel. The Kurdish Emirates: Obstacles or precursors to Kurdish nationalism? Routledge Handbook on the Kurds (ed. Michael M. Gunter). London, 2019. – P. 37.

Маълумотларга кўра, курдлар Ҳинд–Европа қавмининг Форс тармоғига мансубдирлар. Курдларга хос хусусият қабилачиликдир. Курдларнинг тарихда ягона бир кучли давлат қура олмаганининг асосий сабабларидан бири ҳам уларнинг уруғ-аймоқчиликка асосланган қабилавий кўринишда яшашганилигидир[1]. Курдлар сиёсий бошқарувининг бу шаклда шаклланиши шу даражага етиб борганки, ҳатто ташқи душмандан кўра ўз қавмининг бошқа бир ашират (қабиласи) хавфли ва таҳликали кўринган. Шунингдек, курдларда уларда қабилавий сулолани давом эттириш ҳамма нарсадан устун турган.

Курд жамиятини яқиндан таниган пантуркизм тарафдори, социолог Зия Гўкалп: “Барча ибтидоий жамиятларда на индувидуал ва на оммавий ҳуқуқ тушунчалари мавжуд бўлмаган. Ҳуқуқ фақат қабилага оиддир. Қабила раислиги учун турли адоватлар кузатилган. Мағлуб бўлган тараф қабилани тарк этиб бошқа бир қабиладан бошпана истайди. Курдларда ватан мафкураси эмас, қабила мафкураси ўта ривожланганди”, – деб ёзади.[2]

Тарихда курдларнинг кўплаб исёнлари кузатилган. Лекин бу исёнлар бирлаштирувчи ва миллий характерга эга бўлмаган. Бу ҳақда тадқиқотчи Тибет Абак шундай ёзади: “XIX аср охиригача курд ҳаракатларининг ўзига хослиги уларнинг локаллиги бўлган. Масалан бу даврдаги асосий қўзғолонлар – Мосулдаги Бабанзода Абдуррахмонпошо қўзғолони (1806-1808 йиллар) ва Бабанзода Ахметпошо қўзғолони (1812 йил), Дерсимдаги заза (зазаки тилида гапиради) қабиласининг қўзғолони (1818-1820 йиллар), Хаккаридаги Язидлар қўзғолони (1830-1833 йиллар), Битлисдаги Шерефхан қўзғолони (1831 йил), Мосулдаги Кўр Мехметпошо қўзғолони (1830-1833 йиллар), Диярбакирдаги Гарзана қўзғолони (1839), Бадрхан қўзғолони (1843-1847 йиллар), Битлисда Езданшира қўзғолони (1855 йил) – уларнинг барчаси

---

[1] Бугунги кунда, бу анъананинг давоми сифатида дунёнинг турли бурчакларида истиқомат қилишига қарамай, мақсадлари, ҳуқуқларини бирлаштирувчи жамоат ташкилотлари мавжуд.
[2] Ziya Gökalp. Kürt Aşiretler Hakkında Sosyolojik Tedkikler. İstanbul, Bilgeoğuz Yayınları, 2013. – S. 43.

миллий аҳамиятга эга бўлмай, тор доирадаги маҳаллий кўринишга эга бўлган. Улар тарқоқ бўлган, ҳар бир курд етакчиси фақат ўз мақсадларини кўзлаб ҳаракат қилган”.[1]

Курд аширати раиси Идрис-и Битлис Усмонлилар султони Ёвуз Султан Селимга ёзган даъват мактубида: “Курдлар, алоҳида-алоҳида қабила ва ашират тарзида яшамоқдадир. Фақат Аллоҳни бир билиб, Муҳаммаднинг уммати эканимиз учун иттифоқ ҳолатидамиз. Бошқа хусусларда бир-биримизга яқинлигимиз имконсиздир. Суннатуллоҳ бизда шундай жорий бўлмишдир”[2], деб муносабат билдирган.

Курдларнинг бундай бўлиниши бир томондан уларнинг бошқа халқ ва миллатларга ассимиляция бўлиб кетмасликка, ўз тили, анъана ва урф-одатларини тарих давомида сақлаб қолишига хизмат қилган. Бошқа томондан эса, уларнинг бирлаша олмаганлиги ягона давлат қуришига имкон бермаган. Боз устига, қабилачилик бошқа халқлар ҳукмдорларининг қўл остида “қўғирчоқ” бўлишига, бир-бирларини уриштириб қўйиш орқали доимий вассалига айлантиришда жуда қўл келган. Машҳур тарихчи олим Арнольд Тойнби 1934 йилда шундай ёзганди: “Курдларнинг энг ёмон душмани – қабила ва феодал низолар бўлиб, бу Ироқ, шунингдек, Турк ва Форс ҳукуматларининг “бўлиб ташла ва ҳукумронлик қил” сиёсатини олиб боришга имконият яратмоқда”.[3]

Курдлар тарихан узоқ давр мобайнида сиёсий, маданий ва стратегик жиҳатдан катта давлатларнинг доимий диққат марказида бўлиб келган. Жумладан, Усмонли турклар ва Эрон Сафавий империялари ўртасидаги урушларда курдлар асосан турклар томонда бўлган. Курдларнинг аксарият

---

[1] Тибет Абак. «Курдский Вопрос» и Россия: исторические истоки и реалии ребежа XIX – XX вв./Абак Тибет // Российские и славянские исследования: Сб. науч. статей. Вып. 5 /Редкол.: О. А. Яновский (отв. ред.) и др. – Мн.: БГУ, 2010. — С. 59.

[2] Ahmet Akgündüz. Osmanlı Kanunnameleri ve Hukuki Tahlilleri. Cilt. 3, İstanbul, 1991. – S. 205, 208.

[3] Toynbee A.J. Survey of International Affairs. London, 1934. – P. 134-135. Манба: Лазарев М.С. Внутрикурдские конфликты: происхождение и развитие. Сборник стат. (ответ. ред.) О.И.Жигалина, КУРДСКИЙ ВОПРОС В ЗАПАДНОЙ АЗИИ В НАЧАЛЕ XXI ВЕКА. – М., 2006. – С. 25.

қисми сунний мусулмон бўлганлиги сабабли шиа эронликларга қарши Усмонлиларни қўллаб-қувватлаган. Бу урушлар асосан Усмонли туркларнинг ғалабаси билан якунланган. Усмонли туркларнинг шарқий чегараларининг хавфсизлиги курдлар туфайли доим барқарор сақлаб келган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Усмонлилар ва Форслар ўртасидаги урушлар натижасида Шарқий Анатолия аҳолисининг кўпайиши курдлар фойдасига ўзгарган. Сабаби бу урушларда Форслар шиа бўлган туркман қабилаларига, Усмонли турклар эса шофий бўлган курд қабилаларга ёрдам берган. Натижада, Эрон ҳокимияти остидаги кўпчилик курд шофийлари Шарқий Анатолияга кўчиб ўтган, озчилик туркман шиалари Усмонли давлатидан Эронга миграция қилинган. Шундай қилиб, "турклаштириш" Анатолиянинг шарқий қисмидан бошланган бўлса-да, бу урушлардан кейин Шарқий Анатолиянинг аҳолиси асосан курдлар орқали кўпайган.[1]

17 асрда яшаган ва "Саёҳатнома" асари билан машҳур бўлган Авлиё Челеби курдлар яшайдиган ерлар ҳақида муҳим маълумотлар қолдирган. Курдлар яшайдиган минтақага нисбатан "Diyar-ı Kürdistan" ифодасини ишлатиб, уни "Буюк мамлакатдир" деб таъкидлаган.[2] "Бир учи Эрзурум диёридан Ван диёрига, Хаккари диёридан Жизра, Имадия, Мосул, Шеҳризор, Ҳарир, Эрделан, Боғдод, Дерне, Дертенг ва Басрага қадар бўлган жойларда бу тилда, яъни курдча (ҳар бир минтақа аҳолиси ўзига хос бўлган лаҳжада) гаплашадиган инсонлар мавжуддир. Ироқ Араби билан Усмонли турклар орасида бу юксак тоғлар ичида 6 мингта курд ашират ва қабилалари мустаҳкам бир тўсиқ бўлмаса Ажам қавми Усмонли диёрини истило этишлари жуда қулай бўларди", - деб ёзади Авлиё Челеби.[3] Курдларнинг Ажамга қарши эканини "Бу минтақада эллик қуролланган Шофий мазҳабли

---

[1] Тибет Абак. «Курдский Вопрос» и Россия: исторические истоки и реалии ребежа XIX – XX вв./Абак Тибет // Российские и славянские исследования: Сб. науч. статей. Вып. 5 /Редкол.: О. А. Яновский (отв. ред.) и др. — Мн.: БГУ, 2010. — С. 58.
[2] Çelebî, Seyahatnâme, cilt. III, s. 1; cilt. V, s. 253. Манба: Mehmet Akbaş. Evliya Çelebi'nin Gözüyle Kürtler ve Kürdistan. Artuklu Akademi | Journal of Artuklu Academia 2015/2(1). – S.46.
[3] Çelebî, Seyahatnâme, cilt. IV, s. 110. Манба: Mehmet Akbaş.

уммат-и Муҳаммад бордир” сўзлари билан ифода этади. Яна бу ҳақда “... Ва Али Усмон билан Ажам орасида бу Курдистон буюк devori бўлмаса эди, Али Усмонда ҳузур бўлмасди. Ажам хасм-и кави, шежиу фетадир...” сўзларидан Усмонлилар қаршисида жойлашган Эронни хавфли душман эканини кўриш мумкин. Шу сабабли Усмонлилар курдлар ва Курдистон ерларига эътибор қаратган.[1]

Умуман олганда, 1510 йилдан биринчи жаҳон урушигача Курдистон минтақаси турк ва форслар ўртасида зиддиятлар маркази бўлиб келди. Таъкидлаш жоизки, турк ҳукумати курдларни узоқ йиллар давомида тан олмаган ва уларни “тоғлик турклар” деб аташган. 1638 йилда Усмонли турк Мурод IV Боғдодни узул-кесил қўлга киритгандан кейин бир йил ўтиб, Турк-Эрон келишуви бўйича чегаралар аниқ белгиланади. Мазкур келишувга Биринчи жаҳон урушигача амал қилинган бўлса-да, Курдистон минтақаси икки давлат ўртасида оловли нуқта бўлиб қолган ва баъзан вазият кескинлашиб ҳарбий ҳаракатларга сабаб бўлган. Хусусан, Эронда Нодиршоҳ даврида Усмонлиларнинг курд минтақаларини босиб олишга бир неча бор ҳаракатлар бўлган, аммо аввал Форсларга тегишли бўлган курдларнинг ери ва Боғдодни тўлиқ қўлга кирита олишмаган. Шундай бўлса-да, Нодиршоҳ Тбилисини Усмонлилардан тортиб олишга эришган.

Бундан ташқари, Эронда Занд ва Кожар сулолалари даврида ҳам Усмонлилар билан Боғдод ва курд минтақалари учун доимий ҳарбий тўқнашувлар бўлиб ўтган. Бир неча ҳарбий курашлардан сўнг 1639 йилда келишув имзоланган. 1639 йилги ушбу келишув бўйича бугунги кунгача Туркия–Эрон ва Ироқ–Эрон орасида чегаралар чизиғига амал қилиб келинмоқда.

1514 йил 23 августда бўлиб ўтган Чалдиран урушидан бошлаб курдлар яшайдиган ернинг катта қисми Усмонли турклар давлати таркибига кирган.

---

[1] Çelebî, Seyahatnâme, cilt. III, s. 1; cilt. V, s. 253. Манба: Mehmet Akbaş. Evliya Çelebi’nin Gözüyle Kürtler ve Kürdistan. Artuklu Akademi | Journal of Artuklu Academia 2015/2(1). – S.46.

Курдлар яшайдиган Кирмоншоҳ ва Урмия каби баъзи ҳудудлар Эрон таркибида қолди. 1820 йилларга келиб Усмонли турклар заифлаша бошлагач, бир қанча ҳудудларда курдларнинг исёнлари бўлиб ўтди(курдларнинг бу даврдаги исёнларини юқорида ҳам кўрсатиб ўтган эдик). 1839 йилга келиб Усмонли туркларнинг Низипда (Газиантепга яқин ерда) Мисрликларга мағлуб бўлиши билан курдлар Хаккарида Нуруллах Бей, Жизреда (Ширнак яқинида) Бедирхан бошчилигида катта қўзғолон бошладилар. Бу қўзғолонларни фақат 1847 йилдагина бостиршга муваффақ бўлинади.[1]

1850 йиллар рус, инглиз, француз мустамлакачи давлатларининг дунёдаги сиёсий тўқнашувларида Яқин Шарқ минтақаси энг катта ўйин майдонига айланади. Руслар Истанбул ва Дарданел бўғозларини ўз назоратига ўтказиш мақсадида Усмонли туркларга қарши курашиб, курдларга ёрдам берган бўлса, инглиз ва французлар турли араб қавмларини қўллаб-қувватлаган.

1804-1805 йилларда русларнинг курдлар билан алоқа ўрнатиши қисқа муддатда ўз натижасини бера бошлади. 1828-29, 1853-58 ва 1877-78 йилларда турк–рус урушларининг таъсири Курдистонга қадар етиб борди. 1829 йилда руслар урушда бир курд полкидан фойдаланган. Христианлар ўз мамлакатларини тарк этиши билан курдлар шимол ва ғарбга қараб ёйила бошлади. Қрим урушида русларнинг икки полкини курдлар ташкил этади. 1878 йилги урушдан кейин Бахдинан ва Бўхтандаги Хаккари курдлари исён кўтаради. Курдлар 1880 йилда Эроннинг Урмия, Савуч Булак, Мияндоаб ва Марага минтақаларини ишғол этадилар ва Тебризда даҳшатли босқинларни амалга ошириб тарихда қоладилар.[2] 1905 йилда Усмонлилар русларнинг Узоқ Шарқдаги (рус-япон уруши) муваффақиятсизлигидан фойдаланиб, Урмия, Савуч Булакдаги курдларни истило этишга эришади.

---

[1] Bois Th., Minorsky V., Mac Kenzie D.N. Kürtler ve Kürdistan. Kamuran Fıratlı (инглизчадан туркчага) таржимаси. İstanbul: Doz Yayınları, İkinci Baskı, 2004. – S. 99-100.
[2] Bois Th., Minorsky V., Mac Kenzie D.N. ўша манба. 101.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, 1878 йилги урушда Усмонлиларнинг мағлубияти билан Берлин келишуви имзоланади ва бу келишувнинг 61-моддасига кўра арманларга ислоҳот, курд ва черкезларга хавфсизлик ваъдаси берилади. Усмонлиларнинг мамлакатдаги ислоҳот ҳаракатларига қарши жиддий туриши, арман инқилобий ҳаракатларининг Россия, Швецария ва Лондонда ривожланиши, шу даврга қадар тинч ва осойишта яшаб келаётган курд ва арман муносабатларига салбий таъсир кўрсатади. Европалик бир дипломат айтганидек, "айни ҳаво ва сувни бўлишган икки қардош" муносабатлари ёмонлашди.[1] 1894 йилда Сасонда (Арманистон) курд ва арманлар орасида қонли можаролар бўлиб ўтади ва арманлар яшайдиган қишлоқлар тамоман йўқ қилинади. Сасон воқеалари арман исёнларининг бошланиши эди. Кейинчалик жиддий тарзда бостирилди.

1900 йил 11 март ойида минтақадаги этник ва диний можароларнинг кескинлашиб бораётганини кузатган Ван ва Эрзерумдаги рус вице-консули генерал В.Ф.Маевский "Курд ва арманлар Ван ва Битлис вилоятларида бир неча юз йиллардан буён бирга яшаб келган. Курдистоннинг бу қисмида алоҳида тартиб ва ободонлаштириш ҳеч қачон бўлмаган. Лекин бу ерда христиан аҳолисининг умумий ҳолати ташқи кучларнинг аралашувигача, уларнинг аралашувидан кейинги ҳолатидан анча яхши эди", деб таъкидланганди.[2]

Қисқача айтганда, империалистик давлатларнинг мустамлакачилик сиёсати курд–турк, курд–арман, араб–турк, араб–курд ва арман–турк шаклидаги тўқнашувлар ва бошқа шу каби этник ва диний можароларнинг ривожланишига асосий сабаб бўлган. Маълумки, империалист давлатлар ўз манфаат ва мақсадлари йўлида мавжуд ҳокимиятга қарши турли этник ва диний гуруҳларни баъзида қўллаб-қувватлашга, баъзида эса уларни бир-

---

[1] Bois Th., Minorsky V., Mac Kenzie D.N. ўша манба. 102.

[2] Иқтибос манбаси: Тибет Абак. «Курдский Вопрос» и Россия: исторические истоки и реалии ребежа XIX – XX вв./Абак Тибет // Российские и славянские исследования: Сб. науч. статей. Вып. 5 /Редкол.: О. А. Яновский (отв. ред.) и др. — Мн.: БГУ, 2010. — С. 61.

бирига қарши қўйишга ҳаракат қилган. Бу ҳолат нафақат Усмонли турклар давлатида, балки Эрон, Ҳиндистон каби бошқа кўплаб давлат ва минтақаларда юз берган. Бундай сиёсатни бугунги кунга келиб, тугаган, деб айтиш жуда қийин.

Маълумки, Ғарб империалистик давлатларининг Усмонлилар давлатини бўлиб олиш саъй-ҳаракатлари натижасида Биринчи жаҳон урушидан сўнг Яқин Шарқ сиёсий харитасида бир нечта давлатлар ташкил топади. Фақат курдлар ўз давлатини ташкил этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган.

1918 йилги Сурия ва Месопотамиядаги урушларда турк қўшинларининг мағлубияти билан Яқин Шарқ харитаси янгидан чизилиши аниқ бўлиб қолганди. Янги чегараларнинг илк кўринишлари уруш тугамасдан аввал Усмонли араб ерларининг келажагига алоқадор Ҳусайн-Мак Махон ёзишмалари билан амалга оширилди.[1] Кейинчалик, 1917 йилнинг кузида Россияда инқилоблар орқали ҳокимиятни қўлга киритган большевиклар Анатолиянинг катта қисмини Туркиянинг назоратидан чиқариш учун таклиф қилинган “Сайкс-Пико шартномаси” (1916 йил май) тафсилотларини ошкор қилди. Унга кўра Рус императори Истанбул (Босфор) бўғозларини ва Усмонлиларнинг шарқий вилоятлари, Шарқий Қорадengиз минтақаси, Италия билан Измир ва унинг атрофидаги ерларни иттифоқчилиги учун мукофот сифатида олиши белгиланган эди. Большевиклар бу келишувни оммага чиқариб, бу каби империалистик схемалардан воз кечишларини билдиради. Бу ҳолатдан ҳижолатга тушган инглиз–француз иттифоқдошлари Россия империясининг тугатилиши билан пайдо бўлган бўшлиқни дарҳол тўлдиришга киришадилар ва Казак минтақалари, Кавказ, Арманистон, Грузия, Курдистон ҳудудлари “таъсир минтақалар” сифатида Англия таъсирига ўтади.[2]

---

[1] David A. McDowall. Modern History of the Kurds. London, I. B. Tauris, Third edition, 2004. – P. 115.
[2] David A. McDowall. Ўша манба.

Бу жараёнларда қўл қовуштириб ўтирмаган АҚШ Президент В.Вильсон бошчилигида яҳудийлар каби арманларнинг ҳам ўз давлатларига эга бўлиши кераклигини очиқчасига ташвиқот қилишни бошлайди. Қолаверса, Президент В.Вильсон бошқа халқларга ҳам мустақиллик (self determination – ўз тақдирини ўзи белгилаш) ёки автоном ҳуқуқи берилиши ғояларини илгари сурган эди. Бу ғоялар ижтимоий тус олишига қарамай, курдларнинг тақдири доимгидек ноаниқ қолди. Шундай қилиб, турклар йўқотадиган ерларини энг минимал даражага туширишга интилар, арманлар иттифоқчи кучлар ва АҚШ ёрдамида ўз давлатларига эга бўлишдан умидвор бўлар, курдлар қаерда ва қай тарзда давлат қуриши ёки умуман яшаб қолиши борасида ташвишда эдилар.

“Сайкс-Пико шартномаси”ни фарқига борган бир нечта курд вакиллари ташқи кучлар томонидан уларнинг бир нечта ҳудудга бўлиш ниятида эканидан хавотирда эди. Уларнинг бир қисми инглизларнинг таъсирида, бошқаси французлар, яна бошқалари русларга ваъда қилинган, лекин тақдири ноаниқ қолган ҳудудларда эди. Бу ерлар Эрон чегаралари бўйлаб Рания ва Равандуздан шимолга қараб Битлис, Ван ва Қорадегизга қадар, ғарбга қараб эса Эрзинжангача туташган эди. Буюк Британия учун Курдистон масаласи асосий Буюк Сурия ва Месопотамияга йўналтирилган сиёсий бир мақсадда иккинчи масала эди. Шунинг учун ҳам Англия Сайкс-Пико харитасига кўра дастлаб Курдистонга ҳеч эътибор бермаганди. Лекин Месопотамия (Ироқ)даги стратегик жойлашуви билан Курдистон тақдири инкор этиб бўлмайдиган муҳим масала эди.[1]

Боғдоддаги инглиз ҳарбийлари 1918 йил октябрда Месопотамиянинг сиёсий ва иқтисодий келажаги учун Мосул муҳим аҳамият касб этишини тушуниб етди. Биринчидан, Мосулда катта миқдорда нефть захираси топилган бўлса, Боғдод ва Басрага борадиган муҳим йўлда жойлашган,

---

[1] David A. McDowall. Modern History of the Kurds. London, I. B. Tauris, Third edition, 2004. – P. 117.

Боғдод билан ижтимоий-иқтисодий интеграциялашган ҳудуд эди. Буғдойнинг асосий қисми ҳам ушбу минтақада етиштириларди. Иккинчидан, Боғдоднинг тинчлиги, хавфсизлиги ҳам Месопотамиянинг шимолидаги тоғли ва паст-текислик ҳудудларнинг барқарорлигига боғлиқ эди. Шу сабабдан, Сайкс-Пико келишувига кўра французлар назоратига ўтадиган Мосул минтақаси кейинчалик Керкук ва Эрбил билан биргаликда уларнинг атрофида асосан туркманлар яшайдиган минтақалар ҳам инглизлар назоратига ўтади. Шундай бир жараёнда тарихчи олим Арнольд Тойнби ўша пайтдаги Англия ташқи ишлар вазири Марк Сайксга ушбу таклифни беради: "Инглиз ҳукумати ёрдами билан Араб ҳукумати остида Месопотамиянинг шимолида алоҳида бир давлат бўладиган бўлса, табиий натижа автоном бир Курдистон давлати бўлади. Бунда, асосан ишни Британия Ҳиндистонида Шимолий-Ғарбий чегара провинцияси (NW Frontier province) қўллангани каби бу иш Месопотамияда ҳам амалга оширилиши керак. Охирги пайтларда бу масала Шериф Паша[1] тарафидан таклиф этилди. Шундай бир Курдистон фақат Кичик Забнинг жанубидаги ўлка эмас, Арманистон чегаралари, чизилиши мумкин бўлган Ровандуз, Ҳаккари ва Боҳтан минтақаларини ҳам ўз ичига олади...".[2]

Инглизлар бу борада жиддий ўйлай бошлайди. 1919-1924 йиллар орасида инглизларнинг энг катта муаммоси Шайх Махмуд ва Барзоний аширатлари бўлиб, улар билан муросага киришишади. Бунинг натижасида 1920 йилдан Ироқда Барзоний аширати етакчи аширатга айланди. У пайтда ашират бошлиғи Мулла Мустафо Барзоний эди. Аммо у Шайх Махмуд каби марказий бошқарув билан келиша оладиган одам эмасди. Инглизлар Ироқ

---

[1] Муҳаммад Шериф Паша Усмонли даврида обрўли курд аслли генераллардан бири эди. Усмонли давлатида конституциявий ислоҳотлар даврида (1907-08 йилларда) ташкил топган Курд партиясининг аъзоси бўлган. Султонга содиқ бўлса-да либерал қарашларга эга бўлиб, номарказлашган бошқарув тарафдори эди. 1909 йилда сургунга учради ва Парижга қочиб у ерда бошқа Ёш Турклар ҳаракатларида фаол иштирок этди ва Усмонли ишларида қатнашиб юрди. Уруш бошланиши билан Шериф Паша Иттифоқчи (Антанта) давлатлари билан яқин алоқа ўрнатиб курдлар масаласини таъсирли бир шаклда илгари сура бошлади.

[2] David A. McDowall. Modern History of the Kurds. London, I. B. Tauris, Third edition, 2004. – P. 118.

номли давлатни ташкил этган пайтда, унинг шимолий қисмларида кўпчиликни ташкил этадиган курдларнинг мустақил бир ташкилотини барпо этиш ва кейинчалик “Севр шартномаси” билан жануби-шарқий Анатолияда курдларнинг Ироқдаги бўлими билан Анатолиядаги қисмини бирлаштирувчи мустақил Курдистон давлатини ташкил этишни режалаштирганди.

Ушбу “Севр шартномаси”нинг (10.08.1920-й) 111-бўлимига Курдистон ҳудудида мустақил Курд давлатини тузишга оид алоҳида модда (62-64)лар қўшилади. Аммо яна доимгидек, айнан шу бўлим барчанинг эътиборидан четда қолади.

Инглизларнинг ушбу режалари амалга ошмади. Бунга бир нечта сабаблар мавжуд эди. Биринчидан, “Севр шартномаси”[1] Туркия буюк миллат мажлиси томонидан ратификация қилинмади. Аксинча Мустафо Камол (Отатурк)[2] бошчилигида мустамлакачиларга қарши Куртулуш (Нажот) уруши бошланди. Иккинчидан, инглизлар ҳам, французлар ҳам алоҳида бир Курдистондан кўра ўзларига бўйсунувчи Ироқ ва Сурия давлатлари қурилишидан кўпроқ манфаатдор эди. Қолаверса, нафақат турк балки араб етакчилари ҳам Курдистонни ташкил этишга қарши эди ва бу ҳолатда инглизлар билан французларнинг таваккал қилиши қийин эди. Шунингдек, камолчилар большевиклар билан яқинлашади ва 1921 йил мартда “Дўстлик” тўғрисида шартномага келишади. Бу яқинлашув ғарбликларга жиддий хавф уйғотади. Бу ҳолатда британияликлар курдлардан воз кечиб камолчиларнинг обрўсини тушириш ва антикамолчилар ҳаракатини кучайтириш мақсадида Усмонли султонлиги тарафдорларини қўллаб-кувватлай бошлайди.[3] Фақат греклар курдларни ўз ҳимоясига олади ва бошқа иттифоқчи давлатларга ҳам

---

[1] 1920 йил 10 августда Франциянинг Севр шаҳрида Усмонлилар ҳукумати ва урушда ғолиб бўлган Иттифоқчи давлатлар ўртасида имзоланган шартномада Анатолиядаги Курдистон чегаралари инглиз-француз-италия комиссияси тарафидан ҳал қилиниши белгиланган ва шартноманинг 64-моддасида Француз Сурияси ва Британия Месопотамиясида Курдистон автоном давлатини ташкил этиш кўзда тутилган эди. Мазкур шартнома “Севр шартномаси” номи билан тарихда қолган.

[2] 1922 йилдаги юнонлар устидан қозонилган ғалабадан сўнг Мустафо Камол Отаурк ва Курд давлатини тузишда берган ваъдасини муваффақиятсиз бўлса-да давом эттирган.

[3] David A. McDowall. Modern History of the Kurds. London, I. B. Tauris, Third edition, 2004. – P. 138-139.

Курдистонни ташкил этишда ёрдам беришга чақиради. Греклар ҳам, султонликлар ҳам камолчиларга қарши бўлиб, уларни курдларнинг исёнлари билан буюк бир таҳликага туширишини яхши билишар эди. Натижада греклар Истанбулда Бадирхон ва бошқа курд миллатчилари билан учрашади. Бадирхон греклардан қурол-яроғ сўрайди ва бунинг эвазига бутун шарқий Анатолияда, Дерсим, Диярбакир, Битлис, Ван ва бошқа курд минтақаларида қўзғолон кўтаришга ваъда беради. Греклар рози бўлишади. Фақат греклар берадиган қурол-яроғ Форс кўрфазидан ўтиб Басра орқали Мосулга етказилиши ва бунинг учун инглизлар қурол-яроқ транзитига рози бўлиши керак эди. Лондон бу ишга розилик бермайди. Чунки Мосулда ва шарқий Анатолияда инглизларнинг ўзларига қарши бўлган курд қабилалари бор эди ва қурол-яроғлар уларнинг қўлига тушадиган бўлса, инглизларга қарши ишлатиши ҳам мумкин эди.[1] Бу иш амалга ошмагач, грекларнинг ўзлари 1921 йил март ойида катта бир ҳарбий юриш бошлайди. Аммо у муваффаққиятсизликка учрайди.

Бу орада камолчилар ҳам антиараб ва антиимпериалистларга қарши курдларни қўллаб-қувватлаб, Британия назоратидаги Анатолияда жиддий сепаратистик ҳаракатларни кучайтиради. Натижада камолчилар қўшинлари мағлубиятга учраса-да, Равандузда ўз позициясини мустаҳкам сақлаб қолади. Камолчиларнинг Ўздемир бошчилигидаги қўшини Мосулга қараб йўл олади. Унга курд аширатларидан Барзонийлар ёрдам беради. Инглизлар курдлар, туркларни қўллаб-қувватлай бошлаганидан саросимага тушади. Шунда инглизлар бир пайтлар қўзғолон кўтаргани учун Ҳиндистонга сургун қилган курд етакчиси Шайх Махмудни қайтариб олиб келиб, Сулаймонияга вали қилиб тайинлайди. Бу тайинлов инглизларга қўл келади. Ўздемирни қўллаб-қувватлаган курдларнинг ярми Шайх Махмуд тарафга ўтади ва Ўздемир 1923 йил апрел-май ойларида урушда мағлубиятга учраб, Мосулни бутунлай

[1] David A. McDowall. Modern History of the Kurds. London, I. B. Tauris, Third edition, 2004. – P. 139.

тарк этишга мажбур бўлади.[1] Кейинчалик, аширатлар ўртасидаги келишмовчиликлар сабаб инглизлар Шайх Махмудни яна сургунга юборади. Унинг ўрнига Барзонийларни Мосул ҳокимиятига олиб келади.

Шундай қилиб, 1923 йил 24 июлда Лозанна шаҳрида шартнома имзоланади. Агар “Севр шартномаси”да курд ва арманларга автоном ҳуқуқи берилган бўлса, “Лозанна шартномаси”да курд ва арманлар автономи ҳақидаги масалага умуман эътибор қаратилмайди. Конференцияда турк тарафи курдларни “тоғлик турклар” деб исботлашга уринади. Лекин ўша пайтдаги Британия ташқи ишлар вазири Керзон турк делегатларига бош бўлиб келган Исмат Инонюга: “Бизни барча маълумотларимиз шуни кўрсатадики, курдлар ўз мустақил тарихи, одат ва анъаналарига эгалиги билан алоҳида бир миллат бўлиши керак”,[2] -деб таъкидлайди.

“Лозанна шартномаси”нинг 39-моддасига кўра, Туркия фуқароси бўлган барча миллатларга тенг шароит яратиш, сўз эркинлиги, оммавий ахборот воситаларида, суд ва бошқа жамоат ишларида расмий тил – туркчани билмаганлар учун ўз она тилида мулоқот қилишларига имконият яратиш ва ҳеч қандай айирмачилик қилмаслик қатъий белгилаб қўйилган, инглиз ташқи ишлар вазири Керзон бу шартномадан қайғуда эканини, шундай бўлса-да, яхшиликка умид қилишини билдириб ўтган эди.[3]

Лекин, минтақадаги барча давлатларда бир неча ўн йиллар давомида курд тили расмий ва жамоат жойларда, мактаб ва олий ўқув юртларида деярли йўқ ҳисобланарди. Ироқдан бошқа давлатларда ҳозир ҳам бу ҳолат давом этмоқда.

Бу халқ кейинчалик ўзлигини англаганда, жуда кеч бўлади. Курдистон баъзи ҳудудларини Франция мандати остида бўлган Сурияга

---

[1] İhsan Şerif Kaymaz. Emperyalizmin “Kürt” Kartı (“Kurdish” Card of Imperialism). Ankara, Gazi Akademik Bakış. Cilt 1, Sayı 1, Kış 2007. – S. 165-166.
[2] David A. McDowall. Modern History of the Kurds. London, I. B. Tauris, Third edition, 2004. – P. 142.
[3] David A. McDowall, ўша манба 143 бет.

қўшиб юборган эди. Катта қисми курд етакчиларидан бири бўлган Симко бошқаруви остидаги Эрон Курдистони Эрон таркибида қолдирилди.

Нефтга бой бўлган курд провинциясига Туркия ва Британия даъвогар бўлиб чиқади. 1925 йил 16 декабрдаги Миллатлар Лигаси кенгашида бу регион Британия мандати остида бўлган Ироққа берилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.

Шундай қилиб, курдлар 400 йил (1514-1924 йилгача) икки давлат – Усмонлилар давлати ва Эрон ўртасида бўлинган ҳолда яшаган бўлса, 1925 йилдан буён улар минтақада тўрт давлатга Туркия, Ироқ, Эрон ва Сурия ҳудадларида бўлинган ҳолда яшаб келмоқда.

Шу ўринда, узоқ тарихга эга бўлган курдлар асли кимдир, ўзига хос анъана, қадриятлари ва қайси тилда гаплашиши тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Илмий тадқиқотлар ва адабиётларда "курд" сўзининг маъносига оид тортишувлар кўп [1] бўлиб, умуман бу сўзнинг форсчада "қаҳрамон" маъносини берадиган "***горд***" сўзидан келиб чиққани ва шу нуқтаи назардан улар Эрон халқларидан бири экани таъкидланади.[2] Лекин курдлар яшайдиган ер сифатида биринчи Курдистон атамаси ўн иккинчи асрда Салжуқийлар ҳукмдори Султон Санжар даврида бугунги Эроннинг Ҳамадон вилоятида яшовчи курдларга нисбатан кўлланилган.[3]

Курдлар тарихини чуқур ўрганган олим Мак Дауэлл фикрига кўра бу атаманинг географияси курдлар ташқарига ёйилиши билан юз йиллар

---

[1] Масалан, курд сўзининг Шумер ёзувларида учрайдиган *Guti* сўзидан келиб чиққанини иддао этувчи лингвистлар мавжуддир. Шу билан бирга, юнон олими Ксенофон томонидан қўлланилган *Kardukhoi* ёки *Kardu* сўзини ҳам курд калимасининг антик даврга қарашлиги эканини ифода этувчи таҳлиллар мавжуддир. Бу таҳлиллар Ксенафоннинг баҳс этган Kardukhoi (Kardu) сўзининг бугун курдлар яшайдиган жўғрофияда жойлашган халқларни таърифлаганлиги эҳтимолидан келиб чиқмоқда. Полибий ва Страбон томонидан ишлатилган *Kyrtiae* сўзи устида ҳам тортишувлар бўлса-да, умум қабул курд сўзи илк бор Сосонийлар даврида ўртага чиққанлиги ва бугунги курд халқини таърифлашда ишлатилганлиги таъкидланмоқда. Манба: John Limbert, "The Origins and Appearance of the Kurds in Pre-Islamic Iran," Iranian Studies, V. 1, 1968. – P. 41-51. Robert Olson, "Kurds" Encyclopedia of Modern Asia, Karen Christensen and David Levinson (ed.), New York: Charles Scribner's Sons Publishing, 2002. – P. 412-416.

[2] Henri J. Barkey and Graham E. Fuller, Turkey's Kurdish Question, Maryland: Rowman & Littlefield Publishers 1998. – P. 5.

[3] David A. McDowall, Modern History of the Kurds. London, I. B. Tauris, Third edition, 2004. – P. 6.

давомида кескин бир шаклда кенгайди: курдлар Аракс дарёсининг шимолига қараб ғарбда Сивас, Эрзурумдан Марашгача ва Керкук атрофидаги Месопотамия текислигига, шарқда Кирмоншоҳ ташқарисига қараб ёйилган. Бу курдлар асосини қабилалар ташкил қилиб, улар аввал курд бўлмаган ерларга ҳам бориб жойлашган.[1]

Шунингдек, курдларнинг илдизи араб ва яҳудий миллатларига бориб тақалишини билдирувчи бир қанча манбалар ҳам мавжуд. Уларнинг кўпчилиги ўрта аср бошларида араб ва форс олимлари тарафидан илгари сурилган. Масалан, Абдуллоҳ ибн Абдулазиз ибн Муҳаммад ал-Бакир 1094 йилда ёзган “Ал-Месалик вал-Мемалик ал-Кубра” номли асарида: “Курдларнинг Кайс, сўнгра Ҳевазин (булар араб қабилаларининг номлари) авлодидан экани иддао этилган. Курдлар бу иддаони қаттиқ ушлаб олган ва шу мақсад устида йўғонлашмоқда”,-деган бўлса, Абу Наср Жейҳани ва кўплаб бошқа олимларнинг фикрича курдларнинг илк жойлашган жойлари бу Фаластин (Арз-у Яҳуда), Шом тупроқлари ва Араб ярим ороли бўлган.[2]

Бошқа бир араб олими Абу Ҳасан Али ибн Ҳусайн Масудий 956 йилда ёзган “Муружуъз-Зеҳеб” номли асарида курдлар ҳақида муҳим маълумотлар бериб ўтади. “Курдларга нисбатан инсонлар уларнинг илдизи ҳақида ихтилофларга тушмоқда. Кимлардир курдларни Робия ибн Низар ибн Вайл, баъзилар эса Мудар ибн Низар авлодидан келиб чиққан деб ҳисоблашади.[3] Курдлар эски замонда бошқалардан айрилмоқ ёки сув ва озиқ-овқат сабабли тоғлар ва водийларга кетдилар. У ерларда Ажам ва Форсларнинг шаҳар ва мақомларига қўшни бўлдилар. Тилларини унутдилар ва шундай қилиб

---

[1] David A. McDowall, Modern History of the Kurds. London, I. B. Tauris, Third edition, 2004. – P. 6.

[2] Манба: Bekir Biçer. İslâm Coğrafyacilarinin Eserlerinde Kürtler Hakkindaki Rivayetler (9. Yüzyil – 13. Yüzyil). Journal of History School (JOHS). March 2014. Year 7, Issue XVII. – P. 177.

[3] Робия ибн Низар ва Мудар ибн Низарлар Низар ибн Вайлнинг фарзандлари бўлиб, йирик араб қабилаларини ташкил қилган. Низар ибн Вайл Ҳазрати Муҳаммад (а.с.)нинг ўн тўққизинчи оталаридан ҳисобланади.

тиллари ажам тили ҳолига айланди. Шунинг учун ҳам ҳар курд қабиласи бир-биридан фарқли курдчада гапиришни одат қилган.”[1]

Форс олими Абу Зайд ибн Балхий (1107 йилда вафот этган) ўзининг “Форснома” асарида Форс ва Шебенкара халқларига оид кенг маълумотлар бериб ўтган. Асарда “Аҳвали Шебенкара ва Форс Курдлари” номи билан: “Эски замонлардан бери тарих китобларида Форсда Шебенкарага оид зикр этилган эътиборга лойиқ бир маълумот учрамайди. Бир қавм сифатида ҳам эътироф этилмаган. Шебенкараликлар Форсда асосан чўпонлик билан шуғуллангандилар. Улар дейлемийлар замонида шаклланди ва ривожландилар. Икки катта қабилага эга бўлиб ва қуролланган бир кучни шакллантирдилар. Уларнинг асли Исмоилийдир.”[2] Бу манбага асосланадиган бўлсак, курдлар Ҳазрати Исмоил авлодлари бўлиб чиқади.

“Шебенкараликларнинг насаблари” бошлиғи остида олим: “Исмоил насабидан бўлган Шебенкаралилар авлоди подшоҳ Минучеҳрга қадар боради, аммо у ғарб подшоҳи эмас, Исфахон сулоласидандир. Ислом даврида араблар билан эронликлар қаршилашганда форсларни қўллаб-қувватладилар. Ислом урушларида Форс қиролига боғлиқ курд жангчилари мусулмон фатҳларига қарши урушдилар. Араблар Форсни фатҳ этган пайтда курд жангчиларининг барчасини қатл этдилар. Сўнгра курдлар форслардан юз ўгирди ва улар дунёда дарбадар бўлдилар. Дарбадар курдлар чорва билан шуғуллана бошладилар. Улар Исмоил авлодидандир ва чорва тўплаб янада кучли ҳолга айландилар. Султон Масуд замонида Тош Ферраш курдларга бошлиқ қилиб тайинланади. Уларнинг воситасида Исмоилийлар Исфахонда ҳокимиятга эга бўлдилар”.[3]

Бундан ташқари, ҳар қанча мавҳум кўринса-да, курдларнинг турк элатларидан бири эканини таъкидловчи маълумотлар бор. Хусусан, этноним

---

[1] Bekir Biçer. İslâm Coğrafyacilarinin Eserlerinde Kürtler Hakkindaki Rivayetler (9. Yüzyil – 13. Yüzyil). Journal of History School (JOHS). March 2014. Year 7, Issue XVII. – P. 171.
[2] Bekir Biçer юқоридаги манба. 177 бет.
[3] Bekir Biçer ўша жойда.

сифатида курд номи хунларни ташкил қилган турк илдизли қабилалардан бирининг номидир.[1] Сак турклари орасида *Гур* номли бир элат бўлган ва бу элат эронлилар ўртасидаги урушдан сўнг Эрон ва Ироқ орасидаги тоғли ҳудудларга ёйилиб кетган ва курд номи (*гур+т*) бу элатдан келиб чиққанини ёқлайдиган тадқиқотлар ҳам мавжуддир.[2]

Курдларни арманлар билан ҳам яқин эканини билдирувчи кўплаб манбалар бор. Юқорида кўриб ўтганимиз Авлиё Челебининг маълумотларига кўра, Диярбакир халқи курд, туркман, араб ва ажам каби халқлардан ташкил топган рўёси (ташки кўриниши, юзи, шакли) арман бўлганлиги учун Арман диёри ҳам ҳисобланади.[3] Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳам Диярбакир, Ван ва бошқа шарқий Анатолиянинг кўплаб ерларида арман черковлари ва уларнинг қолдиқларини учратиши мумкин.

Курдлар тарихи ва курд тили ҳақидаги тадқиқотлари билан танилган Н.Марр "Курдлар ё эронлик Урмия (инглизчада Urumiya) кўли атрофидан Ботанга қараб кўчиб келган ёки халдилар, грузинлар, арманлар каби Олд Осиё маҳаллий қавмлари билан қариндош бўлиб, қадимда бу қариндошлари билан айни тилда гаплашган, кейинчалик тилларини ўзгартириб эроний тилда сўзлашни афзал кўрган бир жамоадир", - деб таъкидлаган.[4]

Юқорида келтирилган маълумотларга кўра, курдлар форс, араб, арман ва ҳатто, яҳудий ва турклардан келиб чиққанини кўриш мумкин. Шунингдек, курдлар Месопотамиянинг энг қадимий халқлари бўлган шумер, мед, хетт, урарту ва бошқалардан келиб чиққанини таъкидлаган олимлар ҳам бор.[5] Бу табиий ҳолат бўлиб, барча миллатларда бундай тахминлар тез-тез учраб туради. Сабаби миллат тушунчаси ва миллатларни ўрганиш янги илмий

---

[1] Ahmet Buran. Kürtler ve Kürt Dili. Turkish Studies - International Periodical For The Languages, Literature and History of Turkish or Turkic. Volume 6/3 Summer 2011. – P. 44.
[2] Ahmet Buran ўша жойда.
[3] Çelebî, Seyahatnâme, cilt. III, s. 1; cilt. V, s. 253. Манба: Mehmet Akbaş. Evliya Çelebi'nin Gözüyle Kürtler ve Kürdistan. Artuklu Akademi | Journal of Artuklu Academia 2015/2(1). – S.46.
[4] Иқтибос манбаси: Bazil Nikitin, Kürtler. İstanbul, 1994. – S. 43.
[5] Faik Bulut, Kürt Dilinin Tarihçesi. İstanbul, 1993. – S. 72.

йўналиш бўлиб, илмий тадқиқотларда позитивизм йўналишининг ривожланиши билан миллатларнинг тарихий илдизларига оид дихотомик ва релативистик ёндашувларни ҳам шакллантирди. Шу боис, бир миллатнинг тарихий илдизини аниқ бир шаклда изоҳлаш имконсиздир. Ҳар бир ёндашув нисбийдир. Унинг ҳақиқатга яқинлиги тадқиқотчининг савияси ва илмий асосланганлигига боғлиқдир.

Курдларнинг тили, дини ва анъаналари ҳақида гапирадиган бўлсак, курдларнинг ашират-қабила шаклида яшаганлиги ягона тил ассимилияциясини шакллантира олмаган ва улар бир нечта лаҳжаларда, шеваларда сўзлашади. Шундай бўлса-да, курд тили Ҳинд-Европа тили оиласининг Эрон тиллари гуруҳига мансубдир. Курд тили Эрон тилларининг гуруҳига кирувчи асил тиллардан бўлиб, бошқа тиллардан кўра камроқ бегона тилларнинг таъсири остида қолган. Шу сабабдан уларни уч қисмга бўлиш мумкин: кирмон курд тили, сурон курд тили ва ҳуром (уром) курд тили. Курд тили асосан иккита катта лаҳжага бўлинади. Биринчиси, шимолда яшайдиган курдларнинг гаплашадиган лаҳжаси курманжи, иккинчиси марказий лаҳжа сифатида қараладиган соранидир. Курманжи Туркия, Сурия, Кавказ (Арманистон ва Озарбайжон) ва Ироқнинг баъзи минтақаларидаги (Мосул ва атрофида) лаҳжадир. Иккинчи энг оммалашган лаҳжа сорани эса Эрон курдлари ва Ироқнинг аксарият курдлари сўзлашадиган лаҳжадир.[1]

Шунингдек, бу икки оммалашган курд лаҳжаларидан ташқари яна иккита кичик лаҳжа (диалект) мавжуд бўлиб, улар гурани ва заза лаҳжаларидир. Гурани лаҳжасида жанубий Курдистон анклавларида гаплашилади. Заза тилида эса асосан Туркиянинг Сивас, Тунчели, Эрзинжан ва бошқа ерларидаги сунний ва алавий курдлар, алавий турклар сўзлашади. Заза ва гурани бир-бирига боғлиқ бўлиб, Эрон тилларининг шимолий-ғарбий гуруҳига тегишлидир. Курманжи ва сорани эса Эрон тилларининг жанубий-

---

[1] Clémence Scalbert-Yücel, “Emergence and Equivocal Autonomization of a Kurdish Literary Field in Turkey”, The Journal of Nationalism and Ethnicity, Vol. 40, No. 3, May 2012, p. 370.

ғарбий гуруҳига оиддир. Бу шуни билдирадики, гурани ва заза алоҳида ҳолда Каспийнинг жанубий-ғарбий томонидан Гилян ва Дайламдан бирга келиб чиққан. Бугунги кунгача Сулаймония атрофидаги баъзи қишлоқларда деҳқонлар гуран номи билан аталиб маҳаллий курдлардан фарқ қилади. Гуран қабиласи одамларини гуран лаҳжаси ва гуран деҳқонлари билан боғлаш мумкин.[1] Шунингдек, зазани ҳам гуранликлар билан бирга Загрос тоғлари томон миграция қилинган ва курманжи, сорани лаҳжалари билан бироз аралашиб, шарқий Анатолия томон силжиган халқ экани алоҳида таъкидланади.[2] Шундай бўлса-да, деярли кўпчилик курдшунослар курд тили ва адабиёти ёки умуман курд идентификацияси ҳақида гапирганда заза ва гуранини курд тили оиласига киритади. Лекин, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, курд тилининг лаҳжалари ҳисобланадиган курманжи, сорани, гурани ва заза тилларида гапирувчилар бир-бирларини деярли тушунишмайди ва бу ҳолат уларни ягона миллат сифатида шакллана олмаслигига ҳам таъсир қилувчи энг катта омиллардан биридир. Юқоридаги лаҳжаларнинг алоҳида шевалари ҳам мавжуд бўлиб, айниқса, курманжи ва сорани лаҳжаларида 5-10 турдаги шевалар учрайди.

Курдларнинг эътиқодлари ҳақида айтадиган бўлсак, уларнинг аксарияти аниқроғи, 75 фоизи мусулмон сунний бўлиб, асосан шофий масҳабига мансубдир. Шунингдек, ҳанафий ва алавий масҳабларига мансуб курдлар ҳам бор. Язидий, христиан ва зардушт динларига эътиқод қилувчи курдлар ҳам мавжуд бўлиб, улар озчиликни ташкил этади.

Курдлар орасида сўфийлик тариқати ҳам кенг ривожланган ва баъзи курд қабилаларининг ижтимоийлашувида бу тариқатлар муҳим роль ўйнаган. XX аср бошларигача курдлар орасида сўфийлик курд ҳаракатларини шакллантиришда ўз атрофига оммани бирлаштирувчи сиёсий восита

---

[1] David A. McDowall, Modern History of the Kurds. London, I. B. Tauris, Third edition, 2004. – P. 10.
[2] Roşan Lezgin, "Zazalar Nedir, Ne Değildir?", http://www.zazaki.net/haber/zazalar-nedir,-ne-degildir--1375.htm (12.08.2019)

сифатида хизмат қилган. Бугунги кунда сўфийлик тариқатларидан *нақшбандий* ва *кадирийлик* Ироқ Курдистонидаги асосий энг катта икки сиёсий ашират (қабила/клан) бўлмиш Барзоний ва Талабанийлар орасида сақланиб қолган. Икки ёши улуғ шайх фамилиялари: Барзонийлар кадирий йўналишига, талабаний аширати нақшбандий тариқатига амал қилади. Бу икки оила орасида қарама-қаршилик узоқ тарихдан бери давом этиб келмоқда.[1] Бу қарама-қаршилик фақат бугунги кунда сиёсий аҳамиятга эга ҳокимият учун кураш эмас, балки ўтмишдаги низолар ва ўч олиш каби унсурларга ҳам бориб тақалади.

Хулоса қилиб айтганда, курдлар аширатлар (қабила/клан) конфедерацияси кўринишида яшашади. Ашират бошлиқлари курдларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Тарихан курдлар қабилавий яшаш тарзини йўқотмади. Бу уларни бир томондан бошқа халқларга ассимилияция бўлиб кетмаслигига, ўз тили ва одатларини сақлаб қолишга хизмат қилди. Бошқа томондан курдлар ҳеч бир замон бирлаша олмаган. Бу ҳолат, тарихда у ёки бу давлатга қарам бўлиб яшашга сабаб бўлган(ҳатто ҳозирги кунда ҳам курдлар ягона давлат учун эмас, мавжуд давлатлар ичидаги мухторият учун курашиши кузатилади). Бундан ташқари, курдларнинг тоғли ҳудудларда яшаши ҳам географик нуқтаи-назардан алоҳида-алоҳида бўлиб яшашига ва шу тарзда ўз тили ҳамда аширатининг анъаналарини сақлаб қолишига, ҳукмронлигини ўрнатган империялар, давлатлар ҳам тоғли ҳудудлардаги халқларнинг (баъзан имконсиз бўлганлиги учун) ички ишларига аралашмаслигига сабаб бўлди.

Курдларнинг асли ким экани тўғрисида тортишувлар кўп бўлса-да, умумқабул қилинган асосий маълумот – уларнинг Эрон халқларидан бири эканидир. Эътиқоди жиҳатидан асосан сунний бўлган курдлар Ислом оламида муҳим роль ўйнаган. Масалан, Қуддус учун салибчиларга қарши

---

[1] Гладырь М.В. Внутренние факторы эволюции курдского вопроса. // http://www.pglu.ru/upload/iblock/2d1/p140007.pdf (26.07.2019)

жангда ғалаба қозониб ном чиқарган Аюбийлар асосчиси Салахуддин асли курд бўлган. Битлис ҳокими Шерефхан томонидан ёзилган (1590 йилларда) “Шерефнаме” асари ҳам Усмонлилар тарихи ва ўрта асрлардаги минтақадаги воқеаларни акс эттирган энг нодир асарлардандир. Узоқ даврлардан буён турли халқлар билан ёнма-ён яшаган курд халқи империалистик давлатларнинг бўлиб ташлаб ҳукмронлик қилиш сиёсати натижасида ва миллатчилик ҳаракатларининг кучайиши билан ҳам миллий этник ҳаракатларини ривожлантирди ва бу ҳаракатлар ҳамон давом этиб келмоқда. Биринчи жаҳон уруши кўплаб миллатларга ўз тақдирини белгиловчи мустақиллик ёки автоном ҳуқуқини таъминлаган бўлса-да, курдлар бундай ҳуқуқдан маҳрум бўлган ва дунёдаги ўз давлатига эга бўлмаган энг катта миллатга айланган. Бу ҳолат бугунги кунда нафақат курдларнинг ичида, балки ташқи кучларнинг сиёсий мақсадларидаги бир дастакка айланмоқда.

## 3-§. Туркия, Эрон, Сурия ва Эрон давлатларидаги этник курдларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири

Бугунги кунда курдларнинг умумий сони аниқ ҳисобланмаган бўлса-да, улар 25-30 миллион, баъзи тадқиқотларда эса 40 миллион атрофида экани таъкидланади.[1] Бу рақамлар статистик ҳамда ижтимоий-сиёсий жиҳатдан жиддий аҳамиятга эга. Курдларнинг 65 фоизи Туркияда истиқомат қилади. KONDA тадқиқот марказининг 2010 йилдаги ҳисоб-китобларига кўра, курдлар Туркия аҳолисининг 18,3 фоизи билан 13 миллион 261 мингни ташкил қилади.[2] Лекин 2016 йил ёзилган бир мақолада курдлар Туркияда 15-20 миллион атрофида экани ва мамлакат аҳолисининг 20 фоизини ташкил этиши кўрсатилган.[3] Ироқдаги курдлар сони 5 миллион атрофида бўлиб, мамлакат аҳолисининг 15-20 фоизини, Эронда 6-8 миллион атрофида бўлиб,

[1] Jemal Nebez, The Kurds: History and Culture. London, 2004. – P. 7.
[2] KONDA, Kürt Meselesini Yeniden Düşünmek. Türkiye, 2010. – S. 19.
[3] Kurdistan: An Invisible Nation. Edited by Stefano M. Torelli. ISPI, Milano, 2016. – P. 22.

мамлакат аҳолисининг 8 фоизини ташкил этади.[1] Сурияда 1,5 миллион (мамлакат аҳолисининг 9 фоизини)[2], баъзи тадқиқотларда 2,5 миллион дейилади. Шунингдек, Ливан, Исроил, Арманистон, Озарбайжонда ҳамда Европа давлатларида 2 миллион атрофида курдларнинг истиқомат қилиши таъкидланади.[3]

Курдлар Туркиянинг жанубий-шарқий қисмида истиқомат қилади. Мамлакатнинг шимолий-шарқида Эрзинжан, Эрзурум ва Карс вилоятларида, ўрта ғарбдан шарққа ва шимолдан шарққа қараб Сивас, Тунчели, Малатия, Элазиг, Бингўл, Муш, Ағри, сўнгра Адияман, Диярбакир, Сиирт, Битлис ва Ван ҳамда Урфа, Мардин ва Ҳаккари каби шарқий вилоятларда зич жойлашган. Охирги йилларда саноатлашган йирик шаҳарлар – Истанбул, Анқара, Анталияда ҳам курдларнинг сони кўпайиб бормоқда.

Эрон курдлари мамлакатнинг шимолий-ғарбида истиқомат қилади. Улар Эроннинг Ғарбий Озарбайжон вилоятларида Урмия кўлининг шимолидаги Маку, Котур, Шаҳпур ва шарқидаги Мехабад шаҳарчалари шунингдек, пойтахти Шино ёки Санандаж (Ғарбий Осиёдаги тоғли ўлка, тоғли вилоят. Дастлабки маълумотлар 12-аср манбаларида учрайди. Санандаж Курдистоннинг маркази ҳисобланади) бўлган Курдистон вилоятида, Эрделандаги Букан, Саққиз, Сердешт, Бана, Бижар, Мериван ва Ҳавраман шаҳарчаларида, Кирманшах вилоятида Қасре Ширинда истиқомат қилишади. Шунингдек, Хуросондаги Бужнурд ва Форс билан Кирманда ҳам бир-биридан фарқли курд гуруҳлари мавжуддир. Тебриз каби катта шаҳарларда ҳамда Теҳроннинг ташқи маҳаллаларида ҳам бир қанча курд жамоалари яшайди.

---

[1] Kurdistan: An Invisible Nation. Edited by Stefano M. Torelli. ISPI, Milano, 2016. – P. 22.
[2] Radwan Ziadeh, The Kurds in Syria: Fueling Separatist Movements in the Region? United States Institute of Peace, Special Report 220, April 2009. – P. 2.
[3] Stefano M. Torelli, ўша жойда.

Ироқда курдлар мамлакатнинг шимол ва шимолий-шарқий қисмларида – Мосул, Керкук вилоятларига кирувчи шаҳар ва қишлоқларда, Загрос тоғларининг ғарбий қисмида, Эрбил, Сулаймония, Халепче шаҳарларида ҳамда Боғдодда ҳам истиқомат қилади.




Сурияда эса курдлар мамлакатнинг шимолида Туркия ва Ироқ билан чегара минтақалар – Раъс ал-Айн, Дарбиссия, Амуда, Камишли, Андивар ва Дерикда истиқомат қилишади. Бу ҳудудларда Ироқ ва Туркия курдлари ёнма-ён яшайди. Шунингдек, Суриянинг Дамашқ (Шом), Хама ва Алеппо (Халеп) шаҳарларида ҳам анча миқдорда курдлар истиқомат қилади.

Бундан ташқари, курдлар Арманистон Республикасида Апаран, Басаргечар, Хуктемберия, Талин ва Ечмиадзин туманларининг 35 та қишлоғида, Озарбайжон Республикасининг Келбечер, Лачин ва Кубатли туманларининг 25 та қишлоғида истиқомат қилади. Ереванда, Бакуда ва Грузиянинг пойтахти Тбилисида катта курд маҳаллалари бор. Шу билан бирга, ишчи кучи бўлиб ёки сиёсий бошпана сўраб Европа ва Америкага кўчиб кетган курдлар ҳам талайгина. Уларнинг сони ўртача 2 миллионни ташкил қилади. Биргина Германияда 800 минг атрофида курд диаспораси мавжуд.[1]

Яқин Шарқдаги курдлар яшайдиган ерларнинг аниқ бир ер ўлчами бўлмаса-да, “*Encyclopedia Britannica”да* Курдистон[2] 600 км узунликда, 150 мил кенгликка эга майдонда жойлашгани бўйича маълумотлар келтирилган. Табиий ҳолатки, Усмонлилар империяси даврида Курд вилоятларини ўрганган Камус ал-Алам (Истанбул, 1896) Курдистоннинг узунлигини 900

---

[1] Jemal Nebez, The Kurds: History and Culture. London, 2004. – P. 7-8.
[2] Асосан курдлар яшайдиган жойларни Курдистон деб олинмоқда.

км, кенглигини 100-200 км деб қабул қилган. Курдистон вилоятлари Туркияда 190.000 км², Эронда 125.000 км², Ироқда 65.000 км², Сурияда 12.000 км² майдонни ташкил қилмоқда. Бу рақамлар умумий ҳисобланганда Курдистоннинг умумий майдонини 392.000 км² деб тахмин қилиш мумкин.[1]

Курдистоннинг ҳар томони баланд тоғлар билан ўралган. Туркия томонида Торос, Энгирек, Нурхак, Маден, Хачреш, Сасон ва узунлиги 4000 метрга борадиган Хаккари ва Жило тоғлари, шарқий томонда эса Арарат тоғлари (баландлиги 5165 м.) билан қопланган. Ироқ томонида эса Загрос тоғлари, Эронда Чел Жешм, Лористон тоғлари ва Туркия, Ироқ, Эрон кесишмасида баландлиги 3748 метрга етадиган Даленпар тоғлари жойлашган. Худди шундай Сурия Курдистонида ҳам тоғлар Туркия ва Ироқдаги тоғлар билан туташиб кетган.

Курдистон учун тарихан тоғлардан ташқари энг муҳим омил Евфрат ва Дижле дарёлари бўлган. Курдларнинг ҳам ичимлик суви ҳам деҳқончилик ва чорва хўжалиги учун бу икки дарё ҳаётий аҳамиятга эга. Шунингдек, Курдистон тоғли ҳудуд бўлганлиги сабабли ўрмонлар билан қопланган. Масалан, Туркия, Эрон ва Ироқ Курдистонларида жами 1.720.000 гектар ўрмон мавжуд.[2] Тоғлар, ўрмон ва яйловлар билан ўралган Курдистонда аҳоли асосан чорвачилик билан машғул. Аҳолининг аксарият қисми азалдан ушбу соҳада меҳнат қилган. Бугунги кунда, Туркияда чорванинг тўртдан бири, Ироқда эса учдан иккиси курдлар томонидан етиштирилмоқда.[3] Шунингдек, деҳқончилик билан шуғулланишга асосланган ерлар бўлса-да, улардан фойдаланадиган қисми анча камдир. Масалан, Туркия Курдистонида экилиши мумкин бўлган 25 миллион гектар ернинг фақат 30 фоизида деҳқончилик билан шуғулланилади. Унинг ҳам учдан бири шудгорланади. Эрон Курдистонида ҳам 5 миллион гектар экилиши мумкин бўлган

---

[1] Bois Th., Minorsky V., Mac Kenzie D.N. Kürtler ve Kürdistan. Kamuran Fıratlı (инглизчадан туркчага таржимаси). İstanbul: Doz Yayınları, İkinci Baskı, 2004. 14-15.
[2] Bois Th., Minorsky V., Mac Kenzie D.N. ўша манба 24 бет.
[3] Bois Th., Minorsky V., Mac Kenzie D.N. ўша манбаа 25 бет.

майдоннинг 24 фоизига экин экилади ва унинг ҳам 16 фоизи шудгорланади. Ироқ Курдистонининг бир қанча минтақасида тахминан 8 миллион гектарлик экилиши мумкин майдон бўлса-да, унинг тўртдан бирида деҳқончилик билан шуғулланилмоқда.[1]

Шундай бўлса-да, Курдистон Туркияда жами дон маҳсулотларининг 15 фоизини, Эронда эса 35 фоизини, Ироқда маккажўхорининг 50 фоизини ва арпанинг 15 фоизини етиштирмоқда. Ироқда гуручнинг учдан бирини курдлар етиштиришини ҳам айтиб ўтиш лозим.[2] Шунингдек, Курдистонда боғдорчилик ҳам кенг йўлга қўйилган. Минтақанинг энг яхши узуми ва тути Курдистонда етиштирилади.

Курдистоннинг ер ости бойликлари ҳам сероб. Маден, Киғи, Кемах ва Харпутда бой кўмир конлари топилган. Ироқ Курдистонин анча миқдорда кўмир, Сулаймония яқинларидан оҳактош чиқарилади. Сарчинарда эса 1958 йилдан буён кунига 350 тонна цемент ишлаб чиқарилади. Шино ва Амадияда сульфат заҳиралари аниқланган. Ревандуз ва Сулаймония ҳудудлари юза қатламда жойлашган жавҳарга бой ерлар ҳисобланади. Барзан ва Диярбакирда йилига 270.000 тонна хром қазиб олинади. Кебан, Элазиг ва Макуда қўрғошин, Ергу ва Кирманшохнинг жанубида олтин, Кемахта кумуш мавжуд. Лекин Курдистоннинг асл бойлиги бу нефть ва газдир. АҚШ Геология хизмати (USGS) маълумотларига кўра, Ироқнинг Загрос бурмали минтақасидаги (катта қисми Ироқ Курдистонига тегишли) аниқланмаган ресурс миқдори 41 миллиард баррель нефть ва 54 триллион фут куб. газ заҳиралари мавжуд.[3] Ироқ Курдистонининг Табиий ресурслар вазирлиги эса нефть (манбалардан биламизки, бўлиб ўтган баъзи низолар ва исёнларга шу нефть сабаб бўлган) заҳираларини 45 млрд. баррель, шу билан бирга,

---

[1] Bois Th., Minorsky V., Mac Kenzie D.N. Kürtler ve Kürdistan. Kamuran Fıratlı (инглизчадан туркчага таржимаси). İstanbul: Doz Yayınları, İkinci Baskı, 2004. – P. 25-26.
[2] Bois Th., Minorsky V., Mac Kenzie D.N. ўша манбаа 26 бет.
[3] Robin Mills, Under the Mountains: Kurdish Oil and Regional Politics. Oxford Institute for Energy Studies, January 2016. – P. 17.

тасдиқланган нефть заҳиралари 10 млрд. баррель эканини таъкидламоқда.[1] Бу нефть ва газ заҳиралари асосан Мосул ва Керкук минтақаларида жойлашган бўлиб, Керкук атрофидаги ресурсларнинг баъзилари бугунги кунда, Ироқ ҳукумати билан зиддиятлар объекти бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, Суриянинг шимолидаги Карачокда катта миқдорда нефть, Чемчемалда эса жуда кўп миқдорда газ заҳиралари топилган.[2]

Умуман олганда, геостратегик ва геоиқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга Курдистон ер усти ва ер ости бойликлари билан ташқи сиёсий кучларнинг эътиборини тортиб келмоқда. Минтақадаги давлатлар курдларга нисбатан қаттиққўллик сиёсатини олиб бораётган бўлиши мумкин. Лекин курдлар ҳам ҳар қандай босим бўлмасин, ички миллий жипслигини кучайтириб бормоқда.

***Туркия курдлари***

Юқорида айтиб ўтганимиздек, курдларнинг энг кўпи Туркия Республикасида истиқомат қилади. Туркияда курдлар дастлаб жумҳурият эълон қилингандан кейин 1960 йилларгача босим остида яшади. 1960 йиллардан Туркияда кўп партияли тизимга ўтиб, демократик жараёнлар ривожлана бошлаши билан курдларнинг ҳам ҳаётида эркин ҳаракат қилиш, фикр, сўз эркинлиги, турли сиёсий ташкилотларга аъзо бўлиш каби фаолиятларда қатнашиш имконияти пайдо бўлди. Лекин бу узоққа чўзилмади. Шуни айтиш керакки, мамлакатда курдлар масаласи бугунгача ўз ечимини топмаган долзарб масаладир ва ҳар онда “портлаш” хусусиятига эга.

Ҳали Туркия Республикаси эълон қилинмаган, лекин миллий ҳаракатлар (kurtuluş) кетаётган бир пайтда ташкил этилган Буюк миллат мажлисининг 1920 йил 1 майдаги йиғилишида: “Буюк мажлисимизни ташкил этган жамоат фақат турк эмас, фақат черкез эмас, фақат курд эмас, фақат лаз эмасдир.

---

[1] Robin Mills, Under the Mountains: Kurdish Oil and Regional Politics. Oxford Institute for Energy Studies, January 2016. – P. 17

[2] Bois Th., Minorsky V., Mac Kenzie D.N. ўша манбаа 28-29 бетлар.

Фақат ҳаммасини бирлашгани анасир-и Исламийдир, самимий бир мажмуадир.

Анасир-и Исломиядан (мусулмонлардан ташкил топган унсурлардан) иборат бир жамоатга оиддир. Миллий чегараларимизни бу дедик. Ҳолбуки, Керкук шимолида турк бўлгани каби курд ҳам бордир. Биз уларни айирмадик. Шунинг учун, муҳофаза ва мудофааси билан машғул бўлганимиз миллат биргина унсурдан иборат эмасдир. Муҳталиф Ислом унсурларидан келиб чиқмоқдадир”,[1] -деб эълон қилинган эди.

Аммо республика эълон қилинганидан 1960 йилларгача курдлар миллат сифатида амалда тан олинмади. 1930 йилларда Анқара курдлар масаласида жиддий сиёсат олиб бориб, курд етакчиларини сиёсий майдондан йўқ қилиш ҳаракатини бошлаган. Курдларнинг замонавий тарихини чуқур ўрганган Мак Дуэлл шундай ёзади: “Анкарадан совуқ шамол тезда сезилди. 1923 йил ёзида Буюк миллат мажлисига янги сайловларда депутатларга ўз сайлов округларига бориши таъқиқланди. Курд минтақаларидан қўйилган янги номзодлар курдларнинг фикрича, халқ тарафидан эмас, ҳукумат тарафидан илгари сурилган. Шунинг учун, курдлар мухолифати демократик шаклдаги республикадан чиқарилди. Ойлар ўтиб шамол қаерга кетаётганини аниқ кўрсатди”.[2] Масалан, барча юқори лавозимларга тайинлов ва Курдистондаги ёшларнинг ярми кўп ўтмасдан турклар тарафидан тўлдирилди. Каим-макам сифатида вазифасини ўтаётган барча курдлар миллатчилик эътиқодларидан бутунлай қутилмаса, осилар эди. Курдистонга иқтибослар барча расмий ҳужжатлардан чиқарилди ва курдча жой номлари туркчага ўзгартирилди.

4 март 1924 йилда Мустафо Камол Халифалик тугаганини эълон қилди. Махсус қонун чиқартирилиб, дин ва халифаликка доир барча жараёнлар жиддий назоратга олинди. Диний мактаблар, мадраса ва ҳужраларнинг ёпилиши курдлар учун охирги таълим манбасининг йўқолишига олиб келди.

---

[1] KONDA, Kürt Meselesini Yeniden Düşünmek. Türkiye, 2010. – S. 10.
[2] David A. McDowall. Modern History of the Kurds. London, I. B. Tauris, Third edition, 2004. – P. 191.

Мустафо Камол диний муассасаларини ёпиб, курдларнинг душманига айланди. Улар халифаликни ҳимоя қилишга ҳар томонлама ишонган, диний билимларга эга шайхлар эски Хамадия етакчилари эди.

Шундан кейин, 30-йилларда Туркияда (Муш, Ханиса, Ағри (Арарат), Менемен, Эрзурум, Диярбакир, Дерсим ва бошқа) курдларнинг исёнлари бўлиб ўтди. Бу исёнларнинг деярли барчаси миллий можаро кўринишини олди. 1925-1938 йилларда жами бўлиб 17 марта курдларнинг исёни бўлиб ўтди.[1] 1927 йил 3 октябрда барча қўмита ва жамоат ташкилотларининг иштироки билан *Hoybun* (Мустақиллик) "Миллий Курд Бирлиги" ташкил этилди. Битлисли Иҳсан Нури Паша бирликнинг раиси этиб сайланди.[2] Лекин ташкилот 1928 йилда тугатилди ва раҳбарлари қатл этилди.

Курдларга нисбатан ассимилияция сиёсати 1932 йил 5 майда уларни Анатолия ичкарисига (мамлакатнинг ғарбий минтақаларга) кўчириш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинишида яққол номоён бўлди. Бу қонун 1934 йил ёзида Анқарага келишни режалаштирган Эрон шоҳининг зиёратидан кейин амалга оширилиши кўзда тутилганди.[3]. Бундай хатолар 1937-38 йилларда Дерсимда заза курдларининг исёнига олиб келди. Бу исёнга Саид Риза етакчилик қилди. Лекин жуда қаттиққўллик билан бостирилган бу исён курдлар учун катта йўқотиш бўлди. Саид Риза ва унинг ҳамроҳлари Элазигда осиб ўлдирилгандан кейин Дерсим номи харитадан ўчирилди. Дерсим (курдчада - кумуш эшик) ўрнига Тунчели (туркча, Tunç – бронза, eli – халқи яъни, *бронза каби мустаҳкам халқ*) номи берилди. Лекин бугунги кунда ҳам Дерсим ва Тунчели номи орасида ноаниқликлар бор.[4] Бундан ташқари, республиканинг дастлабки йилларида бошқа бир қанча тарихий

---

[1] Taha Özen, Hatem Ete, Kürt Meselesi: Problemler ve Çözüm Önerisi. SETA Analizi, No1 Kasım, 2008. – S. 5.
[2] Bois Th., Minorsky V., Mac Kenzie D.N. ўша манба 108 бет.
[3] Ўша жойда.
[4] Maçoğlu, belediyenin 'Dersim' kararı hakkında konuştu: Türkiye'nin birçok yerinde kullanılmadı mı? // https://www.bbc.com/turkce/haberler-dunya-48387927 (23 Mayıs 2019).

жойларнинг номи ҳам тўлиқ ёки қисман ўзгартирилди. Масалан, Урфа – Шанлиурфага, Антеп – Газиантепга ўзгартирилди.

1960 йилга келиб, Туркиядаги ҳарбий давлат тўнтаришидан кейин Демократ партиянинг ҳокимиятга келиши билан либераллашув жараёнлари курдлар учун ҳам эркин нафас олишига сабаб бўлди. Курдистон ҳақида мақолалар чиқа бошлади ва курдлар турк матбуотида фаоллашиб кетди. 1965-68 йиллар орасида туркча-курдча газеталар (*Dicle Fırat ve Deng*), Курдча тил билими китоби, курдча-туркча луғат, *Birine Reş* “Kara Yara” номли ўйини чиқди ва *Mem-ü-Zin* достони яратилди.[1]

Бу орадаги Ироқда давом этаётган курдларнинг исёнлари Туркиядаги курдларга ҳам таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида 1967 йил 25 январда чиқарилган Президент қарорида “Курд тилидаги ҳар қандай нашр, плакат ва кассеталарни мамлакатга олиб кириш ва тарқатиш таъқиқланади ва қонунга зиддир”, - деб эълон қилинади. Бунга қарши 19 вилоятда курд талабалари норозилик чиқиши қилиб, ушбу қарор мамлакат конституциясининг 12-моддаси, Лозанна шартномасининг (1923 йилги) 37- ва 44-моддаларига зид эканини даъво қилдилар. 1970 йил апрель ойида Силван ва Диярбакирда олиб борилган ҳарбий ҳаракатларда бир қанча талабалар жазоланди ва қамалди.[2]

1970 йил 24 июлда Туркия Ишчи партиясининг ўша пайтдаги раиси М.Али Айбар парламентда бу масала ҳақида таклиф билан чиқиб маъруза қилди. Туркия Ишчи партиясининг 1970 йил 29-31 октябрдаги Тўртинчи Конгрессида курдларнинг Туркиядаги яшаш ҳуқуқи ҳақида қарор қабул қилинди. Туркиядаги курд масаласининг ечимида муаммонинг сиёсий-

---

[1] Kürtçe yayın dünyasının dünü bugünü // http://www.haber7.com/kitap/haber/744872-kurtce-yayin-dunyasinin-dunu-bugunu

[2] Francis O’Connor, The Kurdish Movement in Turkey: Between Political Differentiation and Violent Confrontation. Peace Research Institute Frankfurt (PRIF), 2017. – P. 3.

этникдан бошқа иқтисодий-ижтимоий омиллари ҳам муҳим роль ўйнаши илгари сурилди.[1]

Бу вақтда Туркияда курдларнинг бир нечта ноқонуний партия ва ҳаракатлари фаолият кўрсатмоқда эди. Шулардан бири Туркия Курдистони Демократик партияси бўлиб, Туркия Республикасида курд халқини тан олиш, унинг тили ва миллий маданиятини ривожлантиришга қаратилган автоном маъмурий бошқарувга эга бўлиши мақсадида 1965 йил ташкил топган эди.[2] Моҳиятан ушбу партия Ироқ Курдистони етакчиси М.Барзонийнинг назоратидаги партия бўлиб, Туркия курдларининг ўз миллий тақдирини ҳимоя қилиш учун қўллаб-кувватлашга қаратилган эди.[3] Мазкур партия дастурининг 2-моддасида ташкилотнинг мақсади курд халқининг “ўз тақдирини ўзи белгилаш”га эришиш деб кўрсатилади. Партия аъзолари ушбу мақсадга эришиш миллий-демократик инқилоб йўли билан амалга оширилиши мумкин деб ҳисобларди.

Курдлар тарихидаги навбатдаги ва энг кучли ҳаракат 1978 йил 27 ноябрда Абдулла Ўжалан томонидан ташкил этилган Курдистон Ишчи партияси (курдча Partiya Karkeren Kürdistan - КИП) эди. Ўжаланнинг фикрига кўра, Курдистон ва курдлар Туркия томонидан эксплуатация қилинмоқда эди.[4]

1980 йил 12 сентябрда Туркияда навбатдаги ҳарбий тўнтариш бўлиб ўтди. Бу тўполон курдлар учун оғир кунларга сабаб бўлди. Айниқса, жанубий-шарқий ва шарқий Анатолия минтақасида қуролли тўқнашувлар даври бошланди. Турк аскарларига қарши курдларнинг КИП бошчилигидаги партизан курашлари бошланди. 1987-2002 йиллар орасида бу минтақада OHAL (Olağan Üstü Hal Kanunu – Фавқулодда ҳолат қонуни) эълон қилинди.

---

[1] Henri J. Barkey and Graham E. Fuller, Turkey’s Kurdish question, Rowman & Littlefield Publishers. New York, 1998. – P. 15.
[2] Гасратян М. А. Курды Турции в новейшее время. Ереван: Айастан, 1990. – С. 261.
[3] Гасратян М. А. ўша жойда.
[4] Nihat Ali Özcan, PKK (Kürdistan İşçi Partisi) Tarihi, İdeolojisi ve Yöntemi. ASAM Yayınları, 1999. – S. 33.

Бу ҳолат тоғли ҳудудлардаги 1,5 миллион курдларнинг яшаб турган жойидан кўчириб юборилишига олиб келди.[1]

90-йилларда Бош вазир Тургут Ўзалнинг либерал-демократик қарашлари ва айниқса, 1996-1997 йилларда Бош вазир доктор Нажмиддин Эрбаканнинг диний (нақшбандийлик) қарашлари туфайли курдлар ва ҳукумат орасида яқинлашув жараёнлари бўлди. 2002 йилдан ҳукуматга АТ партияси (Adalet ve Kalkınma Partisi – Адолат ва Тараққиёт Партияси) келиши билан курдларнинг ҳақ-ҳуқуқлари янада яхши томонга тикланди. Айниқса, бош вазир (ҳозирги кунда Президент ) Режеп Тайийб Эрдоганнинг курдларга нисбатан "Туркия Курдистонни ва шунингдек, Лазистонни тан олиши керак"[2]лиги борасидаги чиқишлари нафақат курд, балки лаз, черкез ва бошқа миллатлар учун узоқ кутилган янгилик бўлди. Шунингдек, АК партиянинг консерватив қарашлари табиийки, партиянинг асосий электорати консерватив қатлам бўлган курдлар томонидан қўллаб-кувватланди. АК партияси даврида курдлар яшайдиган минтақаларга ҳақиқатдан ҳам аввалги даврларга қараганда кўп миқдорда молиявий ёрдам ва инвеститциялар киритилган. Аммо вазият 2016 йил 15 июлда муваффақиятсизлик билан тугаган ҳарбий тўнтаришдан кейин ўзгарди. Чунки мамлакатда яна OHAL эълон қилинди. Бу ҳарбий ҳаракатлар Т.Эрдоганнинг Миллатчи ҳаракат партиясига (Milliyetçi Hareket Partisi[3]) яқинлашишига олиб келди. Унгача бўлган даврда АКП ва МҲП ўртасида жиддий тортишувлар ва адоват бор эди. МҲП раҳбари Давлед Бахчели бир неча бор бош вазир Р.Т.Эрдоганни танқид қилиб чиққан, ўз навбатида Т.Эрдоган ҳам Д.Бахчелини ҳақорат қилиб келар эди. Аммо давлат тўнтаришига уриниш иккисини анча яқинлаштиради. Уларнинг душмани АҚШда қўним топган ФЕТО ҳаракати ва унинг йўлбошчиси Фетхуллах

---

[1] Ulrike Dufner, Semahat Sevim, Kürt Meselesinin Çözümüne İlişkin Algılar, Aktörler ve Süreç. İstanbul, 2013. – S. 9.

[2] Erdoğan 'Kürdistan, lazistan' dedi // https://www.youtube.com/watch?v=42hGNrlUWsI

[3] MHP 1969 йил 9 февралда Алпарслон Туркеш тарафидан турк миллатчилигини ҳимоя қилиш мақсадида тузилган партиядир.

Гулен билан биргаликда, Курд миллатчилиги (МҲП аввалбошдан курдларга қарши бўлган), социалистлар ва республикачилар (Cumhuriyet Halk Partisi) эди. Т.Эрдоган агар 2013 йилда Курдистон эалети (маъмурий бошқарувига эга автоном кўринишидаги давлат) борлиги ҳақида гапирган бўлса, 2019 йилга келиб Курдистон дея бир ер йўқ, агар курдлар хоҳламаса Ироқ Курдистонига бориб яшасин деб чиқди.[1] Қолаверса, Курдистон минтақасида катта обрўга эга курдларнинг ХДП (Halkların Demokratik Partisi – 2012 йил 15 октябрда ташкил топган) партияси Т.Эрдоган ва Д.Бахчели учун асосий рақиб партияга айланди. Натижада, 2016 йил ноябрь ойи бошида ХДПга нисбатан террор операцияси амалга оширилди ва партия раиси Салахиддин Демирташ ҳамда 50 та партия аъзолари қўлга олиниб, КИП террор ташкилоти билан ҳамкорликда айбланиб қамоққа маҳкум этилди.[2]

Бугунги кунда ҳам ХДПнинг вилоятлар ва туманлардаги раҳбарлари курдларнинг террор ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишда айбланиб қўлга олинган ва судланмоқда. Масалан, ХДП раислари Ферхат Чаки ва Муҳлисе Карагузел шундай айбловлар билан қўлга олинган.[3] Энг ҳайратланарлиси, 2019 йил 31 мартда вилоят раҳбарлиги (belediye eşbaşkanı – яъни, вилоят ҳокимлиги) учун бўлиб ўтган сайловларда ХДПдан Диярбакир вилоятига Аднан Селжук Мизракли 63 фоиз овоз билан, Мардин вилоятига Ахмет Турк 56 фоиз билан, Ван вилоятига Бедиа Ўзгўкче Эртан 54 фоиз овоз билан сайланган эди. Аммо 2019 йил 19 август куни КИП билан ҳамкорлик алоқалари мавжудлиги бўйича айбланиб, эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Reuters ахборот агентлигининг хабар беришича, Туркия курд партиясидан сайланган вилоят раҳбарларининг ўрнига бошқа мансабдорлар

---

[1] Erdoğan: Türkiye'de Kürdistan diye bir bölge mi var? // http://www.cumhuriyet.com.tr/video/video/1264066/Erdogan__Turkiye_de_Kurdistan_diye_bir_bolge_mi_var_.html

[2] Selahattin Demirtaş Neden Tutuklandı? // https://www.haberler.com/selahattin-demirtas-neden-tutuklandi-8940496-haberi/ (Маълумот олинган сана: 10.08.2019)

[3] Muş'ta HDP'nin il eş başkanları tutuklandı // https://www.aa.com.tr/tr/turkiye/musta-hdpnin-il-es-baskanlari-tutuklandi/1557308 (15.08.2019)

қўйилган.[1] Ушбу хабар тарғиботчиси “American Bloomberg”нинг Туркия Ички ишлар вазирлиги маълумотларига таяниб, “Барчаси курд тарафдори Халқларнинг демократик партиясидан (ХДП) бўлган вилоят раҳбарлари КИП таълимотларига мувофиқ ҳаракат этиш бўйича айбланмоқда”, деб ёзади.[2] Натижада, Ван ва Диярбакир курдлари томонидан норозилик чиқишлари авж олди. Афусуски, бундай ҳолатлар курдлар учун одатий ҳолга айланиб қолмоқда.

***Ироқ курдлари***

Курдларнинг минтақадаги ижтимоий-сиёсий жараёнларида шубҳасиз Ироқ курдлари энг фаол ва таъсирли ҳаракатлари билан ажралиб туради. Зеро, шундай сиёсий фаоллик натижасида Ироқ курдлари автоном Курдистон мақомини қўлга киритди. Албатта, бунга осонликча эришилмади, балки кўплаб қон ва жон беришга тўғи келди.

Инглизлар томонидан ташкил этилган Ироқ қироллиги даврида Сулаймония валиси Шайх Маҳмуд Берзенжи Ироқ шимолида ўзини “Курдистон ҳукмдори”, - деб эълон қилади. 1922-1924 йиллар амалда бошқарувни ўрнатган бўлса-да, инглизларнинг ҳарбий кучи олдида ожиз эди. Курдларнинг тез-тез исён чиқаришлари натижасида инглизлар уларга автоном мақом беришга ваъда берган бўлса-да, бу амалга ошмади.[3]

Берзенжидан сўнг 1931 йилда Шайх Ахмад Барзоний бошчилигида яна бир исён кўтарилди. Бу исёнларда етакчилик курдларнинг Барзоний оиласига ўтади ва бу оила (ашират) бугунги кунгача етакчиликни қўлда тутиб келмоқда. Аммо исён бутун курд қавмлари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмаганлиги учун 1932 йилда бостирилади.[4]

---

[1] Манбаа: Son dakika… Kayyum kararlarının ardından dünyanın gözü Türkiye’de // https://www.sozcu.com.tr/2019/dunya/son-dakika-dunyanin-gozu-turkiyede-5288547/?fbclid=IwAR31skYRv8Gr_MFLVTqRYwsm8MtAPTp38MaGEyTqNOP5uN43YDkUzXInl1g

[2] Ўша манбаа.

[3] Wadie Jwaideh, The Kurdish National Movement: Its Origins and Development (Contemporary Issues in the Middle East). Syracuse University Press, 2006. – P. 315-395.

[4] Wadie Jwaideh, ўша жойда.

1943 йилда Шайх Аҳмаднинг исёнини укаси Мулла Мустафа Барзоний давом эттирди ва бу исён аввалги исёнларга кўра миллатчилик характерини олди. Мустафа Барзоний Керкук, Сулаймония, Ханақин ва Духокни ўз ичига оладиган Курдистон давлатини шакллантириш, Ироқ ҳукуматида бу давлатни бошқарадиган бир ваколатли органни ташкил этиш, курд тилини расмий тил бўлиши, маданий ва иқтисодий мустақиллик берилишини талаб қилади.[1]

Иккинчи жаҳон уруши арафасига тўғри келган бу исён 1945 йилда бостирилади ва Барзоний Ироқни тарк этиб, Эронга кетишга мажбур бўлади. Эронда сиёсий фаолиятини давом эттирган Барзоний собиқ Совет Иттифоқи ёрдамида Махабад Курд Республикасини ташкил этишда фаол қатнашади. 1946 йилда эса Курдистон Демократик партиясини (КДП) ташкил этади. 11 ой фаолият кўрсатган Махабад Курд Республикаси тугатилиши билан (Эрон шоҳи томонидан) Барзоний собиқ Совет Иттифоқига қочади ва у ерда 12 йил қолишга мажбур бўлди (Тошкентда ҳам яшаган). 1958 йил Ироқда ҳарбий тўнтариш орқали қиролликни ағдариб, республика эълон қилган ва ҳокимиятга келган Абдулкерим Касим Барзонийни Ироққа даъват қилди ва КДП партиясининг мамлакатда қонуний фаолият кўрсатишига рози бўлди. Шунингдек, Абдулкерим Касим ўз сиёсатини қўллаб-қувватлаши эвазига Курдларга автоном беришга ваъда беради. Аммо берилган ваъдалар бажарилмаганлиги билан Барзоний 1960 йил яна куролли бахсни бошлади ва бу бахс 10 йилга яқин давом этди. 1968 йил Ироқда ҳокимият БААС партияси қўлга ўтиши билан курдлар билан можаро тўхтатилди ва 1970 йил автоном тўғрисидаги келишувни имзоланиши билан можарога якун ясалди.

1970 йил 11 мартда БААС партияси номидан Саддам Ҳусайн ва КДП номидан Мулла Мустафо Барзонийлар имзолаган келишувга мувофиқ курдлар араблар билан биргаликда Ироқнинг тарихий халқларидан экани

---

[1] Wadie Jwaideh, The Kurdish National Movement: Its Origins and Development (Contemporary Issues in the Middle East). Syracuse University Press, 2006. – P. 315-395.

қабул қилинди. Курдлар кўпчиликни ташкил қиладиган минтақалар Курдистон минтақаси чегараларига киритилди. Икки томондан ҳам баҳсли бўлган ҳудудлар эса референдум йўли билан ҳал қилиниши ҳақида келишиб олинди. Шунингдек, марказий бошқарувда вице-Президент курдлардан бўлиши ва парламентда аҳоли сонига кўра вакиллик ўрни берилиши ва курд тили расмий тил сифатида қабул қилиниши белгиланди. Курд минтақаси ўз ички ишларида мустақил бўлиши, қонун чиқариш ва бошқарув (ижро этиш) ҳуқуқлари берилди.[1] Бир сўз билан айтганда, Ироқ ҳукумати илк маротаба курдларнинг сиёсий статус талабларига автоном бериш билан жавоб қайтарди.

Мазкур келишув тўрт йил ичида амалга оширилиши белгиланган бўлса-да, Ироқ ҳукумати Керкук билан бирга референдум бўлиб ўтадиган ерларда араблаштириш сиёсатини олиб борди ва бу янги зиддиятларни келтириб чиқарди. 1974 йилга келиб баъзи масалаларда ишлар яхши кетса-да, баҳсли минтақалар бўйича муаммолар ҳал бўлмади ва референдум ўтказилмади. Шуниң билан бирга, БААС партияси 1974 йил 11 мартда бир томонлама чегаралари аниқ кўрсатилган Курдистон автоном минтақасини эълон қилди ва тан олди. Бахсли ҳудудлар эса Ироқ ҳукуматига тегишли эканини билдирди. КДП бунга эътироз билан чиқди ва Мустафо Барзоний яна исён кўтарди.[2]

Барзонийнинг бу галги кўтарилишида минтақавий ва халқаро геосиёсий ўйинлар ҳам муҳим роль ўйнади. “Совуқ уруш” даврида АҚШ, собиқ Совет Иттифоқи тарафдорилари бўлган ҳукуматларга қарши мухолифат гуруҳларни қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг таъсирини камайтиришга ҳаракат қилди. Шу сабабли АҚШ ва унинг ўша пайтдаги иттифоқчиси Эрон (қироллик даврида) БААС бошқарувига қарши Барзоний ҳаракатини қўллаб-қувватлади. Эрон бу пайтда Ироқ билан чегара масаласида ҳам ихтилоф

---

[1] История Курдистан. (ред.) М.С.Лазарев, Ш.Х.Мгои. М., 1999. – С. 318-324.
[2] М.С.Лазарев, Ш.Х.Мгои, ўша манба 327-329 бетлар.

ҳолатида эди. Шунингдек, Исроил ҳам у пайтда Араб давлатлари билан бўлаётган келишмовчиликлар туфайли минтақада араб бўлмаган миллат ва этник гуруҳлар билан яқин алоқа ўрнатмоқда эди. Шундай қилиб, Барзоний АҚШ, Эрон ва Исроилнинг ёрдами билан 1974 йил апрелда исён кўтарди. Аммо бу исён муваффақиятсизлик билан тугади. Қолаверса, 1975 йил Ироқ ва Эрон чегара муаммосини ҳал қилишгач, Эроннинг курдларга ёрдами тугади. Эрондан ёрдам ололмаган Барзонийнинг исёни тезда бостирилди.[1]

Барзонийнинг бу исёнидан кейин КДП ичида аввалдан шаклланиб келинаётган эътирозлар ортди ва ички бўлиниш бошланди. Қолаверса, Мулла Мустафа Барзонийнинг хасталиги туфайли етакчилик учун тортишувлар бошланиб кетди ва бу ҳолат сўл қарашли ислом гуруҳларининг ажралиб чиқишига замин ҳозирлади. Ўзининг социалистик қарашлари билан партия ичида мухолиф бўлган Жалол Талабаний бу муваффақиятсиз исёндан кейин КДПдан айрилиб, Курдистон Юртсеварлар Бирлиги (КЮБ) партиясини тузди. КЮБ тарафдорлари асосан Курдистоннинг шарқий қисми Сулаймониядаги шаҳарликлар эди. КЮБнинг тузилиши билан КДП Курдистон шимоли билан чегараланди ва ўз кучини анча йўқотди.[2]

1980 йилда Эрон–Ироқ ўртасида бошланган урушда КДП Эронни қўллаб-қувватлади. КЮБ бошланишида Ироқ тарафини олса-да кейин ўз сиёсатини ўзгартириб, Эроннинг ёнини ола бошлади. 1987 йилда эса КДП, КЮБ ва бошқа кичик партиялар Курдистон Фронтини қуриб, бирга ҳаракат қилишни бошлади. Ироқ–Эрон уруши якунларида Саддам Ҳусайн Эронни қўллаб-қувватлаган курдларни жазоламоқ учун кимёвий қуролларни ҳам ишлатган Энфал операциясини бошлади. Бу операция баъзи таҳлилчиларнинг фикрича, курдларга нисбатан геноцид эди.[3] Бу операция

---

[1] Martin van Bruinessen, Ağa, Şeyh, Devlet, Туркчага таржима: Banu Yalkut. İletişim Yayınları, 6. Baskı, İstanbul: 2013. – S. 55.
[2] Michael M. Gunter, "The KDP-PUK Conflict in Northern Iraq", The Middle East Journal, V. 50, No.2 (1996). P. 225-241.
[3] Gary Kent, "Historic Debate Secures Parliamentary Recognition of the Kurdish Genocide", Kurdish Globe, 4 March 2013 available at http://www.kurdishglobe.net/display-article.html; Laura Pitel, "MPs recognise Saddam

давомида минглаб курдлар Ироқнинг жанубига сурилди, минтақа демографияси ўзгартирилди, минглаб қишлоқлар йўқ қилинди, жуда кўп курдлар Туркияга қочди. Ироқ курдларига энг оғир зарба бўлган ушбу операциядан кейин партия лидерлари ҳам Эронга қочиб бошпана топди.[1]

Курдларнинг оғир бир шаклда мағлубиятга учраши, уларни алам устида яна бир исёнга тайёргарликка ундади. Бу пайтда Ироқ-Қувайт урушининг бошланиб кетиши уларга янада имконият ва куч бағишлади. Чунки АҚШ бошчилигидаги каолицион кучлар Қувайтдан Ироқни чиқариб юбориш операциясини бошлаган бир пайт эди.

1991 йил 4 мартда бошланган курдлар исёни тезда ёйилди ва 19 март куни Пешмерга (Ироқ курдларининг ҳарбий кучи) кучлари Эрбил, Сулаймония, Захо, Духок ва Керкукни бутунлай қўлга киритди. Лекин Саддам Ҳусайн дарҳол куч тўплаб жанубдаги қўшинини шимолга ташлади ва пешмергадан Керкукни қайта қўлга киритди. Қолаверса, С.Ҳусайн курдлар устидан босимни кучайтириш мақсадида барча давлат маъмурларини чақириб олди ва минтақага иқтисодий эмборга қўйди. Марказий ҳукумат бу йўл билан минтақада ички қарама-қаршиликни кучайтириш ва ўз истакларини қабул қилдиришни кўзлаганди. Аммо кўзланган мақсад амалга ошмади. Курдлар мавжуд муаммони минтақада парламентар тизим қуриш орқали ечишга киришди.

Шу мақсад йўлида курдлар 1992 йил май ойида Ироқ ҳукуматининг ҳеч қандай ҳукми ва таъсири йўқ минтақаларда сайловлар бошлади ва Курдистон парламентини ташкил қилди. Парламент 1992 йил 4 октябрда “Курд

---

Hussein’s Kurdish massacre as genocide”, The Times, 1 March 2013 available at http://www.thetimes.co.uk/tto/news/world/middleeast/iraq/article3702975.ece?CMP=OTH-gnws-standard-2013_03_01

[1] Gareth R.V. Stansfield, Iraqi Kurdistan Political Development and Emergent Democracy. Routledge Curzon, London: 2003. – P. 45-46.

Федератив Давлати” ташкил топганини эълон қилиб, ўз ичида мустақил, лекин Ироқ ҳукуматига боғлиқ эканини билдирди.[1]

Шундай қилиб, курдлар 1970 йилги келишувдан буён илк марта де-факто ўз бошқарувини шакллантирган бўлди. Афсуски, орадан икки йил ўтар-ўтмас бошқарув масаласида КДП ва КЮБ ўртасида келишмовчилик юзага чиқди ва ички келишмовчилик бошланди. Икки партия тарафдорларининг қуролли можаролари икки алоҳида бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳукуматларнинг қурилишига сабаб бўлди.[2]

Курдистоннинг шимолида КДП, унинг жанубида КЮБ ҳукуматлари орасида 1994-1997 йилларда турли уруш ва тинчлик даврлари бўлган бўлса-да, 1998 йилда тинчлик келишувларига эришилиб, иккала ҳукумат раҳбарлари бир қарорга келди ва танглик юмшаб, бутунлай бирлашувга эришилди.

Курдлар шу шаклда ўз ҳукуматларини қуриб, аста-секин ривожланар экан 2003 йилга келиб, АҚШнинг Ироққа ҳарбий ҳаракатлари вазиятни курдлар фойдасига ўзгартирди. Курдлар бу вазиятдан фойдаланиб, ўз чегараларини кенгайтириш имконига эга бўлди. Саддам Ҳусайн ҳокимиятининг ағдарилиши билан Муваққат ҳукумат қурилди ва бу ҳукуматда курдлар муҳим позицияларни қўлга киритдилар.

Муваққат ҳукумат бир қонун қабул қилди ва бу қонунга кўра, Ироқ Федерал Давлат деб эълон қилинди. “Курдистон Минтақавий Ҳукумати” ташкил топди ва пешмерга минтақанинг хавфсизлигини таъминловчи куч сифатида қабул қилинди. Шунингдек, курд тили минтақада расмий тил мақомини олиш билан бирга, Курдистонга Ироқ марказий бюджетидан 17 фоиз улуш берилиши қонунан белгилаб қўйилди.[3]

---

[1] Michael M. Gunter, “A De Facto Kurdish State in Northern Iraq”, Third World Quarterly, V. 14, No. 2 (1993), p. 295-319.
[2] Gunter, “The KDP-PUK Conflict”, p. 225-241.
[3] Michael M. Gunter, The Kurds Ascending. Palgrave MacMillan, New York: 2008. – P. 19-35.

Бу қонун 2005 йил 15 октябрда бутун халқ овози билан юридик кучга кирди. Шу билан, курдлар ўз муаммо ва масалаларини қонуний ҳал қилишга эришди. Қолаверса, 2005 йилги умумхалқ сайловларидан кейин КЮБ партияси етакчиси Жалол Талабаний янги Ироқнинг биринчи Президенти бўлди, КДПли Хошяр Зебари эса ташқи ишлар вазири лавозимига тайинланди. Курдларнинг муваффақиятли музокаралари натижасида бир нечта вазирликда ҳам курдлар юқори лавозимларга тайинланди.

Бундан кейинги воқеалар курдларнинг Ироқ марказий ҳукумати билан муносабатлари, чегара муаммолари, бошқарувда мустақил ҳаракат қилиш, айниқса, нефть конларига эга бўлиш, уларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга бўлган ҳуқуқ устидаги тортишув ва келишмовчиликлар, 2011 йилдан “Араб баҳори”нинг бошланиши ва минтақада ДАИШ (ИШИД) террорчи ташкилотининг кучайиши ва унга қарши кураш ва энг охиргиси 2017 йил 25 сентябрда Курдистон мустақиллик референдумини ўтказиши, натижалари ва бугунги кундаги вазият ҳақида кейинги параграфларимизда алоҳида тўхталиб ўтамиз.

***Эрон курдлари***

Эрондаги курдлар Биринчи жаҳон урушидан кейин ҳокимиятга келган Пахлавийлар даврига қараганда 1978 йилдан кейин Эрон Ислом Республикасида яхшироқ вазиятда яшашди. Сабаби, Пахлавийлар даврида Эрон халқи “арий” бир ирқ ва курдлар ҳам ушбу ирқдан бири экани тушунчаси ўзаро ҳурмат ва яқинлаштирувчи унсур бўлди. Аммо ҳар доим ҳам бу “арий” ирқлик бирлаштирувчи хусусиятга эга бўлмади. Бу ҳақда курдлар ҳақидаги машҳур тадқиқотлари билан танилган рус шарқшуноси Минорский шундай ёзади: “Эрон курдлари ҳар замон Туркия курдларидан фарқли вазиятда бўлган. Ҳақиқатдан ҳам, Эрон ҳукумати бу икки халқнинг (форс ва курд назарда тутилмоқда таъкид муаллифники) ирқий ва тарихий яқинлигига аҳамият берган. Лекин бу ҳолат вақти-вақти билан ижтимоий-

сиёсий норозиликлар, баъзан ноаниқлик, баъзан қонли можаролар чиқишининг олдини ололмади.”[1]

Биринчи жаҳон уруши пайтида шимолий Эрондаги Озарбайжон минтақаси турк ва рус ҳарбийларининг хужумлари натижасида остин-устун бўлиб кетганди. Бундай бир хаос ҳолатдан имконият қидирган Шикаклар раиси Исмаил Оға (Симко) ўзини ҳукумдор деб эълон қилиш учун кичик бир Курд давлатини ташкил этишга киришади. Мамлакат шимолидаги баъзи курд қавмларини атрофига тўплаб турк, ассур ва эрон қўшинларини бир неча бор мағлубиятга учратди. Урмия кўлининг ғарбий қисмида ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Лекин у 1930 йил 21 июн куни Ушнуда эронликлар томонидан суиқасд уюштирилиб, ўлдирилди.[2]

Туркияда Мустафа Камол каби Реза Шах даврида мамлакатда (курд, азарий, туркман, лур, белужи, араб ва бошқалар бўлишига қарамай) ягона миллат – эроний ва ягона тил – форсий сиёсати амалга оширилди.[3] Аммо бу сиёсатга курдлар каби туркман, белужи ва лур қавмлари ҳам қаттиқ қаршилик кўрсатди. Реза Шах дастлаб осонликча бўйсунмайдиган туркман ва лур халқларига, уларнинг қуролланишига жуда катта таҳдид деб қараган эди. Қолаверса, Симко бошчилигида Урмияда, Салар эл-Девле бошчилигида Кирмоншохдаги курд исёнлари ҳам катта муаммо туғдира бошлади. Шундан кейин, Реза Шах эски бир усулни ишга солди. Яъни у қабила бошлиғига қарши бошқа қабилани қўллаб-қувватлаш орқали асосий душманини йўқ қилиш ва кейин ўзи қўллаган қабила бошлиғини ҳам секин йўқотиш тактикасини ишга солди ва бу сиёсат унга жуда қўл келди.[4]

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, минтақа давлатлари Туркия, Эрон ва Ироқ ҳали тўлиқ шаклланмаган давлатчилигида, чегаралари

---

[1] Bois Th., Minorsky V., Mac Kenzie D.N. Kürtler ve Kürdistan. Kamuran Fıratlı (инглизчадан туркчага таржимаси). İstanbul: Doz Yayınları, İkinci Baskı, 2004. – S. 112.
[2] Bois Th., Minorsky V., ўша жойда.
[3] David A. McDowall. Modern History of the Kurds. London, I. B. Tauris, Third edition, 2004. – P. 222-223.
[4] David A. McDowall, ўша манбаа.

аниқ белгиланмаган пайтда, чегара олди қавмларни бунда айниқса, курдларни бир-бирига қайраш ишларини фаол олиб борган. Эрон Туркия ва Ироқдаги курдларни “биз бир эроний ирқмиз”-деб, Туркия ва Ироққа қарши қўллаган бўлса, Туркия Эрондаги курдларни “бизнинг диний эътиқодимиз бир, яъни сунниймиз” шаклида, Ироқ эса инглизлар ёрдамида Туркия ва Эрондаги курдларни ўз тарафига оғдириш ва уларга турли ёрдам бериш ишларини олиб борган. Хуллас, курдлар минтақа давлатлари қўлида сиёсий восита бўлган ва бугунги кунда ҳам ички ва ташқи кучлар учун курдлар восита бўлиб қолаётганини таъкидлаш мумкин.

Шу билан бирга, Ироқ Туркия ва Эрон курд исёнларидан бир хилда ташвишланарди. Шу боис 1937 йил Садабадда Риза Шах саройида шартнома имзоланди ва унга кўра, имзо чекувчилар мавжуд чегараларни тан олиб, яхши қўшничилик қонунларига риоя қилишни ўз зиммасига олдилар. Бу курдлар учун уларнинг орзуларини рўёбга чиқаришда давлатлараро ҳамкорлик тўсиқ бўлишини билдирарди. Қолаверса, ушбу давлатлар ўзаро норозиликка эга бўлган курдлардан бир-бирига қарши қўйишда фойдаланмасликка ҳам келишгандилар.[1]

Шундай бўлса-да, Иккинчи жаҳон уруши Эрон курдлари учун яна бир муҳим имконият пайдо қилди. 1941 йил 20 августда собиқ Совет Иттифоқи, Англия ва Америка бирлашган қўшинлари Эронга кирди. Риза Шахнинг ўрнига заиф бир ҳукуматни шакллантирди. Инглиз ва америкаликларнинг жанубдаги, Советларнинг шимолдаги ҳукмронлиги остида қолган минтақаларда бу ҳукуматнинг ҳеч бир таъсири йўқ эди. Бироқ мамлакатда кучайиб бораётган турли сиёсий партияларга демократик ҳуқуқлар берила бошланди.

Махабад минтақаси деярли советларнинг таъсири остида, аммо ҳеч кимга бўйсунмаган ҳолатда, курд миллатчилигининг узун бир илдизи бўлган

---

[1] David A. McDowall. Modern History of the Kurds. London, I. B. Tauris, Third edition, 2004. – P. 225.

ҳудуд эди. 1942 йил сентябрда бу имкониятдан фойдаланиб қолиш мақсадида Махабад курдлари илк курд сиёсий ҳаракати Комала (Жияний Курдистан – Курдистон Уйғониши) ҳаракатини бошлади.[1]

1945 йил янги бир партия Курдистон демократик партияси (Ироқлик Барзоний ҳам шундан ўрнак олиб, ўз партиясини тузган) ташкил этилди. Комаланинг барча аъзолари ушбу партия ҳаракатларига қўшилди. КДП 8 та муҳим моддаси бўлган ўз дастурини эълон қилди.[2]

Дастурда қуйидагилар:

1. Эрондаги курд халқи ўзининг ҳудудий бошқарувига эга бўлиши ва Эрон ўз ҳудудида Автоном Курд давлатини тан олиши.

2. Она тилида таълим олиш ҳуқуқи, курдлар яшайдиган ерларда расмий тил курд тили бўлиши.

3. Мамлакат конституцияси Курдистондаги ҳудудий бошқарувчиларнинг жамият ва давлат ишларида лавозимга сайловлар орқали тайинланишини кафолат остига олиши.

4. Давлат раҳбарлари маҳаллий аҳоли томонидан сайланиши.

5. Икки томоннинг ҳам келажаги хавфсизлиги учун қишлоқда яшовчилар ва ер соҳиблари орасидаги келишувга асос бўладиган умумий бир қонун қабул қилиниши.

6. КДП, Озарбайжон халқининг (бу пайтда Эрондаги азарийлар ҳам миллий ҳаракатларини бошлаган эди) ва бу давлатдаги барча этник озчиликлар (сурияниййлар (оссурлар), арманлар ва б.) билан қардошлик ва бирлик учун бахс қилиши.

7. КДП деҳқончилик ва савдони ривожлантириш, таълим ва соғлиқни сақлаш шароитларини яхшилаш, курд халқининг моддий-маънавий тараққиётини таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилиши.

---

[1] Abdurrahman Qasimlo, İran Kürdistanı, İstanbul: Belge Yayınları, 1. Baskı, 1991. – S. 4.
[2] Abdurrahman Qasimlo, ўша манба 4-5.

8. КДП бутун Эрон халқининг сиёсий эркинлигини таъминлаш ва давлатнинг шу шаклда ривожланишига хайрихоҳ экани белгиланди.

1946 йил 24 январда Саққез атрофидан делегатлар иштирок этган катта бир йиғилишда (съездда) илк Курдистон Республикаси эълон қилинди. КДП етакчиси Кади Муҳаммад Президент этиб сайланди. Қисқа вақт ичида бу республика давлат институтларини шакллантира бошлади, мактаб ва касалхоналар қурди. Курд тилига расмий тил мақоми бериб, курд тилида китоб ва газеталар чиқара бошлади.

Аммо Теҳрон келишувига мувофиқ АҚШ, Англия ва собиқ Совет Иттифоқи бирлашган кучлари олти ой ичида мамлакатни тарк этишни бошлади. Советлар ёрдамида қурилган ва Совет армияси мамлакатни тарк этиши билан ҳимоячисиз қолган Курдистон 1946 йил декабрда Эрон қўшини томонидан ишғол қилинди. Кади Муҳаммад ва унинг укаси, жияни ушланиб ўлимга маҳкум қилинди. Барзоний тарафдорлари Эрон қўшинлари билан анча кун уруш олиб борди ва ниҳоят енгилиб оиласи ва яқинлари билан собиқ Совет Иттифоқига қочишга муваффақ бўлди.

1951 йил Эрон ҳокимиятига келган доктор Мусаддик эрон нефть заҳираларини миллийлаштириш сиёсатини олиб борганда курдлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди. Лекин Мусаддик 1953 йил инглизлар томонидан ташкил этилган тўнтариш билан ҳокимиятдан четлатилди. Кейинги даврларда, айниқса, 1979 йил бўлиб ўтган Эрон Ислом революциясигача курдлар Ироқ курдларига автоном статуси учун олиб бораётган курашига ёрдам бериб келди.

1980 йилда Ҳумайни Ислом революциясидан кейин барча сиёсий партияларни тугатди. Мазҳабсал бошқарув тизимига ўтилди. Шундай бўлса-да, вақт ўтиши билан яна миллий ва диний кўринишдаги сиёсий партиялар ташкил этиларкан, Эрон Курдистони демократик партияси (ЭКДП) ҳам қайта тузилди. Ироқлик Барзоний бу партияни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. ЭКДПнинг секретари А.Хасанзаде давлат ташкилотларида, ОАВларида, суд

ва таълим даргоҳларида курд тилини ишлатиш ва курдларнинг ижтимоий статусини тенг қилиш талабларини илгари сурди.[1]

Умуман олганда, Эрон курдлари бугунги кунда ҳам қаттиқ босим остидадир. Ваколатланмаган Миллатлар ва Халқлар Ташкилотининг (UNPO) 2017 йилги маълумотларига кўра, курд халқи ҳукумат томонидан дискриминацияга ва ҳарбий-сиёсий босимга учраб келмоқда.[2]

***Сурия курдлари***

Франциянинг 1946 йилга қадар давом этган ҳукмронлиги даврида Сириянинг иқтисодий ҳолати минтақадаги Туркия, Ироқ ва Эронга нисбатан яхши бўлган. Ҳатто Туркиядаги курдлар Сурияга бориб ишлаган ва яшаган. Туркиядаги курдларга босим пайтида кўплаб курдлар Сурияга қочиб ўтган. Шунинг учун бўлса керак, расмий Дамашқ бир неча йил Сириядаги курдларни асл ватани Туркия деб келган ва курдларнинг мавжудлигини расман инкор қилган.[3]

Французлар даврида курдлар Жазире ва Африн каби шаҳарларнинг иқтисодий ривожланишида муҳим роль ўйнади. Туркия ва Ироқ билан савдоларда фаол бўлишган. Фақат 1957 йилда Араб Белбоғи режаси[4] туфайли курдлар учун сиёсий қийинчилик ва муаммолар ўртага чиқди. Бу режа асосида 1963 йил амалга оширилган ер ислоҳоти баҳонасида 120 минг курд қишлоқларидаги оилаларнинг ерлари тортиб олинди ва айни пайтда улар фуқароликдан ҳам чиқарилди. Шундай қилиб, бу оилаларнинг болалари ўқиш, давлат мактабларига бориш, фуқаролик хизматларидан фойдаланиш ва давлат касалхоналарига жойлашиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлди. Минтақада курд тилидаги китоблар ва мусиқадан фойдаланиш таъқиқланди.

---

[1] Жигалина О.И. Курдский вопрос в Иране. Курдский вопрос на рубеже тысячелетий (круглый стол 19.02.2004 г.) М., 2004. – С. 82.
[2] UNPO, Iranian Kurdistan // https://unpo.org/members/7882
[3] A.Vahap Uluç, Suriye Kürtleri: Türkiye Kürtleri'nin Devami. Journal of Sociological Research, Vol.19, No. 1, April 2016. – P. 197-199.
[4] БААС партиясининг ҳокимиятга келиши билан курдларни араблаштириш мақсадида курдлар яшайдиган жойларга араб қавмларини жойлаштириш режасидир.

Қишлоқларнинг курдча номлари арабча номларга ўзгартирилди. Қишлоқлардан қувилган курдлар ўрнига араблар жойлаштирилди.[1]

1970 йил 6 ноябрда генерал-майор Хафиз Асад давлат тўнтариши орқали ҳокимиятни эгаллади. Хафиз Асад панарабизмни ривожлантиришидан кўра кўпроқ Сурия халқининг ҳимоячиси сифатида кўрсатувчи мифологияларга асосланган автократик режимни ривожлантирди. Шунинг учун унинг даврида режимга қарши чиқувчилар аёвсиз жазоланди. Буни 1982 йил Хамадаги воқеалардан ҳам кўриш мумкин.[2]

Шундай бўлса-да, 1970 йилларда сириялик курдлар Сурия Курдистон демократик партиясини (СКДП) ташкил қилди. У моҳиятан КДПнинг бир кўриниши эди. СКДПнинг мақсади курдларни миллий этник озчилик сифатида конституциявий борлигини тан олишга эришиш эди. Шунингдек, 1980 йил Туркиядаги давлат тўнтаришидан кейин 1978 йил Туркияда ташкил топган КИП ташкилоти раҳбарлари А.Ўжалан бошчилигида Сурияга қочиб ўтади. Сурия КИП раҳбарларига сиёсий бошпана беради. Таҳлилчиларнинг фикрича, бунга бир нечта сабаблар бўлган: биринчидан, икки давлат ўртасида Александреттани (Хатай) 1939 йил Туркияга қўшилиши билан боғлиқ эски адоват, иккинчидан, Сурия Ефрат (Фират) сув таъминотига эга бўлиш учун Туркияга босим қилиш, учинчидан, Сурия ўша пайтларда Туркия ва Исроил ўртасидаги альянс орасида қолаётганини ҳис қилаётган эди.[3] Тўртинчидан, бизнинг фикримизча, ўша пайтлар Хафиз Асад собиқ Совет Иттифоқи билан иттифоқчи эди ва КИП марксча-ленинича ғоялар асосида қурилган ташкилот собиқ Совет Иттифоқи томонидан моддий қўллаб-қувватланмаган бўлса-да, идеологик қўллаши (НАТО иттифоқчиси бўлган Туркияга қарши) табиий эди.

---

[1] Bois Th., Minorsky V., Mac Kenzie D.N. Kürtler ve Kürdistan. Kamuran Fıratlı (инглизчадан туркчага) таржимаси. İstanbul: Doz Yayınları, İkinci Baskı, 2004. – S. 127.
[2] Wedeen Lisa, The Ambiguity of Domination. Politics, Rhetoric, and Symbols in Contemporary Syria. University of Chicago Press, 1999. – P. 73.
[3] Anne Sofie Schøtt, The Kurds of Syria, Royal Danish Defence College, Copenhagen, June 2017. – P. 11.

Умуман олганда, КИПнинг Сурияга бориб жойлашиши сuриялик курдларга катта сиёсий мадад бўлди. КИП у ерда расмий йиғилишлар ўтказди. Айниқса, маданий жиҳатдан барча курдларни бирлаштириш функциясини бажарди. Курдларнинг энг муҳим байрами Наврўз кенг нишонланадиган бўлди. Байрамларда курд рақс ва музикалари курдларни тасаввур қилувчи рангларда (қизил, яшил, сариқ ва оқ) чиқишлари курдларни ягона сиёсий жамиятга айлантирмоқда эди. Лекин бу ҳолат узоққа чўзилмади. 1998 йил Туркиянинг бостириб келишидан хавотирга тушган Сурия КИП фаолиятини тугатди. 1999 йил бошида А.Ўжалан Кенияда қўлга олинади ва Туркияга олиб келинади.[1]

КИПнинг фаолияти тугатилса-да, курдлар орасида таъсири кучли эди. 2000 йил Хафиз Асад вафот этади. Унинг ўрнига Лондонда яшаб юрган офтальмолог Башар Асад ҳокимиятга тепасига ўтиради. Башар Асад либерал ислоҳотлар ўтказади, лекин кутилган натижа бермайди. Дастлабки йилларда мухолифат (сунний араблар, бошқа миллат ва динлардан иборат) Асаддан яхши умидларда бўлади. Вақт ўтиши билан вазият ўзгаради ва мухолифат очиқча қарши ҳаракатларга ўтади. Бу орада Курдлар Иттифоқ партияси Yekîtî ташкил топади. 2003 йил КИПнинг Суриядаги вориси Демократик Иттифоқ партияси (Partîya Yekîtî ya Dêmokrat – PYD) тузилади ва улар Курдистонга автоном бериш талаблари билан чиқа бошлайди. 2011 йилга келганда “Араб баҳори” бошланиб, мамлакатда хаос юзага келди.

Хулоса қилиб айтганда, минтақадаги курдларни 25-30 миллион деб ҳисоблайдиган бўлсак, минтақада ҳукмронликка эга турк, форс, араб миллатлари билан бемалол рақобатлаша оладиган ҳолатдадир. Устига устак, минтақадаги курдларда маълумотлилик даражаси паст бўлса-да, аҳолининг кўпайиши минтақадаги бошқа халқларига қараганда юқори туради. Бу ҳукмрон халқларни ўйлантирмасдан қолмайди. Шунинг учун, курдлар

[1] Anne Sofie Schøtt, The Kurds of Syria, Royal Danish Defence College, Copenhagen, June 2017. – P. 12.

устидан босим ҳам тугашини кутиш ёки муаммони демократик йўл билан ҳал қилиш ҳақида гапириш мушкул.

Курдлар минтақада яшаган давлатларида ўз тилида мулоқот қилиш, таълим олиш, суд ва давлат ташкилотларида курд тилида иш олиб бориш имкониятини яратиш, ОАВларида курд тилида каналлар очиш каби биринчи даражали талабларини илгари сурмоқда. Бугунги кунда, бу талабларга Ироқдаги курдлар эришган бўлса-да, Туркияда баъзан бу талаблар қондирилмоқда, баъзан қондирилмаяпти. Эронда эса охирги пайтлардаги бироз ўзгаришларни ҳисобга олмаганда деярли ижобий ишлар кўринмайди. Сурияда эса бу каби талаблар ҳеч қачон амалга оширилмаган, лекин бугунги кунда Сурия уч-тўрт қисмга бўлинган. Мамлакат шимолида курдлар ҳозирча мустақил ҳолатда ва курдлар Ироқдаги каби автоном бошқарувни талаб қилмоқда. Албатта, курдларни тамоман маъдур халқ дейиш ҳам бир ёқлама ёндашув бўлган бўлади. Сабаби, курдлар ҳам ташқи провокацияларга учмоқда. Турли хил ғоя ва мафкураларни илгари сурмоқда. Шулардан бири “Буюк Курдистон” ғоясидир. Бу ҳолатда минтақа давлатлари курдларга нисбатан жуда қаттиққўллик билан ёндашмоқда, баъзан ҳаддан ташқари ошириб юбормоқда. Курдларга нисбатан босимнинг кучайиши нафақат курдларнинг нафратини кучайтирмоқда, балки ташқи факторлар учун ҳам курд сиёсати яна кун тартибидан жой олмоқда.

# 3-БОБ. ЭТНИК КУРДЛАР МУАММОСИНИНГ ГЕОСИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ ВА МИНТАҚА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

## 1-§. Яқин Шарқдаги геосиёсий жараёнлар ва улар билан боғлиқ этносиёсий муаммолар

Яқин Шарқ минтақасидаги геосиёсий жараёнлар жуда узоқ тарихга эга ва турли-туманлик касб этади. Минтақанинг табиий ресурсларга бойлиги, Осиёни Африка ва Европа билан боғловчи географик нуқтасида жойлашганлиги, учта асосий динларнинг маркази экани, аҳолисининг рангбаранг этник ва конфессионал таркиби, демократик муаммолар ҳал этилмагани ва авторитар режимларнинг мавжудлиги ушбу ҳудудни доим бошқа минтақаларга нисбатан кескин, қайноқ ва муаммоларга тўла муҳитда яшашига сабаб бўлмоқда. Бундай муҳит ташқи ва ички кучларнинг геосиёсий, баъзан ғайриинсоний сиёсатлари ва хатти-ҳаракатлари учун қўл келмоқда.

Яқин Шарқдаги геосиёсий жараёнларни қисқача даврий ва соҳавий жиҳатдан кўриб чиқадиган бўлсак, уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- ҳудудларни қўлга киритиш ёки босиб олиш;

- табиий ресурсларни қўлга киритиш ёки назорат қилиш;

- сиёсий режимларни ўзгартириш учун давлат тўнтариши ва ички низоларни келтириб чиқариш;

- минтақада етакчилик учун кураш;

- этник ва диний-конфессионал можаролар.

Буларнинг геосиёсий жараёнлар билан боғлиқлиги юқоридаги барча кўринишдаги муаммоларда мутлақо ташқи кучларнинг роли ва таъсири борлиги билан белгиланади. Ушбу параграфда биз юқорида келтирилган барча кўринишдаги муаммоларга қисқача тўхталиб ўтамиз ва этносиёсий (этник ва диний-конфессионал) муаммоларни ушбу омиллар билан очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Ҳудудларни қўлга киритиш ва босиб олиш жараёни нисбатан узоқ тарихга эга бўлиб, мустамлакачилик даврига хос хусусият саналади. Яқин Шарқ минтақаси ўтган асрнинг бошларигача асосан Эрон ва Усмонли турк давлатининг узоқ йиллик бошқарувидаги, назоратидаги минтақа эди. Биринчи жаҳон уруши пайтида ёки ундан олдин минтақани бўлиб олиш учун Англия, Франция ва Россия геосиёсий мақсадларда Усмонли турклар ва Эрон шоҳи билан уруш олиб боради. Биринчи жаҳон уруши якунлари бўйича бугунги кундаги Яқин Шарқнинг сиёсий харитаси чизилади. Табийки, у пайтда минтақада мустақил бўлган бешта Эрон, Туркия, Саудия Арабистони, Яман ва Миср давлатлари бор эди. Қолганлари Англия, Франция мандатида – ҳимоясидаги каби мустамлака кўринишидаги давлатлар эди.[1] Иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланган мустақиллик учун курашлар натижасида бугунги кунда минтақада (анъанавий Яқин Шарқ давлатлари сирасига кирувчи) 15 та мустақил давлат мавжуд. Булар юқоридаги 5 та давлат билан бирга, Ироқ, Сурия, Иордания, Ливан, Исроил (Фаластин автоном округини қўшсак 16 та бўлади) БАА, Уммон, Баҳрейн, Қатар ва Қувайтдир (1-расмга қаранг).




1-расм: Яқин Шарқ минтақасига кирувчи анъанавий давлатлар

[1] Батафсил маълумот учун: Eugene L. Rogan. “The Emergence of the Middle East into the Modern State System”, Louise Fawcett, in International Relations of the Middle East. New York: Oxford Press, 2005.

Юқорида берилган расмдаги анъанавий Яқин Шарқ давлатлари XX асрнинг бошларида Англия томонидан илмий фанга киритилган. Бу ҳақда 2.1. параграфда маълумот берилди. 2-расмдаги Яқин Шарқ давлатлари “Совуқ уруш” тугаганидан кейин айниқса, 2001 йил 11 сентябрдаги террористик хуружлардан сўнг АҚШ томонидан илгари сурилган “Greater Middle East” (Катта Яқин Шарқ) геосиёсий лойиҳаси доирасида қабул қилинган давлатлардир.[1]



2-расм: Тўқ яшил минтақага кирувчи анъанавий давлатлар, сал очиқроқ яшил эса MENA (яъни, Middle East and North Africa – Яқин Шарқ ва Шимолий Африка сўзининг бош харфлари) давлатлари, оч яшил эса минтақага алоқадор бўлган, унга яқин бўлган Кавказ ва Марказий Осиё давлатлари.

Мазкур расмларда акс этган давлатлар орасидаги фарқ фақат давлатларнинг сони ва кенглиги эмас, балки моҳияти нуқтаи назаридан ҳам бир-биридан фарқ қилади. 1-расмда акс этган минтақа Англия (кейинчалик унга Франция қўшилади) ўз геосиёсий манфаатлари асосида уни босиб олиш ва мустамлакага айлантириш учун ўша пайтда бу ҳудудларга ҳукмронлик

[1] Катта Яқин Шарқ лойиҳаси бўйича батафсил маълумот учун қаранг: Robert Harkavy, Strategic Geography and the Greater Middle East. Naval War College Review, vol. 54, No. 4, Art. 4, 2001; Rosemary Hollis, The greater Middle East. SIPRI Yearbook 2005. - pp. 223-250; Volker Perthes, America’s ‘Greater Middle East’ and Europe. SWP Comments, No 3, 2004; Aylin Güney and Fulya Gökcan, The ‘Greater Middle East’ as a ‘Modern’ Geopolitical Imagination in American Foreign Policy. Taylor & Francis Group, LLC, Geopolitics, 2010. - pp. 22–38.

қилаётган Усмонли турклар давлатини йўқ қилиш ва Эрон шоҳлигининг ўзига қарам бўлган вассал давлатга айлантириш мақсадида чизилган. Бу ҳақда профессор доктор Ахмет Уйсал шундай ёзади: “Ғарб давлатлари Яқин Шарқни шакллантиришда нефтга бой минтақаларда қироллик(амирлик)ни яратди ва бошқа (нефть йўқ ёки кам) минтақаларда диктаторлик асосидаги республика режимлари ўрнатиб, бу давлатларни ўзларига қарамликда тутиб турди. Мисрдан бошқа давлатларнинг брачаси сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан етарлича қудрати бўлмагани учун уларга таъсир ўтказиш қийин бўлмаган. Ғарб кучлари, айниқса, табиий ресурслар нуқтаи назардан бой давлатларни микро давлатлар ҳолатида тутиб, осонликча уларни назорат қилишни мақсад қилган эди.”[1]

2-расмда минтақадаги ва унга қўшни бўлган давлатларни “тарбиялаш”, ғарб тарзида яшашга мажбурлаш ва АҚШ тарзидаги демократия тамойилларини фаол жорий этиш назарда тутилган. Бу сафар геосиёсий жараёнлар моҳиятига ўзгариш киритилди. Минтақага кириб келиш учун ислом дини билан боғлиқ бўлган “Глобал терроризм” хавфи ўйлаб топилди ёки ишлаб чиқилди. Бунинг учун муҳим бир сабаб керак эди ва бу 2001 йил 11 сентябрда АҚШдаги террор хуружлар билан қонунийлик касб этди. Қўшма Штатлар 2001 йилда аввал Афғонистонга, сўнг 2003 йил Ироққа (БМТ мандатисиз) ушбу шиор остида бостириб кирди.[2]

Катта Яқин Шарқ (КЯШ) кўланган мақсад нима эди? Мақсад собиқ Совет давлатлари бўлган Кавказ ва Марказий Осиё давлатларида демократик жараёнларни кучайтириш (бу мақсадларда 2004 йил Грузияда, 2005 йил Қирғизистондаги рангли инқилоблар ва балки, 2005 йилги Андижон воқеалари ҳам бундан мустасно эмасди), қолган Яқин Шарқ давлатларига ғарб ҳаёт тарзи ва маданияти, секуляризм ва демократияни ёйиш эди.

---

[1] Ahmet Uysal, Ortadoğu’da Güç Kaybeden Demokrasi Karşıtı Blok. Ortadoğu (Middle East) Analiz, cilt 10, sayı 89, Eylül-Ekim 2019. – S. 8.
[2] Rosemary Hollis, 2005; Aylin Güney and Fulya Gökcan, 2010. Юқоридаги манбалар.

Албатта, иқтисодий манфаатларга асосланган энергетика сиёсати ҳам бор эди.

2-расмга кўра, КЯШ асосан мусулмон давлатларини ўз ичига олган. КЯШнинг асосий мақсади ҳам аслида яшаш тарзини ўзгартиришни истамайдиган ёки бундай жараёнларни қийин қабул қиладиган мусулмонларни ўзгартириш эди. Бу машҳур шарқшунос олим Бернард Луюснинг Яқин Шарқ ҳақидаги қарашларига асосланган фикрларидан ташкил топганди. Олим Луюс "Мусулмонларни яшаш тарзимизга ўргатишимиз керак. Акс ҳолда Европа аста-секин Араб Мағрибига айланади" деган хулосаг келади Кейинчалик Самуэл Хантингтоннинг "Цивилизациялар тўқнашуви"номли асарида янада жозибадор кўринишда келтирилади.[1]

Бу ҳақда таҳлилчи Петер Вольдманнинг (Peter Waldman) 2004 йил 3 февралда "The Wall Street Journal" журналида чоп этган мақоласида тўхталиб ўтиб, Б.Луюснинг мусулмон дунёсининг муаммоларига нисбатан билдирган ташхиси, "Яқин Шарққа демократияни жорий этиш ва бу мақсадда АҚШ ҳарбий аралашувини амалга ошириш охирги 50 йил ичида АҚШ ташқи сиёсатида қабул қилган энг жасур қарор", деб баҳолайди. Кейинчалик бу лойиҳа "Луюс Доктринаси" деб ҳам бежиз номланмади.[2] Аммо КЯШ лойиҳаси фақат куч ишлатиш йўли билан эмас, балки демократик институтларни ривожлантириш, тараққиётни таъминлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ўзгартириш ёки унга кўмаклашиш каби турли ижтимоий лойиҳаларни ривожлантиришга қаратилган "юмшоқ куч" билан

---

[1] Б. Луюс Яқин Шарқ ҳақида 20 дан ортиқ китоб ёзган. Асосийлари: Bernard Lewis, Historians of the Middle East. London/New York: Oxford University Press, 1962. Bernard Lewis, Islam and the West. USA: Oxford University Press, 1993. – 240 p. Bernard Lewis, The Middle East: A Brief History of the Last 2,000 Years. Scribner, 1995. – 448 p.; Bernard Lewis, What Went Wrong? The Clash Between Islam & Modernity in the Middle East. Harper Perennial, 2001. - 186 p.; Bernard Lewis, The Crisis of Islam: Holy War and Unholy Terror. Random House Trade Paperbacks, 2003. – 224 p.; С. Хантингтон асарига батафсилроқ қаранг: Samuel P. Huntington, The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. Simon & Schuster, 2011. – 368 p. (китобнинг биринчи босими 1996 йилда чоп этилган, ундан олдин 1993 йил Foreign Affairs журналида "The Clash of Civilizations" номида мақола чоп этади).

[2] Peter Waldman, A Historian's Take on Islam Steers U.S. in Terrorism Fight: Bernard Lewis's Blueprint -- Sowing Arab Democracy - Is Facing a Test in Iraq. *THE WALL STREET JOURNAL*, Feb. 3, 2004. // https://www.wsj.com/articles/SB107576070484918411 (Маълумот олинган сана: 17.05.2020 й.)

ҳам амалга оширилиши, унинг натижаси ўларок бу давлталарда аста-секин ғарб секуляризми шаклланиши мумкин эди.

Кейинчалик 2011 йилдан бошланган “Араб баҳори” ҳам албатта ўз-ўзидан пайдо бўлмади. Бу Араб дунёсида авторитар режимларга якун ясаш ва бошқа кўплаб геосиёсий мақсадларни ўз ичига олади. Аммо, шуни ҳам айтиш керакки, АҚШ президентлигига Трампнинг (2016 йил) келиши билан АҚШ ташқи сиёсатида кўплаб ўзгаришлар юз берди. Американинг ташқи сиёсатида асосий муаммо Хитой бўлиб қолмоқда. Россия, Эрон ва бошқа Яқин Шарқ муаммолари иккинчи, учинчи даражали масалалар бўлиб қолди. Хитойнинг иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий жиҳатдан кучайиб кетиши, мусулмонларни Хитой ўз юртида “тарбиялашга” ўтгани АҚШни ташвишга сола бошлади. Лекин, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ғарб давлатларининг терроризмга қарши кураши, мусулмон жамиятларини ўзгартиришга, демократиялаштиришга уринишлари деярли ижобий натижа бермади. Аксинча мусулмонлар янада радикаллашди, пулдор араб шайхлари томонидан молиялаштириладиган турли хил террористик ва экстремистик ташкилотлар сони кўпайиб кетди, “ислом қаршилиги” остида кўплаб мусулмонларнинг динга эътиқоди кучайишига сабаб бўлди ёки кўплаб мусулмонларни радикал оқимларга қўшилиб кетишига олиб келди.

Минтақа геосиёсатида иккинчи асосий масала табиий ресурслардир. Табиий ресурсларни қўлга киритиш ёки назорат қилиш геосиёсий жараёнларнинг асосий компоненти ҳисобланади. Бу, одатда, геоиқтисодий жараёнлар, манфаатлар деб аталади.

Дарҳақиқат, Яқин Шарқ энергия ресурсларига бой минтақадир. Минтақа (MENA) дунё миқёсидаги нефт қазиб олишнинг 37% ва табиий газ ишлаб чиқаришнинг 35%га эгалик қилади. Нефть қазиб олишда Саудия Арабистони (35%), Эрон (14%) ва Ироқ (13%) ва газ қазиб олишда Эрон (28%), Қатар

(22%) ва Саудия Арабистони (14%) устунлик қилмоқда.[1] 2018 йилги маълумотларга кўра, минтақа дунё нефть захирасининг (834.3 млрд. баррель билан) 48.3%га эгалик қилади.[2] Қиёслаш учун – МДҲ давлатлари дунё нефть захирасини 8.4 %га эгалик қилади. Хусусан, Россия 106.3 млрд., Қозоғистон 30.0 млрд., Озарбайжон 7.0 млрд., Ўзбекистон ва Туркманистон 0.6 млрд. баррельдан, қолган давлатлар 0.3 млрд. ва жами бўлиб МДҲ давлатларида 144.7 млрд. баррель нефть захиралари мавжуд. Аммо биргина Саудия Арабистони 296 млрд. баррель нефть захирасига эга. Ҳатто Эрон (155.6 млрд.) ва Ироқнинг (147.2 млрд. баррель) нефть захиралари бутун МДҲ давлатлари эгалик қиладиган нефть захирасидан кўпдир.[3] Аммо, газ захиралари бўйича икки минтақа нисбатан балансга эга. Жумладан, 2018 йилги маълумотларга кўра, МДҲ давлатлари 62.0 триллион куб. метр гази билан дунё газ захирасининг 31.9 %ига, MENA (Яқин Шарқ ва Шимолий Африка) давлатлари эса 75.3 триллион куб метр газ билан дунё захирасининг 38.4 %ига эгалик қилади.[4]

Умуман олганда, Яқин Шарқ нефть-газ ва бошқа энергетика маҳсулотлари билан дунёда етакчилик қилади. Нефтга бўлган талаб йилига 2-2.5%га ортиб бормоқда. Бу тахминан 2030 йилга бориб кунига 105 миллион баррель нефть қазиб чиқарилишини талаб қилади. Нефтга талабгорлар асосан АҚШ, Хитой, Ҳиндистон ва Европа Иттифоқи давлатларидир. Албатта, бугунги кунда қайта тикланувчи муқобил энергия манбалари кенг ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилмоқда. Аммо кўплаб тадқиқотчилар нефть ва газга бўлган талаб ҳали бери 2050 йилгача пасаймаслигини таъкидламоқда.[5] Бу

---

[1] Simone Tagliapietra, The impact of the global energy transition on MENA oil and gas producers. Energy Strategy Reviews, № 29, 2019.
[2] BP Statistical Review of World Energy, 2019 | 68 th edition // https://www.bp.com/content/dam/bp/business-sites/en/global/corporate/pdfs/energy-economics/statistical-review/bp-stats-review-2019-full-report.pdf
(Маълумотга Маълумот олинган сана: 15.05.2020 й.)
[3] BP Statistical Review of World Energy, 2019. – P. 14.
[4] BP Statistical Review of World Energy, 2019. – P. 30.
[5] Масалан, Халқаро энергетика агентлигига кўра, 2040 йилгача Россия, С.Арабистони, Ироқ, БАА ва Нигерия нефт ва газдан келадиган 7 трн. доллар саф даромадини йўқотади. Бу алтернатив энергия манбалари қайта тикланувчи энергияларнинг ўсиб бориши билан амалга ошади. Аммо, бу Хитой каби

ҳам, ўз навбатида, Яқин Шарқ минтақасида геосиёсий кучларнинг энергия манбаларига бўлган қизиқишларини асосий ўринда ушлаб туради.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШнинг Форс кўрфази давлатлари билан нефть музокаралари ва муносабатлари, Эрон нефтини миллийлаштириш билан боғлиқ муаммолар, Сувайш канали инқирози, Араб–Исроил урушлари, 1973 йилги нефть инқирози, Кемп-Девид шартномаси, Эрон инқилоби, Эрон–Ироқ уруши, Ироқнинг Қувайтни босиб олиши, 2003 йил Ироқдаги давлат тўнтариши, 2011 йил Араб баҳори давридаги Ливия ва Сурияадаги урушлар нефть масаласига бевосита ва билвосита боғлиқ эди. Бу воқеаларнинг таъсирида нефть нархи ё тушди ёки ошди, ёки бўлма нефть бўйича муҳим келишувларга эришишга, нефть конларини назорат қилиш ва уни қазиб чиқаришга олиб келди. Мисол учун, Сурияадаги ички низоларда ИШИДга қарши курашда АҚШ Сурия курдларини қўллаб-қувватлади. Сурия шимолида жойлашган курдлар назоратидаги ерлар нефтга бой ерлар эди. Курдларнинг ҳарбий-сиёсий жиҳатдан кучайиб кетаётганидан Туркия хавотирга тушди. Натижада Туркия Сурия шимолидаги курдларга қарши 2019 йил 3 октябрда “Тинчлик Баҳори” (Barış Pınarı) операциясини бошлади. Аммо, АҚШ бу операцияга аралашиб уни тўхтатишга эришди. Мазкур ҳолатни президент Д.Трамп ўз твиттер саҳифасида ёзаркан, “биз ўқ отишни тўхтатдик... биз нефть хавфсизлигини таъминладик” деб очиқдан-очиқ ёзганди.[1]

транспорт воситаларида нефтга қатъий тақиқлар ўрнатиш ва барча турдаги транспорт воситаларини қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтиши билан тезроқ амалга ошиши мумкин. Лекин, бу қанча тез бўлишидан қатъий назар 2040 йилгача нефт ва газнинг аҳамияти, иқтисодиётдаги ўрни нисбатан тушиб борса ҳам барқарорлигини сақланиб қолади. Манба: IEA, Outlook for Producer Economies, IEA/OECD, Paris, 2018. p. 44-46.

[1] Президент Дональд Трампнинг твиттери: https://twitter.com/realDonaldTrump/status/1185934502906007552 (Маълумот олинган сана: 18.05.2020 й.).




Албатта, АҚШ саноати дунёда энг юқори турувчи, тез ривожланувчи ва шаклланувчи саноатдир. Шу боис, АҚШ энг кўп нефть истеъмол қилувчи давлатдир. Лекин бу фақат АҚШ ташқи сиёсатига таълуқли деб бўлмайди. Хусусан, иқтисодиётининг катта қисми нефть ва газга боғлиқ бўлган Россия, нефть ва газни энг кўп истеъмол қилувчи иккинчи ўриндаги Хитой ва Ҳиндистон ҳам минтақадаги нефть ва газ масаласидаги геосиёсий жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқда. Масалан, Россиянинг “ЛУКОЙЛ” компанияси Ироқда 13 млрд. баррелга эга “Ғарбий Қурна” нефть конини (бу конни совет геологлари 1973 йилда топган) 2009 йилда тендер орқали қўлга киритишга эришди.[1] Шунингдек, “Газпром-нефть” компанияси 2009 йилда Ироқни 3 млрд. барреллик заҳирага эга “Бадра” конини 30%лик улушини қўлга киритди. Қолган улушларга Кореянинг “Kogas” – 22,5 %, Малайзиянинг “Petronas” – 15 %, Туркиянинг “TPAO” – 7,5 % ва Ироқнинг “Oil Exploration Company (OEC)”си, – 25 % билан эга бўлди.[2] Қолаверса, Россия нефть-газ компаниялари Ироқ Курдистонида, Эронда ва бугунги кунга келиб, Сурия ва Ливияда нефть-газ конларини ўзлаштириш, эгаллашда фаол иштирок этиб келмоқда. Албатта, бу ерда тендерда иштирок этиб ҳар қандай компания ютиши мумкин, деган савол туғилиши мумкин. Аммо, шуни унутмаслик керакки, нефть-газ соҳасидаги тендерларда ғолиб бўлишда, одатда, сиёсий восита (керак бўлса босим) муҳим роль ўйнайди. Бу айниқса,

---

[1] Ближневосточная нефть: «Газпром нефть» начала добычу в Ираке. Журнал «ГАЗПРОМ» №11, ноябрь 2014. – С. 7-8.

[2] Ближневосточная нефть... ўша жойда.

Яқин Шарқда биринчи даражали масала десак, муболаға қилмаган бўламиз. Чунки 1973 йил совет геологлари топган "Ғарбий Қурна" нефть конини ўша пайтда эмас, ҳатто 1994 йил бошланган музокаралардан кейин ҳам эмас, балки 2003 йил Саддам Ҳусайн режими тугатилганидан кейин, 2009 йилда, яъни бошқача қилиб айтганда, Ироқ ҳукуматига Эронга яқин бўлган шиаларнинг вакили Нури ал-Маликийнинг келиши билан амалга ошгани тасодиф эмас.

Яқин Шарқ минтақасида геосиёсий жараёнларда сиёсий режимларни ўзгартириш учун давлат тўнтариши ва ички низоларни келтириб чиқариш амалиёти кенг қўлланиладиган, таъбир жоиз бўлса энг жирканч сиёсий ўйинлардан биридир.

Яқин Шарқнинг охирги 50-60 йиллик тарихига қарасак, қаршимизда энг кўп давлат тўнтариши бўлган минтақалардан бири экани намоён бўлади. Бу давр ичида минтақада тахминан 45 га яқин давлат тўнтаришлари бўлган. 1950 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда дунёда бўлиб ўтган давлат тўнтаришларининг 15 фоизи Яқин Шарқда бўлиб ўтган.[1] Давлат тўнтаришлари, одатда, давлатлардаги ички сиёсий кучларнинг қарама-қаршилиги, ташқи кучлар томонидан у ёки бу давлатга ўзига мойил бўлган шахсларни ҳукуматга олиб келиш ва ҳоказо мақсадлардан келиб чиқади. Лекин, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ҳар қандай давлат тўнтаришлари аксарият ҳолатда ташқи кучларнинг ёрдамида амалга оширилади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Яқин Шарқдаги илк давлат тўнтариши 1952 йил Мисрда бўлиб ўтди. Мисрда у пайтда бўлиб ўтган инқилобнинг асосий сабаби 1948-1949 йиллардаги Араб–Исроил уруши бўлиб, ўша пайтда мағлубиятга учраган араблар бошқарувдагилардан қаттиқ норози бўлган эди. Мисрда Араб–Исроил урушида қатнашган генераллар инглизлар билан яқин алоқалари бўлган ўша пайтдаги Миср Қироли Фаукни тахтдан ағдаради.

---

[1] Bayram Sinkaya, Ortadoğu'da Asker-Siyaset İlişkisi ve Askeri Darbeler. Ortadoğu (Middle East) Analizi, cilt 8, sayı 76, Eylül-Ekim 2016. – s. 53.

Инглизлар ва умуман капитализмга қарши бўлган генерал Жамол Абдулносир Араб миллатчилиги ва социализмга асосланган давлатни қуради ва бу ишларида унга собиқ Совет Иттифоқи кўмак беради.[1] Шундан кейин 1970 йил Мисрда Жамол Носирнинг вафотидан кейин икки генерал Анвар Садат ва Ҳусни Муборак 2011 йилгача мамлакатни бошқаради. 1973 йил Араб–Исроил урушидан кейин юз берган нефть инқирози[2] натижасида АҚШнинг воситачилигида Исроил билан яқинлаштирувчи Кэмп Демид (1978 йил) шартномасини имзоланиши, Анвар Садатнинг арабларга хиёнатда айбланиши ва 1981 йил ўлдирилишига сабаб бўлган эди. 1981 йилдан 2011 йилгача генерал Ҳусни Муборак Миср президенти бўлди. 2011 йил Тунисда бошланган "Араб баҳори" натижасида Мисрда ҳам инқилобнинг ёйилишига ва мухолифат кучлар томонидан Ҳусни Муборакни ҳокимиятдан четлаштирилишига олиб келди. Лекин бу билан Мисрда инқилоб ва давлат тўнтаришлари тўхтамади. 2012 йил президентликка сайловларида мамлакатда норасмий фаолият юритадиган сиёсий ислом ҳаракатларидан бўлган "Мусулмон биродарлари"нинг Озод ва Адолат партияси етакчиси Муҳаммад Мурсининг ғалаба қозониши кутилмаган натижа бўлди. Аммо Мурсининг ҳокимияти бир йилга борди холос. Ҳусни Мубораккa қарши бўлган мухолифат кучлар Мурсига ҳам қарши кўчага чиқди ва Таҳрир майдонларига йиғилиб Мурсининг ҳокимиятдан кетишини талаб қилди. Бунга қарши Мурси тарафдорлари Робия майдонига йиғилиб мухолифатдагиларга қарши курашди. Вазият издан чиқди, натижада 2013 йил 3 июлда Миср мудофаа вазири ва Қуролли кучлар қўмондони Адбулфаттох ас-Сиси армияни ишга солди ва Мурсини ҳокимиятдан ағдариб, уни ҳибсга

[1] Подполковник Сергей Синайский, Военное сотрудничество СССР и Египта: ретроспектива // https://interaffairs.ru/jauthor/material/798 12 номера 2012 года (Маълумот олинган сана: 20.05.2020 й.).

[2] Ўша пайтда Араб давлатлари бирлашиб Хартумда "3 та йўқ" пактини имзолайди. Бу Исроилни тан олмаслик, у билан муносабат ўрнатмаслик, Исроилга қарши биргаликда курашиш эди. Бу келишув асосида Араб давлатлари Исроилни қўллаб-кувватловчи АҚШ, Буюк Британия, Франция ва бошқа кўплаб ғарб давлатларига нефт сотишга эмбарго қўяди. Бу дунё иқтисодиётида шок яратади ва нефть нархини 2-3 баробар ошириб юборади.

олди. 2014 йил 29 майда А.Сиси мамлакат президенти этиб сайланди.[1] Маълумотларга кўра, Сисини Саудия Арабистони ва БАА ҳамда бошқа кўплаб ғарб давлатлари қўллаб-қувватлади. Сисининг хатти-ҳаракатларини қоралаб Мурсини қўллаб-қувватлаган ягона давлат Туркия бўлди.[2]

Мисрда 1952 йилда бўлиб ўтган давлат тўнтаришидан бир йил ўтиб яъни, 1953 йил 19 августда Эронда Мусаддик ҳукумати Англия ва Америка томонидан ташкиллаштирилган давлат тўнтаришида тугатилади. Бунга сабаб, Мусаддикнинг ҳукуматга келиши билан яъни, бош вазир бўлиши билан Эрон нефть конларини миллийлаштиради. У пайтгача Буюк Британиянинг қўл остида бўлган нефть конлари Anglo-Iran Oil Company (кейинчалик, бу бугунги кундаги машҳур British Petroleumга айланади) томонидан бошқарилар эди.

Мусаддикни ҳукуматдан ағдариш учун CIA (АҚШ разведка агентлиги рус. ЦРУ) Яқин Шарқ директори Кормет Рузвельт (Теадор Рузвельтнинг невараси) 1953 йил июнь ойида Эронга катта пул билан келади ва Мусаддикка қарши ташвиқот ишларини бошлайди. Мусаддикнинг халқ орасидаги обрўсини тушириш учун унга қарши кўплаб ёлғон маълумотлар тарқатади. Уни сўл Тудех партияси билан иттифоқчилиги учун “коммунист”, “демагог”, “диктатор”, “гиёҳванд чекувчи”, “яҳудий” ва ҳоказо ёлғон ва қораловчи маълумотлар тарқатади. Қолаверса, инглизлар Риза шоҳ билан тил бириктирган ҳолда баъзи генералларни сотиб олади ва шоҳни конституцияга зид бўлса-да Мусаддикни бўшатиш бўйича фармонга имзо чектиради.[3]

Шунингдек, Англия Эрон нефтини сотиб олувчиларга эмбарго қўяди. Эронга кредит беришларга тўсиқ бўлади. Мамлакат иқтисодий инқрозга

---

[1] Bárbara Azaola Piazza. The Consolidation of Authoritarianism in al-Sisi’s Egypt. Geographical Overview | Middle East and Turkey. IEMed. Mediterranean Yearbook 2018.

[2] David Butter. Egypt and the Gulf: Allies and Rivals. Research Paper, Middle East and North Africa Programme | April 2020. Nebi Miş & İsmail Numan Telci. From Revolution to Coup: Military Tutelage in Egypt. Ortadoğu Analizi, Ağustos, 2013 - Cilt: 5 - Sayı: 56.

[3] Hakkı Uygur, 1953 Darbesi ve Hatırlattıkları. Ortadoğu’da Darbeler (Яқин Шарқда инқилоблар) ичида. Ortadoğu (Middle East) Analizi, cilt 8, sayı 76, Eylül-Ekim 2016. – s. 15-17.

учрай бошлайди. Шу пайтдан фойдаланиб аввал инглизлар томонидан сотиб олинган шахслар кўчага чиқарилади ва дўконлар таланади. Муссадикга қарши фитна бўлаётганини сезган халқ эса Мусаддикни қўллаб-қувватлаб кўчага чиқади, лекин шох тарафдори ва сотилган генераллар Мусаддик саройига танклар билан келади ва уни қўлга олади.[1]

Ғарб давлатларининг махсус хизматлари томонидан амалга оширилган бу давлат тўнтариши мамлакат тарихида чуқур салбий из қолдирди. Туркиядаги Эрон тадқиқотлар маркази директори Хакки Уйгурнинг фикрича, ғарбнинг ўз манфаатлари йўлида секуляр ва демократ бир сиёсатчига тоқат қила олмаслигини кўрган эронликлар орасида радикаллашув ва АҚШга бўлган нафрат тезда ортди.[2] Бу ҳақда “Шоҳнинг бутун одамлари” асари муаллифи Стефен Кинзер ҳам 1979 йилги Ислом инқилобида халқнинг АҚШга қарши бўлган нафрат ва надоматларининг асосий сабаби ҳам Вашингтоннинг Мусаддикни ағдаришдаги роли билан боғлиқ, деб ёзади. Мусаддик 1967 йил вафотига қадар ҳибсда қолган бўлса-да, на инглиз ширкатлари нефтни миллийлаштиришдан олдинги шароитга эга бўлди ва на эронликларнинг АҚШга муносабатлари аввалгидек яхши бўлди.[3] Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, 1979 йилги Эрон инқилоби Францияда қувғинда юрган Оятулло Ҳумайни томонидан бошқарилган ва амалга оширилган эди. Лекин 1979 йилги инқилоб шоҳнинг ҳаддан ташқари диктаторлиги, халқнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволи оғирлашиб кетганлиги ва бошқа кўплаб сабаблардан келиб чиққан эди.

Араб давлатларида, эҳтимол Яқин Шарқ минтақасида биринчи давлат тўнтариши 1936 йил Ироқда бўлиб ўтган эди. Лекин асосий давлат тўнтариши 1958 йил монархия тузимидан республика бошқарув тузимига ўтишни таъминлаган тўнтариш эди. Совуқ урушнинг бошланишигача Ироқда

---

[1] Hakkı Uygur, ўша жойда; Pınar Arıkan, İran, Musaddık ve Darbe. Ortadoğu (Middle East) Analizi, cilt 8, sayı 76, Eylül-Ekim 2016. – s. 19-21.
[2] Hakkı Uygur, ўша жойда.
[3] Манба: Hakkı Uygur, ўша жойда.

бўлиб ўтган ички низолар ва давлат тўнтариши каби ҳолатлар икки гуруҳга бўлинган сиёсий элиталар қарама-қаршилигидан келиб чиқади. Бу элитанинг бир қисми Англия билан яқин ҳамкорлик қилувчилар бўлса, иккинчиси эса Германия билан яқин эди. Совуқ урушнинг бошланиши билан Ироқдаги қарама-қаршилик АҚШ ва собиқ Совет Иттифоқи ўртасида давом этди. АҚШнинг мустамлакачилик мероси – монархни ҳимоя қиларди, собиқ Совет Иттифоқи миллатчи/социалистларни ҳимоя қила бошлади.[1]

1958 йилда Миср–Сурия ўртасида Бирлашган Араб Республикасининг ташкил топиши ва Жамол Носирнинг Сувайш каналини миллийлаштириши араблар орасида Араб бирлиги туйғусини ва ғурурини кучайтиради. Жамол Носирнинг кучайиши ва минтақада собиқ Совет Иттифоқи таъсирининг ортиб бораётганини кўрган АҚШ Боғдод пактини (Ироқ, Туркия, Эрон ва Покистон ўртасида) имзолашга воситачилик қилади. Қолаверса, Ироқ қироли Файсал Иордания билан яқинлашиб 1958 йилда Араб Федерациясини тузишга келишиб олади. Қирол Файсалнинг бу хатти-ҳаракатлари араблар орасида Араб Бирлигига қарши ҳаракат сифатида баҳоланади ва Ироқнинг ўзида унга қарши кучларнинг шаклланишига олиб келади. Боғдод кўчаларида норозиликлар бошланади ҳамда Иордания ва Ливанда ҳам давом этади. Натижада собиқ Совет Иттифоқи ёрдамида генерал Абдулкарим Қосим армиядаги катта кучга эга полковник Абдуссалам Ариф билан бирга қирол Файсални тахтдан ағдариб Ироқ республикасини ташкил этади. Президент этиб генерал Абдулкарим Қосим сайланади.[2] Бу воқеалардан кейин собиқ Совет Иттифоқининг минтақада кучайиб кетишидан хавотирланиб АҚШ

---

[1] MIDDLE EAST ONLINE: IRAQ, 1914-1974. The National Archives of the UK // https://www.gale.com/binaries/content/assets/gale-us-en/primary-sources/archives-unbound/primary-sources_archives-unbound_middle-east-iraq-1914-1974.pdf (Маълумотга Маълумот олинган сана: 20.05.2020 й.).

[2] Military coup in Iraq ousts monarchy - archive, 1958 // https://www.theguardian.com/world/2017/jul/26/iraq-revolution-ousts-monarchy-1958 (Маълумотга Маълумот олинган сана: 20.05.2020 й.).

Иорданияга, Англия Ливанга қўшин киритади. Туркия эса Ироқдаги давлат тўнтаришини танқид қилиб чиқади ва уни ноқонуний деб эълон қилади.[1]

Давлат тўнтаришидан кейин генерал Қосим унга ёрдам берган полковник Арифни ваколатларидан, ҳокимиятдан четлатади. Коммунистларнинг ёрдамига таяниб иш қила бошлаган Қосим собиқ Совет Иттифоқида қувғинда юрган Мулла Мустафа Барзонийни (Масъуд Барзонийнинг отаси) Ироққа чақиради ва ҳақ-ҳуқуқларини тиклашга ваъда беради. Ироққа келган М.Барзоний берилган ваъдалар бажарилмаётганидан норози бўлиб исён кўтаради ва 1961 йил Ироқ шимолида ўз ҳокимиятини ўрнатади. Абдулкарим Қосим курдларга қарши қўшин юбормоқчи бўлади, аммо армия ичида бу борада қарама-қаршилик пайдо бўлади. Натижада 1963 йил БААС партияси АҚШ разведка кучлари ёрдамида Қосимга қарши давлат тўнтариши уюштиради ва у ҳокимиятдан четлаштирилади. Қосимга қарши курашда баасчиларга курдлар ҳам ёрдам беради ва шу боис, курдларга автоном ҳуқуқи бериш кафолатланади. Ироқ ҳокимиятига 1979 йил Саддам Ҳусайннинг тўлиқ келиб ўрнашиб олганигача ички низолар ва тўнтаришлар юз бериб туради. 1979-2003 йилгача ҳокимиятда ўтирган Саддам Ҳусайн, 2003 АҚШнинг ҳарбий интервенцияси натижасида ҳокимиятдан четлаштирилади ва суд қилиниб ўлимга маҳкум қилинади. Аммо Саддамнинг ўлими Ироқда ички низоларни, айниқса, курд–араб, сунний–шиа, туркманлар муаммоларини кучайтириб юборади.[2]

Яқин Шарқдаги давлат тўнтаришлари анъанаси Туркияда янада яққол кўзга ташланмоқда. Умуман олганда, Яқин Шарқдаги тўнтаришларнинг асосида элиталар ўртасида ҳокимият учун кураш, иқтисодий-ижтимоий ресурсларга эга бўлиш, ташқи кучларнинг аралашуви билан статус-квони йўқ қилиш, ўзгартириш каби омиллар ётган бўлса, Туркияда бу омиллар билан

---

[1] MIDDLE EAST ONLINE: IRAQ, 1914-1974, ўша манба.

[2] Kenneth Katzman. Iraq: Post-Saddam Governance and Security. Congressional Research Service, October 28, 2009.

биргаликда минтақада бошқа давлатларда деярли кўзга ташланмайдиган яна бир омил бу – Туркия жумҳуриятининг асосчиси Отатуркнинг принципларига асосланган секуляр давлат тизимини сақлаб қолиш масаласидир.

Туркия секуляризмини сақлаб қолиш, ҳимоя қилиш учун мамлакат армияси жавобгар эди. Туркия замонавий тарихини ўрганган тадқиқотчи олим Хепер: “Жумҳурият қурилишида ва қурилганидан кейин армия муҳим аҳамиятга эга эди. Отатурк учун режимнинг муҳим таянчларидан бири армия эди”, деб ёзади.[1] Шундай бўлса-да, Отатурк армияни сиёсатга яқинлаштирмайди, ҳатто сайловда овоз бериш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилади.[2] Қолаверса, Отатурк жамият манфаатларидан келиб чиқувчи ва шаклланувчи гуруҳлар ва партияларни ҳам бутунлай таъқиқлайди. Бутун бошқарувдаги бюрократлар ўзи ташкил қилган Республика халқ партияси (Cumhuriyet Halk Partisi - GHP) тарафидан шакллантириларди. Бу Коммунистик партия тизимидагига ўхшаш партиявийлик тизими эди. Шу боис, Туркия қуролли кучлари (Türk Silahlı Kuvvetleri - TSK) Отатурк ва ундан кейинги президенти Исмет Иненю (Отатуркнинг яқин сафдоши) даврида давлат сиёсатига аралашмади.

Отатуркнинг 1938 йил вафот этиши билан 11 октябрда Туркия буюк миллат мажлиси (парламенти) аъзолари бир овоздан Исмет Иненюни жумхурбашкани (президент) этиб сайлади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин уруш ғолибларидан бўлган собиқ Совет Иттифоқи етакчиси Сталин Туркиядан урушда иштирок этмаган бўлса ҳам Карс, Ардахан, Артвин ва Сарикамиш (*бу ерларда асли грузин - лазлар яшайди, Сталин ҳам грузин бўлганлигини ҳисобга олсак, буни ундан кутиш мумкин эди – муаллиф хулосаси, маълумотларга кўра, Сталин у ерларни арманларни ери сифатида*

---

[1] Heper M., “Türkiye’de Devlet, Demokrasi Geleneği ve Silahlı Kuvvetler”, Davut Dursun; Hamza Al (der.), Türkiye’de Yönetim Geleneği, İlke Yayıncılık, İstanbul, 1998. (s.209-233) – S. 210.
[2] Baydur M., “Üniformalı Demokrasi”, Yeni Türkiye, Yıl 3, Sayı 17, Eylül-Ekim, 1997. (s.306-322) – S. 309.

*кўрсатишга ҳаракат қилади*) ерларини Россияга ўтказишни талаб қилади.[1] Бу Туркияни кейинги тарихида ғарб тараф бўлишига, эҳтимол собиқ Совет Иттифоқининг таҳдидидан хавотирланиб, 1951 йил НАТОга аъзо бўлиб киришига ҳатто, Туркиянинг шарқида жойлашган Малатия вилоятининг Инжирлик деган жойига НАТО ҳарбий базасини ва унга ядровий қуролларни жойлаштирилишига сабаб бўлади. Ўз навбатида, собиқ Совет Иттифоқи бунга қарши ўлароқ курд сепаратистларини қўллаб-кувватлай бошлайди. Курд ишчи социалистик партияси (ПКК) фаолиятида кўмак бериб келади.

Хуллас, Инанюнинг ғарбга яқинлашуви АҚШнинг "Трумен доктринаси" доирасида ҳарбий ва иқтисодий ёрдам беришга тайёр эканини билдиради, ҳамда фақат эркин сайловларга асосланган демократияни ўрнатилишини истайди. Ўша пайтда Инанюнинг ваъдаси бўйича яна бир сиёсий партия тузилишига рухсат берилади ва 1945 йил Миллий тараққиёт партияси тузилади. Бир йил ўтиб, 1946 йил Демократ партияси тузилади. Маълумотларга кўра, ўша пайтда ҳарбийлар Инанюнинг бу ишларига қарши чиқади. Аммо Инаню ва ҳар қандай ҳолатда ҳам Отатурк амалга оширган ислоҳот ва принципларнинг ҳимоячиси армия бўлиб қолишини маълум қилади.[2]

1946 йилги сайловларда илк бор кўп партиявийлик асосида сайлов бўлиб ўтади. Бу сайловларда "очиқ овоз-ёпиқ ҳисоблаш" принципларида (бунда овозларни санашда фалсификация ишлаштиш осон бўлади) сайлов ўтганлиги учун сайловда Инаню ғалаба қозонади. Аммо, 1950, 1954 ва 1957 йилги "яширин овоз-очиқ ҳисоблаш" асосида бўлиб ўтган сайловларда

---

[1] Юқорида айтиб ўтилган ерлар 1870 йил рус-турк урушидан кейин Чор Россияси таркибига ўтказилади. Лекин Россияда 1917 йилги октябрь риволюцияси ва Туркияда бошланган куртулуш (нажот) ҳаракатлари Отатурк ва Ленинни империалистларга қарши курашда бир-бирига яқинлаштиради. Натижада 1921 йил Москва–Анқара музокараларидан кейин ўша ҳудудлар Туркияга қайтариб берилади. Батафсил маълумот учун қаранг: Stalin'in Türkiye'den toprak talebi belgelendi // https://www.cnnturk.com/amp/2007/dunya/12/01/stalinin.turkiyeden.toprak.talebi.belgelendi/408405.0/index.html (Маълумотга олинган вақт: 03.06.2020).

[2] Heper M., Türkiye'de Devlet Geleneği. Инглизчадан туркчага таржима қилган Nalan Soyarık. Doğu Batı Yayınları, 2006. – S. 102.

Демократлар партияси ғалаба қозонади. Натижада ҳокимиятга демократик йўллар билан кела олмаслигини тушунган Республика халқ партияси сиёсий элитаси ҳарбийлар ёрдамида 1960 йил давлат тўнтариши қилиб Демократлар партиясини ҳокимиятдан четлатади. Ҳарбийлар буни давлатда вазиятнинг издан чиққанлиги сабабли амалга оширилганлигини таъкидлайди. Ўша пайтда ички низолар келиб чиқади. Анқара ва Истамбул шаҳарларида халқ норозиликлари бўлиб ўтди. Аммо баъзи тарихчиларнинг фикрича, бу тартибсизлик ва исёнлар атайлаб уюштирилганди.[1] Шунингдек, Демократ партиясини 1950 йилдан бошқарган ва 1960 йилгача бош вазир бўлган Аднан Мендерес коррупция, мансабини суистеъмол қилиш ва бошқа кўплаб айбловлар билан ўлим жазосига маҳкум қилинади. Бу Туркия замонавий тарихида бош вазирни ўлимга маҳкум қилган биринчи ва ягона ҳолат бўлди. Аслида унга қўйилган айбловларнинг ҳам кўпи уйдурма эди.[2] Аднан Мендерес жамиятда демократик ислоҳотларни ривожлантиради, иқтисодиётни либераллаштиради, иқтисодий ўсиш унинг даврида 9%гача етади. Отатурк даврида йўлга қўйилган туркча Азон ўқишни арабчага қайтаргани, имом хатиб мактабларини очгани, НАТО доирасида Корея урушида турк аскарлари иштирок этгани учун танқид қилинади. Аммо

---

[1] Туркиядаги 1960 йилги давлат тўнтариши ҳақида батафсилроқ маълумот учун: Cem İ., Türkiye'de Geri Kalmışlığın Tarihi, 13. Baskı. İstanbul: Can Yayınları, 1998; Dursun D., Ertesi Gün; Demokrasi Krizlerinde Basın ve Aydınlar, 1. Baskı. İstanbul, İşaret Yayınları: 2000; Demir O. ve Üzümcü A. "Türkiye'de Yaşanan Ara Rejimlerin Sebepleri Üzerine Bir İnceleme", G.Ü. İ.İ.B.F. Dergisi, 1/2002, s.155-182.

[2] Аднан Мендересни ҳукуматда тўнтариш ва ўлимга маҳкум қилиш сабаблари борасида кўп тортишувларга сабаб бўлди. Баъзи тарихчилар унинг АҚШ билан муносабатлари охирги пайтларда ёмонлашгани ва бунга қарши Мендересни СССРга расмий ташриф билан кетишга қарор қилганини, аммо кетишидан бироз олдин тўнтариш амалга оширилганини ёзади (Батафсил маълумот учун: Gökhan Eşel, "Demokrat Parti Dönemi Türk-Amerikan İlişkilerinde Basın Sansürü ve Pulliam Davası". TÜBAR-XXXIX. Bahar, 2011. s. 150-154.). Аммо бир немис тарихчисининг бу борадаги қизиқ бир ёндашувни илгари сурилади. Хусусан немис тарихчиси Ричард Петерс бу ҳақда шундай ёзади: "Туркларга оид асарларимизда бу миллат мансубларининг демократик эътиқодлари то Ўрта Осиёдан бери инстикт сифатида мавжуд бўлганини ва ҳеч бир тираннинг ҳокимияти остида яшамасликларини кўрсатишга ҳаракат қилгандик. Махмуд II.нинг тахтга ўтириши, Абдулхамит II.нинг қон тўкилишларсиз ағдарилиши бунга мисолдир. Мендерес ҳам ўзини демократ қилиб кўрсатса-да, қисқа вақтдан сўнг қаттиққўл бўла бошлади ва унинг ҳам тўнтарилиши керак эди." (Иқтибос манбаси: Atiye Emiroğlu, Cumhuriyet Dönemi Darbelerin Türk Demokrasisi ve Çağdaşlaşmasina Etkileri Üzerine Bir İnceleme. The pursuit of history-internatıonal periodical for history and social research. Year: 2016, Issue: 15. P. 5.)

Мендерес 1990 йилга келиб оқланади ва қайта расмий маросим билан дафн этилади.[1]

Аммо бу билан Туркияда давлат тўнтариши тамом бўлмади. Аксинча, бу армияни ички сиёсатга аралашувининг анъанага айланишига олиб келди. 1971 йил 12 мартда Адолат партияси етакчиси Сулаймон Демирелнинг ҳукумати “мамлакатдаги анархик ҳолат, ижтимоий-иқтисодий заифликка йўл қўйганлиги, Отатуркнинг принциплари ва бошлаган ислоҳотларини четлаб ўтган ҳолда Туркия келажагини таҳликага қўйганлиги” сабаблари билан армия (TSK) томонидан тарқатиб юборилиши ва 1960 йилдаги каби вақтинчалик ҳукумат тузилишига олиб келди.[2]

Туркиядаги давлат тўнтаришлари ёки шунга уни ташкил этишга бўлган уринишлар кейинчалик ҳам хусусан, 1980 йил 12 сентябрда, 1997 йил 28 февралда ва 2016 йил 15 июлда бўлиб ўтди. Охирги, яъни 2016 йилги давлат тўнтаришига бўлган уриниш муваффақиятсизлик билан якунланди ва бу замонавий Туркия тарихида биринчи марта амалга ошмай қолган тўнтариш бўлди. Кўпчилик таҳлилчиларнинг фикрича, тўнтаришнинг муваффақиятсизлиги Р.Эрдоғаннинг халқ орасидаги обрўси билан боғлиқ эди.

2002 йилга келиб Яқин Шарқда вазият ўзгарди. Тўғрироғи, АҚШнинг минтақадаги стратегияси ўзгарди. АҚШ минтақада ўз ҳокимиятини кучайтириш, турли социалистик тушунчадаги эски авторитар лидерларни ҳокимиятдан ағдариш учун Туркия мисолидаги сиёсий ислом моделини тарғиб қила бошлади. Натижада 2002 йил Режеп Таййиб Эрдоған, Абдуллах Гул, Али Бабажан ва Ахмет Давутўғли каби етакчиларнинг ташаббуси билан тузилган Адолат ва Тараққиёт партияси ҳокимиятга келади. 2003 йил Р.Эрдоған бош вазир бўлади. Бу партия даврида Туркия ҳақиқатдан

---

[1] Aydemir Şevket Süreyya. Menderes'in Dramı. İstanbul: Remzi Kitabevi, 7. Basım, 2000.

[2] Abdulvahap Akıncı. The Military Coup Tradition of Turkey: The 1960 and 1971 Interventions. Eskişehir Osmangazi Üniversitesi İİBF Dergisi, Nisan 2014, 9(1), 55- 72.

ижтимоий-иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий жиҳатдан анча яхши ривожланди ва энг кучли бир акторлардан бирига айланди. Аммо 2016 йил 15 июлда Р.Эрдоғанга қарши тўнтариш амалга оширилди ва бу тўнтариш муваффақиятсизлик билан якунланди. Р.Эрдоған бу тўнтаришда АҚШда яшайдиган Фетхуллах Гулен ва унинг ФЕТО ташкилотининг қўли борлигини билдиради ва унга қарши жиноий иш очилади.[1] Баъзи таҳлилчилар Р.Эрдоғанни Гулен ва бошқа кўплаб шахслар билан адоватлари бир неча йилдан бери давом этиб келаётганлигини таъқидлашади.[2] Шу ўринда Р.Эрдоғаннинг Абдуллах Гул, Али Бабажан ва Ахмет Давутўғли каби сиёсий етакчиларни ҳокимиятдан четлатиб, ўзининг якка ҳокимлигини мустаҳкамлашга ҳаракат қилганива бундан кўплар норози бўлганини таъкидлашади.

Кўриниб турибдики, Яқин Шарқ давлатларида давлат тўнтарилишлари ва ички низолар, этник можаролар ва исёнлар тез-тез содир бўлиб турадиган ҳолатдир. Бу каби ҳолатлар минтақанинг деярли ҳар бир давлатига хос. Бироқ, тадқиқотимиз доирасида уларнинг барчасини батафсил кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш имконияти чекланган бўлса-да, бугунги кунда долзарб бўлган Сурия давлатига тўхталиб, ҳозирги муаммоларнинг ўтмишини очиб беришга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, Сурияда Усмонлилар давлати ва ундан кейин Франция мандати таркибида бўлган пайтларда мамлакатда суннийларнинг мавқеи баланд эди. 1946-1963 йилларда Сурия сиёсатини шакллантирган Халеп (Алеппо) ва Шомда (Дамашқ) шаҳарлик буржуа синфининг манфаатларини акс эттирувчи асосан сунний элита Халқ партияси ва Ватан партиялари ташкил этилади. Шу билан бир қаторда, мамлакатнинг қишлоқ ҳудуди аҳолиси ва ўрта синф талабларини ҳимоя қилувчи БААС партияси, Сурия

---

[1] Atilla Özsever. 15 Temmuz ve darbelerin anatomisi 21.07.2019 // https://www.birgun.net/haber/15-temmuz-ve-darbelerin-anatomisi-262465 (Маълумотга Маълумот олинган сана: 05.06.2020 й.).
[2] Екатерина Чулковская. Год попытке переворота в Турции: что это было и что из этого стало. 17.07.2017 // https://carnegie.ru/commentary/71552 (Маълумотга Маълумот олинган сана: 06.06.2020 й.).

социал-миллий партияси ва Сурия коммунистик партияси бир-бирларига қарши сиёсий кураш олиб боради. Айни шу пайтларда шаҳарлик сунний элитага қарши армияда ёш радикал тушунчаларга эга офицерлар сони кўпая бошлайди.[1]

Сириянинг анъанавий сиёсий гегемониясига қарши фаолият кўрсатадиган радикал партиялардан бири 1943 йилда тузилган БААС партияси бўлди. Ортодокс христиан Мишел Эфлак ва Сунний мусулмон Салах Битар исмли икки ўқитувчи тарафидан тузилган БААС партиясининг бош ғояси бу – "бирлик, эркинлик ва социализм" тамойилларига асосланди. БААС партиясининг секуляризм, Араб миллатчилиги ва социализмни асос қилиб олиши қисқа бир даврда мамлакатдаги турли хил диний эътиқодларга эга алавий, друз ва исмоилий каби озчилик қатламларнинг партияга бўлган қизиқиш ва иштиёқларини кескин оширади. Партиянинг социализм тушунчалари катта катта ер эгалари бўлган суннийларга қарши озчиликни ташкил қилувчи турли диний-этник гуруҳларни ўзига жалб қилади, айниқса, бу ғоя озчилик гуруҳлардан чиққан ҳарбий офицерларнинг катта эътиборига сазовор бўланди. Қолаверса, анъанавий элитанинг Исроил билан низоларда мағлубиятга учраши туфайли Араб миллатчилигини кенг ва фаол тарғиб қилаётган БААС аста-секинлик билан ҳарбийлар партиясига айланади.[2]

БААС партияси 1958 йил 1 февралда Жамол Абдулносир етакчилигида Миср билан бирлашиб, минтақа тарихида биринчи бўлиб арабларнинг Бирлашган Араб Республикасини ташкил этди. Аммо, 1961 йил 28 сентябрда бир гуруҳ анъанавий сунний элита ҳарбий офицерлар социалистик ислоҳотлардан норози бўлиб Мисрдан ажралиш бўйича кичик давлат тўнтаришини амалга оширади. Эҳтимол бу суннийларнинг катта хатоси эди.

---

[1] Joseph Holliday. The Assad Regime: From Counterinsurgency to Civil War. ISW: Middle East Security Report 8, 2013; Hugo Slim and Lorenzo Trombetta. Syria Crisis Common Context Analysis. United Nations Office for the Coordination of Humanitarian Affairs, New York, 2014.

[2] Ваким Дж., Кузнецов А.А., Геополитическое измерение сирийского конфликта. Вестник РУДН, серия «Международные отношения», том 16, № 3, сентябрь 2016; Евстратова Ю.А. Советско-Сирийские отношения и формирование Ближневосточной региональной среды. Вестник РГГУ. 2011.

Чунки, асосан суннийлардан ташкил топган Миср билан бу шаклда хайрлашиши мамлакат ичида ўзларининг кучи ва обрўсининг тушиб кетишига сабаб бўлди. Шу вазиятда БААС партияси мамлакатдаги асосий бошқарув ўринларини қўлга киритиш учун 1963 йил 8 мартда давлат тўнтаришини амалга оширди.[1] Бу масаладаги тадқиқотларда кўплаб факт ва фаразлар мавжуд. Баъзи тадқиқотчилар Сурияда БААСнинг ҳокимиятга келишида унинг социализм ва коммунизм ғояларига содиқлиги учун собиқ Совет Иттифоқи ёрдам берганлиги айтилса, баъзи тадқиқотларда анъанавий сунний элитага қарши озчиликни ташкил қилувчи алавийларни Франция қўллаб-қувватлаганлиги таъкидланади.[2] Нима бўлганда ҳам 1963 йилги давлат тўнтаришидан кейин давлат бошқарувининг асосий дастаклари алавий, исмоилий (булар шиа оқими вакиллари эди) ва қисман носирчилар (Жамол Абдулносир тарафдорлари) қўлига ўтади. Бироз вақт ўтиб, носирчилар ҳам ҳокимиятдан четлатилади. Шундай қилиб, 1946-1963 йилгача кўппартиявийликка асосланган парламентар тарздаги давлат, давлат тўнтаришидан кейин ягона партиявийлик шаклидаги авторитар тизимга айланади. Бу тизимда давлат ядросини алавийлар ташкил қилади ва суннийлар билан муросасизликнинг бошланишига сабаб бўлади. Ўша пайтларда ҳаво кучлари қўмондони этиб тайинланган Ҳафиз Асад 1970 йил 13 ноябрда давлат тўнтариши қилиб ўзининг партиядоши бўлган Салах Жадидни ҳокимиятдан четлатади ва ҳокимиятни қўлга киритади.

Ҳафиз Асад ўта авторитар давлатга асос солади. Бутун мухолифатни айниқса, ислом мухолифатчиларини йўқ қилади. Амалда ҳокимият асосан алавий қатламидан ташкил топган эди. Х.Асаддан кейин унинг ўғли Башар Асад бироз бўлса-да демократик ислоҳотлар қилишга уринади, аммо отасидан қолган мамлакатдаги ҳарбийларнинг ўрни ва ролини камайтира олмади. 2011 йилга келиб мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар

---

[1] Joseph Holliday ва Ваким Дж., Кузнецов А.А. ўша манбалар.
[2] Joseph Holliday., Евстратова Ю.А., ўша манбалар.

туфайли Тунисда бошланган "Араб баҳори" даврида Сурияда ҳам норозиликлар кучайиб кетди. Бу тартибсизликдан аламзада бўлиб юрган диний исломий мухолифат кучлари усталик билан фойдаланди. Суннийлардан ташкил топган исломий мухолифат кучлар Ироқ ва Шом Ислом давлати (ИШИД) террор ташкилотини ташкил қилади.[1] Мамлакат тамоман издан чиқди, гуманитар инқирозга учради, миллионлаб сурияликлар қочоққа айланди, давлат тамоман ташқи кучларнинг қўл остидаги у ёки бу гуруҳларнинг зиддиятли майдонига айланди. Бошқача қилиб айтганда, ташқи кучларнинг бир-бирига қарши зиддиятларида Сурия полигон майдони бўлиб қолади. Эрон ва Россия Асад режимини ҳимоя қилди, дастлаб ИШИДга қарши кураш мақсадида Ироқ ҳукуматининг даъвати билан АҚШ ва Буюк Британия Ироқ хавфсизлиги нуқтаи назаридан ҳарбий ҳаракатлар олиб борди ва кейинчалик АҚШ Сириянинг шимолидаги курдларни ҳимоя қилиб, уларни қуроллантира бошлади, Туркия эса Халеп, Идлиб тарафлардан асосан араб суннийлари ва туркманлардан (баъзи адабиётларда туркамон деб ёзилган) ташкил топган Озод Сурия Армиясини қўллаб-қувватлаб келди.[2] Бу ҳолат, афсуски, 2020 йилга келиб ҳам давом этмоқда.

Умуман олганда, давлат тўнтарилишлари Яқин Шарқдаги Яман, Ливан, Ливия, Жазоир, Тунис ва MENA давлатларида кўплаб содир этилган. Моҳиятан ушбу давлатлардаги тўнтаришлар биз кўрсатиб ўтган давлатлардаги каби ёки шунга ўхшаш шаклда: ташқи кучларнинг таъсир доирасини кенгайтириш учун геосиёсий қарама-қаршиликлар, табиий ресурсларни қўлга киритиш ёки назорат қилиш, ҳарбийлар ролининг ҳаддан ташқари ортиб кетиши ва жамиятдаги халқ ва сиёсий элитадаги бўлинишлар ва қутбланишлардан келиб чиққандир.

---

[1] Joseph Holliday ва Ваким Дж., Кузнецов А.А. ўша манбалар; Syrian Civil War // The Editors of Encyclopaedia Britannica https://www.britannica.com/event/Syrian-Civil-War (Маълумотга Маълумот олинган сана: 10.06.2020 й.).

[2] Syrian Civil War // The Editors of Encyclopaedia Britannica https://www.britannica.com/event/Syrian-Civil-War (Маълумотга Маълумот олинган сана: 10.06.2020 й.).

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Яқин Шарқда геосиёсий жараёнлар ва ундаги этносиёсий муаммолар турли факторлар билан ўлчанади. Минтақадаги барча ички ва ташқи сиёсий ўйинчилар давр ва воқеликдан келиб чиқиб мослашувчанлик сиёсатини олиб бормоқда. Бугунги кунда минтақада шаклланиб бораётган учлик иттифоқи мавжуд. Буларнинг биринчиси, Миср–Саудия Арабистони–БАА бўлиб, улар, одатда, сиёсий исломга қарши, аммо салафий тушунчаларни инкор қилмайди. Иккинчи блок Туркия–Қатар (бунга Покистон ва Жазоирнинг ҳам яқинлиги айтилади) бирлиги бўлиб, бу блок АҚШ тарафидан "Катта Яқин Шарқ" лойиҳасида чизиб берилган сиёсий ислом тарафдоридир. Учинчи блок Эрон-Ироқ-Сурия учлиги бўлиб, бу блок "шиа учлиги"ни ташкил қилади. Демак, салафий тушунча билан сиёсий исломнинг асосий фарқи сиёсий ислом монархик бошқарувга қарши бўлиб, салафийлар каби радикал ёки фундаментал тушунчаларни ўзида акс эттирмайди. Шиа блоки ўз-ўзидан маълум. Шунингдек, блоклар, бирликлар минтақада ўз таъсирини кучайтиришга киришмоқда. Масалан, Ливияда генерал Хафтарни Миср–Саудия Арабистони–БАА қўллаб-қувватлаётган бўлса, Туркия–Қатар БМТ тан олган муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватламоқда. Бу икки блок орасида зиддият борган сари кучайиб бормоқда. Бунга Мисрда Сисининг "Мусулмон биродарлари" намояндаси бўлган Мурсини ҳокимиятдан ағдариши, чунки Мурси Туркиянинг асосан, Эрдоғаннинг яқин иттифоқчиси сифатида кўриларди, журналист Хашогининг Саудия Арабистонининг Истамбулдаги консуллигида ўлдирилиши Саудия Арабистони билан зиддиятларни оширди ва Ливиядаги қарама-қаршиликларга сабаб бўлмоқда. Эрон–Ироқ–Сурия учлиги эса бир вақтнинг ўзида икки блокга қарши курашмоқда. Сурияда учинчи блок билан, яъни Туркия–Қатар режимини ҳимоя қилишда, Яманда биринчи блок билан, яъни Саудия Арабистони–Миср–БАА билан шиа хусийларини ҳимоя қилишда қарама-қаршиликлар ривожланиб бормоқда. Бу блокланишлар ташқи кучлар томонидан ҳам қизиқиш билан кузатилмоқда.

Аммо ҳозирча барча ташқи кучлар у ёки бу блокни тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлаш ўрнига барчаси билан алоқаларни ўрнатган ҳолда ўз манфаатларини илгари суриб келмоқда. Бу бўлинишлар минтақада этноконфессионал зиддиятларни юзага келтирмоқда. Бу минтақада “nonstate actors” деб номланувчи турли гуруҳларнинг пайдо бўлишига, ривожланишига замин ҳозирламоқда.

### 2-§. Минтақа геосиёсий жараёнлари контекстида курдлар муаммоси

Мазкур тадқиқот ишимизнинг юқоридаги параграфларида Яқин Шарқ минтақасининг геосиёсий аҳамияти, минтақа давлатларининг этник таркиби, этносиёсий жараёнлари ва этник можароларнинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқдик. Ушбу параграфда минтақдаги геосиёсий жараёнлар контекстида курд муаммоси, унинг этносиёсий муносабатларга таъсири, ташқи кучларнинг курд муаммосига муносабати каби масалаларни ўрганишни мақсад қилиб қўйдик.

Геосиёсий жараёнларда курдлар муаммосини ёритишда аввало курдларнинг минтақадаги жойлашуви харитасига мурожаат қиламиз:

1-расм.




Манба: Аватков В.А. Курдская проблема на турецком поле. МГИМО-Университет. М., № 2 (23) /2012, с. 128-133.

2-расм.




Манба: Интернет

“

Буюк

Курдистон давлати” ғоясини акс эттирган 1- ва 2- расм орасида бироз фарқ

кўринса-да, умуман олганда ушбу хариталарда тўртта давлатда бугунги кунда тахминан 30-35 миллион курдларнинг яшаб келаётганини кўришимиз мумкин. “Буюк Курдистон” ғояси илк бор сиёсий маънода 1880 йилда курд шайхи Шайх Убайдулло Гази тарафидан илгари сурилган бўлса-да, ушбу атама илмий адабиётга 17-асрда яшаб ижод қилган Авлиё Челеби тарафидан киритилган. Шайх Убайдулло Гази эса Эрон ва Усмонли қарамоғида бўлган курдларни алоҳида мустақил давлат бўлиш йўлида ҳарбий ҳаракатлар олиб бориб бироз натижаларга эришган бўлса-да, якунида муваффақиятсизликка учрайди. Аммо бу ғоя курдларнинг хотирасида бутун умрга муҳрланиб қолади.

“Буюк Курдистон” ғояси ҳақида Эронлик сиёсатшунос олими Р.Муҳаммад Ҳафезиния: “Буюк Курдистон” тушунчаси курд миллатчилари тарафидан охирги пайтларда географик ўлароқ Ўрта ер денгизи шарқидан Форс кўрфази шимолига қадар бўлган минтақани кўрсатилмоқда ва (Эроннинг) Загрос тоғларининг ғарбини ҳам ўз ичига олмоқда. Биринчидан, хаёлий маҳсулот бўлган бу модель курдларнинг форс, турк ва араб қўшниларидан мустақил бўлишига бўлган ҳаракатининг бир кўринишидир. Иккинчидан, бу хаёлий  кўриниши Курд давлатига муҳим геосиёсий ва геостратегик макон бахш этмоқда. Яъни, Ҳинд ва Атлантика океанларини Ўрта ер денгизи ва Форс кўрфази бўйлаб боғлаш имконини бермоқда. Учинчидан эса Ўрта Шарқнинг муҳим нефть ва сув манбаларида ўз ҳокимиятини ўрнатиш имконини бермоқда”, деб ёзади.[1]

Курдларнинг геосиёсий жараёнлардаги ўрни ҳақида шарқшунос олим М.С.Лазарев шундай ёзади: “XX асрнинг бошларига келиб, Яқин Шарқнинг курд минтақасидаги геосиёсий вазиятга таъсир кўрсатадиган янги омил пайдо бўлди. Бу – асосий сиёсий мақсади тарқалиб ётган курдларнинг ҳудудини бирлаштириш ва ягона марказлашган давлат яратишга қаратилган

[1] Muhammed R. Hafeziniya, İran Jeopolitiği ve Siyasi Coğrafyası. (Форсчадан туркчага таржима – Çeviri: Kaan Dilek) Ankara: İraniyat Yayınları, 2017. – S. 125.

курд мустақиллик ҳаракатидир. Айнан шу омил келажакда курд масаласида ҳал қилувчи рол ўйнай бошлади. У Яқин Шарқ минтақасида юқори мавқени эгаллаш учун курашда буюк давлатлар томонидан кенг қўлланилди”.[1]

**Россия.** Дарҳақиқат, курдларнинг этносиёсий жиҳатдан турли маданиятларнинг (форс, турк, араб, арман) ўртасида жойлашгани уларни геосиёсий мақсадларда қўллаш доим муҳим аҳамият касб этган. Дастлаб бундай ҳаракатлар Чор Россияси тарафидан Усмонли туркларга ва Эрон шоҳига қарши фойдаланилган. Русларнинг ўша пайтдаги биринчи мақсадлари Кавказ минтақасини (Грузия, Баку, Ереван ва Нахичеван) босиб олишда курдларнинг Усмонли ва Эрон шоҳига ёрдам бермаслиги ва тарафсиз қолишини таъминлаш эди.[2]

Биринчи марта Россия курдлар билан 1804-1813 йилларда Россия–Эрон урушидан кейин муносабатга киришди. Машҳур тадқиқотчи Жевадиехнинг фикрича, Россиянинг обрўси курдларнинг кўз олдида Эрон устидан қозонилган Арпач (1807 йил) ва Асландуз (1812 йил) жанглардаги ғалабаси билан Эрон ғururини пасайтирган Гулистон шартномасининг имзоланиши фонида ортди.[3] Шундан сўнг, Россияда курдларнинг тарихи, маданияти, тили ва умуман этнологясини ўрганишга катта аҳамият қаратилди. 1860 йилда Санкт Петербург университети қошида дунёда биринчи бўлиб курдология институти ташкил этилади.

Курдлар билан алоқаларни яқиндан йўлга қўяркан ,Чор Россияси Қора денгизга чиқиш учун Усмонли турклар билан Қрим учун кураш олиб боради. 1853-56 йилларда бўлиб ўтган жангларда руслар туркларга қарши курдлардан ташкил топган икки полк тузишга ҳам муваффақ бўлади.

---

[1] Лазарев М.С. Курдский вопрос в новой геополитической ситуации (Постановка вопроса). Курдский вопрос на рубеже тысячелетий (круглый стол 19.02.2004 г.). М.: Институт Востоковедения РАН, 2004. – С. 3.
[2] Fatih Ünal. “Rusların Kürt Aşiretlerini Osmanlı Devleti’ne Karşı Kullanma Çabaları”, Karadeniz Araştırmaları, Cilt: 5, Sayı: 17, Bahar 2008, s.133-152.
[3] Иқтибос манбаси: Тибет Абак. «Курдский Вопрос» и Россия: исторические истоки и реалии ребежа XIX – XX вв./ Абак Тибет // Российские и славянские исследования: Сб. науч. статей. Вып. 5 /Редкол.: О. А. Яновский (отв. ред.) и др. - Мн.: БГУ, 2010. – С. 60-61.

Шунингдек, 1877-78 йиллардаги рус–турк урушида ҳам баъзи курдлар русларни қўллаб-қувватлайди. Ўз навбатида, руслар ҳам “Буюк Курдистон” сиёсий ҳаракатининг асосчиси Шайх Убайдуллох томонидан уюштирилган қўзғолонини қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, Ван, Битлис, Мушдаги курдлар қўзғолонларида уларга яқиндан ёрдам берган. Бу ишларни руслар Усмонлиларнинг шарқий минтақаларидаги Ван, Эрзурум ва бошқа ердаги консулликлари, сиёсий агентлари орқали амалга оширган.[1] Қолаверса, руслар билан курдлар орасидаги мулоқотни ташкил этишда арманлар ҳам муҳим роль ўйнаган.

Русларнинг геосиёсий ўйинлардаги курдларга қаратилган кейинги муҳим сиёсати 1-чи ва 2-жаҳон уруши арафасида вужудга келади. Биринчи жаҳон урушида ҳам, иккинчи жаҳон урушида ҳам Россия курдларни мустақил давлат ташкил этишини ҳар тамонлама қўллаб-қувватлаган. Бу ишларни руслар айнан Усмонли турклар ва Эронни зайифлаштириш, ҳар иккисининг ўртасида ўзига иттифоқдош давлат қуриш ва бу иттифоқдоши орқали Кавказдан тўғри Форс кўрфазига чиқишни мақсад қилган эди.

Биринчи жаҳон уруши арафасида Россияда бошланган октябрь инқилоби натижасида чор Россиясининг юқоридаги режалари амалга ошмай қолган бўлса-да, Иккинчи жаҳон урушида Советлар босиб олган Эроннинг шимолий қисмларида курдларнинг Махабад республикасини де-факто ташкил этишда ёрдам кўрсатди. Россия–Курдистон муносабатлари ҳақида гапирар экан, соҳа эксперти Хошави Бабакр: “Ўзаро муносабатлар учун тарихий ва психологик шартларнинг энг яхшиси эканини таъкидлаб ўтиш лозим. Курдлар ҳеч бўлмаганда, Россиянинг асрлар давомида минтақага таъсири учун Эрон ва Туркия билан курашларида, ҳар доим ўзларининг иттифоқчилигини русларда кўрган. Маълумки, 1916 йилдаёқ рус кавказ фронти бош қўмондони буюк князь Николай Николаевич курд етакчиси Симкони мустақил давлатини

[1] Israfil Kurtcephe, Suat Akgül, Rusya'nin Birinci Dünya Savaşı Öncesinde Kürt Aşiretleri Üzerindeki Faaliyetleri, DergiPark, Vol. 6, Issue 6, 1995. – S. 249-250.

ташкил этишига кўмак берди. Советларнинг шимолий Эронни босиб олиши туфайли Курдистонда миллий кўтарилиш имкони яратилди. Махабад Республикаси қулагач унинг афсонавий етакчиси Мустафа Барзоний Совет Иттифоқи ҳудудида бошпана топади. У 12 йил яшаб таълим олди ва шу ерда оила қуради. Мустафа Барзоний Фрунзе номидаги Академияда таҳсил олиб, ҳарбий генерал унвонига эришади. Барзоний сафдошларининг рус аёлларидан бўлган фарзандлари ҳозирги кунда (Ироқдаги) курдистонлик элита орасида муҳим лавозимларни эгаллаган. Барзоний ва унинг сафдошларини Курдистонга қайтиши билан Россия уларга ҳарбий, илмий ва хавфсизлик масалаларида янада фаол ёрдам берди. Бу муносабатлар ўтган асрнинг 70-йилларида Саддам Ҳусайн режими Москва билан яқинлашиши туфайли барҳам топди. Шундай бўлса-да, Ироқ Курдистонидаги ўзини русларга қондош деб ҳисоблайдиган курдлар ҳаётининг сўнги кунигача ўзини Россия ва рус халқи билан боғлиқ деб ҳисоблайди”.[1]

2003 йил АҚШ бошчилигидаги халқаро кучларнинг Ироққа қилган интервенциясида Россиянинг Саддам Ҳусайнни ҳимоя қила олмаганини ҳам қайд этиш лозим. Аммо Россия кейинчалик Яқин Шарқдаги геосиёсий жараёнларда фаол иштирок эта бошлади. Бу ҳақда қуйироқда тўхталамиз.

**Буюк Британия.** Курдлар билан яқин ҳарбий-сиёсий алоқани ўрнатиб ўзининг геосиёсий мақсадларида фойдаланган иккинчи ташқи актор инглизлар ҳисобланади. Биринчи жаҳон уруши даврида Буюк Британия Усмонли турклар ерларини бўлиб олиш масаласи ҳақида ўйларкан, даставвал, курдлар кўпчилик бўлиб яшайдиган минтақаларни, хусусан Мосулни ўзидан ташқарида яъни, Францияга ўтишини ўйлайди. Сабаби курдлар ташкил қиладиган араблар бошчилигидаги Ироқ давлатида кейинчалик муаммо чиқаришни ҳис қилмоқда эди.[2] Лекин Мосул атрофида

---

[1] Хошави Бабакр, Курдистан: перспективы курдской государственности, Курдский вопрос на рубеже тысячелетий (круглый стол 19.02.2004 г.) М., 2004. – С. 47-48.
[2] David Fromkin, A Peace to End All Peace: Creating the Modern Middle East (1914-1922). London, Penguin Books Ltd., 1991. – P. 141-142.

нефть конларининг топилиши инглизларни ўз фикрларини ўзгартиришга мажбур қилди. Аммо, эндиликда курдларнинг тақдири билан боғлиқ муаммони ечиш керак бўлиб қолди.

Ўша пайтларда Британия ташқи ишлар вазири Марк Сайкс урушни тўхтатиш учун Мондрос тинчлик шартномасини тайёрлар экан, барча курд минтақаларининг ишғол этилиши ва курдларни туркларга қарши ҳаракатга қўшишни илгари суради. Чунки Сайкс Месопотамияда инглизлар таъсири остида қуриладиган араб давлатининг хавфсизлигини таъминлаш учун ушбу давлат билан Туркия орасида бир (Мосул, Диярбакир, Урфани ўз ичига оладиган) буфер зона ёки бир автоном давлат бўлиши кераклигини назарда тутган эди.[1]

Боғдоддаги инглиз фуқаролик комиссари Арнольд Вильсон Месопотамияда ташкил этиладиган давлатга мутлақо Мосул вилояти ҳам кириши кераклигини таъкидлайди шунингдек, курдларга автономлик бериш масаласида шошмаслик зарурлигини таъкидлайди. Модомики, ягона Курдистон ташкил этиладиган бўлса, у мутлақо ташқи ёрдамга муҳтож бўлиб қолиши, қолаверса, курдлар ҳали-ҳануз кабила (курдчада ашират) ва клан бошқарувидаги халқ эканилигига урғу берилади.[2]

Вильсон бошқарувидаги Ироқда хизмат қилаётган инглиз сиёсий вакилларининг кўпчилиги унинг фикрларига қўшилса-да, офицер Э.В.Ноэл бошқа фикрда эди. Курдларга жуда яқин бўлган ва “Курд Лоренси” номини олган Ноэлнинг фикларига кўра, Мосул вилоятининг курд минтақалари Месопотамияда ташкил этилиши кутилган Араб давлати ташқарисида бўлиши керак ва курдларга кенг ҳуқуқли автоном бериш керак эди. Курдлар орасида бирликнинг йўқлигини Ноэл ҳам билган ва шу боис, уч алоҳида курд давлати қурилишини таклиф қилади: маркази Сулаймония бўлган Жанубий

[1] Манба: FO 371/3411, 167860/155461: Sykes Memorandum for Crowe, 30.9.1918. Иқтибос манбаси: İhsan Şerif Kaymaz, Emperyalizmin “Kürt” Kartı, Gazi Akademik Bakış, Cilt 1, Sayı 1, Kış 2007. – S. 159
[2] Манба: FO 371/3384, W-44/183424: Wilson to Montagu, Baghdad, 27.10.1918/9177. Иқтибос манбаси: İhsan Şerif Kaymaz, Emperyalizmin “Kürt” Kartı. - S. 160.

Курдистон, маркази Мосул бўлган Марказий Курдистон ва маркази Диярбакир бўлган Ғарбий Курдистон. Ноэл курдлар ўзини-ўзи бошқара олмаслик фикрини рад этади. Унинг фикрига кўра, инглиз бошқаруви остига олинса ҳам, турк бошқаруви остига ташлаб қўйилса ҳам курдларнинг яшаган ерлари муҳофаза этилиши ва парчаланмаслиги керак эди.[1]

Барзоний қабиласининг исёнлари туфайли инглизларнинг курдларга бўлган симпатияси тезда якунланади. 1958 йилгача Ироқда бўлиб ўтган курд исёнлари инглиз ҳарбий кучлари ёрдамида бостириб келинди. Қолаверса, Сайкс-Пико шартномаси (1916 йил) асосида белгиланаётган харитада Сурия Францияга, Ироқ бутунлигича Англияга ўтиши кўзда тутилган ва Ироқнинг иккига бўлиниши инглизлар манфаатига тўғри келмас эди. Юқорида таъкидланганидек, курдлар яшайдиган минтақа нефть-газга бой ва Дажла (рус. Тигр) дарёсининг юқори оқими улар назоратида эди. Бу ҳолат инглизларни геостратегик жиҳатдан ҳеч қаноатлантирмасди. Шундай бўлса-да, курдларнинг тинимсиз исёнлари натижасида уларга автоном бошқарув ҳуқуқи бериш бўйича "Севр шартномаси" (1920 йил 10 август) имзоланади. Аммо бу шартнома ҳам туркларнинг Мустафо Камол бошчилигидаги миллий кураши натижасида имзоланган Лозанна шартномаси (1923 йил 24 июл) туфайли йўққа чиқади. Ироқ курдларининг тинимсиз исён ва курашлари натижасида 1970 йил ироқ–курд шартномаси асосида де-юре Ироқ Курдистони автономини ташкил этишга келишиб олган бўлса-да, 2003 йилга келиб АҚШ бошчилигидаги ҳарбий халқаро каолициянинг Ироққа кириши билан де-факто Курдистон автономи ташкил этилди.

---

[1] Манба: FO 371/4149: Note by Political Officer, Sulaimaniyah, in regard to the political status of Kurdistan. Иқтибос манбаси: İhsan Şerif Kaymaz, Emperyalizmin "Kürt" Kartı. - S. 161.



3-расм. (Севр)[1]




4-расм. (Лозанна)[2]

**АҚШ.** Ташқи кучларнинг минтақа геосиёсий ўйинларида курдлар масаласи кейинчалик АҚШ ташқи сиёсатида ҳам муҳим аҳамият касб эта бошлади. Биринчи жаҳон уруши якунларида АҚШ президенти В.Вилсон администрацияси томонидан ишлаб чиқилган 14 та моддадан иборат тинчлик актида Усмонлилар ерларида турк бўлмаган миллатларга мустақиллик бериш таклифи илгар сурилган бўлса-да, 1970 йилларга келиб курдлар масаласига алоҳида эътибор қаратила бошлади. Бунга қуйидаги омиллар сабаб бўлди. Биринчидан, Ироқ ва Эрондаги сиёсий режимнинг ўзгариши М.Барзонийни расмий Москванинг одами деб билган АҚШ Ироқда ҳокимият тепасига БААС партиясининг келиши билан 1972 йилги Ироқ ҳукуматининг Москва билан яқинлашуви туфайли курдларга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди. Шунингдек, 1979 йил Эрон шоҳи ағдарилиб ўрнига шиа мазҳаби асосидаги Ислом давлатининг ташкил этилиши АҚШ ташқи сиёсатининг минтақадаги геосиёсий мақсадларда курдлар босим ўтказиш воситасига айланди. Бу ҳақда АҚШ (1981-1989 йиллар) президенти Р.Рейган шундай деганди: "Курдлар – Яқин Шарқда бизга керак бўлган ва биз истаган пайтда ўт олдиришимиз зарур бўлган оловдир".[3]

---

[1] 3-расм. Усмонли давлати ерлари Антанта иттифоқчи давлатлар тарафидан бўлиб олиниши акс эттирилган. Бу расм Севр шартномаси (1920 йил) шартлари асосида чизилган. Манба: Интернет. https://www.google.com/search?q=sevr+haritas%C4%B1&rlz=1C1NHXL_ruTR730TR730&source=lnms&tbm=isch&sa=X&ved=2ahUKEwi6ltTWs8PpAhXt1uAKHVdaDMQQ_AUoAXoECBoQAw&biw=1366&bih=657#imgrc=O4yPv2eQA6LRAM (Сана: 20.03.2020 й.).

[2] 4-расм. Лозанна шартномасидан (1923 йил) кейинги замонавий Туркия харитаси. Шу ерда айтиб ўтиш керакки, Туркиянинг бугунги кундаги Хатай вилояти 1939 йил 23 июнда Туркияга қўшилади. Унгача Франция мандатидаги Сурия таркибида бўлган.

[3] Иқтибос: Ас-Сакафа аль-Джадида. 1991. 30 февраля. Иқтибос манбаси: Дибо Кава, Регионально-международный аспект курдской проблемы. Белорусский журнал международного права и международных

Иккинчидан, Саддам Ҳусайннинг олиб борган агрессив сиёсати бўлди. У нафақат қўшнилари билан ҳарбий урушлар (Эрон билан 1980-1988 йиллар, Қувайт билан 1990-1991 йиллар) олиб борди, балки 1988 йил “Анфаль” операцияси натижасида 100 мингдан 180 мингача курдларнинг ўлимига сабаб бўлиб, айниқса Халабжа шаҳрида ўз халқига нисбатан тарихда биринчи марта кимёвий қурол ишлатди[1] ва бутун дунё ҳамжамиятининг жиддий эътирозига учради.

1958 йил Ироқда генерал Абдель Карим Кассем бошчилигида давлат тўнтариши амалга оширилади ва инглизлар мандатидаги Ироқ қироллиги тугатилиб, Ироқ республикаси ташкил этилади. Аммо 1963 йил араб миллатчилиги асосида ташкил топган БААС (социалистик) партияси Абдель Карим Кассемни ҳокимиятдан ағдаради. Кассемга қарши курашда БААС партиясига АҚШ тавсиялари асосида Ироқ шимолидаги курдлар Мустафа Барзоний бошчилигида ёрдам беради ва бунинг учун 1962 йил исён кўтариб Озод Курдистонни ташкил қилади. БААС партияси ҳокимиятга келганидан кейин ҳамкорлик ва ёрдам учун ҳамда давлат бутунлигини сақлаб қолиш учун 1970 йил 11 март куни курдлар билан Ироқ ҳукумати автоном Курдистонини ташкил этиш тўғрисида шартнома имзолайди.[2] Шартномага кўра, унинг ҳудудий чегаралари тўрт йил давомида аҳоли сонини ҳисобга олиш орқали белгиланиши кўрсатиб ўтилади. Лекин 1974 йилда Ироқ ҳукумати аҳоли сонини ҳисоблаш ишлари бошланмасдан, курдлар билан келишмаган ҳолда ўзи бир томонлама чегаралари белгиланган Курдистонни эълон қилади. Бунга М.Барзоний жиддий эътироз билдириб яна исён кўтаради. Аммо бу исён пайтида М.Барзонийнинг Курдистон демократик партиясидан бир гуруҳ аъзолари чиқиб Жалол Талабоний бошчилигида

---

отношений, № 4, 1998. / http://evolutio.info/ru/journal-menu/1998-4/1998-4-kava (Эришилган сана: 20.03.2020 й.)

[1] Нодар Мосаки, Хиросима Ближнего Востока, Независимая газета, 16.03.2001, http://www.ng.ru/world/2001-03-16/6_hirosima.html (Эришилган сана: 22.03.2020 й.)

[2] Rick Noack, The long, winding history of American dealings with Iraq’s Kurds. Washington Post, August 7, 2014.

Курдистон ватанпарварлар иттифоқини тузади. Курдларнинг бўлинишига сабаб Ироқ ҳукумати билан музокаралардаги қарама-қарши фикрларнинг мавжудлиги эди.[1] Қолаверса, 1975 йил 5 мартда Жазоирда Саддам Ҳусайн билан Эрон шоҳи ўртасида Эроннинг Шатт-ал Араб дарёсини қўриқлаш даъволарига розилик берган ҳолда келишувга эришилади. Бу Эроннинг курдларга бераётган ёрдамини тўхтатади. Ундан олдинроқ, яъни 1972 йил 9 апрелда социалистик партия бўлган БААС собиқ Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорлик келишувини имзолаши натижасида собиқ Совет Иттифоқини ҳам курдларга бўлган ёрдамининг тўхтатилишига эришади. Туркия ҳам ўз ҳудудида курд сепаратистик ҳаракатларининг кучайиб бораётганлиги сабабли тарафдорларсиз қолади. Умуман, курдларнинг ташқи ёрдамдан узилиб қолиши туфайли курдлар ўртасида ҳукумат билан музокаралар қилиш борасида қарама-қаршилик пайдо бўлади ва бўлиниб кетади. Бу бўлиниш мазҳаб ва қабилавий кўринишда юз беради. Маркази Эрбил бўлган М.Барзоний (мазҳаби кадирий бўлиб шеваси курманжи) ва маркази Сулаймония бўлган Ж.Талабоний (мазҳаби нақшбандийлик бўлиб шеваси сораний) бошчилигидаги гуруҳларга бўлинади.

Бошқа бир манбага кўра, Саддам Ҳусайн 1972 йили Москвага ташриф буюриб, собиқ Совет Иттифоқи билан дўстлик шартномасини имзолагандан кейин АҚШ президенти Ричард Никсон Саддам ҳукуматига қарши Эрон шоҳи билан махфий келишувга эришади. Шундан сўнг, АҚШ ҳукумати билан Эрон курдларнинг Курдистон автономини ташкил этиш учун Ироқ режимига қарши курашни молиялаштиришни бошлайди.[2] 1973-1975 йилларда АҚШ, Исроил ва Эрон билан бирга курд пешмергасини (курдларнинг партизан армияси бўлиб “ўлимдан қўрқмайдиганлар” маъносини беради) Саддамга қарши курашишга даъват қилган ҳолда

---

[1] Иванов С.М. Иракский Курдистан на современном этапе (1991–2011 гг.). – М.: ИМЭМО РАН, 2011. – С. 5.
[2] A Chronology of U.S. – Kurdish History // https://www.pbs.org/wgbh/pages/frontline/shows/saddam/kurds/cron.html (Эришилган сана: 26.03.2020 й.)

қуроллантиради ва молиялаштиради. Америка разведка бошқармаси ва Исроил хавфсизлик агентлари Курдистонда фаолият олиб бора бошлайди, ўз навбатида, курд етакчилари АҚШга ташриф буюриб ўзаро муносабатларини муҳокама қилади. Лекин кутилмаганда 1975 йил Саддам Ҳусайнни Эрон шоҳи билан Жазоирда тинчликка эришиши курдларга берилаётган ёки ваъда қилинган АҚШ, Эрон ва бошқаларнинг ёрдамини тўхтатилишига сабаб бўлади. АҚШ ёрдамининг кесилиши курдлар ўртасида келишмовчиликни чиқаради ва улар бўлиниб кетади.[1] Эрон–Ироқ келишуви курдлар учун фалокат эканини тушунган ҳолда Мустафо Барзоний ўша пайтларда АҚШнинг давлат котиби бўлган Г.Киссенжерга курдлар гуманитар фалокат ёқасида деб телеграф орқали ёзган хатига жавобан Г.Киссенжер қисқача шундай дейди: "Бу – сиёсат. Сиёсатда ахлоқий қадриятлар йўқ. Икки тараф бирор бир нарсада келишаётганда учинчи тараф зарар кўриши мумкин".[2] Курдлар худди шундай жавобни собиқ Совет Иттифоқидан ҳам олади. Барзонийнинг партиядоши Махмуд Османга собиқ Совет Иттифоқи вакили "агар Ироқ ҳукумати ва курдлар ўртасида можаро келиб чиқса, Совет Иттифоқи Боғдодни ҳимоя қилишини, шунинг учун ҳар томонлама Ироқ ҳукумати билан келишишни таклифини беради."[3] Шунинг учун бўлса керак, курдларда "Курдларнинг тоғдан бошқа дўсти йўқ!" деган нақл пайдо бўлади.

Ташқи ёрдамдан маҳрум қолган курдларни Саддам Ҳусайн тоғларга қараб қочишга мажбур қилади ва курд минтақалари устидан деярли тўлиқ назорат ўрнатади. Аммо вазият 1980 йилда Ироқ ва Эрон урушининг бошланиши билан яна ўзгаради. Ироқ–Эрон урушининг бошланишига иккита сабаб бор эди. Биринчиси ва асосийси, 1979 йил Эрон революцияси натижасида шоҳ режимининг ағдарилиб ўрнига исломий давлат қурилиши ва

---

[1] A Chronology of U.S. – Kurdish History // https://www.pbs.org/wgbh/pages/frontline/shows/saddam/kurds/cron.html (Эришилган сана: 26.03.2020 й.)
[2] Мосаки Н.З. Курдистан и курдский вопрос в политике запада и России (90-е годы XX века – начало XXI века). М. Институт Ближнего Востока, 2011. – С. 16.
[3] Мосаки Н.З. ўша манба, 16-17 бет.

Али Ҳумайний бошчилигида шиа мазҳаби авторитетининг ўрнатилиши эди. Ироқ аҳолисининг катта қисми шиа бўлганлиги учун бу “шиа тўлқини”ни Ироққа ҳам етиб келиш хавфи бор эди. Иккинчиси, асли араблар яшайдиган Эроннинг нефтга бой Хузестан вилояти ва Шатт-ал Араб дарёсининг шарқий қисмларига Ироқнинг азалий даъвогарлиги эди. Ушбу мотивлар билан Саддам Ҳусайн армияси 1980 йил 22 сентябрь куни ҳеч қандай огоҳлантиришсиз Эронга бостириб киради. Саддамнинг бу хатти-ҳаракатларини (халқаро ҳуқуқ нормаларига зид бўлса-да) АҚШ, собиқ Совет Иттифоқи ва кўплаб араб давлатлари қўллаб-қувватлайди. Сабаби АҚШ ўзининг яқин иттифоқчиси бўлган шоҳдан айрилганди, собиқ Совет Иттифоқи исломий бир давлатнинг ташкил топишидан хавфсираганди, кўпчилик араблар эса шиа авторитети кучайишидан хавотирда эди. Ироқ–Эрон урушидан курдлар фойдаланишга киришади. Тўғрироғи курдлар Эронни қўллаб-қувватлайди ва Саддамга қарши курашиб, ўз ерларини қайтариб олишга киришади. Ўз навбатида, Эроннинг курдларга ҳарбий ёрдами тикланади ва ҳатто кучаяди. Шу боис, Саддам курдлардан қаттиқ ранжийди ва хиёнатда айблайди. 1988 йил Эрон билан урушга якун ясаш[1] пайтларида курдларга қарши юқорида таъкидлаганимиздек “Анфаль” операциясини бошлайди.

“Анфаль” операцияси Саддам Ҳусайнга қимматга тушади. Бу операцияда аҳолига нисбатан кимёвий қурол ишлатилади ҳамда курдлар яшайдиган жойга арабларни мажбурий кўчиртириб, минтақа араблаштирилади. Чунки, бу ерларда нефть ва газ бор эди. Бу эса кейинчалик

---

[1] Бу уруш Форс кўрфазида минтақа давлатлари ўртасида етакчилик учун бошланган биринчи уруш эди. Бу урушда ҳеч қайси тараф ютмади ва аксинча, жуда кўплаб қурбонлар ҳамда гуманитар инқирозга сабаб бўлди. Бу урушда Эрон томонидан вояга етмаган болалар ҳам қўлига қурол олиб қатнашди ва бу уруш Эрон учун миллий қаҳрамонлик уруши бўлди. Бу уруш Эрон диний (шиа) авторитетини кучайтирди. Чунки Эрон ташқи ёрдамларсиз, изоляцияда қолган ҳолда ўз кучига таяниб кураш олиб борди. Шу боис ҳам бугунги кунгача Эронда ушбу урушда қатнашганлар миллий қаҳрамон сифатида бутун Эрон бўйлаб расмлари ва исми шарфи кўчаларга илиб қўйилган.

геноцид деб топилади[1] ва Саддам Ҳусайн ҳамда унинг давлат лавозимида ишлаган яқин қариндошларининг ўлимга ҳукм қилинишига сабаб бўлади. Лекин, АҚШ ўша пайтда Саддам Ҳусайннинг курдларга нисбатан кимёвий қурол ишлатганида уларни ҳимоя қилиш чораларини кўрмаган эди. Сабаби, у пайтда Саддам АҚШнинг Эронга қарши урушдаги иттифоқчиси эди.[2]

Шундай бир қалтис ҳолатдан кўп ўтмай, Саддам армияси 1990 йил 2 августда Қувайтга бостириб киради ва ишғол (аннекция) қилади.[3] АҚШ бошчилигида Ироққа қарши халқаро каолиция тузилади. Ўша пайтларда курд етакчиси Ж.Талабоний “курдлар бу уруш Саддам Ҳусайннинг диктатурасига якун ясашига ишонади” деб таъкидлайди.[4] Халқаро кучларнинг “Саҳро бўрони” ва “Саҳро қиличи” операциялари натижасида 1991 йил 28 февралда Ироқ армияси тўлиқ мағлубиятга учради. Мамлакатдаги бу ҳарбий ва сиёсий тангликдан фойдаланган ҳолда курдлар ва мамлакат жанубидаги шиалар исён кўтаради. Курдлар Эрбил, Сулаймония, Мосул вилоятларини қайта қўлга киритади ва Керкук шаҳрини ҳам маълум муддат назорат қилади. Саддам Ҳусайн мамлакат жанубидаги шиаларни бостиради, сўнгра шимолдаги курдларга қарши армияни жўнатади. Ироқ ҳарбий ҳаво кучлари курдлар яшайдиган қишлоқларни бомбардимон қилади ва курдлар 1988 йилги воқеа такрорланишидан қўрқиб қоча бошлайди. Бу воқеада ўн минглаб курд ҳалок бўлади ва 2 миллиондан зиёди Туркия ва Эронга ўтиб кетади.[5]

Саддамнинг (БААС партияси асосан суннийлар тарафдори деб қаралади) шиаларга ва курдларга қарши ҳарбий ҳаракатларида АҚШ тўсиқ

---

[1] The Kurdish Genocide Achieving Justice through EU Recognition / https://www.europarl.europa.eu/meetdocs/2009_2014/documents/d-iq/dv/03_kurdishgenocidesofanfalandhalabja_/03_kurdishgenocidesofanfalandhalabja_en.pdf (Эришилган сана: 30.03.2020 й.)

[2] Мосаки Н.З. ўша манба, 17 бет.

[3] Саддам Хусейннинг Қувейтга бостириб киришига Қувейт ва Бирлашган Араб Амирликларининг нефт нархидаги денпинг сиёсати сабаб бўлганди. Ироқ ҳукуматига кўра, Қувейт ва БАА сунний равишда нефт қазиб олишни кўпайтирмоқда ва бу нефт нархининг тушишига олиб келмоқда эди. Шунингдек, Ироқ Қувейтни Ироқ нефтини ўғирлашда айблади. Қолаверса, Ироқ Усмонли давридан буён Қувейтни ўзининг бир парчаси бўлган провинцияси деб ҳисобларди.

[4] Kurdish Leader Predicts Saddam’s Collapse. - Vienna Die Presse, January 23, 1991.

[5] Иванов С.М. Иракский Курдистан на современном этапе (1991–2011 гг.). – М.: ИМЭМО РАН, 2011.–С. 6-7.

бўла олмади. Ўша пайтларда М.Барзоний ва Ж.Талабоний АҚШ президенти катта Ж.Бушга ёрдам сўраб мурожаат қилади. Ж.Талабоний АҚШга бориб келади. Лекин АҚШ узоқ вақт бетараф бўлиб қолади. Аммо гуманитар фалокат ёқасида қолган курдлар учун БМТ Хавфсизлик Кенгаши 1991 йил 5 апрелда № 688 сонли резолюция қабул қилади ва 36-параллел чизиқ бўйича "хавфсизлик ҳудуди" белгиланади.[1] Бу "хавфсизлик ҳудуд"га кирувчи Эрбил, Сулаймония ва Дохукдан Ироқ армияси бутунлай чиқарилади, марказий органлар, махсус хизмат ва полиция ишлари тўхтатилади. Бу минтақани "Озод Курдистон" деб номланади.[2]

Америкалик олим Р.Олсон бу воқеаларни таҳлил қилган ҳолда, "бу курдларнинг де-факто кичик давлатини ташкил этиш учун муҳим қадам бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан асосан, Европа ва Американинг ҳарбий кучлари ҳимоя қилган бундай ҳудуд тарихда биринчи маротаба халқаро кучларнинг курдларни ҳимоя қилиши учун ташкил этилиши эди, деб ёзади.[3]

Дарҳақиқат, Ироқнинг Қувайтга ҳарбий ҳаракатлари натижасида юз берган тартибсизлик халқаро даражада курдлар фойдасига муҳим қарор қабул қилинишига сабаб бўлди. Курдлар ўзларининг миллий мажлисини (парламент) тузади. Курдистон автоном республикасининг Масуд Барзоний (Мустафа Барзонийнинг ўғли) ва Ж.Талабоний ўртасида тенг тақсимланган ҳукумат каолициясини тузади. 1992 йил 4 октябрда Мазкур ҳукумат томонидан қабул қилинган қонунда курдлар муаммосини Ироқ федератив давлати принциплари асосида ҳал қилиш керакли илгари сурилади.[4] Аммо бу яна курдларнинг қабилавий бўлинишлари туфайли йўққа чиқади. Курдлар Масуд Барзоний ва Жалал Талабоний ўртасида яна бўлиниб кетади. Бунга

---

[1] Резолюция № 688, принятая Советом Безопасности ООН 5 апреля 1991г. // http://www/un.org/Russian/document/scresol/res688.pdf

[2] Иванов С.М. Иракский Курдистан на современном этапе (1991–2011 гг.). – М.: ИМЭМО РАН, 2011. – С. 7.

[3] Olson P. The Creation of a Kurdish State in the 1990? – In: Journal of South Asian and Middle Eastern Studies, v.XV, N4, Summer, 1992, p. 11.

[4] Иванов С.М. ўша манба. 7-8 бет.

нефть экспорти, божхона, савдо ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда хизмат соҳаларидан тушадиган фойдани адолатли тақсимлашдаги келишмовчиликлар сабаб бўлади. Шунингдек, икки курд етакчиси орасида лидерликка даъволар туфайли зиддият юз беради.

Икки курд қабила бошлиқларининг бир-бири билан тўқнашувларини тўхтатиш учун 1994 йил 16-22 июль кунлари Парижда учрашув ташкил этилади. Учрашувда томонларнинг манфаатларини кўзда тутган Курдистон минтақавий конституцияси лойиҳаси таклиф қилинади. Бу ҳужжат М.Барзоний ва Ж.Талабоний томонидан Парижда ўша пайтдаги Франция президенти Ф.Миттеран иштирокида имзоланиши кўзда тутилади. Аммо бу Туркиянинг, бундай ҳужжатни қабул қилиниши мустақил Курдистонни ташкил этилишига олиб келиш хавфи борлигини билдирган ҳолда, эътироз билдириши натижасида имзоланмай қолади.[1] Кейинги параграфда минтақа давлатларининг курд муаммосига муносабатлари ечими борасида таклифларни кўриб чиқамиз. Лекин, шуни олдиндан айтишимиз мумкинки, минтақа давлатлари курдлар масаласида жуда ҳушёрлик билан иш тутади. Баъзан биргаликда курашса, айрим ҳолларда бир-бирига қарама-қарши ҳаракат олиб боради. Хусусан, Масуд Барзоний ва Жалол Талабоний ўртасида юз берган 1992 йилдан 2002 йилгача бошбошдоқлик ва қарама-қаршиликда Туркия М.Барзонийни қўллаб-қувватлаб қурол-яроқ билан таъминлаган бўлса, Эрон Жалол Талабонийни қўллаб-қувватлади ва қурол-яроқ билан таъминлади. 1980-1990 йилларда Туркияда сепаратистик ва террористик ҳаракатларни ташкил этган Курд ишчи партияси (PKK) вакиллари Сурия шимолига бориб жойлашди. Ўша пайтда ҳозирги Сурия президентининг отаси Ҳафиз Асад курдларнинг ўз мамлакатида жойлашишига ёрдам беради. Ҳафиз Асаднинг курдларга бундай ёрдам қилишига Туркиянинг Яқин Шарқдаги асосий дарёлар (Эфрат ва Дажла) ва

---

[1] Иванов С.М. Иракский Курдистан на современном этапе (1991–2011 гг.). – М.: ИМЭМО РАН, 2011. – С. 9.

ирмоқларнинг бошида жойлашганлиги ва сув муаммоларида Туркияга босим сифатида фойдаланишини кўзда тутган эди.[1] Шунингдек, Ҳафиз Асаднинг бу ишларида собиқ Совет Иттифоқи (кейинчалик Россия)нинг таъсири бўлганлиги сезилади. Сурияга кўчиб ўтган курд сепаратистлари кейинчалик PYD/YPG ташкилотларини тузади. Умуман олганда, нафақат ташқи давлатларнинг минтақа давлатларига, балки минтақа давлатлари ҳам бир-бирига босим ўтказишда курдлардан "сиёсий восита" сифатида фойдаланиб келаётгани аччиқ ҳақиқатдир.

Курдларнинг, асосан Ироқ курдларининг ҳаётидаги муҳим тарихий ўзгариш бу, шубҳасиз, 2003 йилда АҚШ ҳарбий қўшинларининг Ироққа киритилиши ва Саддам Ҳусайн ҳокимиятининг ағдарилиши билан боғлиқ. Бу воқеалар курдларга нафақат ўз автоном давлатини ташкил этишга, балки Ироқ ҳукумати бошқарувида курдларнинг иштирокини ҳам таъминлади. Буни юқорида 1975 йил ва 1988 йил воқеаларидан ҳам кўрган эдик. Бундан ташқари, 2003 йилда АҚШ ва Буюк Британия БМТ Хавфсизлик Кенгашининг мандатисиз Ироққа ҳарбий операция бошлаганида (Ироқда кимёвий қуроллар борлиги важи) Туркия ўз ҳудудидан уларнинг ҳарбий кучлари ўтишига рухсат бермайди. Шунда, курдлар Саддам Ҳусайнга қарши курашда Ироқ шимолида асосий ҳамкор кучга айланди. Америка махсус кучлари билан ёнма-ён курашган курдлар ўз мустақил давлатга эга бўлиш йўлида барча имконият ва кучларини ишга солади. Аммо, Саддам режими қулатилгандан сўнг АҚШ курдларни қуролсизлантиришга ҳаракат қилади ва янги ҳукуматга (вақтинчалик 2003-2004 йилларда америкалик Жей Гарнер, кейин Пол Бремер бўлган) қўшилишга мажбур этади. Бу талаб курдларни ҳайратга солади. Шундан сўнг курдлар Нури ал-Маликининг Бош вазир этиб сайланишига қаттиқ қаршилик кўрсатади.[2]

---

[1] Oktav Özden Zeynep. Water Dispute and Kurdish Separatism in Turkish-Syrian Relation. The Turkish Yearbook Vol. XXXIV, 2003.

[2] Jay Newton-Small. Kurds Welcome U.S. Help in Iraq, But Remember History of Betrayal. August 12, 2014 // https://time.com/3103537/kurds-iraq-erbil-barzani-isis/ (Эришилган сана: 05.04.2020 й.)

Нури ал-Малики шиа мазҳабига мансуб Ислом давлати партиясининг вакили эди. АҚШ уни Ироқ шиалари билан тинчликни ўрнатиш мақсадида қўйганди. Аммо вазият ундай бўлмади. Дастлаб, БААС партияси аъзолари партизан урушларини олиб борди, кейинчалик фуқаролик уруши шиалар, суннийлар ва курдлар орасида ривожланиб кетди. Ироқдаги сиёсий элита орасида ҳам нефт конларига эга бўлиш, ҳудудий чегараларни белгилаш борасида жиддий можаролар келиб чиқди. Малики бир неча бор курдларни ўз ерларидаги нефтларни қазиб олиш ва экспорт қилиш ҳуқуқига эга эмаслигини таъкидлаб, курдларни кучайтириш Ироқнинг тугашига олиб келишидан огоҳлантиради. 2011 йил оҳирига келиб, 60 мингга яқин курд пешмаргаси ва Ироқ ҳарбийлари нефт можароси туфайли Керкук яқинида тўпланишади. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Керкукнинг курдларга ўтишига араб суннийлар, туркманлар ва Туркия ҳам қарши чиқади. Аммо 2013 йилда Фаллужани ва 2014 йил ёзида Мосул ва Тикритнинг ИШИД террористик ташкилоти тарафидан босиб олиниши Ироқ кучларини Боғдодга қайтиб кетишга мажбур қилади. Натижада курдлар Керкукни ва барча нефт конларини тўлиқ назоратига олади.[1]

Шу нарса ҳам ҳақиқатки, курдлар 2003 йилдаги Ироқдаги урушдан энг кўп фойда олган этник гуруҳ бўлиб қолмоқда. Масалан, Ироқнинг бошқа қисмларида, айниқса, шиалар яшайдиган жанубий минтақаларида ҳануз фуқаролик уруши давом этмоқда. Мамлакатдаги бошқа гуруҳлар хусусан, сунний араблар ва туркманлар ҳам жиддий гуманитар муаммоларга дуч келмоқда. Курдлар эса ўтган даврда том маънода автоном давлатга айланди. Эрбил, Дохук ва Сулаймония шаҳарлари замонавийлашди. Қолаверса, 2017 йил сентябрда Ироқ курдлари алоҳида мустақил давлат Курдистон республикасини ташкил этиш учун референдум ўтказди. Референдум натижалари ижобий чиққан бўлса-да, Эрон ва Туркия бунга нисбатан қаттиқ

[1] Jay Newton-Small. ўша манба.

нарозилигини билдирди. Ироқ, Эрон ва Туркия ўз ҳаво системасини курдлар учун ёпиб қўйди. Шунингдек, ташқи кучлар ҳам, хусусан АҚШ минтақада вазият ёмон томонга ўзгариб кетиши сабаблари билан бу референдумни орқага суриш кераклигини бир неча бор таъкидлади. Шундай бўлса-да, курдлар буни бир ютуқ деб қабул қилди.

Яқин Шаркдаги курдлар муаммосининг геосиёсий аҳамияти 2011 йилдан сўнг янада муҳим аҳамият касб эта бошлади. Бу гал Сурия курдлари олдинга чиқа бошлади. Сурияда ИШИД террорчи ташкилотига қарши курашда АҚШ Суриядаги курдларнинг PYD/YPG ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Аммо бу сафар фақат АҚШ, балки узоқ вақт Яқин Шарқ сиёсатига аралашмай турган Россия, Исроил ва Германия ҳам бу жараёнда иштирок этди.

Бу ҳақда тадқиқотчи Маъзур Ольга: “2014 йил сентябрь ўрталаридан 2015 йил июнигача ИШИДнинг хужумида қолган Кобане шаҳри сурияли курдлар томонидан муваффақиятли мудофаа қилинишидан сўнг, Суриядаги курд этник озчилиги дунё ҳамжамияти томонидан Сурияning шимолий қисмида радикалларга қарши тура оладиган реал ҳарбий тайёргарликка эга сиёсий актор сифатида кўрила бошланди. Сурия шимолидаги курдларнинг кейинги муваффақиятларини (2015 йил охири – 2016 йил қишида) минтақавий кучлар, биринчи навбатда Туркия, сурияли курдларнинг автономлик лойиҳаларини Туркиядаги курд аҳоли орасида мустақиллик ғояларини ёйилиши учун реал таҳдид деб ҳисоблади. Катта ташқи кучлар, айниқса Россия ва АҚШ минтақада терроризмни ёйилишига қарши тура оладиган реал куч сифатида қабул қилинган сурияли курдлар билан ҳарбий ва сиёсий алоқаларни фаол равишда кенгайтира бошладилар” , деб таъкидланганди.[1]

---

[1] Мазур Ольга Анатольевна, Курдский вопрос в политическом конфликте в Сирии (после 2011 года). Автореферат к.п.н., Москва, 2016. – С. 4.

Сурия шимолидаги курдларнинг Исроил томонидан ҳимоя қилиниши ва ҳарбийлар тайёрлаб беришда иштироки ҳам маълум. Исроилнинг Ироқ курдлари билан алоқалари анча олдин ўрнатилган эди. Бу Саддам Ҳусайн режимига қарши курашда аниқ кўзга ташланган эди. Айниқса, 2011 йил нефтга бой Керкукда шиалардан ташкил топган панэрон "Хашд аш-Шааби" ташкилоти ҳарбийлари ўртасида конфликт келиб чиқиши арафасида Исроил курдларни фаол қўллаб-қувватлади. Суриядаги можароларда ҳам Эрон экспансиясига қарши таянч сифатида Исроил курдларга катта эътибор ва ёрдам бериб келмоқда. Исроилнинг минтақада прагматик ҳаракат қилаётганини таъкидлаган Россиянинг халқаро ишлар бўйича кенгашининг эксперти Антон Мардасов: "Баъзи маълумотларга кўра, Исроил, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларининг (БАА) Эрон ва Туркия таъсирини камайтириш учун хавфсизлик хизматлари даражасида алоқа ўрнатгани ва бунинг учун расмий Дамашқ билан муносабат ўрнатишга тайёр", деб таъкидлайди.[1] Исроил давлати Ироқда Саддам режимини қулатиш ва Сурияда Эрон таъсирини камайтиришда курдлар билан яқиндан алоқа қилган бўлса-да, 1999 йил 16 февралда Кения пойтахти Найробида Туркиядаги курдлар етакчиси Курдистон ишчи партияси (ПКК) лидери Абдулла Ўжаланни тутиб Туркияга топширишда айнан Исроил хавфсизлик хизматларининг роли катта бўлган.[2]

Суриядаги курдларнинг геосиёсий масалалардаги ўрни ҳақида Курдистон Миллий Конгресси аъзоси Фархат Патиев Независимая газетага берган интервюсида шундай дейди: "Рожава" (Сурияниг шимолий-шарқида курдлар тарафидан эълон қилинган давлат – "НГ") ташқи дунё билан алоқаларга очиқ ва турли минтақавий ва халқаро ўйинчилар билан муносабатни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда. Ҳамкорликнинг муҳим

---

[1] Игорь Субботин, Израиль подозревают в скрытой помощи курдам. Независимая газета, 15.08.2019.
[2] Лукоянов А.К. Курдистан и Израиль (перспективы сотрудничества). КУРДСКИЙ ВОПРОС В ЗАПАДНОЙ АЗИИ В НАЧАЛЕ XXI ВЕКА (Сборник статей). Отв. ред., О.И.Жигалина. М.: Институт Ближнего Востока, 2006 – С. 48-49

меъзонларидан бири Рожава тарафидан Яқин Шарқда бошланган қадриятлар тизимини қайта шакллантиришга йўналтирилган лойиҳани қўллаб-қувватлашга тайёрликдир. Балки ёш Рожаванинг бундай қадам қўйиши катта жасоратдир, аммо бу ердагилар (Сурия Курдистонида – "НГ") ўтмиш хатоларини тузатмасдан ва адолатни ўрнатмасдан минтақани қамраб олган инқирозни ҳал қилишнинг имконсиз эканига ишонмоқдалар.[1]

Бундан ташқари, бугунги кунда Европада (асосан Германия, Франция, Белгия) яшаётган курд диаспораси ҳам бу жараёнда жуда фаол ва таъсирчан ҳаракат қилмоқда. Уларнинг орасида зиёли қатламнинг кўпайиб бораётгани умум бирлашган курд миллатчилигини ишлаб чиқиш ва кенг ёйишда муҳим рол ўйнамоқда. Жуда кўплаб хорижий тилларда курд муаммоларига бағишланган мақола ва китоблар чоп этилмоқда. Курд тилида сўзловчи гуруҳлар ташкил этилиб ижтимоий тармоқлар (YouTube, Facebook, Twitter ва б.) орқали кенг миқёсда миллатчилик ва бирлик тарғиботлари олиб борилмоқда. Бу тарғиботлар ўз таъсирини кўрсатмай қолмаяпти. Айниқса, 2014 йил ИШИДни Сурия курдлари зич яшаётган Кобанега хужум қилиши бутун курдларни шу жумладан, минтақадан ташқаридаги курдларни ҳам оёққа турғизди. Бу курдлар тарихидаги илк умум миллатчилик ҳаракатига айланди. Германиядаги курдларнинг тепки сифатида кўчага чиқиши курд-араб ва курд-турк тўқнашувларига айланиб кетди. Курдлар Туркия, Ироқ ва Эрондаги кўчаларига чиқиб, намойишлар уюштириб, миллий бирлик туйғусини ҳимоя қилдилар. Бу воқеалар фонида минтақада курдларнинг сиёсий авторитетининг ортиб бораётгани ҳақида А.Йилмаз ёзади: "ИШИДнинг Кобанега хужуми Эрон, Туркия, Ироқда яшаган курд жамоасининг қарши реакцияси билан янада ёрқин кўрина бошлаган курд миллатчилигининг янги бир даври диққатга сазовордир. Курдлар Курдистонни ҳимоя қилишда бирлашмоқда ва бир томондан курд миллий

---

[1] Игорь Субботин, ўша манба.

бахссининг акторларини муросага мажбурлаган жамоавий бир динамизмни яратмоқда. Бу ҳолат, умумий қилиб айтганда, курдларнинг миллий келиб чиқишини – Курдистоннинг тўрт томонидан янгидан шаклланаётганини кўрсатмоқда”.[1]

Қолаверса, Туркиядаги курдлар муаммоси ҳам ташқи акторларнинг сиёсий портретида доим кўзга ташланади. Туркияда охирги 30 йилликда курд муаммоси ПКК (Курд ишчи партияси) террор ташкилоти билан курашиш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Масала шундаки, ПКК доим Европадан логистик ва молиявий ёрдам олиб келади. Айниқса, ПККнинг Европадаги филиаллари жиддий молиявий ёрдам кўрсатмоқда. Эски номи Европа фронт маркази, янги номи Курд демократик халқ бирлиги ташкилотининг Европа координацияси ПККнинг Европадаги молиявий муносабатларини назорат қилмоқда ва мувофиқлаштирмоқда.[2] ПККнинг Европада яшаган курдлардан тўплаган жами йиллик маблағлари 30 миллион еврога яқинлашмоқда.[3] ПККнинг ташқаридан оладиган ёрдами ҳақида баҳс кетганда бу террор ташкилотига берилган давлат ёрдамларини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, ПКК бошлиғи Абдулла Ўжалан Суриядан чиқиб, 1999 йилда Кенияда Греция элчихонасида яшаб юрган пайтларида Сурия ва Грециядан муҳим логистик ёрдамлар олганди. Бу давлатлар ПККга берган молиявий ва хавфсизлик (истеҳборат) ёрдамлари билан бирга, ташкилотнинг юқори шахслари Абдулла Ўжалан ва бир қанча ПКК бошқарувчилари ва жангариларига бошпана берган.[4]

ПКК Европа Иттифоқи ҳамда АҚШ бошчилигида бир қанча ғарб давлатлари тарафидан террор ташкилоти сифатида қабул қилинган. Аммо бу ПККга бир нечта ғарб давлатларидан келадиган ёрдамнинг олдини ололмади.

---

[1] Yılmaz A. Kürt Milliyetçiliğine Eleştirel Bir Bakış: Kürt Mülteciler ve Kürdistan Milliyetçiliği. Ankara, 2015. - S. 37.
[2] Hüseyin Alptekin. Etnik Terör ve Terörle Mücadele Stratejisi: IRA, ETA, Tamil Kaplanları ve PKK. İstanbul, SETA. 2018. – S. 94.
[3] Hüseyin Alptekin, ўша жойда.
[4] Hüseyin Alptekin, ўша жойда.

Туркия бу масалада ПККга молиявий ёрдам фаолиятларига рухсат бермаслик борасида иттифоқчи ғарб давлатларига босим ўтказиб келса-да бугунгача етарлича жавоб ололмаяпти. ПКК фақат Германиянинг ўзида Немис махфий хизмати Bundesamt für Verfassungsschutz маълумотига кўра, 14 минг фаол аъзоларига эга.[1] Германиянинг собиқ ташқи ишлар вазири Сигмар Габриэлнинг сўзларига кўра, фақат 2015 йилнинг ўзида Германиядан ПККга 13 миллион евродан кўп молиявий ёрдам берилган.[2]

ПККнинг Суриядаги қўли Демократик бирлик партияси (Partiya Yekitiya Demokrat, PYD) эса ғарб давлатлари томонидан террор ташкилоти сифатида қабул қилинмаганли билан бирга, ИШИДга қарши курашда иттифоқчи сифатида катта ёрдам олмоқда. PYDнинг ҳарбий қаноти Халқ ҳимояси бирликлари (Yekineyen Parastina Gel, YPG) 2014 йил Кобани жанглари пайтида карго самолётлари томонидан юборилган 24 тонна енгил қуроллар ва ўқ-дориларга эга бўлган.[3] Шунингдек, 2017 йил июль ойида юборилган 140 тирлик қурол ва зирҳли Хаммер машиналари АҚШ томонидан PYDнинг назоратидаги Демократик Сурия кучларига топширилган.[4]

Туркия республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Халқ дипломатияси координацияси маълумотларига кўра, ПКК ёрдам сифатида Европадаги давлатларда яшаётган қўллаб-қувватловчиларидан 30 миллион евро атрофида маблағни қабул қилиб олган. Европа Иттифоқи (ЕИ) давлатларида 500 га яқин филиаллари бўлиб, 10 га яқин масс медиа каналлари орқали тарғибот ишларини юритмоқда. Қизил рўйхатдаги ПКК бошқарувчилари ЕИ давлатларида роҳатда яшамоқда. Масалан, Ремзи Картал ва Зюбейр Айдар каби юқори даражадаги бошқарувчилари узоқ вақтдан бери Белгияда

---

[1] Sertan Sanderson. “European PKK Ban Could Undermine Turkish Democracy”, Deutsche Welle, November 25, 2016.
[2] “German FM Acknowledges Turkey’s PKK Concerns, Stresses Need for More Measures”, Daily Sabah, June 4, 2017.
[3] Constanze Letsch. “US Drops Weapons and Ammunition to Help Kurdish Fighters in Kobani”, The Guardian, October 20, 2014.
[4] Hikmet Durgun. “ABD, DSG’ye 140 Tırla Ağır Silah ve Zırhlı Hummer Gönderdi”, Sputnik Türkiye, 6 Temmuz 2017.

яшайди. Шунингдек, ғарб давлатларининг PYDга берган қуроллари фақат ИШИДга қарши эмас, балки ПКК тарафидан Туркияга қарши ҳам ишлатилмоқда.[1] Албатта, европаликларнинг бу борадаги ишларида асосий айтадиган сўзи инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлигидир.

Шу ўринда муҳим бир нарсани айтиш мақсадга мувофиқдир. Ташқи акторлар тарафидан бир ерда яшовчи халқларга, уларни бўлиш мақсадида ижтимоий психологик таъсир кўрсатиш орқали гўёки ўтмишдан ворислик ҳиссиётлари ёки эгалик ҳуқуқини шакллантирувчи сиёсат ҳар доим бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Бу ҳақда Бенедикт Андерсон "Хаёлий жамиятлар" номли асарида "жамиятларнинг коллектив хотираларига турли омилларни (аҳоли сони, тарихий ашёлар, хариталар) кўрсатиш орқали бир миллатни ёки инсон гуруҳини яратишга урунишлар" ҳақида ёзади.[2] Бугунги кунда бу деярли барча давлатлар ва жамиятларда мавжуд. Бу ишлар, одатда, хорижий олимлар томонидан ишлаб чиқилаётганлиги, у ёки бу давлат ва жамиятда этник муаммоларнинг дунё ҳамжамиятига "меню" қилиб кўрсатиш орқали давлатларнинг геосиёсий ўйинларини шакллантиришга, дунё ҳамжамиятини ушбу муаммога қаратишга ҳаракат қилинмоқда. Шундай ишлардан бири Курдистон масаласидир. Жумладан, Gerard Chaliand[3], Jamie Stokes[4], McDowall, D.[5] ва бошқа кўплаб инглиз, рус (курдлар ҳақида ташқарида ёзилган биринчи иш ҳам рус шарқшуноси Миронскийга оиддир), немис тилларидаги асарларда курдларнинг алоҳида давлат қуриш ҳуқуқлари ёки бир жамоа ва миллат сифатида босимларга учраётганликлари ҳақида кўплаб мисоллар келтирилади. Улар шундай ёзадики, курдлар яшайдиган ерларда гуёки бошқа миллатлар йўқ ёки уларнинг ҳеч қандай муаммоси йўқ. Бу ерда

---

[1] T.C. Başbakanlık Kamu Diplomasisi Koordinatörlüğü, Twitter, 26 Nisan 2017. https://pbs.twimg.com/media/C-RyNRrWsAAPo94.jpg (Эришилган сана: 06.04.2020)
[2] Benedict Anderson. Imagined Communities: Reflections on the Origin and Spread of Nationalism. London: Verso Books, 2006.
[3] Gerard Chaliand, A People Without a Country: The Kurds and Kurdistan, Interlink Publishing, 1993.
[4] Jamie Stokes (Ed.) Encyclopedia of the Peoples of Africa and the Middle East, Facts on File, 2009.
[5] David McDowall, A Modern History of the Kurds, I.B. Tauris Co. Ltd., 2007.

алоҳида бир миллат муаммосини кўрсатишга ҳаракат қилинади. Албатта, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари борасида айтиладиган ҳаққоний ҳолатларга ҳеч қандай эътироз йўқ. Лекин кўплаб этник ва диний масалаларга бағишланган асарлар ўқилганда уларнинг сиёсий мақсадларда ёзилганини ҳам пайқаш қийин эмас. Бу эса юқорида айтганимиздек, давлатларнинг ташқи сиёсатида бир “босим воситаси” ёки геосиёсий таъсир қилишга қаратилган турли мақсадларга хизмат қилиши ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, курдлар муаммоси ташқи акторларнинг геосиёсий ўйинларида муҳим ўринга эга бўлмоқда ва “Буюк Курдистон” ғояси ташқи кучлар ва курд миллатчилари томонидан илгари сурилаётган бир ғоя бўлиб қолмоқда. Бунинг амалга ошиш-ошмаслиги фақат минтақадаги курдларнинг миллий бирлашувига боғлиқ эмас, балки ташқи акторларнинг ҳам бу борадаги ёндашувлари, қўллаб-қувватлашлари ва умуман минтақа ҳамда жаҳондаги сиёсий ҳолатнинг динамикасига ҳам боғлиқдир. Шундай бўлса-да, минтақадаги охирги сиёсий динамикалар курдлар фойдасига ўзгармоқда десак, муболаға қилмаган бўламиз. Бундан ташқари, Курдистон тушунчаси, курдлар муаммоси тез-тез тилга олинадиган ва жуда кўп нашр қилинадиган масалага айланмоқда. Бу ташқи кучларнинг Яқин Шарқ минтақасида Туркия, Эрон, Ироқ ва Сурияга босим ўтказишда “қулай ва таъсирчан” геосиёсий воситасига айлантириш учун ёрдам бермоқда. Бу Яқин Шарқ минтақасида тинимсиз этник-диний конфессионал муаммоларни келтириб чиқариш “майдончасига” айланиб бораётганлигини ҳам кўрсатади. Умуман олганда, курдлар минтақа геосиёсий жараёнларида асосий ўйинга айланиб қолмоқда. Лекин курдлар кўпинча ташқи кучларнинг геосиёсий ўйинларида жуда кўп алданган ёки ушбу геосиёсий ўйинларда йўқотишларга учраб келган. Бунга, бир томондан, ўзларининг ички бирдамлиги йўқлиги ва қабилачилик ҳали ҳам муҳим экани билан боғлиқдир. Бошқа томондан ташқи давлатларнинг дастлабки актор Россиянинг ва кейинчалик Англия ва Франциянинг, охирги пайтлардаги АҚШ ва Исроилнинг курдларнинг

мустақил кучли давлати бўлиши борасида бирор аниқ саъй-ҳаракатлар олиб бормаётганлиги билан боғлиқдир. Машҳур сиёсатшунос, дипломат Г.Киссенжернинг айтганидек, сиёсатда ахлоқ бўлмас экан, ҳар бир миллатнинг тақдири – ўз қўлида қолмоқдадир!.

## 3-§. Курдлар муаммосини ҳал қилишда минтақа давлатларининг ҳамкорлиги

Юқоридаги бўлимларда курд муаммоси ва Курдистон масаласи ташқи кучлар тарафидан геосиёсий мақсадларда фойдаланилганлигини ва доим минтақада таъсир қилувчи восита вазифасини бажариб келганлигини очиб беришга ҳаракат қилдик. Аммо бу ҳар доим ташқи кучларнинг айбдор эканини англатмайди. Минтақа давлатлари ҳам бу борада жуда кўплаб “сиёсий ўйинлар”ни олиб борган ва давом эттириб келмоқда. Минтақа давлатларининг стратегик хатолари ва турли “ўйинлари”, баъзан курд муаммоси ечимига қаратилган бўлса, баъзан муаммони ривожлантиришга қаратилади. Муаммонинг тарихий жиҳатларини юқоридаги параграфларда кўрсатиб ўтганлигимиз учун ушбу параграфда 1990 йилдан бугунги кунгача бўлган даврни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Хусусан, юқорида қайд қилинганидек, 1990-1991 йиллар Яқин Шарқ минтақасида тарихий жараёнлар бўлиб ўтади. Ироқни Қувайтга интервенцияси ва Саддам Ҳусайннинг курдларга қарши операциялари минтақа давлатларининг Саддамга қарши нафратини, шу билан бирга, унинг таҳдидидан хавотирини ҳам кучайтиради. Бу минтақа давлатларини Саддамга қарши бирлаштирди ва курдларнинг ёнини олишга сабаб бўлади.

Саддамнинг курдларга нисбатан ҳарбий ҳаракатларини тўхтатиш учун БМТ Хавфсизлик Кенгаши 1991 йил 3 апрелда 687-сонли қарор қабул қилади ва Саддамга курдларга нисбатан ўт очишни тўхтатиш ва тинчлик музокараларини бошлаш вазифасини юклайди. Аммо бу қарорда курдлар ва

Ироқнинг шиалар яшайдиган минтақаларида хавфсизлик ҳудудларини яратиш масалалари кўзда тутилмайди. Туркиянинг ўша пайтдаги президенти Тургут Ўзал 1991 йил 5 апрелда, яъни БМТнинг 687-сонли қарордан икки кун ўтиб АҚШнинг ўша пайтдаги президенти Жорж Бушга (катта) турли таклифлар бериб, янги 688-сонли қарор қабул қилинишини таъминлашга эришади. Тургут Ўзалнинг таклиф ва ташаббуслари гуманитар асослар билан Туркияга ўтган 250 мингдан ортиқ қочоқни ўз юртларига қайтариш учун курдлар яшайдиган минтақанинг 36-паралелини шимолий қисмида хавфсиз ҳудуд (safe haven) ташкил этишга қаратилади. Турк ва ғарб давлатлари дипломатлари тарафидан тайёрланган қарор лойиҳаси Франция томонидан БМТ Хавфсизлик Кенгашига киритилади. Куба, Яман ва Зимбабвенинг қарши, Хитой ва Ҳиндистоннинг тарафсиз ва 10 та давлатнинг қўллаб-қувватлаши билан қабул қилинган бу қарор натижасида курдлар хавфсиз минтақа, кейинроқ автоном бўлса-да мустақил бошқарувга эга бўлган давлатга эришишига замин яратилади. Айниқса, Тургут Ўзалнинг 1991 йил июнда курдларнинг етакчиларидан бири бўлган KYB партияси раҳбари Жалол Талабоний билан музокаралар олиб боргани дунё ҳамжамияти олдида курдларнинг ҳам обрўйи кўтарилиши ҳамда алоҳида сиёсий актор эканини кўрсатади.[1]

Шу билан бирга, Туркия шимолий Ироқда курдларни тўлиқ қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳарбий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий фаолиятларда фаол қатнашди. Жумладан, БМТнинг 688-сонли қарори бўйича шимолий Ироқда хавфсиз ҳудуд яратиш учун юборилган АҚШ, Буюк Британия ва Франциянинг 20 минг аскари НАТОнинг Туркиядаги Инжирлик базасига жойлаштиради. Бу аскарларга турк аскарлари ҳам қўшилган ҳолда 1991 йил 30 сентябрдан “Хаммер Кучи” (Poised Hammer) деб номланган операция уюштирилиб, Ироқ шимолида Саддам қўшинларига қарши

---

[1] İhsan Şerif Kaymaz. Arap – Kürt Karşıtlığı Temelinde Irak’ın Parçalanmasına Giden Yol ve Türkiye. Journal Güvenlik Stratejileri Dergisi, 2005. – s. 25.

ҳаракатларни олиб борди. 1997 йилдан бу операция номи “Operation Northern Watch”га ўзгартирилди ва бу 2003 йилгача, АҚШнинг Ироққа интервенциясигача давом этди.[1] Туркия Шимолий Ироқда ташкил этиладиган автоном давлат парламентини ва ижро ҳокимиятини ташкил этишда мутахассислар юбориб кенг миқиёсда институционал ёрдам берди. Шунингдек, курд етакчилари Масъуд Барзоний ва Жалол Талабонийларга қизил паспорт бериб, ғарбликлар билан учрашувларни олиб бориши учун Туркия чегараларидан ўтиб Европа ва Америкага учиб боришига имконият ва шароит яратиб берди. Тадқиқотчи Иҳсан Шериф Каймазнинг фикрича бу Туркиянинг хатоси эди.[2] Аммо бизнингча, бу Туркиянинг хатоси эмас, балки прагматик сиёсати бўлган. Чунки аввало Саддамнинг 1988 йилги “Анфал” операциясидан кейин ва Ироқ-Қувайт урушидан кейинги курдларга қарши ҳарбий ҳаракатлари миллионлаб курдларни Туркия ва Эронга қочишга мажбур қилганди. Бу ўз навбатида, курдларнинг гуманитар ҳалокат ёқасида қолди. Уларга ҳар томонлама ёрдам бериш қўшни давлат бўлган Туркиянинг мажбурияти эди. Туркияга кириб келган курдларнинг ўз юртларига қайтиб кетиши учун уларга хавфсиз ҳудуд зарур эди. Бундан ташқари, жуда кўплаб курд фуқаролари олдида Анқара ҳукуматининг курдларга дўст ва яқин эканини, шу орқали Туркиядаги курдлар кўз ўнгида сиёсий авторитетини ошишига хизмат қилишини, шу йўл билан Туркия жанубий-шарқий вилоятларида Курд ишчи партияси террор ташкилотига ёрдам бериш ва уларга қўшилиб кетишининг олдини олишга қаратилган мақсадларни ҳам кўзлаган бўлиши мумкин.

Умуман олганда, курд масаласи минтақада яна долзарб масалага айланди. Шу ерда табиий савол туғилади. Нима учун курдлар 1991 йилдан халқаро сиёсатда жиддий масалага айланди? Биринчидан, курдлар Эрон–

---

[1] İhsan Şerif Kaymaz. Arap – Kürt Karşıtlığı Temelinde Irak’ın Parçalanmasına Giden Yol ve Türkiye. Journal Güvenlik Stratejileri Dergisi, 2005. – s. 25.
[2] İhsan Şerif Kaymaz. Arap – Kürt Karşıtlığı Temelinde... ўша манба.

Ироқ, Ироқ–Кувайт урушида ҳамда “Саҳро бўрони” операцияларида минтақада муҳим актор эканини кўрсата олди. Иккинчидан, 1991 йилга келиб икки қутбли дунё (АҚШ–СССР ёки капитализм ва социализм) барҳам топиб, баъзи таҳлилчилар фикрича, бир қутбли, баъзи таҳлилчиларга кўра кўп қутбли дунёга ўтилди. Бу Яқин Шарқда жиддий геосиёсий ўзгаришларга сабаб бўлди. Минтақада турли этник ва диний қарама-қаршиликлар ривожланиб кетди. Шундай шароитда курдлар масаласи худди 1920 йиллардаги каби катта давлатларнинг сиёсий интригаларида муҳим аҳамият касб эта бошлади. Учинчидан, 1990 йиллардан бутун дунёда миллатчилик масалалари яна қўзғалиб, кўтарила бошлади. Аввал миллатчилик масалалари социалистик давлатларда куч билан, ғарб ёки капиталистик давлатларда иқтисодий-ижтимоий фаравонлик билан бостирилиб турилганди. Аммо бу тизимнинг емирилиши билан инсонларнинг хаёллари ва тушунчаларига тез ва жиддий таъсир қилувчи миллатчилик яна ўртага чиқди. Бу, ўз навбатида, Яқин Шарқ минтақасида курд миллатчилигининг мобилизациялашувига, ташкиллашувига ва ўз миллий давлатларини ташкил этиш хаёлларида идеологик, психологик ва ҳарбий ҳаракатларнинг ташкил этилишига олиб келди. Табиийки, бундай ҳаракатлар ҳам минтақадаги курдлар ҳамда ташқаридаги курд диаспоралари тарафидан юқори савияларда амалга оширила бошланди.

Курд миллатчилиги кучайган ўша йилларда илмий адабиётларда мустақил курд давлатини яратишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида мунозаралар юзага келди. Хусусан, америкалик курд миллатига мансуб Мехрдад Изади бу борада ўз қарашларини илгари сураркан, мустақил курд давлатининг ташкил этилиши Туркия, Эрон ва Суриянинг геосиёсий ва миллий манфаатларига тўғри келишини таъкидлайди. М.Изади ўз асарларида бирида агар мустақил Курдистон ташкил этилса, Туркия бундан фойда кўришини билдириб ўтади. Изадининг фикрича, Курдистон алоҳида бўлиб чиқса, Туркия нисбатан консерватив, қолоқ ва кам маълумотли қисмидан

қутилади ва тезда иқтисодий ривожланишга эришиши мумкин. Бу Туркиянинг Европа Иттифоқига қўшилишини осонлаштиради, чунки у ўз жамиятининг Осиё тарафидан халос бўлади. Шунингдек, Изади ушбу масалани Туркия жанубидаги сув муаммосини ҳал қилиниши билан ҳам боғлайди.[1]

Аммо Изадининг бу фикрларига нисбатан кўплаб қарши аргументлардан бири америкалик тадқиқотчи Р.Олсонга тегишлидир. Р.Олсоннинг таъкидлашича, Курдистонни йўқотиш Туркиянинг Марказий Осиё, Кавказ ва Россиядаги туркий республикалар борасидаги геостратегик мавқеи ва режаларини сезиларли даражада заифлаштиради. Шунингдек, у Туркиянинг шарқий ва жанубий-шарқий минтақаларини назорат қиладиган бирлашган курд давлатини ёки ҳатто бирлашган курд миллий ҳаракатларининг пайдо бўлиши Туркиянинг Озарбайжонга ва эҳтимол Кавказ ва Ўрта Осиёдаги туркий республикаларга киришига тўсқинлик қилиши мумкинлигини билдириб ўтади. Аммо Р.Олсон ўз мулоҳазаларининг якунида мустақил курд давлати ёки бирлашган курд миллий ҳаракати билан биргаликда кучли бир арман давлати Туркияни Кавказ ва Ўрта Осиёдан узоқлаштира олиши ҳақида фикр юритади.[2]

Ўз навбатида, Туркияда ҳам юқоридаги фикрлар фонида кўплаб тушунчалар пайдо бўлади. Айниқса, турк миллатчилари нафақат курд масаласида кескин жавоб бериб келмоқда, балки Ўрта Осиёга тўғридан тўғри уланиш учун Эрон шимолидаги жанубий Озарбайжон маркази Табриз бўлган туркий халқларнинг форслардан мустақил бўлишлари борасида ўз тушунча ва қарашларини кўпинча норасмий муҳитларда тез-тез тилга олмоқда. Жуда кўплаб эронлик азарий ва туркий халқларни (Эронда туркий халқлар тахминан 20-35 миллион атрофида экани илгари сурилади) Туркияда сиёсий

---

[1] Mehrdad Izady. A Coincise Handbook. The Kurds. – Washington, D.C., 1992. – P. 202.
[2] Olson R. The Kurdish Question and Geopolitic and Geostratigic Changes in the Middle East After the Gulf War. Journal of South Asian and Middle Eastern Studies, vol. XVII, N 4, Summer, 1994. – P. 44-67.

бошпана топишларига имконият яратиш билан бирга, нафақат яшаши ва бизнес қилиши, балки сиёсий-ижтимоий ташкилотлар ташкил қилишга кўмаклашиб келади. Бу ишларга қарама-қарши Эрон ҳам Туркиядаги Курд ишчи партиясини (Туркияда бу ташкилот террор ташкилоти ҳисобланади) фаолиятини 1990 йилларда ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Бу ишни Сурия ҳам 90 йилларда фаол амалга оширади.[1] Шунингдек, Ироқда ҳам ПККнинг сиёсий ташкилотлари фаолият юритишини ҳисобга оладиган бўлсак, курд масаласи минтақа давлатлари ичида ҳам бир-бирига нисбатан қайрашда қўлланилишини кўриш мумкин. Аввалги параграфда ҳам кўрсатиб ўтганимиздек, икки курд лидери ҳокимият ва етакчилик учун курашганда (1994-1997 йиллар) Эрбил марказли, курманжи шевасида гапирувчи, кадирий тариқати намояндаси бўлган Масъуд (отаси Мустафа) Барзонийни Туркия қўллаб-қувватлаган бўлса, Сулаймония марказли, сораний шевасида гапирувчи, нақшбандийлик тариқати намояндаси бўлган Жалол Талабонийни Эрон қўллаб-қувватлайди. Қолаверса, Эрон ва Сурия Туркиядаги миллионларни ташкил қиладиган алавийларни (шиа оқими йўналиши) ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келади. Кўриниб турибдики, минтақада бу каби интрига, этник ва диний идентификациясидан келиб чиқиб қўллаб-қувватлаш ва бир-бирига қарши ишлатиш ҳаракатлари жуда кўп учрайди. Бу борада, айниқса, курдлар асосий “интрига воситаси”га айланган.

Шундай бўлса-да, минтақа давлатлари курд масаласида ҳамкорликка асосланган сиёсатьҳам олиб бормоқда. Курд масаласи минтақада беқарорлаштирувчи омил эканини минтақа давлатлари ҳар доим ҳис қилишган. Бу, айниқса, Америка ва Исроилнинг курдларга қизиқишининг ортиши билан минтақада курд давлати қурилиши йўлидаги хатти-ҳаракатлар пайтида Туркия, Эрон, Сурия ва Ироқ давлатлари ўзаро ҳамкорликка асосланган сиёсат юритишга янада туртки бўлди ва 2003 йил АҚШ ва Буюк

---

[1] Olivier Grojean. The Kurdish Question in the Middle East: Regional Dynamics and Return to National Control. IEMed.Mediterranean Yaerbook: Strategic Sectors | Security & Politics, 2018. – pp. 265-268.

Британия ҳарбийларининг Ироққа бостириб киришида яққол кўзга ташланди. Сурия–Туркия ва Туркия–Эрон ушбу масалада ҳамкорлик позицияларини белгилаб олиш учун яқиндан алоқа ўрнатди ва бу борада умумий минтақавий позицияни илгари суриш учун 2003 йил январда Истамбулда Миср, Саудия Арабистони, Сурия, Эрон, Иордания ва Туркия ташқи ишлар вазирлари учрашув ўтказди ва Ироқ инқирозини тинч йўл билан ҳал этишга чақирди. Шу йили апрелда ушбу давлатлар ташқи ишлар вазирлари Ар-Риёдда яна учрашув ташкил қилди ва ҳарбий ҳаракатларга салбий муносабат билдириб, хорижий ҳарбийларни тез кунларда Ироқдан чиқиб кетишларини талаб қилди ва БМТ тинчликпарвар кучларини Ироқдаги вазиятни нормаллаштириш ва тартибга келтириш учун киритиш таклифларини илгари сурди.[1] Чунки Ироқда ҳукуматнинг қулаши ва давлат авторитетининг тушиши Ироқнинг парчаланиб кетиши ва бунда биринчи навбатда Саддам билан азалий адоватда бўлиб келаётган курдлар алоҳида давлат бўлиб ажралиб чиқишига имконият яратилишидан хавотир жуда катта эди.

Бу борада, айниқса, Туркия ҳаммадан кўпроқ ташвишга тушади. 2003 йил Туркия парламенти АҚШ ҳарбийларининг Туркиядан ўтишини қўллаб-қувватламайди. Аммо Саддам Ҳусайннинг ҳокимияти ағдарилиши учун келиб чиққан хаос пайтида Ироқда шиаларнинг мавқеи ортиши Туркияни жиддий маънода ўйлантира бошлади. Чунки Туркия Усмонли давлатининг мероси сифатида Ироқда 1514 йилги Чалдиран урушидан кейин суннийлар ҳокимиятини ўрнатган ва буни бой бериши бир йўқотиш эди. Шу боис, Туркия сунний бўлган курдлар билан яқинлашишга ўтди. Аммо бу 2005 йилдан Курд ишчи партиясининг (ПКК) террористик ҳаракатлари ва Ироқнинг шимолидан логистик ёрдам олиши давом этиши ва у ерни таянч базаси сифатида фойдаланиши, Ироқ курдларининг бошқарувчилари КДП

---

[1] Дунаева Е.В. Отношение региональных соседей к проблеме Курдской автономии в Ираке. КУРДСКИЙ ВОПРОС В ЗАПАДНОЙ АЗИИ В НАЧАЛЕ XXI ВЕКА (Сборник статей). Отв. ред., О.И.Жигалина. М.: Институт Ближнего Востока, 2006 – С. 37.

(Масъуд Барзоний) ва КЮБ (Жалол Талабоний) етакчилари билан ПКК масаласидаги келишмовчиликлар Туркиянинг Ироқ марказий ҳукумати билан ҳамкорликни кучайтиришига олиб келди.

Ироқда бўлиб ўтган 2010 йилги сайловларда шиа гуруҳларидан ташкил топган Миллий Иттифоқ партиясининг Эронга яқинлиги билан танилган Нури ал-Маликининг бош вазир бўлиб сайланиши, Туркиянинг Ироқ Курдистон автоном республикаси (ИКАР) билан яқинлашувига ҳамда туркларнинг Ироқ курдлари билан энергетика ва тижорат соҳасида ҳамкорликни кучайтиришига сабаб бўлди. Тадқиқотчи Билгай Думаннинг фикрича, Туркиянинг 2010 йилдан ИКАР билан яқин ҳамкорлигининг тагида марказий ҳукуматдан борган сари узоқлашган ва мустақил ташқи сиёсат олиб бораётган ИКАРни назорат қилиш орқали Туркияга зарар бериши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган деб тушунишимиз мумкин.[1]

Умуман олганда, Туркия ташқи сиёсатида Ироқ икки жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Биринчиси, савдо бўйича ҳамкорлик, иккинчиси эса ПККга қарши кураш. Туркия ва Ироқнинг ўзаро савдо айирбошлаш ҳажмига қарайдиган бўлсак, 2010 йил 6.189 млрд. долларни, 2012 йил 10.979 млрд. долл., 2013 йил 12.104 млрд. долл., 2017 йил 10.584 млрд. долларни ташкил этган бўлиб, асосан 95-98% Туркиянинг экспорти ҳисобланади. Масалан, 2013 йили ўзаро савдо айрибошлашда Туркиянинг Ироққа экпорти 11.958 млрд. долларни ташкил этган бўлса, Ироқнинг Туркияга экспорти бор йўғи 146 миллион долларни ташкил этган.[2] Бундан кўриш мумкинки, Туркиянинг халқаро савдо айланмасида Ироқ Туркия савдо балансини ижобий томонга таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, Туркия Ироққа энг кўп (5 млрд. доллар) қарз ва кредит берган давлатлар қаторидадир.

---

[1] Bilgay Duman. Türkiye-Irak İlişkilerinin Dönemsel Dinamikleri ve İlişkilerin Geleceği. Ortadoğu Araştırmalar Merkezi (ORSAM), No:232/Temmuz 2019. – S. 5.
[2] Манба: Bilgay Duman. Türkiye-Irak İlişkilerinin... ўша манба 10 бет.

Иккинчи жиҳатдан Туркия–Ироқ муносабатларида курд муаммоси ва курд террор ташкилотларига қарши кураш ҳар икки тараф учун муҳим аҳамиятга эга. ПККнинг Ироқда мавжудлиги Ироқнинг Туркия билан муносабатлари ривожланишига салбий таъсир қилмоқда. ПКК террор ташкилотининг Ироқнинг шимолида (Туркия билан чегарадаги тоғли ҳудудларда) жойлашуви 1991 йилдан буён Ироқ марказий ҳукуматининг ҳокимияти ва назоратидан чиқиши, Ироқ марказий ҳукуматининг террор ташкилоти ПККнинг жойлашган минтақаларга аралашувини қийин аҳволга туширмоқда. Шундай бўлса-да, ПККни Ироқнинг Синжар, Маҳмур, Керкук каби вилоят ва туманларида мавжудлигини ҳисобга оладиган бўлсак, Ироқ марказий ҳукумати энг камида бу шаҳарлардаги террор ташкилотларининг фаолиятларини тўхтатишга унчалик ҳам эътибор қаратмаяпти. Шунингдек, ПККнинг Ироқдаги сиёсий ташкилоти бўлган Тевгара Азади номли партия, Сулаймония марказидаги Шаҳсувар Абдулвахид етакчилигидаги Янги Насл (Невей Нве) ҳаракати билан бирликда 2018 йил 12 майда Ироқда бўлиб ўтган сайловларда иштирок этди ва ПККнинг тоғдаги командирларидан бири ҳисобланган Юсра Режеб Ироқ парламентига депутат бўлиб сайланди.[1] Бу ҳолатлар шуни кўрсатадики, Ироқ марказий ҳукумати ПККнинг Ироқдаги сиёсий филиаллари фаолиятига чек қўйиш ва ПКК кадрларини мамлакатдан чиқариб юбориш каби ишларни амалга оширишга шошилмаяпти. Ўз навбатида, Туркия ҳам бу ҳолатга кескин реакция қилмасдан, прагматик сиёсатини, айниқса, савдо алоқаларини ривожлантириб келмоқда.

Шу билан биргаликда, Туркия ва Ироқ кези келганда курд масаласига жиддий ёндашмоқда ва яқин ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Бу, хусусан, Ироқ Курдистони автоном республикасининг 2017 йил 25 сентябрда бўлиб ўтган мустақиллик учун референдуми пайтида яққол кўринди. Шунингдек, нефтга бой Керкук вилоятининг мустақил Курдистон таркибига олишга уринишда

---

[1] Bilgay Duman. Türkiye-Irak İlişkilerinin Dönemsel Dinamikleri ve İlişkilerin Geleceği. Ortadoğu Araştırmalar Merkezi (ORSAM), No:232/Temmuz 2019. – S. 10.

Ироқ ва Туркия жиддий эътирозлар билан чиқди. Ироқ марказий ҳукумати Ироқ Курдистонининг конституциявий чегаралари (Эрбил, Сулаймония, Дуҳок) ташқарисида бўлган ва ихтилофли сифатда кўринган минтақаларга қарата 2017 йил 16 октябрда бошлаган операциясини Туркия ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Туркия ҳам, ўз навбатида, турк фирмаларининг ИКАРга инвестицияларини тўхтатиб, Эрбил ва Сулаймонияга учувчи ва у ердан келувчи самалётларга Туркиянинг ҳаводаги ҳудудини ёпди. Курдларнинг мустақиллиги ва Керкук масалаларида қатъий туриш, биргаликда хатти-ҳаракат қилиш бўйича ҳамкорликни кучайтириш учун 2017 йил 25 октябрда Ироқ бош вазири Ҳайдар ал-Абади Туркияга ташриф билан келади.[1] Қолаверса, Туркия курдларнинг Керкук вилоятини ўз тасарруфига ўтказишга ҳаракатини қаттиқ танқид қиларкан, бу Керкукда яшаётган юз минглаб туркманларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига зид эканини таъкидлаган эди.[2]

Минтақадаги йирик давлатлардан бири бўлган Эрон ҳам курдлар масаласида баъзан жиддий, баъзан юмшоқ ёки фойдали сиёсат олиб бормоқда. Аввало, Туркия билан муносабатларида курдлар масаласи муҳим ўринга эга. Бу хавфсизлик масаласи билан бевосита боғлиқлиги учун янада долзарблашади. 1990 йилларда ПКК масаласи Эрон, Сурия, Ироқ ва Туркия орасидаги муносабатларда жиддий инқирозлар келтириб чиқарувчи муаммо эди. Бу даврда Эрон ва Сурия ПККга бевосита ва билвосита ёрдам бериб келаётгани таъкидланади. Ироқ эса икки урушни (Эрон–Ироқ уруши ва Ироқ–Қувайт уруши) бошидан кечиргани туфайли давлатнинг нуфузи тушиб, ПККнинг Ироқдаги фаолиятига тўсиқ бўла олмади. ПКК хужумларининг ортиши Туркиянинг Сурияга қарши қаттиқ босим қилишига сабаб бўлади. Натижада Сурияда қўним топган ПКК етакчиси Абдулла Ўжаланни

---

[1] Emrah Kekilli, Bünyamin Keskin. Kapidaki Kriz Barzani'nin Bağimsizlik Israri. SETA, Eylül 2017, Sayı: 217. Erdoğan'dan IKBY'deki referanduma tepki: Giriş-çıkış kapatılacak, bir gece ansızın gelebiliriz // https://www.bbc.com/turkce/haberler-dunya-41383662

[2] Bilgay Duman. Türkiye-Irak İlişkilerinin... ўша манба.

Суриядан 1998 йилда чиқариб юборилишига ҳам олиб келади.[1] Бу пайтда Ироқдаги икки курд етакчилари М.Барзоний ва Ж.Талабонийни қўллаб-қувватлашда Туркия–Эрон рақобатда бўларкан, ПККнинг Эрон чегараларидан Туркияга ўтиб хужум қилишлари ҳам ортганди. Буни Анқара кўп маротаба танқид қилиб чиқади. Хусусан, 1995 йил 20 июнда Туркиянинг ўша пайтдаги президенти Сулайман Демирел Эрон ташқи ишлар вазири ўринбосари Алааддин Буружердига, Эронга берган бир қанча огоҳлантиришлари эътиборга олинмаганлигини ва чегаралардан сизиб ўтишлар (инфилтрация) давом этаётганлигини билдириб ўтади.[2] С. Демирелнинг гапида асос бор эди. Чунки 1995 йил 15 июнда 200 кишилик ПКК гуруҳи Эрон чегараларидан ўтиб қилган хужуми натижасида 20 турк аскари ўлдирилади ва 11 аскар яраланади.[3]

2000 йиллардан бошлаб Эрон, Туркия ҳамда минтақанинг бошқа давлатлари курд масаласида яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни бошлади. Бунга икки омил ўз таъсирини кўрсатди. Биринчиси, ўзаро савдо алоқаларининг ривожланиши ва бир-бирига бўлган боғлиқликнинг ортиши, иккинчиси, АҚШ ва Исроилнинг минтақада курдларга эътиборининг ортиши ва АҚШ–Буюк Британиянинг Ироққа бостириб кириши сабаб бўлганди.

Юқорида кўрганимиздек, АҚШ интервенцияси минтақа давлатларининг кескин эътирозига сабаб бўлди. Минтақадаги беқарорлик вазиятининг ортиши Эрон ва Туркия ўртасида 2004 йил хавфсизлик борасида келишув имзоланишига ва Эрон ПККни террор ташкилоти сифатида қабул қилишига эришилади. Бу келишувдан кейин икки давлат чегараларини ҳимоя қилиш учун ПКК фаолиятига қарши хавфсизлик маълумотлари алмашинуви ва бошқа ҳамкорлик масалаларида биргаликда ҳаракат қилишни бошлайди.[4]

---

[1] Fuat Aksu. 1998 Suriye (Öcalan) Krizi. // http://www.tdpkrizleri.org/index.php/1998-suriye-oecalan-krizi (Маълумот олинган сана: 06.05.2020).
[2] Serpil Çevikcan, "İran'a İkinci Uyarı", Milliyet, 21.06.1995. Манба: Mustafa Yetim, Rıdvan Kalayci. Türkiye İran İlişkileri: "Sıfır Sorun Mu", Nükleer Sorun Mu?. Akademik ORTA DOĞU, Cilt 5, Sayı 2, 2011. – S. 95.
[3] "PKK İran'dan Saldırdı". Milliyet, 17.06.1995. Манба: Mustafa Yetim, Rıdvan Kalayci, ўша жойда.
[4] Stephen F. Larrabee. "Turkey's New Geopolitics", Survival, vol. 52, No. 2, 2010. – P. 164.

Эрон 2004 йил апрелда Эронда ташкил топган ПКК билан яқин алоқалари бўлган PJAK (Partiya Jiyana Azad a Kurdistanê, инглизчаси Kurdistan Free Life Party) билан курашишни бошлади. Шундай қилиб, бу икки террор ташкилоти билан курашиш Туркия ва Эронннинг хавфсизлик борасида ҳамкорлигининг асосларини ташкил этди. Эрон Туркиянинг 2007 йилда Шимолий Ироқда амалга оширган ҳаво операцияларини қўллаб-қувватлади ва 2008 йил февраль ойида Ироқ шимолида амалга оширган саккиз кунлик қуруқликдаги операцияларини ижобий баҳолади. Шу йили икки давлат террористик ташкилотлар билан курашда фаол ҳаракат қилиш мақсадида хавфсизлик борасида ҳамкорликни имзолади.[1] Бу ҳамкорлик доирасида 2008 йилда икки давлат террористларни йўқ қилиш мақсадида бир вақтда ўзаро координацияларни алмашган ҳолда ўз ерларида ПКК/ПЖАКга қарши операцияларни олиб борди ва бир қанча террористлар йўқ қилинди.

Эрон 2010 йил июлда ўз худудида ПКК/ПЖАКга қарши операция олиб бориб 9 та террорчини йўқ қилиб, 5 тасини ўлимга маҳкум қилади. Айни шу йили Сурия ҳам ўз ҳудудида ПККга ва 2003 йил сентябрда ташкил топган PYD (Partiya Yekîtiya Demokrat, инглизча, Democratic Union Party) қарши операциялар ташкил қилиб 500 га яқин ПКК ва ЙПГ тарафдорларини қўлга олади.[2]

Кўрганимиздек, Ироқ, Сурия, Эрон ва Туркия орасида ПКК ва курдлар масаласи минтақавий хавфсизлик масаласида яқинлашув ва ҳамкорлик заминини ташкил этди. Бу тўрт давлатнинг бир нуқтада бирлашуви 2003 йил Ироқ урушидан кейин Ироқда пайдо бўлган вазиятлар билан бевосита боғлиқдир. Курд давлатининг қурилиши таҳдидини ҳис қилган бу тўрт давлат бир-бирларининг муаммоларини ечишда курдлардан фойдаланувчи провокацион сиёсатни тарк этиб, минтақавий барқарорлик сари ҳамкорликни

---

[1] Daphne McCurdy, “Turkish-Iranian Relations: When Opposite Attract”. Turkish Policy Quarterly, 2008. – P. 96-99.
[2] Mustafa Yetim, Rıdvan Kalayci. Türkiye İran İlişkileri, ўша жойда.

ривожлантириш томон ҳаракат қила бошлади. Бошқа тарафдан Туркия, Эрон ва Суриянинг ҳамкорлиги АҚШнинг минтақадаги сиёсатида курдларга яқинлашувига ҳам сабаб бўлди. Гап шундаки, АҚШ БМТ мандатисиз Ироққа ҳарбий ҳаракатларни бошлайди. Ироққа хужумидан олдин Туркия ва Қувайтга умид қилади. Туркия орқали Ироқ шимолидан, Қувайт орқали Ироқ жанубидан кириб бориб Боғдодни эгаллаш ва Саддам ҳокимиятини оғдаришни режалаштиради. Аммо АҚШнинг Туркияга бўлган НАТО доирасидаги иттифоқчилик умидлари ёки режалари Туркия парламенти томонидан 2003 йил 1 мартда Туркиянинг Ироқ ишғолида иштирокини рад этувчи нота (туркчада Tezkere (нота) Krizi) инқирози ва 2003 йил июлда бўлиб ўтган Сулаймония инқирози ёки Çuval Krizi[1] (Бошга қоп кийгазиш инқирози) Туркия–АҚШ муносабатларини кескинлаштирди ва Туркиянинг минтақадаги давлатлар билан алоқаларини янада ривожлантириш ва айниқса, курдлар масаласида муҳим ҳамкорликларни ўрнатишга сабаб бўлади. Қолаверса, ўша пайтларда Туркия ҳокимиятига келган АК партияси ва айниқса, ҳозирги президент Р.Эрдоганнинг ўша пайтдаги бош маслаҳатчиси ва кейинчалик ташқи ишлар вазири Ахмет Давутўғлунинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва юритилган “қўшнилар билан ноль муаммо” (турк.

---

[1] Ироқ уруши олдидан Туркия ва АҚШ ўртасида инқироз юзага келди. Инқирозга сабаб Ироқ уруши олдидан АҚШ ҳукумати ва ҳарбийлари операцияда иштирок этиш учун Туркиянига даъват қилганда дастлаб Туркия рози бўлади. Ҳатто, Туркия 62 минг ҳарбий аскарлар ва 255 ҳарбий самолёт билан иштирок этиш ва Инжирликдаги НАТО ҳарбий базасини қўллашда қолаверса кўплаб аэропортларидан ва денгиз портларидан фойдаланишга рухсат беришини билдиради. Маълумотларга кўра, Туркия бундан мўмайгина даромад олишни ва Шимолий Ироқда бир курд давлатини ташкил топишининг олдини олишни кўзда тутган ва баъзиларга кўра, ўша пайтларда ҳали бош вазир этиб сайланмасдан олдин депутат сифатида Америкага сафар қилган Р.Эрдоган АҚШ президенти Ж.Буш ва бошқа юқори мансаб эгалари билан учрашиб, уларга операцияга қўшилишини ваъда қилган. Аммо, Туркиянинг операцияга қатнашиш борасида Туркия парламентда 2003 йил 1 мартда бўлиб ўтган овозга қўйиш (Туркия тарихида бу “1 Mart Tezkeresi” деб номланади) натижасида унда қатнашган 533 депутатдан 264 таси рози, 250 таси қарши ва 19 таси тарафсиз бўлиши бу операцияда Туркиянинг қатнаша олмаслигини кўрсатганди. Бу АҚШнинг умидларини ва режаларини йўққа чиқарганди. Шундай бўлсада, Туркия АҚШ билан конфликтга бормаслик учун ҳаво йўлларини операцияда америкаликларга очади. Аммо, АҚШ буни шу ҳолатда қолдирмади. 2003 йил 4 июлда Туркиянинг Шимолий Ироқдаги фаолиятларини таҳдид сифатида кўрган АҚШ Ироқнинг Сулаймания вилоятида турк ҳарбийларини асир олиб бошларига қоп кийгазиб Ироқ чегарасидан чиқариб юборада ва турк ҳарбийларини Ироқда ҳарбий ҳаракатлар олиб боришини таъқиқлайди. Бу Туркия тарихида Сулаймания инқирози ёки “Çuval (қоп дегани) olayı” деб номланади. Бу воқеалар НАТОда иттифоқчи бўлган Туркия ва АҚШ ўртасида жиддий инқрозларга сабаб бўлади. Батафсил маълумот учун қаранг: Ayşe Küçük. 2003 Süleymaniye Krizi, 10 Ekim 2013. http://www.tdpkrizleri.org/index.php/2003-sueleymaniye-cuval-krizi (Маълумот олинган сана: 06.05.2020).

komşularla sıfır sorun) сиёсати Туркиянинг Отатуркдан бери келаётган Европа томон сиёсат принципларида катта ўзгариш бўлиб, эндиликда қўшнилар ва Яқин Шарқ минтақаси Туркия ташқи сиёсатининг муҳим йўналишига айланган эди.[1]

Ўз навбатида, АҚШ-Ироқ сиёсатида курдлар билан биргаликда ҳаракат қила бошлайди ва ПККни Ироқнинг шимолига яна жойлашуви ва Туркияга хужумлар уюштириши Туркияни хавфсизлик масаласида минтақа давлатлари билан яқинлаштиради. Бошқа тарафдан, Эрон эса ПЖАКнинг АҚШ томонидан қўллаб-қувватланаётганини иддао қилиниб, ПЖАКнинг айирмачи ҳаракатларини олдини олиш мақсадида Туркия билан ҳамкорлик қилиши ва биргаликда курд сепаратистларига қарши курашни фаоллаштиради. Сурия ҳам Башар Асаднинг ҳокимиятга келиши билан бошланишида Туркия билан яқин ҳамкорлик ўрнатишга киришади ва ПККнинг тарафдорларига қарши курашда яқин ҳамкорликни ўрнатади. Аммо бу ҳамкорликлар ва Туркиянинг Эрон ва Сурия билан дўстона ҳаракатлари 2011 йил “Араб баҳори” бошланиши билан юз берган Суриядаги ички фуқаролик урушлари даврида тамоман ўзгаради ва йўққа чиқади.

“Араб баҳори”дан олдин курдлар масаласида Туркия–Сурия муносабатларининг тарихини бироз кўриб чиқишимиз мақсадга мувофиқдир.

Туркия билан Сурия ўртасидаги муносабатлар тарихида ҳар доим потенциал конфликт муҳитининг мавжудлигини кўриш мумкин. 1939 йил Хатай вилоятининг Туркияга қўшилишидан сўнг икки давлат ўртасида беқарорлик муҳити ҳукм суриб келади. Шунингдек, икки давлатнинг “Совуқ уруш” даврида фарқли блокларда жойлашуви хавфсизлик масаласида таҳдид тушунчасини янада кучайтиради. Қолаверса, Туркиянинг жанубий-шарқий вилоятларида ривожланишни таъминловчи гидроэнергетик лойиҳаларни

---

[1] Kemal İnat, “Ortadoğu’da Ankara Washington Dengesi ve Davutoğlu Vizyonu”. Açık Görüş, 18 Temmuz 2008; Süleyman Güder, Muhammed Hüseyin Mercan. 2000 Sonrası Türk Dış Politikasının Temel Parametreleri ve Orta Doğu Politikası. İnsan & Toplum Dergisi, 2012.

амалга оширишга киришиши икки давлат ўртасида сув муаммосини келтириб чиқаради.

Ушбу муаммоларга кейинчалик бошқа бир муаммо келиб қўшилди. Бу Туркияда айирмачи курд сепаратистларига Сириянинг ёрдами масаласи эди. Курд сепаратистлари Сурия–Ливан чегарасидаги Хелве лагерида биринчи конференциясини ўтказади ва Сурия назоратидаги ҳудудларда ўқув машғулотларини олиб боради.[1] Сириянинг курдларга ёрдами Туркиянинг жануби-шарқий ҳудудларида террористларга қарши курашни қийинлаштирди ва ҳудудий яхлитлигини таҳдид остига тушириб узоқ муддатли кураш олиб боришга мажбур қилди. Бу хавотирларини Туркия дипломатик йўллар орқали Сурияга билдиришлари етарлича қаноатлантирилмайди. 1984 йил Туркия президенти Эврен Сурия президенти Ҳафиз Асадга мактуб йўллаб икки давлат орасида чегара хавфсизлигини таъминлаш ва террористларнинг кириб-чиқишларига якун ясаш акс этган келишувни таклиф қилади ва бу таклиф Сурия тарафидан қабул қилинади. Икки давлат ўртасида бу борада 1987 йил келишув имзоланади. Сириянинг бундай келишувга боришида бир шарт қўяди. Бу шарт Туркия Сурияга бир сонияда 500 метр куб сув беришга қаратилади ва Туркия бунга рози бўлади.[2]

Аммо 1989 йил 1 октябрда Туркия бош вазири Т.Ўзал Сурияни 1987 йилги протокол шартларига амал қилмаётганлиги ва Туркияга нисбатан душманлик хатти-ҳаракатини ўзгартирмасдан икки давлат ўртасида ҳамкорликнинг ривожланмаслигини ва “агар Сурия имзолаган протоколга мувофиқ иш тутмаса ва ПККга ёрдамни давом эттирса, Туркия ҳам 1987 йил имзоланган иккинчи протоколга амал қилмаган ҳолда Сурияга бир сонияда 500 метр куб сув беришдан воз кечади”, деб айтиб ўтади.[3] Аммо Сурия террор ташкилотларга ёрдам ҳақидаги фикрларни рад этиб, Абдулла

---

[1] Yalçın Yelence. İnfazsız Yargı. İstanbul: Otopsi Yayınları, 2005.
[2] Oktav Özden Zeynep. Water Dispute and Kurdish Separatism in Turkish-Syrian Relation. The Turkish Yearbook Vol. XXXIV, 2003.
[3] Oktav Özden Zeynep, ўша манба.

Ўжаланнинг Сурияда эмаслигини, Бекаа ҳудудида эса Сурия томонидан фаол назорат ўрната олмаганини таъкидлайди.[1] Шундай қилиб, икки давлат ўртасида вазиятлар таранглашади.

1993 йил хавфсизлик масаласида икки давлат ўртасида янги бир протокол имзоланди.[2] Аммо ушбу протокол ва огоҳлантиришларга қарамай, Сурия ПККга ёрдамини давом эттиради ва 1995 йил чегарадан ўтиб Хатай вилоятига хужум қилади. 1995 йил 24 ноябрда Самандағдан чегарани кесиб ўтиб Туркия ҳудудига киришга уринган ПКК гуруҳи билан тўқнашув юз беради. Бу тўқнашувда турк ҳарбийлари ПКК жангариларини таъқиб қилиб Сурия ҳудудига ҳам кириб боради ва зирҳли қўшинлар Сурия ҳудудига кириб бориш билан бирга артиллериядан Сурия ҳудуди ўққа тутилади.[3]

Бу воқеалар жараёнида Туркия Сурияга аниқ ва қатъий талаб қўяди. Унда шундай дейилади:

“Биз Суриядан халқаро муносабатларнинг асосий нормалари ва қоидаларига риоя қилишини ва қуйида келтирилган аниқ талабларимизга ижобий жавоб беришини кутамиз ва шундагина Сурия билан алоқаларимиз нормал ҳолатга қайтиши мумкин.

Бунга кўра:

Туркия–Сурия муносабатлари Суриянинг терроризмни қўллаб-қувватлаганлиги сабабли жиддий зарар кўрганлигидан келиб чиқиб, Суриянинг баъзи мажбуриятлари борлигини расман қабул қилиши ва терроризмга ёрдам масаласида бугунги кунгача давом эттириб келаётган хатти-ҳаракатларидан воз кечишини истаймиз. Ушбу мажбуриятлар расмий равишда террористларни қўллаб-қувватламаслик, бошпана бермаслик ёки молиявий ёрдам бермаслик мажбуриятларини ўз ичига олиши керак.

---

[1] Oktav Özden Zeynep, ўша манба.
[2] Fuat Aksu. 1998 Suriye (Öcalan) Krizi. // http://www.tdpkrizleri.org/index.php/1998-suriye-oecalan-krizi (Маълумот олинган сана: 06.05.2020)
[3] Fuat Aksu. Юқоридаги манба.

Шунингдек, Сурия ПКК раҳбари Абдулла Ўжаланни жавобгарликка тортиши, ПКК фаоллари ва шерикларини Туркияга топшириши керак.

Бу доирада Сурия:

Ўз назорати остидаги ҳудудларда терроризмга оид ўқув машғулотлари лагерларининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатишига йўл қўймаслиги керак;

ПККни қурол билан таъминламаслиги ва уни логистика материаллари билан қўллаб-қувватламаслиги керак;

ПКК аъзоларига қалбаки гувоҳнома (паспорт) бермаслиги керак, террористларнинг Туркияга расмий йўллар билан кириши ёки бошқа йўллар билан кириб келишини таъминлашни тўхтатиши лозим;

Террорист гуруҳларнинг ташвиқот фаолиятига йўл қўймаслик, ПКҚнинг Сурия ҳудудидаги объектлар ва сайтлардан фойдаланишига имкон бермаслик;

Учинчи давлат террористларга Туркияга ўтиш имкониятларини бермаслик;

Шу билан бирга, Сириянинг терроризмга қарши кураш доирасидаги барча тадбирларда ҳамкорлик қилиш кутилмоқда.

Сурия бу ҳаракатларидан зудлик билан воз кечмаса, Туркия барча оқибатларни, етказилган зарарларни ҳисобга олган ҳолда, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш (self-defense) ҳуқуқини қўллаган ҳолда ҳаракат қилишини маълум қилади”.[1]

Бу борада Туркиянинг жиддий эканини билдириш мақсадида 1998 йил 16 сентябрда Қуролли кучлар қўмондони Атилла Атеш Хатайда огоҳлантириш мурожаатини қилди. Шу йили 1 октябрда Туркия президенти Сулайман Демирел Туркия парламентидаги маърузасида Туркиянинг бу борада қатъий эканини яна бир бор таъкидлади. Икки давлат ўртасидаги

---

[1] Fuat Aksu. 1998 Suriye (Öcalan) Krizi. // http://www.tdpkrizleri.org/index.php/1998-suriye-oecalan-krizi (Маълумот олинган сана: 06.05.2020)

муносабат таранглашаётганлигини билган ҳолда Миср президенти Ҳусни Муборак ўртага тушиб дипломатик воситачиликни бажаради. Ҳ.Муборак юборган делегатлар ва музокаралардан кейин Туркиянинг юқоридаги талабларини инобатга олувчи Адана протоколи 1998 йил 20 октябрда имзоланади.

Адана протоколини имзоламасидан олдин 1998 йил 9 октябрда А.Ўжалан Суриядан чиқариб юборилади ва 12 октябрда Туркияга келган Миср ташқи ишлар вазири Амр Муса, Суриянинг Туркия истак-талабларига амал қилишга тайёр эканини маълум қилади. Кейин 19 октябрда Туркия ва Сурия ваколатли вакиллари Аданада учрашиб музокараларни бошлайди. Музокаралар натижаси сифатида 20 октябрда Адана протоколи имзоланади. Унга кўра:[1]

1. Ўжалан шу вақтдан Сурияда эмас ва унга Сурияга киришга рухсат берилмайди.

2. ПКК тарафдорларининг Сурияга кириши таъқиқланади.

3. ПКК лагерлари шу вақтдан бошлаб ишламайди ва улар фаолиятига рухсат берилмайди.

4. ПКК аъзоларининг кўпчилиги ҳибсга олинган ва терговга топширилган. Уларнинг рўйхатлари бор ва бу рўйхатлар туркларга берилган.

Сурия томони юқорида айтиб ўтилган фикрларни тасдиқлаган ҳолда томонлар, шунингдек, қуйидаги масалаларни келишиб оладилар:

1. Сурия ўз ҳудудидан келиб чиқадиган ва Туркиянинг хавфсизлик ва барқарорлигига путур етказадиган бирон бир фаолият ва ҳаракатларга йўл қўймайди. Сурия ПККга ўз ҳудудида қурол-аслаҳа, логистика материаллари ва молиявий ёрдам ва ташвиқот билан таъминлашга рухсат бермайди.

---

[1]Fuat Aksu. 1998 Suriye (Öcalan) Krizi. // http://www.tdpkrizleri.org/index.php/1998-suriye-oecalan-krizi (Маълумот олинган сана: 06.05.2020)

2. Сурия ПККни террорист ташкилот сифатида қабул қилади. Мамлакатда бошқа террор ташкилотлари билан бирга, ПКК ва унинг барча филиалларининг фаолиятларини таъқиқлайди.

3. Сурия мамлакатида ПККнинг ўқув-машғулот ва бошпана мақсадида лагерлар қуриш ва бошқа алоқа хизматларини шакллантиришига рухсат бермайди.

4. ПКК тарафдорларининг ўз мамлакатларидан учинчи бир давлатга ўтишда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

5. Сурия ПКК террор ташкилоти бошлиғининг Сурия ҳудудига киришига йўл қўймаслик учун барча чораларни кўради ва бу йўлда чегара ўтказиш пунктларига кўрсатма беради.

Томонлар юқоридаги чора-тадбирларни самарали ва ошкора амалга ошириш учун баъзи механизмларни яратишга келишиб оладилар. Шу нуқтаи назардан:

а) Икки мамлакатнинг юқори даражали хавфсизлик ходимлари ўртасида дарҳол ва тўғридан-тўғри телефон линияси ўрнатилади ва фойдаланилади.

б) Томонлар бир-бирларининг дипломатик ваколатхоналарига икки нафар махсус зобитни тайинлашади ва бу вакиллар ваколатхона бошлиқлари сифатида мамлакат ҳукуматига тақдим этилади.

в) Сурия терроризмга қарши кураш доирасида, Туркия томони хавфсизликни кучайтириш чоралари ва уларнинг самарадорлигини назорат қилиш тизимини яратиш бўйича таклифларини, ўз давлатининг тегишли органларига мақуллаш бўйича топширади ва унинг натижасини иложи борича тезроқ хабардор қилади.

г) Томонлар ПКК терроризмига қарши кураш масаласини Ливаннинг розилигини олиш шарти билан уч томонлама ҳаракат қилишга келишиб олдилар.

д) Сурия томони ушбу “Протокол”да қайд этилган масалаларни амалга ошириш учун зарур чораларни кўриш ва аниқ натижаларга эришиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Ушбу Адана келишуви шуни кўрсатдики, Туркия Сурияга ўз кучини ўтказа олган ва Сурия заиф позицияда қолдирган. Буни ўша пайтда 2-армия қўмондони генерал Айтач Ялманнинг берган интервьюсидан ҳам кўришимиз мумкин: “Агар Дамашқ Анқаранинг таҳдидига эътибор бермаса нима бўларди?” саволига Айтач Ялман “Нима бўларди! Сурияга ҳарбий ҳаракатларни бошламоқчи эдик. Режалар тайёр эди. Дамашқгача борардик... Бизни тўхтата олмасди. У бунга қодир эмасди. Унинг қўшинларининг катта қисми Исроил чегарасида эди. Жанг қилишга жиддий кучи йўқ эди. Жанг қилиш қобилияти ҳам йўқ эди. Совет Иттифоқи тарқаб кетган ва Россия ёрдам бера олмаётганди. Сурия эҳтиёт қисмлардан азият чекаётган ва ҳарбий самолётлари уча олмаётганди, танклари юра олмасди. Биз ҳам қатъий қарор қилгандик... Сурия нима қилди? У эътироз билдира олмади. Унинг ўзи ҳам армиясининг заифлигини биларди. Шу боис, Апо (Абдуллах Ўжаланнинг лақаби)ни чиқариб юборишга мажбур бўлди... Қуролли кучлар ўзининг жозибадор кучи билан ҳам урушмасдан ўз вазифасини бажаради. Бизнинг армиямиз бу вазифани муваффақиятли бажарди”.[1]

Ундан кейинги жараёнларда курдлар масаласида Туркия–Сурия ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилди. Айниқса, 2003 йил Ироқ уруши арафасида бу масала ҳар икки давлат учун муҳим аҳамият касб этди. Курдларни АҚШ ва Исроил қўллаб-қувватлаши билан вазият янада жиддийлашди. 2003 йил сентябрда ташқи кучлар ёрдамида PYD (Partiya Yekîtiya Demokrat, инглизча, Democratic Union Party) ташкил этилгач, Туркия ва Сурия ушбу ташкилотга қарши ҳамкорликда операциялар ташкил қилишни бошлади. Бу ҳолат, яъни курдларга қарши кураш 2011 йилгача давом этди. Аммо “Араб баҳори”нинг

[1] Fuat Aksu. 1998 Suriye (Öcalan) Krizi. // http://www.tdpkrizleri.org/index.php/1998-suriye-oecalan-krizi (Маълумот олинган сана: 06.05.2020).

бошланиши ва Суриядаги ички можаролар пайтида вазият тубдан ўзгарди. Биринчидан, курд сепаратистларига, PYD/YPG ташкилотларига АҚШ ва Исроил каби кучли акторлар томонидан тўғридан–тўғри ёрдам берилиши, иккинчидан, Башар Асад режимининг Россия ва Эрон томонидан қўллаб-қувватланиши Тукрияни мушкул аҳволга тушириб қўйди.

“Араб баҳори” деб ном олган фуқаролик урушлари Сурияда жиддий инқирозга сабаб бўлди. Минтақа давлатлари иккига бўлинди. Биринчиси, Эрон, Ироқ бошчилигида Башар Асад ҳокимиятини ҳимоя қилувчилар, иккинчиси, Туркия, Саудия Арабистони бошчилигида Б.Асадга қарши кучларни қўллаб-қувватловчилар. Бу Туркиянинг минтақада “қўшнилар билан ноль муаммо” сиёсатининг ҳам мувафаққиятсиз якунланганини билдирар эди. Чунки Туркиянинг Сурия инқирози туфайли Эрон, Ироқ Сурия билан муносабатлари ёмонлашди. Туркия ИШИД террористик ташкилоти ва курдларнинг PYD/YPG ташкилотларига қарши курашда Озод Сурия Армияси/Сурия Миллий Армияси (турк. Özgür Suriye Ordusu/Suriye Milli Ordusu, араб. Ceyş-ül-Vatani) ташкилотларини қўллаб-қувватлаб, улар билан биргаликда Сурия шимолида PYD/YPG/PKK ва ИШИДни йўқ қилиш мақсадида 2016 йил Фират Қалқони (турк. Fırat Kalkanı) ва 2018 йилда Зайтуншоҳи (турк. Zeytindalı Operasyonu) операцияларини олиб борди.[1] Албатта, бу операциялар давомида турклар кўплаб қурбонлар берди ва катта йўқотишларга ҳам учради. Бошқа тарафдан, юқорида ҳам таъкидлаганимиздек, АҚШ ва Исроил ИШИД террористик ташкилотига қарши кураш мақсадида PYD/YPGни тўлиқ ва очиқдан-очиқ қўллаб-қувватлади. Шунингдек, Суриядаги асосий куч яъни Асад режимини қўллаб-қувватловчи Россия ва Эроннинг мавжудлиги эди.

---

[1] Hasan B. Yalçın. Fırat Kalkanı’ndan Zeytin Dalı Harekatı’na. https://www.setav.org/firat-kalkanindan-zeytin-dali-harekatina/ 6 Şubat 2018. (Маълумот олинган сана: 14.03.2020); Fırat Kalkanı ve Zeytin Dalı harekatlarının bilançosu. https://www.evrensel.net/haber/388574/firat-kalkani-ve-zeytin-dali-harekatlarinin-bilancosu 09 Ekim 2019 (Маълумот олинган сана: 14.03.2020).

Б.Асадга дастлаб Эрон ёрдам бера бошлади. Чунки бу Эроннинг миллий хавфсизлиги Суриядан бошланиши тушунчаси билан боғлиқ эди. Зеро, Эрон диний етакчиси Ҳумайнининг фикрига кўра, Сурия АҚШга қарши курашда “олдинги чизиқ”ни ташкил этувчи муҳим бир давлатдир.[1] Кейинроқ, 2015 йилга келиб Россия Б.Асаднинг таклифига биноан Сурияда ИШИДга қарши курашда Асадга ёрдам бера бошлайди. Бу, вазиятни янада мураккаблаштиради. 2015 йил 24 ноябрда рус ҳарбий самолёти турклар томонидан уриб туширилиши вазиятни жуда қалтис ҳолатга олиб келади. 2016 йил 15 июлда Туркияда давлат тўнтаришга уриниш ва бунда Туркия ҳукумати АҚШдаги ФЕТО гуруҳининг бошлиғи Фетхуллах Гюленни айбдор деб топиши АҚШ ва Туркия муносабатларини кескинлаштиради. Бу, ўз навбатида, Туркия ташқи сиёсатида ўзгариш ясаб Россия ва Эрон билан яқинлаштиради. Сурияда тинчлик ўрнатиш ва ИШИДдан кейин можародаги тарафдорларни, яъни Озод Сурия Армияси (улар асосан сунний араблар ва турманлардан иборат эди) ва Асад режими билан музокара йўли орқали тинчликка эришишга киришади ва бунинг учун 2017 йилдан Остона музокаралар платформаси яратилади. Эндиликда Туркия аввалгидек Асад режимига қарши эканини очиқ тилга келтирмай, балки режимга қарши эмаслигини, аммо Озод Сурия Армияси тарафдорларининг хавфсизлигини кафолатлаш масалалари ҳамда шимолий Суриядаги курд жангариларини йўқ қилиш масалаларига эътибор қаратади.

Хулоса қилиб айтганда, минтақада этник ва диний конфессионал можаролар давлатларнинг ўзаро муносабатларида катта таъсирга эга бўлиб қолмоқда. Айниқса, курдлар масаласи бу борада тарихий жиҳатдан ўз таъсир кучига эга. Курдлар масаласи ҳам минтақавий ҳамда халқаро жиҳатдан долзарб бўлган ва минтақадаги жараёнларни бошқаришда муҳим омил бўлиб қолмоқда. Курдлар алоҳида давлат орзусида, лекин бу минтақа давлатлари

---

[1] Larrabee F.S. and Nader A. Turkish-Iranian Relations in a Changing Middle East. Rand Corporation, 2013. – P. 10-11.

томонидан қатъий босим остидадир. Шундай бўлса-да, АҚШ ва Исроил каби етакчи ва кучли давлатларнинг қўллаб-қувватлаши билан ҳозирдан бир нима дейиш қийин. Аммо шу нарса аниқки, илгари, яъни 1990 йилларда ва 2000 йиллар бошида Ироқ курдларигина минтақавий ва халқаро миқиёсда кўзга кўринган бир куч сифатида шаклланган бўлса, 2011 йилдан кейин бошланган "Араб баҳори" натижалари ИШИД террористик ташкилотининг ўртага чиқиши ва ИШИДга қарши мардановор курашлари туфайли Суриялик курдлар ҳам бугунги кунда кучли акторга айланган.

Минтақа давлатлари Туркия, Эрон, Сурия ва Ироқ курдларидан 90-йилларда бир-бирига қарши ишлатишда босим воситаси сифатида фойдаланди. Аммо 2003 йилдан кейин ушбу минтақа давлатлари бирлашиб ҳаракат қила бошлади, курд сепаратистларига қарши ҳамкорликни кучайтирди. Лекин 2011 йилдан кейин вазият яна ўзгариб, курдлар масаласида минтақа давлатлари алоҳида ҳаракат қила бошлади. Бу гал аввалгидек, курдлардан бир-бирига қарши ишлатиш кўринишида эмас. 2017 йил Ироқ курдларининг мустақиллик референдумига Туркия, Эрон ва Ироқ жиддий қаршилик кўрсатди. Суриядаги курдлар эса Ироқ курдлари каби автоном статусга эга бўлиш ниятида. Аммо Сурия томони қолаверса, Туркия бунга қарши чиқмоқда. Ҳозир вазият қандай ўзгариши номаълум. Аммо бунинг ечими осон бўлмайди. Чунки, PYD/YPGга АҚШ катта ваъдалар бериб қўйган бўлса, Туркия бу ташкилотларга қарши ҳар қандай ҳолатга тайёр турибди. Б.Асад ҳукумати ҳам курдлар билан муросага боришга шошилмаяпти. Унинг дарди ИШИД террор ташкилоти йўқ қилинганидан буён Туркия қўллаб-қувватлаётган Озод Сурия Армиясига қарши кураш бўлиб қолмоқда. Ўз навбатида, Туркия Озод Сурия Армияси тарафдорларига катта ваъдалар бериб қўйган.

## ХУЛОСА

Тадқиқот ишида Яқин Шарқ давлатларининг ижтимоий-сиёсий жараёнларида этник муаммолар ва курдлар муаммосини ўрганиш ва ушбу муаммоларни бартараф этиш борасида қуйидаги хулосаларга келинди:

*Биринчидан,* этник муаммо у ёки бу кўринишда деярли барча минтақаларда ва жамиятларда мавжуддир. АҚШдек дунёнинг энг бой давлатида ҳам қора танлиларга нисбатан ирқчиликнинг мавжудлиги, демократия ривожланган Европа давлатларида ҳам ирқчилик ва радикал миллатчиликнинг мавжудлигини кўришимиз мумкин. Баъзи давлатларда асосан демократия ривожланган давлатларда бу муаммонинг мавжудлиги очиқ муҳокама қилинаркан, баъзи давлатлар буни яширишга ёки бу ҳақда муҳокама юритмасликка ҳаракат қилади. Этник муаммонинг примордиал, инструментал ва конструктив кўринишда бўладими умуман унинг мавжудлиги инсон ва маълум бир инсон гуруҳи – жамиятининг, этносларнинг, миллатларнинг характери, тили, дини, маданияти, физиологик ва биологик кўринишлари ва фарқлиликлари инсон ёки жамият тарафидан доим ҳис қилиб туриши, инсон онги ва психологиясида буни мукаммал ўрнашиб олганлиги билан боғлиқдир. Инсон табиатидаги бундай омиллар сиёсийлашган пайтда ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларда яққол кўрина бошлаган пайтда муаммога айлана бошлайди. Айниқса, бугунги масс-медиянинг ривожланган пайтида бир инсоннинг бошқа бир инсон гуруҳи бўлган жамият ёки миллатга қарши ёмон фикр билдириши, социал тармоқларда ёзиши ҳақоратланган жамият ва миллат вакилларидан жиддий қарши реакциянинг ўртага чиқишига сабаб бўлади. Мазкур ҳолатлар этник муаммонинг доим долзарб ва баъзан таҳликали эканини билдиради.

*Иккинчидан,* этник муаммоларнинг мавжудлиги ёки уларни бартараф этишдаги қийинчиликлар бошқа жуда кўп омиллар билан ҳам ўлчанади. Масалан, дунёда ва давлатларда ресурсларнинг тақчиллиги ва шу дунёда ва давлатларда ресурсларнинг адолатли тақсимланмаганлиги, элиталарнинг

сиёсий мақсадларида маълум бир этник ва диний гуруҳга аҳамият қаратиши ёки улардан восита сифатида фойдаланиши, этник муаммонинг сепаратистик ва террористик ҳаракатлардан ажратувчи миллий ва халқаро ҳуқуқларда аниқ таъриф ва механизмлари мавжуд эмаслиги, ташқи кучларнинг у ёки бу минтақа ёки давлатга босим ўтказишда этник гуруҳлардан геосиёсий мақсадларда фойдаланиш каби ҳолатларнинг кўп учраши ва ҳоказо таъсир кўрсатувчи омиллар мавжуддир.

*Учинчидан,* Яқин Шарқ минтақаси узоқ вақтлардан буён этник ва диний можароларнинг "ўчоғи" бўлиб келмоқда. Минтақада турли этник гуруҳлар яшаши билан бирга дунёдаги асосий моноистик динларнинг (ислом, христиан ва яҳудий) пайдо бўлган макони ҳисобланиши, географик жиҳатдан уч қитъани (Осиё, Африка ва Европа) боғлаши, табиий ресурсларга бойлиги минтақа конфликтларининг характерини, сабабларини чизиб беради. Минтақада диний-конфессионал етакчилик учун шиа (Эрон), сунний (С.Арабистон ва Туркия) ва яҳудий (Исроил) курашлари, сиёсий кураш учун Эрон-Ироқ-Сурия учлиги, Саудия Арабистони-БАА-Миср учлиги, Туркия-Қатар иккилиги, Исроил-АҚШ иккилиги бирлашмаларини кўришимиз мумкин. Қолаверса, Эроннинг ядро қуроли борасидаги саъй-ҳаракатлари, бунга қарши Исроилнинг жиддий қаршиликлари, минтақада давлатларнинг ҳукуматлари, етакчилари борган сари миллатчи, радикал популист кўринишда ўсиб бораётганлиги минтақани янада таҳликага солиб қўймоқда. Бу геосиёсий курашларда этник-диний конфессионал омил, шунингдек курдлар омили муҳим аҳамият касб этмоқда.

*Тўртинчидан,* курдлар узоқ тарихга эга кўп сонли (тахминан 30-40 миллион) миллатдир. Қабилавий конфедерация шаклида яшаган курдлар тарихда ягона кучли бир давлат қура олмаган бўлса-да, миллий жиҳатдан ўзлигини йўқотмаган ва мустақил бошқарувга эга бўлиш учун исёнлар чиқариб келган халқдир. Шу боис, баъзи тарихчилар курдларни бўйсунмас жайдари халқ деб таърифлайди. Улар ўз қабиласи ва кланининг бошлиғидан

бошқа (хатто курд бўлса ҳам) халқларга, миллатларга бўйсунгиси келмайди. Шу туфайли бўлса керак, улар доим қабилавий кўринишда яшашган ва ўз қабиласининг эрки ва мустақиллиги учун курашиб келган. Бу ҳозирги замонгача давом этиб келаётган бўлиб, Ироқдаги Эрбил марказли курманжи шевасида гапирувчи курдлар М.Барзоний оиласига, шу Ироқнинг Сулаймония марказли сораний шевасида гапирадиганлар Талабоний оиласига, Туркиядаги курдлар Курд ишчи партияси (ПКК) етакчиси Абдулла Ўжаланга (1998 йил ҳибсга олинган) итоаткор, Эрон ва Сурия курдлари алоҳида ўз етакчиларига эга бўлиб, бу курдлар баъзан (Барзоний ва Талабоний) бир-бирларига қарши курашиб ҳам келган. Шундай бўлса-да, курдлар орасида айниқса, Европага иммиграция қилган курдлар орасида минтақадаги барча курдларни бирлаштирувчи буюк Курдистон давлатини қуриш ғояси мавжуддир. Айниқса, Суриядаги охирги сиёсий беқарорлик жараёни, Сурия курдларининг кучли ҳарбий-сиёсий позицияга эга бўлиб бораётганлиги буюк Курдистон ғоясини янада кучайтириб юборди. Шу боис, минтақада барқарорлик ва хавфсизлик кўп жиҳатдан курдларга ҳам боғлиқ бўлиб бормоқда.

*Бешинчидан,* курдлар минтақада "ўт чиқариши" мумкин бўлган АҚШ президенти Р.Рейган айтганидек, "керак пайтида фойдаланиш мумкин бўлган воситадир". Бир пайтлар Чор Россияси Усмонли турклар ва Эронга қарши курашда курдлардан фойдаланган бўлса, кейинчалик инглизлар ва яқин даврдан АҚШ (Саддам Ҳусайнга қарши курашда) курдлардан фойдаланиб келди. Бугунги кунда ҳам курдлар Туркия, Эрон, Ироқ ва Сурияга босим ўтказишда муҳим воситадир. Буни фарқига борган минтақа давлатлари курд сепаратизмига қарши биргаликда курашиш чораларини кўрмоқда. Бу айниқса, 2003 йил Ироққа АҚШнинг ҳарбий ҳаракатлари ва Ироқ Курдистонини қурилиши ва 2014 йилдан Суриядаги курдларнинг фаол сиёсий саҳнага кириб келиши билан минтақа давлатлари айниқса, Туркия бу масалада жиддий ташвишлана бошлади. Шундай бўлса-да, Туркиянинг ҳам

Сурияга, ҳам Ироққа босим ўтказа оладиган кўплаб имкониятлари бордир. Қолаверса, Туркиянинг Ўрта ер денгизида стратегик ўрингa эга экани, Ўрта ер денгизидан фойдаланишда Ливия билан ҳамкорлиги, Ўрта ер денгизидан ўтувчи ҳар қандай тижорий фаолиятлар ва лойиҳаларда Туркия ва Ливиянинг розилигисиз амалга ошмаслиги, Ўрта ер денгизи атрофида жойлашган ва асосий даромади шу орқали бўладиган Миср, Исроил, Сурия ва Ливаннинг Туркия ва Ливияга қарши иттифоқчилик тузиши ҳам мумкин.

*Олтинчидан,* курдлар муаммосини ҳал қилишда конструктивизм ва институционализм ёндашувларининг муҳимлигини кўришимиз мумкин. Ҳар қанча таҳликали кўрилган бўлса-да, Ироқда курдларга автоном бошқарув ҳуқуқининг берилиши Ироқда курдлар муаммосини чўзишга эришилди. Албатта, курдлар алоҳида мустақил давлат эълон қилиш бўйича референдум (2017 йил сентябрда) ўтказган бўлса-да, ҳеч қайси минтақа давлатлари ва хорижий давлатлар бу референдумни қонуний деб топмади ва қабул қилмади. Шундай бўлса-да, Ироқда курдлар муаммоси қисман баъзи масалаларга қарамай ўз ечимини топган. Туркияда ҳам курдлар муаммоси демократик принципларда ўз ечимини анча топди. Курд тилида иш юритиш, нашрлар қилиш аввалгидек босим ва таъқиб остида эмас. Шунингдек, курд миллатини акс эттирувчи сиёсий партия Халқлар демократик партияси тузилиб сайловларда фаол иштирок этиб келмоқда. Шундай бўлса-да, Туркияда ҳали ҳануз курд тилида дарс берувчи мактаблар йўқ. Сиёсий етакчилари тез тез таъқиб қилинади ва ҳибсга олинади. Шулардан бири масалан Салахиддин Демирташ ва бошқа кўплаб ХДП партияси вакилларини кўриш мумкин. Уларни ПККга билан ҳамкорлик ва алоқадорликда айблаб ҳибсга олинмоқда. Минтақанинг қолган давлатларида масалан, Эронда курдлар бошқа этник озчиликни ташкил этувчи азарий, белужий ва бошқалар каби ўз ҳақларида (масалан, она тилида таълим олиш, нашр билан шуғулланиш, суннийларни эркин эътиқод қилиши ва бошқа) кўплаб дискриминацияга учраб келади. Сурияда курдлар борлиги узоқ вақт тан

олинмади. Аммо бугунги кунда давлатдаги фуқаролик уруши кетаётган пайтда курдлар қуролланган ҳолда ўз ҳудудларида мустақил назоратни ўрнатган. Умуман олганда, курдлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш институционал ислоҳатларни демократик принципларда ривожлантириш ва этник озчиликларга ҳақлар бериш, сиёсий жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш, муаммоларни, конфликтларни музокаралар йўли билан бартараф этиш мақсадга мувофиқдир. Демократик ислоҳатлар қанча эрта ва самарали бошланса, шунча тез ва адолатли ҳолда этник муаммоларни олдини олган бўлади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. A.Vahap Uluç, Suriye Kürtleri: Türkiye Kürtleri'nin Devami. Journal of Sociological Research, Vol.19, No. 1, April 2016. – P. 197-199.
2. Abdulhalük Çay, Her Yönüyle Kürt Dosyası, Ankara, 1993. - S. 464.
3. Abdulvahap Akıncı. The Military Coup Tradition of Turkey: The 1960 and 1971 Interventions. Eskişehir Osmangazi Üniversitesi İİBF Dergisi, Nisan 2014, 9(1), 55- 72.
4. Abdurrahman Qasimlo, İran Kürdistanı, İstanbul: Belge Yayınları, 1. Baskı, 1991. – S. 4.
5. Ahmet Akgündüz. Osmanlı Kanunnameleri ve Hukuki Tahlilleri. Cilt. 3, İstanbul, 1991. – S. 205, 208.
6. Ahmet Buran. Kürtler ve Kürt Dili. Turkish Studies - International Periodical For The Languages, Literature and History of Turkish or Turkic. Volume 6/3 Summer 2011. – P. 44.
7. Ahmet Uysal, Ortadoğu'da Güç Kaybeden Demokrasi Karşıtı Blok. Ortadoğu (Middle East) Analiz, cilt 10, sayı 89, Eylül-Ekim 2019. – S. 8.
8. Ali Rıza Şeyh Attar. Kürtler, (Таржима. A. Dursunoğlu), İstanbul, 2004. – S. 17.
9. Alok Bansal, "Factors Leading to Insurgency in Balochistan", Small Wars & Insurgencies, Vol.: 19, No: 2, 2008. – P. 185-189.
10. Anderson Benedict, Imagined Communities Reflections on the Origin and Spread of Nationalism. London: Verso, 2006.
11. Anne Sofie Schøtt, The Kurds of Syria, Royal Danish Defence College, Copenhagen, June 2017. – P. 11.
12. Arakan and Big Powers Geopolitical Games. 16/02/2017 // https://www.thestateless.com/2017/02/arakan-and-big-powers-geopolitical-games.html
13. Arnav Mariwala, The Syrian Civil War, Regime of Bashar Al-Assad. Stanford Model United Nations Conference 2014. – P. 6.
14. Astourian Stephan H. "In Search of the Forefathers: National Identity and the Historiography and Politics of Armenian and Azerbaijani Ethnogenesis" in D. V. Schwartz and R. Panossian (ed.) Nationalism and History: The Politics of Nation Building in Post-Soviet Armenia, Azebaijan and Georgia University of Toronto: Centre for Russian and East European Studies, 1994. – P. 73.
15. Atilla Özsever. 15 Temmuz ve darbelerin anatomisi 21.07.2019 // https://www.birgun.net/haber/15-temmuz-ve-darbelerin-anatomisi-262465[1]
Autesserre S., Dangerous tales: Dominant narratives on the Congo and their unintended consequences. African Affairs, Vol. 111, Issue 443, April 2012. – pp. 202–222.
16. Aydemir Şevket Süreyya. Menderes'in Dramı. – İstanbul: Remzi Kitabevi, 7. Basım, 2000.

17. Bárbara Azaola Piazza. The Consolidation of Authoritarianism in al-Sisi's Egypt. Geographical Overview | Middle East and Turkey. IEMed. Mediterranean Yearbook 2018.

18. Baydur M., "Üniformalı Demokrasi", Yeni Türkiye, Yıl 3, Sayı 17, Eylül-Ekim, 1997. (s.306-322) – S. 309.

19. Bayram Sinkaya, Ortadoğu'da Asker-Siyaset İlişkisi ve Askeri Darbeler. Ortadoğu (Middle East) Analizi, cilt 8, sayı 76, Eylül-Ekim 2016. – s. 53.

20. BBC News, Isis rebels declare 'Islamic state' in Iraq and Syria, 30 June 2014.

21. Benedikter Thomas, The World's Modern Autonomy Systems: Concepts and Experiences of Regional Territorial Autonomy, EURAC Research, Bolzano, 2009. – P. 15.

22. Bermeo N., "The Import of Institutions", Journal of Democracy, No13 (2), 2002. – pp. 96-110.

23. Bernard Lewis, The Middle East: 2000 Years of History from the Rise of Christianity to the Present Day. Weidenfeld & Nicolson, 2001.

24. Bilgehan A. Gökdağ and M. Rıza Heyet, Iranian Turks' Identity Problem (İran Türklerinde Kimlik Meselesi). Bilig, Summer / 2004, No 30: 51-84.

25. Blaga Rafael, İran Halkları El Kitabı. İstanbul, 1997. – S. 272.

26. Blagoevic Bojana, Ethnic Conflict and Post-Conflict Development Peacebulilding in Ethnically Divided Societies, PhD. Dissertation, The State Universit of New Jersey: U.S.A., 2004. – P. 55.

27. Bois Th., Minorsky V., Mac Kenzie D.N. Kürtler ve Kürdistan. Kamuran Fıratlı (инглизчадан туркчага) таржимаси. İstanbul: Doz Yayınları, İkinci Baskı, 2004. – S. 99-100.

28. BP Statistical Review of World Energy, 2019 | 68 th edition // https://www.bp.com/content/dam/bp/business-sites/en/global/corporate/pdfs/energy-economics/statistical-review/bp-stats-review-2019-full-report.pdf

29. Brass P. R., The Production of Hindu-Muslim Violence in Contemporary India Seattle: University of Washington Press Brass, 2003.

30. Campbell David, "Geopolitics and Visuality: Sighting the Darfur Conflict" Political Geography, 26(4), 2007. – P. 363.

31. Carla E. Humud and others, Armed Conflict in Syria: Overview and U.S. Response. Congressional Research Service, March 25, 2019. – P. 2.

32. Catesby Holmes, Myanmar charged with genocide of Rohingya Muslims: 5 essential reads. December 11, 2019. // http://theconversation.com/myanmar-charged-with-genocide-of-rohingya-muslims-5-essential-reads-128742

33. Çelebi'nin Gözüyle Kürtler ve Kürdistan. Artuklu Akademi | Journal of Artuklu Academia 2015/2(1). – S.46.

34. Chandra K. (ed.) Constructivist Theories of Ethnic Conflict. Oxford: Oxford University Press, 2012.

35. Chandra K., Why Ethnic Parties Succeed: Patronage and Ethnic Head Counts in India. UK: Cambridge University Press, 2004.

36. Chandra Kanchan, “Cummulative Findings in the Study of Ethnic Politics”, APSA-CP, 12(1), 2001. – P. 7.
37. Clémence Scalbert-Yücel, “Emergence and Equivocal Autonomization of a Kurdish Literary Field in Turkey”, The Journal of Nationalism and Ethnicity, Vol. 40, No. 3, May 2012, p. 370.
38. Cohen Abner, Introduction: The Lesson of Ethnicity, in Cohen Abner (ed.), Urban Ethnicity, London: Tavistock Publications, 1974. – pp. xiv-xvii.
39. Collier P. and Hoeffler A., “On the Economic Causes of Civil War”. Oxford Economic Papers, 50(4), 1998. – pp. 563-573.
40. Collier Paul, Greed and Grievance in Civil War. March 13, 2002. / https://www.csae.ox.ac.uk/materials/papers/2002-01text.pdf
41. Connor Walker, Ethnonationalism: The Quest for Understanding. Princeton, Princeton University, 1994; Bowman Glen, “Xenophobia, Fantasy and the Nation: The Logic of Ethnic Violence in Former Yugoslavia”, in Victoria Goddard, Josep R. Llobera and Chris Shore, (eds.) The Anthroplogy of Europe: Identity and Boundaries in Conflict. Washington, D.C.: Berg Publishers, 1994. – pp. 143-171.
42. Cornell S. and Hartman D., Ethnicity and Race: Making Identities in a Changing World. London: Pine Forge Press, 1998. – P. 151.
43. Crawford B. & Lipschutz R., The Myth of ‘Ethnic Conflict’: Politics, Economics, and ‘Cultural’ Violence, University of California International and Area Studies Digital Collection, Research Series, Vol 98, 1998; J Mueller, ‘The banality of “ethnic war”, International Security, 25 (1), 2000, pp 43–72; Bruce Gilley, Against the concept of ethnic conflict, FEATURE REVIEW, Third World Quarterly, Vol. 25, No. 6, 2004, pp. 1155-1166.
44. Crawford Beverley, The Causes of Cultural Conflict: Assessing the Evidence, in Crawford, Beverley; Lipschutz, Ronnie D. (eds.), The Myth of Ethnic Conflict: Politics, Economics and Cultural Violence, Berkeley: University of California Press, 1998. – P. 517.
45. Cumhuriyet Dönemi Darbelerin Türk Demokrasisi ve Çağdaşlaşmasina Etkileri Üzerine Bir İnceleme. The pursuit of history-internatıonal periodical for history and social research. Year: 2016, Issue: 15. P. 5.
46. Dauda Abubakar, “Ethnic Identity, Democratization, and the Future of the African State: Lessons from Nigeria”. African Issues 29, 2001. – P. 32.
47. David A. McDowall, Modern History of the Kurds. London, I. B. Tauris, Third edition, 2004. – P. 6.
48. David Butter. Egypt and the Gulf: Allies and Rivals. Research Paper, Middle East and North Africa Programme | April 2020. Nebi Miş & İsmail Numan Telci. From Revolution to Coup: Military Tutelage in Egypt. Ortadoğu Analizi, Ağustos, 2013 - Cilt: 5 - Sayı: 56.
49. Encyclopaedia Britannica, Iran-Iraq War, 15 September 2018 // https://www.britannica.com/event/Iran-Iraq-War
50. Erdoğan 'Kürdistan, lazistan' dedi // https://www.youtube.com/watch?v=42hGNrlUWsI

51. Erdoğan: Türkiye'de Kürdistan diye bir bölge mi var? // http://www.cumhuriyet.com.tr/video/video/1264066/Erdogan__Turkiye_de_Kurdistan_diye_bir_bolge_mi_var_.html
52. Eriksen T. H., Ethnicity and Nationalism: Anthropological Perspectives. London: Pluto Press. Second edit. 2002. – P. 15-25.
53. Ernest Gellner, Nations and Nationalism (first edition 1983). Cornell University Press, 2008.
54. Esteban Joan, Laura Mayoral and Debraj Ray. “Ethnicity and Conflict: An Empirical Study”, American Economic Review, 102(4), 2012. – pp. 1310-1342.
55. Fabio Belafatti, Ethnic tensions in Central Asia: autochthonous and Russian minorities / http://www.geopolitika.lt/?artc=6569 (Эришилган тарих: 03.10.2019 й.)
56. Faik Bulut, Kürt Dilinin Tarihçesi. –İstanbul, 1993. – S. 72.
57. Faysal Dağlı, Birakuji, (Kürtlerde İç Savaş). İstanbul: Belge Yayınları, 1994. – S. 15-16.
58. Fearon James D. “Rationalist Explanations for War”. International Organization, 49(3), 1995. – pp. 379-414.
59. Fearon James D. and David D. Laitin. “Explaining Interethnic Cooperation.” The American Political Science Review 90, No. 4, December 1996. – pp. 715-735
60. Ferejohn John, “Rationality and Interpretation: Parliamentary Elections in Early Stuart England” in K. Renwick Monroe (ed.) The Economic Approach to Politics: A Critical Reassessment of the Theory of Rational Action New York: Harper Collins, 1991. – P. 285.
61. Fernando R. Teson, Ethnicity, Human Rights, & Self-Determination, in International Law and Ethnic Conflict, by David Wippman, Ithaca: Cornell University Press, 1998, pp. 86-111.
62. Francis O’Connor, The Kurdish Movement in Turkey: Between Political Differentiation and Violent Confrontation. Peace Research Institute Frankfurt (PRIF), 2017. – P. 3.
63. Gareth R.V. Stansfield, Iraqi Kurdistan Political Development and Emergent Democracy. Routledge Curzon, London: 2003. – P. 45-46.
64. Gary Kent, “Historic Debate Secures Parliamentary Recognition of the Kurdish Genocide”, Kurdish Globe, 4 March 2013 available at http://www.kurdishglobe.net/display-article.html?id=EC4433DC33891089606A7F8EE47809D5; Laura Pitel, “MPs recognise Saddam Hussein’s Kurdish massacre as genocide”, The Times, 1 March 2013 available at http://www.thetimes.co.uk/tto/news/world/middleeast/iraq/article3702975.ece?CMP=OTH-gnws-standard-2013_03_01
65. Geertz Clifford, Interpretation of Cultures. New York: Basic Books, 1973; Walker Connor, Ethno-nationalism. Princeton: Princeton University Press, 1994; Steven Grosby, “The verdict of history: The inexpungable tie of primordiality – a

response to Eller and Coughlan”, Ethnic and Racial Studies, vol. 17, No2, 1994. - P. 164-171.
66. Geertz Clifford, The Interpretation of Cultures. New York: Basic Books, 1973. – P. 260.
67. Glazer Nathan, “Book Review Understanding Ethnic Conflict: Ethnic Groups in Conflict” Columbia Law Review, 86(2): 1986. – P. 429.
68. Guardian (The), Obama: “We don't have a strategy yet” to combat Isis militants, 28 August 2014; US, CRS, The “Islamic State” Crisis and U.S. Policy, 22 October 2014.
69. Guardian (The), The Iraq legacy: the awakening, 21 March 2008.
70. Gurr T. R., Moore W. H., Ethnopolitical Rebellion: A Cross-Sectional Analysis of the 1980s with Risk Assessments for the 1990s, American Journal of Political Science, 1997.
71. Hakan Boz, “Belucistan, Orta Asya’nın Kürdistan’ı Mı?”, 21. Yüzyıl Dergisi, No. 36, Aralık 2011. - S. 55.
72. Hakkı Uygur, 1953 Darbesi ve Hatırlattıkları. Ortadoğu’da Darbeler (Яқин Шарқда инқилоблар) ичида. Ortadoğu (Middle East) Analizi, cilt 8, sayı 76, Eylül-Ekim 2016. – s. 15-17.
73. Hakkı Uygur, ўша жойда; Pınar Arıkan, İran, Musaddık ve Darbe. Ortadoğu (Middle East) Analizi, cilt 8, sayı 76, Eylül-Ekim 2016. – s. 19-21.
74. Hannum H., “Territorial Autonomy: Permanent Solution or Step towards Secession?” 2004. Манба: Paul Anderson and Soeren Keil, юқоридаги манба.
75. Hardin R., One For All: The Logic of Group Conflict. Princeton: Princeton University Press, 1995.
76. Haydar Gölbaşı, “Modernleşmeyi Engelleyen Arkaik Bir Çatışma Sorunu: Alevi-Sünni Çatışmasının Arka Planı” C.Ü. İktisadi ve İdari Bilimler Dergisi, Cilt 9, Sayı:1, 2008. S. 50-51.
77. Henri J. Barkey and Graham E. Fuller, Turkey’s Kurdish Question, Maryland: Rowman & Littlefield Publishers 1998. – P. 5.
78. Henri J. Barkey and Graham E. Fuller, Turkey’s Kurdish question, Rowman & Littlefield Publishers. New York, 1998. – P. 15.
79. Heper M., “Türkiye’de Devlet, Demokrasi Geleneği ve Silahlı Kuvvetler”, Davut Dursun; Hamza Al (der.), Türkiye’de Yönetim Geleneği, İlke Yayıncılık, İstanbul, 1998. (s.209-233) – S. 210.
80. Heper M., Türkiye’de Devlet Geleneği. Инглизчадан туркчага таржима қилган Nalan Soyarık. Doğu Batı Yayınları, 2006. – S. 102.
81. Hogg Michael A. and Vaughan Graham M., Social Psychology. Pearson 7 edit. London, 2013.
82. Holm J. D. and Molutsi P.P., “State-Society Relations in Botswana: Beginning Liberalization” in G. Hyden and M. Bratton (eds.) Governance and Politics in Africa Boulder and London: Lynne Rienner, 1992. – pp. 75-95.

83. Hong Jae Woo, Power-Sharing Solutions on Ethnic Conflicts: A comparative analysis of institutional effects on ethnic politics. The Korean Journal of International Relations, Vol. 45, No 5, 2005. – P. 10.

84. Horowitz Donald L., Ethnic Groups in Conflict. Berkeley, CA: University of California Press. 1985. – P. 588; Lijphart Arend, Democracy in Plural Societies. New Haven: Yale University Press, 1977; Kaufmann Chaim, “When All Else Fails” International Security (Fall), vol. 23, no. 2, 1998. – pp. 120-156.

85. Hossien Mohammadzadeh, The causes of ethnic conflict in Multi-ethnic societies. WSN 42, 2016. – pp. 156-166.

86. HRW, Endless Torment: The 1991 Uprising in Iraq and its Aftermath, June 1992 // https://www.hrw.org/legacy/reports/1992/Iraq926.htm

87. Human Rights Watch. Burma “II. Historical Background”, https://www.hrw.org/reports/2000/burma/

88. İhsan Şerif Kaymaz. Emperyalizmin “Kürt” Kartı (“Kurdish” Card of Imperialism). Ankara, Gazi Akademik Bakış. Cilt 1, Sayı 1, Kış 2007. – S. 165-166.

89. İsmail Hakkı Uzunçarşılı, Osmanlı Tarihi, II. Cilt. Ankara: Türk Tarih Kurumu Yayınları, 1998, s. 344.

90. Jemal Nebez, The Kurds: History and Culture. London, 2004. – P. 7.

91. John Dryzek “Political Inclusion and Dynamism of Democratization,” American Political Science Review. 90:2 (1996), p.486. Манба: Hong Jae Woo, ўша жойда.

92. Joseph Holliday. The Assad Regime: From Counterinsurgency to Civil War. ISW: Middle East Security Report 8, 2013; Hugo Slim and Lorenzo Trombetta. Syria Crisis Common Context Analysis. United Nations Office for the Coordination of Humanitarian Affairs, New York, 2014.

93. Juergensmeyer Mark, Global Rebellion: Religious Challenges to the Secular State. University of California Press, Berkeley, 2008.

94. Karen Culcasi. “Locating Kurdistan”, Borderlines and Borderlands, Alexander C. Diener, Joshua Hagen (ed.), Rowman & Littlefield. Lanham, 2010. – P. 108.

95. Kaufman Stuart J., Modern Hatreds: The Symbolic Politics of Ethnic War Ithaca, NY: Cornell University Press, 2001. – P. 6.

96. Kenneth Katzman. Iraq: Post-Saddam Governance and Security. Congressional Research Service, October 28, 2009.

97. Kenneth McRoberts, “Canada and the Multinational State”, Canadian Journal of Political Science, Vol. XXXIV, No. 4, 2001. – P. 687.

98. Kurdistan: An Invisible Nation. Edited by Stefano M. Torelli. ISPI, Milano, 2016. – P. 22.

99. Kürtçe yayın dünyasının dünü bugünü // http://www.haber7.com/kitap/haber/744872-kurtce-yayin-dunyasinin-dunu-bugunu

100. Laitin D. and Sunny R. G., “Armenia and Azerbaijan: Thinking a Way out of Karabakh” Middle East Policy, 7(1), 1999. – P. 153.

101. Lijphart Arend. Patterns of Democracy: Government Forms and Performance in Thirty-Six Countries. New Haven: Yale University Press, 1999.
102. Louis B. Sohn, “The Concept of Autonomy in International Law and the Practice of the United Nations”, Israel Law Review, Vol.15, 1980. – P. 189.
103. Maçoğlu, belediyenin 'Dersim' kararı hakkında konuştu: Türkiye'nin birçok yerinde kullanılmadı mı? // https://www.bbc.com/turkce/haberler-dunya-48387927 (23 Mayıs 2019).
104. Martin van Bruinessen, Ağa, Şeyh, Devlet, Туркчага таржима: Banu Yalkut. İletişim Yayınları, 6. Baskı, İstanbul: 2013. – S. 55.
105. Martin Van Bruinessen, Kürtlük, Türklük, Alevilik-Etnik ve Dinsel Kimlik Mücadeleleri, çev. Hakan Yurdakul. İstanbul: İletisim Yayınları, 8. Baskı, 2009. – P. 119-121.
106. Michael Eppel. The Kurdish Emirates: Obstacles or precursors to Kurdish nationalism? Routledge Handbook on the Kurds (ed. Michael M. Gunter). London, 2019. – P. 37.
107. Michael M. Gunter, “A De Facto Kurdish State in Northern Iraq”, Third World Quarterly, V. 14, No. 2 (1993), p. 295-319.
108. Michael M. Gunter, The Kurds Ascending. Palgrave MacMillan, New York: 2008. – P. 19-35.
109. Michael M. Gunter. “The Kurds Ascending”, New York: Palgrave Macmillan, 2008. – P. 3.
110. MIDDLE EAST ONLINE: IRAQ, 1914-1974. The National Archives of the UK // https://www.gale.com/binaries/content/assets/gale-us-en/primary-sources/archives-unbound/primary-sources_archives-unbound_middle-east-iraq-1914-1974.pdf
111. Military coup in Iraq ousts monarchy - archive, 1958 // https://www.theguardian.com/world/2017/jul/26/iraq-revolution-ousts-monarchy-1958
112. Mouffe Chantal, On the Political. London; New York: Routledge, 2005. – P. 130.
113. Muhammed Saleem Mazhar and others, “Balochistan: From Strategic Significance to US Involvement”, Journal of Political Studies, Vol.: 19, 2012. – P. 113.
114. Muş'ta HDP'nin il eş başkanları tutuklandı // https://www.aa.com.tr/tr/turkiye/musta-hdpnin-il-es-baskanlari-tutuklandi/1557308 (15.08.2019)
115. Myanmar Rohingya: Suu Kyi accused of 'silence' in genocide trial. 12 December 2019. // https://www.bbc.com/news/world-asia-50763180
116. Myanmar: Hearings Begin in Genocide Case: International Court of Justice to Hear Gambia’s Evidence of Threats to Rohingya. December 10, 2019 // https://www.hrw.org/news/2019/12/10/myanmar-hearings-begin-genocide-case

117. Myanmar's Rohingya say 'world will judge' Suu Kyi's denial of genocide. https://www.theguardian.com/world/2019/dec/12/myanmars-rohingya-say-world-will-judge-suu-kyis-denial-of-genocide
118. Nihat Ali Özcan, PKK (Kürdistan İşçi Partisi) Tarihi, İdeolojisi ve Yöntemi. ASAM Yayınları, 1999. – S. 33.
119. Ondřej Dočkal, Current Crisis in Syria. Model NATO, AMO Research Center, 2012. – P.2.
120. Paul Anderson and Soeren Keil, Federalism: A Tool For Conflict Resolution? March, 2017 // https://www.researchgate.net/publication/317013058_Federalism_A_Tool_for_Conflict_Resolution
121. Peck C., Substantial Peace, The role of the UN and Regional Organization in preventing conflict. Rowman & Littlefield publisher. 1998. – P. 25-29.
122. Peter Waldman, A Historian's Take on Islam Steers U.S. in Terrorism Fight: Bernard Lewis's Blueprint -- Sowing Arab Democracy -- Is Facing a Test in Iraq. *THE WALL STREET JOURNAL*, Feb. 3, 2004. // https://www.wsj.com/articles/SB107576070484918411
123. Pew Research Center, Many Countries Favor Specific Religions, Officially or Unofficially, OCTOBER 3, 2017. // https://www.pewforum.org/2017/10/03/many-countries-favor-specific-religions-officially-or-unofficially/
124. Phinney, J. Ethnic identity in adolescents and adults: A review of research. Psychological Bulletin, № 108, 1990. – pp. 499–514.
125. Pierre van den Berghe, "Does race matter?", Nations and Nationalism, vol. 1, No3, 1995. – pp. 359-368.
126. Prazauskas Algis, Ethnic Conflicts in the Context of Democratizing Political Systems: Theses, Theory and Society 20(5), 1991. – P. 582.
127. Premdas Ralph, Introduction: The Anatomy of Ethnic Conflict: Domination Versus Reconciliation, in Premdas, Ralph (ed.), The Enigma of Ethnicity: Race in the Caribbean and the World, Newtown: Paria, 1993. – pp. 8-9.
128. Prunier Gerard, From Genocide to Continental War: The 'Congolese' Conflict and the Crisis of Contemporary Africa. London: Hurst Publishers, 2009. – pp. 11-13.
129. Radwan Ziadeh, The Kurds in Syria: Fueling Separatist Movements in the Region? United States Institute of Peace, Special Report 220, April 2009. – P. 2.
130. Ralf Dahrendorf, Sıvremenniyat Sotsialen Konflikt, Tsentır za İzsledvane na Demokratsiyata, Sofiya, 1993. – P.214
131. Rayila M., The Pain of a Nation: The Invisibility of Uyghurs in China Proper. The Equal Rights Review, Vol. Six, 2011. // https://www.upr-info.org/followup/assessments/session17/china/China-BAI-annex.pdf (Маълумот олинган сана: 11.01.2020)

132. Robin Mills, Under the Mountains: Kurdish Oil and Regional Politics. Oxford Institute for Energy Studies, January 2016. – P. 17.
133. Roşan Lezgin, “Zazalar Nedir, Ne Değildir?”, http://www.zazaki.net/haber/zazalar-nedir,-ne-degildir--1375.htm (12.08.2019)
134. Rosel Jakob, Nationalism and Ethnicity: Ethnic Nationalism and the Regulation of Ethnic Conflict, in Turton David (ed.), War and Ethnicity: Global Connections and Local Violence. San Francesco: Boydell Press, 2002. – pp. 158-159.
135. Rosemary Hollis, 2005; Aylin Güney and Fulya Gökcan, 2010. Юқоридаги манбалар.
136. Ruane Joseph and Todd Jennifer, “The Roots of Intense Ethnic Conflict May Not infact be Ethnic: Categories, Communities and Path Dependence”. European Journal of Sociology, 45(2), 2004. – pp. 1-22.
137. S. James Anaya, A Contemporary Definition of the International Norm of Self-determination, 3 Transnat’l L. & Contemp. Probs., 1993. – pp. 131-132.; Morton H. Halperin et al., Self-determination in the New World Order, 1992. – pp. 123-160.
138. Saas Eddin Ibrahim. Sects, Ethnicity, and Minority Groups in the Arab World (in Arabic), Cairo: Ibn Khaldoun Center, 1994. – pp.15-18.
139. Salhi Amiry, Management of ethnic conflicts in Iran. Strategic center, Tehran. 2005.
140. Saraçli Murat, Minorities in Iran (İran’da Azinliklar). P. 15-16 // http://www.akademikortadogu.com/belge/ortadogu4%20makale/murat_saracli.pdf
141. Selahattin Demirtaş Neden Tutuklandı? // https://www.haberler.com/selahattin-demirtas-neden-tutuklandi-8940496-haberi/ (эришилган тарих: 10.08.2019)
142. Simone Tagliapietra, The impact of the global energy transition on MENA oil and gas producers. Energy Strategy Reviews, № 29, 2019.
143. Smith Anthony D., The Ethnic Origins of Nations. Wiley-Blackwell, 1991. – P. 200-205.
144. Suriye’nin kuzeyinde hangi güçler bulunuyor? PYD, YPG, SDG ve Milli Ordu nedir? // https://tr.euronews.com/2019/10/16/suriye-nin-kuzeyinde-hangi-gucler-bulunuyor-pyd-ypg-sdg-ve-milli-ordu-nedir / 16/10/2019
145. Syrian Civil War // The Editors of Encyclopaedia Britannica https://www.britannica.com/event/Syrian-Civil-War
146. Taha Özen, Hatem Ete, Kürt Meselesi: Problemler ve Çözüm Önerisi. SETA Analizi, No1 Kasım, 2008. – S. 5.
147. The Editors of Encyclopaedia Britannica https://www.britannica.com/event/Syrian-Civil-War
148. The works of John C. Calhoun. New York, 1863. См. цит. источ. Графский В.Г. Политические и правовые учения в США в XVIII-XIX вв. // История политических и правовых учений. - М., 1997. - С. 393-395.

149. Thomas Lum, Uyghurs in China. In Focus, June 18, 2019. // https://fas.org/sgp/crs/row/IF10281.pdf .
150. Thomas M. Franck, The Emerging Right to Democratic Governance. The American Journal of International Law, Vol. 86, No. 1. (Jan., 1992), pp. 46-91.
151. Timothy Sisk, Power Sharing and International Mediation in Ethnic Conflicts, (New York: Carnegie Corporation, 1996).
152. Toft Monica D., The Geography of Ethnic Violence: Identity, Interests, and the Indivisibility of Territory Princeton: Princeton University Press, 2003.
153. Türkiye Cumhuriyeti Anayasası 18/10/1982. https://www.mevzuat.gov.tr/MevzuatMetin/1.5.2709.pdf
154. Ulrike Dufner, Semahat Sevim, Kürt Meselesinin Çözümüne İlişkin Algılar, Aktörler ve Süreç. İstanbul, 2013. – S. 9.
155. UNPO, Iranian Kurdistan // https://unpo.org/members/7882
156. USDOS, Country Reports on Human Rights Practices for 2002 – Iraq, 31 March 2003.
157. Van Evera Stephen, "Primordialism Lives!", APSA-CP: Newsletter of the Organized Section in Comparative Politics of the American Political Science Association, Vol. 12, No.1, 2001. – P. 20.
158. Varshney Ashutosh, Ethnicity and Ethnic Conflict, 2009. – P. 282 http://ashutoshvarshney.net/wp-content/files_mf/varshneyethnicityandethnicconflict.pdf
159. W. Jwaideh, The Kurdish National Movement. Its Origins and Developments, Syracuse University Press, New York, 2006, pp. 75-101.
160. Wadie Jwaideh, The Kurdish National Movement: Its Origins and Development (Contemporary Issues in the Middle East). Syracuse University Press, 2006. – P. 315-395.
161. Walter Little, "Democratization in Latin America, 1980-95" in David Potter, David Goldblatt, et al. (eds) Democratization United States of America: Blackwell Publishers, 1997.
162. Wedeen Lisa, The Ambiguity of Domination. Politics, Rhetoric, and Symbols in Contemporary Syria. University of Chicago Press, 1999. – P. 73.
163. Weir Naomi, "Primordialism, Constructivism, Instrumentalism in Rwanda", 2012. http://www.academia.edu/1526597/Primordialism_Constructivism_Instrumentalism_and_Rwanda
164. Welsh David, "Domestic Politics and Ethnic Conflict", Ethnic Conflict and International Security, Michael E. Brown (Ed.), Princeton University Press, Princeton, New Jersey, 1993. – P.56.
165. Wimmer Andreas, "The Making and Unmaking of Ethnic Boundaries: A Multi-level Process Theory", American Journal of Sociology, 113(4), 2008.

166. Yuval-Davis N., Gender and Nation. London: Sage Publications, 1997. – P. 92

167. Ziya Gökalp. Kürt Aşiretler Hakkında Sosyolojik Tedkikler. İstanbul, Bilgeoğuz Yayınları, 2013. – S. 43.

168. Ближневосточная нефть: «Газпром нефть» начала добычу в Ираке. Журнал «ГАЗПРОМ» №11, ноябрь 2014. – С. 7-8.

169. Ваким Дж., Кузнецов А.А., Геополитическое измерение сирийского конфликта. Вестник РУДН, серия «Международные отношения», том 16, № 3, сентябрь 2016; Евстратова Ю.А. Советско-Сирийские отношения и формирование Ближневосточной региональной среды. Вестник РГГУ. 2011.

170. Гасратян М. А. Курды Турции в новейшее время. Ереван: Айастан, 1990. – С. 261.

171. Гладырь М.В. Внутренние факторы эволюции курдского вопроса. // http://www.pglu.ru/upload/iblock/2d1/p140007.pdf

172. Екатерина Чулковская. Год попытке переворота в Турции: что это было и что из этого стало. 17.07.2017 // https://carnegie.ru/commentary/71552

173. Еллинек Г. Общее учение о государстве // Антология мирово политической мысли. В 5 т. - М.,1997, Т. 1. - С. 821.

174. Жигалина О.И. Курдский вопрос в Иране. Курдский вопрос на рубеже тысячелетий (круглый стол 19.02.2004 г.) М., 2004. – С. 82.

175. История Курдистан. (ред.) М.С.Лазарев, Ш.Х.Мгои. М., 1999. – С. 318-324.

176. Камраков А.А. Этноконфессиональные меньшинства в политическом процессе Большого Ближнего Востока: особенности институционального развития и диаспоральной деятельности. Дисс. к.п.н. Нижний Новгород, 2009. – С. 19.

177. Каримов Ф. Э. Яқин Шарқдаги этносиёсий муаммолар ва минтақавий хавфсизлик масалалари: Монография. – Т., 2016. – 249 б..

178. Лазарев М.С. Внутрикурдские конфликты: происхождение и развитие. Сборник стат. (ответ. ред.) О.И.Жигалина, КУРДСКИЙ ВОПРОС В ЗАПАДНОЙ АЗИИ В НАЧАЛЕ XXI ВЕКА. М., 2006. – С. 25.

179. Президент Дональд Трампнинг твиттери: https://twitter.com/realDonaldTrump/status/1185934502906007552

180. Руссо Ж.Ж. Об общественном договоре, или Принципы политического права //Об общественном договоре. Трактаты. - М., 1998. - С. 210-211.

181. Тер-Минасова С.Г. Язык и национальная безопасность (современный аспект проблемы) // Ценности и смыслы. № 6(9). - М., 2010. – С.31.

182. Тибет Абак. «Курдский Вопрос» и Россия: исторические истоки и реалии ребежа XIX – XX вв./Абак Тибет // Российские и славянские

исследования: Сб. науч. статей. Вып. 5 /Редкол.: О. А. Яновский (отв. ред.) и др. — Мн.: БГУ, 2010. — С. 59.

183. Управление этническим многообразием и межэтническими отношениями / Учебное пособие/ Под общей редакцией профессора Акматалиева А.А. – Бишкек, 2012. – С. 58.

184. Устав ООН // http://www.un.org/ru/documents/charter/chapter1.shtml.

КАРИМОВ Фарход Эркинович

# ЯҚИН ШАРҚДА ЭТНИК КУРДЛАР МУАММОСИ

*Монография*

**Муҳаррир:** С.Т.Саидолимов

**Компьютерда терувчи:** З.Б.Толипова

**Саҳифаловчи:** Ш.Қ.Толипов